

АХМЕТ БАЙТҰРСЫНҰЛЫ
ӘТЕНДЕР


Ті

ТІЛ БІЛІМІ
ИНСТИТУТЫ

1758

1758

Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ



АХМЕТ БАЙТҰРСЫНҰЛЫ
СТЫНДАҒЫ



ТІЛ БІЛІМІ
ИНСТИТУТЫ

ЎзССР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ МИНИСТРЛИГИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ш. РАҲМАТУЛЛАЕВ

ЎЗБЕК ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИНГ
БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Фразеологик бирдикларда полисемия,
синонимия, вариация, антонимия, омонимия
ва омонимиклик

ЎЗ
ТІЛ БІЛІМІ
ИНСТИТУТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР «ФАН» НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ — 1966

Ўзбек тилининг фразеологик бойлигини ўрганишга бағишланган бу китобда фразеологик полисемия, фразеологик синонимия, фразеологик вариация, фразеологик антонимия, фразеологик омонимия ва фразеологик омонимиклик ҳодисалари жуда бой фактик материал асосида баён қилинган. Бундай текшириш туркий тиллар бўйича ҳали амалга оширилмаган. Шу сабабли бу китобнинг назарий ва амалий аҳмияти ўзбек тилишунослиги доираси билан меҳнатлидир.

Китоб туркологларга, шу жумладан ўзбекшуносларга, аспирантларга, оқил дунё юрти ўқитувчилари ва юқори курс студентларига, мактаб ўқитувчиларига, нутқ пелуби, нутқ маданияти билан қизиқувчи барча кишиларга мўлжалланган.

Масъуд муҳаррир
доцент И. А. КИССЕН

ТБІ
ТІЛ БІЛІМІ
ИНСТИТУТИ

СУЗ БОШИ

4815

Фразеология тилшунослик фанининг мустақил соҳаси деб таърифланади. Ҳали ҳам фразеологиянинг ҳажми, ўрганиш объекти масаласи атрофида мунозаралар бўлиб турганига қарамай, олимлар фразеологик бойлиқни турли нуқталардан ёндашиб ўрганишни давом эттирмоқда. Ана шундай конкрет текширувлар ўтказиш натижасидагина умумий масалаларни ҳал қилиш мумкин. Бунинг энг яхши далили фразеология билан шугулланувчи олимларнинг эндиликда фразеологиянинг ҳажмини тор тушуниш тарафдори бўлиб чиқётганлигидир¹. Конкрет текширувда тахминий, юзаки фикр юритишга йўл беркилади, фикр-мулоҳазалар бой фактик материални бевосита синчиклаб ўрганиш натижасида шаклланади. Энг асосли, энг объектив фикр — тил фактларининг узидан келтириб чиқарилган фикр. Шу сабабли бу китоб автори конкрет тематика бўйича ишлашни афзал топди.

Тил бирлиги сифатида ибораларнинг кўпинча грамматик структураси ўрганилади. Ибораларни луғавий birlik сифатида текширишлар эндигина бошланаётир. Шу сатрлар автори ҳам ҳозиргача ўзбек тили фразеологик бойлигининг асосан грамматик хусусиятларини тадқиқ қилган. Бу китоб билан ўзбек тили фразеологик birlikларини луғавий birlik сифатида ўрганиш бошлаб берилади.

Лексик birlikларда дастлаб лексик маъно билан танишилади. Фразеологик birlikларда ҳам, табиий, дастлаб фразеологик маъно ўрганилиши лозим. Шунга кўра автор биринчи навбатда диққатни фразеологик полисемияга жалб қилади. Фразеологик полисемияни ўрганмай туриб, фразеологик birlikлардаги синонимия, антонимия каби қатор бошқа ҳодисаларни тўғри текшириб бўлмайди.

¹ «Проблемы фразеологии. Исследования и материалы» (Изд-во «Наука», М.—Л., 1964) тўпламидаги мақолаларни ўқинг.

Демак, луғавий маънони (лексик маънони, фразеологик маънони) ўрганиш луғавий синонимия, луғавий антонимия каби ҳодисаларни ўрганишга бевосита йўл очади. Шу сабабли асарнинг кейинги қисмларида фразеологик синонимия ва фразеологик антонимия баён қилинган.

Фразеологик синонимия билан узвий боғланидиган ҳодиса фразеологик вариациядир². Фразеологик синонимия билан фразеологик вариация ўзаро фарқлаш қийин ҳодисалар деб қаралади. Булардан ҳар бири учун аниқ критерийлар белги-ланмаса, назарий чалкашликларнинг олдини олиб бўлмайди.

Илмда ўртага ташланган, аммо махсус ўрганилмаган, демак, ҳал қилилмаган масалалардан бири фразеологик омонимия масаласидир. Тадқиқотчилар кўпинча иборанинг эркин боғланмага омоним бўлишини таъкидлаш билан чекланишлар. Қўлингиздаги ишда асосий диққат том маънодаги фразеологик омонимияга иборалар орасидати омонимияга қаратилган. Шу билан бирга, ибора билан эркин боғланма орасидаги омонимия ҳам янгича нуқтан назардан талқин қилинган.

Фразеологик бирликлардаги полисемия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ҳодисаларини ўрганмай туриб, луғавий бирлик сифатида ибораларнинг бошқа белги-хусусиятларини текширишга киришиб бўлмайди.

Бу китобдаги текширишлар жуда бой фактик материалнинг анализига суянади. Автор шахсан 10400 бетдан ортиқ оригинал бадний асарни кузатиб, шулар асосида 30700 тадан ортиқ карточка тузган. Бунда фактик материал танлаб эмас, сидирғасига кўчирилган. Бу билан ҳодисаларнинг объектив ҳолатини акс эттиришга эришилган.

Асарда тадқиқ қилинган ҳодисалар ўзбек тили бўйича ҳам, бошқа бирор туркий тил бўйича ҳам мутлақо ўрганилмаган. Ўзга системага мансуб тиллардаги шу ҳодисаларни текшириш ҳам энди авж олмоқда. Шу сабабли автор ўз баёнида кўпинча мустақил иш тутишга мажбур бўлди.

Ибораларнинг ишлатилишини намойиш қилувчи бирорта ҳам контекст келтирмадик. Акс ҳолда ишнинг ҳажми икки баробар кенгайиб кетар эди. «Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати» нашр этилгани («Фан» нашриёти, Тошкент, 1964) бизни бу ишда контекстли мисоллар келтиришдан ҳалос этди. Тилга олинган луғатда ҳар бир иборанинг (ҳар бир маъносининг, ҳар бир вариантнинг) ишлатилишига босма манбадан мисол берилган.

² Шу сабабли фразеологик вариация бевосита фразеологик синонимиядан кейин баён қилинди, фразеологик антонимия эса шундан сўнг тасвирланди.

ФРАЗЕОЛОГИК ПОЛИСЕМИЯ

Фразеологик полисемия билан дастлаб лугат дѳиниш мобайнида дуч келинди. Фразеологик полисемияга тукиачи келган лексикограф иборалардаги шу ходисани ўрганиш талаби билан чиқди¹. Л. Э. Бинович фразеологик полисемия ходисаси мутлақо ўрсанилмаганини таъкидлайди (29- бет), рус ва немис тиллари фразеологик фондини ўрганиб, кўп маънолилик сўзларгагина эмас, ибораларга ҳам хос эканини уқтириб ўтади (30- бет). Шу нуқтадан ёндашиб мавжуд лугатларни танқид қилади, иборалардаги полисемия билан ҳисоблашмаслик лугатдан фойдаланувчини қийин ахволга тушириб қўйишини айтади (30- бет). Автор мисолларни турли манбалардан келтириб, кўп маънолилик ибораларнинг барча жанрларда ишлатилиши учун умумий ходиса эканини намойиш қилади.

Фразеологик полисемияга батишлаб шундан кейин ёзилган ишларда бу ходисанинг табиатини очишга ҳаракат қилинади. Фразеологик полисемия ҳақида фикр юритган олимлардан бири Ю. Д. Апресяндир². Бу автор рус фразеологик синонимияни ўрганган. Фразеологик синонимияни ўрганиш фразеологик полисемия туфайли анча мураккаблашувини алоҳида таъкидлайди. Инглиз тилида фразеологик birlikларнинг кўпчилик қисми полисемантик эканини айтади ва Л. Э. Биновичнинг фразеологик birlikларнинг кўп қисми моносеман-

¹ Бинович Л. Э. О многозначности идиом, «Иностранное языки в школе», 1952, № 5, стр. 29—36. Фразеологик полисемия билан лексикографик мақсадда қизиқиш ҳозиргача ҳам давом этиб келмоқда. Қаранг: Бабкин А. М. Лексикографическая разработка русской фразеологии, Изд-во «Наука», М.—Л., 1964, стр. 180, 181.

² Апресян Ю. Д. Фразеологические синонимы в современном английском языке (тип «глагол + существительное»), «Ученые записки Первого Московского гос. пед. института иностранных языков», том XV, 1957, стр. 241—284.

тик бўлиши ҳақидаги фикрига қўшилмайди. Авторни биринчи галда полисемантик иборадаги ҳар бир маънонинг алоҳида-алоҳида синонимия уясида қатнаша олуви қизиқтиради. Шу муносабат билан у уч хил маъно типини (оддий, бирламчи образли, иккиламчи образли маъноларни) фарқлайди (252- бет). Фразеологик бирликларда бундай уч хил маънони фарқлаш асосли эмасдек кўринади. Бу маъно типларидан иккиламчи образли маъно эътирозсиз қабул қилиниши лозим. Агар автор бирламчи образли маънони «эркин бирикмаларнинг кўчма маънода қўлланиши билан туғилади», — демаганида эди, бу маъно типини ҳам эътирозсиз қабул қилиш мумкин бўларди. Гап шундаки, ибора пайдо бўлиши учун эркин бирикманн кўчма маънода қўлланиши ун етарли эмас. Иккинчидан, кўпгина иборалар «эркин бирикмалар иборага» тараққиёт йўлини ўтмайди, демак, прототип бўла олмаган эркин бирикма ҳақида гапириб бўлмайди (ишиғизнинг «Фразеологик омонимиялик» баҳсида шу тўғрида маълумот берганмиз).

Асли автор «оддий маъно»ни ажратмаганида, кейинги иккитасини «образли» деб ҳам атамас эди. Унда тўғридан тўғри бирламчи маъно ва иккиламчи маъно ҳақида гапирилишинг ўзи етарли бўлар эди.

Уч хил маъно санаш гўё уч хил босқични кўрсатишдек бўлиб қолган. Ваҳолонки икки босқич мавжудлиги кўриниб турибди: а) бирламчи маъно (бу «оддий» бўлиши ёки «образли» бўлиши мумкин), б) иккиламчи маъно (бу фақат «образли» бўлади).

Визингча, «оддий» маънони (ва шундай маъно англатувчи ибораларни) кейинги тип маънолардан (ва шундай маъно англатувчи иборалардан) кескин ажратиб ўрганиш керак. Чунки «оддий» маъно англатувчи деб кўрсатилган ҳолисса (булар акад. В. В. Виноградов таснифидagi фразеологик қўшилмаларга тўғри келади) тула қонли фразеологик бирлик эмас, балки эркин боғланмадан тургун боғланмага томон силжиш жараёнини кечираётган бир семантик-синтактик ҳолисасидир.

Бу мазмуни асарнинг авторига яна бир кичик эътирозимиз бор: ибора маъносини «лексическое значение фразеологической единицы» деб аташ силлиқ чиқмаган (252- бет). «Лексик» аниқловчисини сўзга қолдириб, иборага қарата «фразеологик маъно» деб юритиш ўринли ва тўғри бўлади.

И. И. Чернышеванинг мақоласида назарий фикрлар Ю. Д. Апресян диссертациясига суяниб баён қилинган³. Бу

³ Чернышева И. И. Явления синонимии и полисемии в фразеологии немецкого языка, «Иностранные языки в школе», 1960, № 6, стр. 106, 107.

мақолада диққатга сазовор ягона фикр — бирламчи образли маънонинг биттадан ортиқ бўла олиши, булар бевосита эркин борланмадан ҳар хил кўчириш асосида ҳосил қилиниши ҳақидаги фикр.

Шундан анча кейин Н. А. Кирсанованинг мақоласи босилиб чиқди⁴. Бу мақолада ибораларнинг кўп маъноли бўла олиши тўғрисида бир-бирига зид фикрда бўлган авторлар санаб кўрсатилади. Шу ўринда фразеологик birlikлардаги полисемия масаласини бой фактик материални ҳар тарафлама ўрганиш асосидагина, бир қанча тадқиқотчиларнинг самарали ижодий меҳнати натижасидагина ҳал этиш мумкинлиги уқтирилади (85- бет). Бу мақолада кўп маънолик ибораларнинг маъно турларидан фразеологик иштиқоқлар ҳамда фразеологик бутунликларга қослиги ҳам таъкидланган (86- бет). Иборанинг маънолари сузишнинг маънолари даражасида бир-бирдан аниқ ажралиб турмайди деган фикр шубҳа тўғдиради (86- бет). Кейинги изоҳлардан автор асли кўп маъноликни эмас, иборани турли маъноларда ишлатавериш мумкинлигини кузда тутгани сезилади.

Дарсликларда фразеологияни кенг баён қилиш одат тусида кирмаган. Шу сабабли фразеологик полисемия ҳақида бундай манбаларда умуман гапирмайдиган. Фақат Н. М. Шанский ёзган дарсликдагина фразеологик birlikларнинг кўп маъноли бўла олиши таъкидланиб, бир неча мисол келтирилган⁵.

Фразеологик полисемияга турли нуқтаи назардан ёндашув мумкин:

- I. Полисемиянинг миқёси.
- II. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг миқдори.
- III. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабати.

I. Фразеологик полисемиянинг миқёси

Моносемия ва полисемия тил birlikларини тўлиқ қамраб оладиган таснифлардандир. Бундай икки группага бирлашув

⁴ Кирсанова Н. А. О некоторых семантических признаках фразеологических единиц (к вопросу о многозначности и синонимике в сфере фразеологии). «Проблемы фразеологии. Исследования и материалы». Изд-во «Наука», М.—Л., стр. 84—91.

⁵ Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка. Изд-во «Просвещение», М., 1964, стр. 180, 181.

луғавий birlikларда ҳам, грамматик birlikларда ҳам бор. Шунга қарамай, моносемия ва полисемия биринчи галда сўзларга хос хусусият деб қаралади. Шу сабабли энг кенг ўрганилган ҳодиса ҳам лексик полисемиядир.

Аввало шунини айтиш керакки, тил birlikларининг моносемантиклиги ҳамда полисемантиклиги асосида иккига ажратиш ҳодисаларининг сифат томонини эмас, фақат миқдор томонини белгилаш бўлади. Бундай тасниф тил структурасига хос бирор семантик ёки ўзгача микросистемани очиб бермайди. Шу сабабли масаланинг бир томони билан — полисемиянинг ўзи билан шугулланадилар. Ҳақиқатда ҳам, бир нуқтага бирлашувчи биттадан ортиқ маъно узаро кўпинча маълум муносабатда бўлади, мунгазам бир системани ҳосил этиб туради.

Бу ўринда диққатни тиниб бир мулоҳазага жўлиб ўтиш ўринли. Лексик полисемиянинг миқёси жуда бўрттириб юборилади: гўё деярли ҳар бир сўз, ҳеч бўлмаганда иккита сўзнинг биттаси полисемантик сўз деган тушунча кенг тарқалган. Луғатларга сўзниб фикр юритсак, бошқачароқ манзара гавдаланади. Масалан, «Ўзбекча-русча луғат» (1959) бўйича ўрта ҳисобда 100 сўзнинг 20 таси кўп маъноли бўлиб чиқди.

Шунини ҳам ҳисобга олиш керакки, бу луғат тўлиқ луғат эмас. Унга кирмай қолган сўзлар асосан моносемантик сўзларга тўғри келади, албатта. Демак, ўзбек тилидаги сўзларнинг фақат 20 процентигина полисемантик. Ана шу 20 процент, кўпи билан 30 процент сўзлар кўпи кўзига 70—80 процент бўлиб ўринади.

Фразеологик birlikлардаги полисемиянинг миқёси, аксинча, жуда камситилади. Баъзи авторлар фразеологик полисемияни умуман тилга олмайди ёки тани олмайди. Фразеологик полисемиянинг mavjudлигини таърифловчилар эса ибораларда бу ҳодисанинг у қадар кўп учрамаслигини айтидилар⁶. Ҳақиқатда эса 100 та иборанинг 15 таси (озин билан 10 таси) полисемантик. Демак, фразеологик полисемиянинг миқёси лексик полисемия даражасида эмас. Аммо лексик полисемияни бўрттириб юбориш ярамаганидек, фразеологик полисемияни камситишга ҳам асос йўқ.

«Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати»да талқин этилган 998 та иборанинг 156 таси кўп маъноли. Тилдаги ибораларнинг кўпи феъл туркумига тўғри келганидек, поли-

⁶ Бу ҳақдаги фикрлар Н. А. Кирсанованинг «О некоторых семантических признаках фразеологических единиц» номли мақоласида баҳоланган. Қаранг: «Проблемы фразеологии...», Изд-во «Наука», М.—Л., 1964, стр. 85.

семантик ибораларнинг ҳам кўпи феъл туркумига тўғри келади. Феълдан бошқа туркумга тўғри келувчи ибораларнинг луғатга киритилган вакиллари ичида 14 таси кўп маъноли бўлиб чиқди. Булардан 8 таси равиш туркумига, 4 таси сифат туркумига, 2 таси от туркумига тўғри келади (кейинги икки иборанинг биттаси сифат туркумига тўғри келувчи иборадан ясалган: соф дил → соф диллик).

II. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг миқдори

Автор ўзи тузган луғатга биринчи марта ўзбек тилида энг кўп ишлатиладиган ибораларни киритган. Полисемантиклик ҳам асосан худди шундай фразеологик birlikларга хос.

Луғат материалининг кўрсатишича, фразеологик birlikларнинг 85 проценти моносемантик. Қолган 15 процент ибораларнинг кўпи икки маъноли. Бундай иборалардан луғатга 122 таси киритилган бўлиб, полисемантик ибораларнинг 80 процентига тўғри келади. Бир-икки мисол⁷:

ади-бади айтишмоқ

1. турли мавзуда ентил-елпи суҳбатлашмоқ;
2. сўз талашмоқ, жанжаллашмоқ;

ён босмоқ

1. ҳомийлик қилмоқ, ёкламоқ;
2. устун бўлишига йўл қўймоқ;

Уч маъноли иборалар ҳам анчагина. Луғатда бундай иборалардан 23 таси келтирилган (булар полисемантик ибораларнинг 15 процентини ташкил этади). Бир-икки мисол:

ёмон кўрмоқ

1. севмаслик, иззат-ҳурмат қилмаслик (она болани ва ш. к.);
2. ёқтирмаслик (нимани ёки кимни);
3. севмаслик, ошиқ (маъшуқ) бўлмаслик (қиз билгани ва ш. к.);

ўз(и)ни қаерга қўйиш(и)ни билмаслик

1. кучли ҳаяжонланган ҳолда тоқатсизланимоқ;
2. бекорчиликдан эрикиб тоқатсизланимоқ;
3. севинчдан кучли ҳаяжонланмоқ.

Тўрт маъноли иборалар у қадар кўп эмас: луғатда шундай иборалардан 8 таси берилган (булар полисемантик ибораларнинг қарийб 4 процентига тўғри келади):

⁷ Иш охирида фразеологик полисемиянинг, шунингдек қуйида тасвирланган бошқа ҳолисаларнинг кўрсаткичи илова қилинган эди, ҳамм чеклангани сабабли улар тушиб қолди.

жон кирди

1. тетикланмоқ, жонлилашмоқ;
2. а) жонланмоқ; б) ниманидир гўё тирик жонга айлантирмоқ;
3. ҳаётга қайтмоқ, тирилмоқ;
4. аввалги нормал фаолиятига қайтмоқ.

Ўзбек тили фразеологик birlikлари орасида 5 маъноли, ҳатто 6 маъноли иборалар ҳам борлиги аниқланди. Луғатда 1 та 5 маъноли, 2 та 6 маъноли ибора тасвирланган:

жавоб бермоқ

1. жавоб қилмоқ («сўроқ»қа);
2. бирор нарсага жавобан иш тутмоқ;
3. қондирмоқ;
4. жавобсизликни ўз устига олмоқ;
5. «кеч»га руҳсат бермоқ;

бош кўтариш

1. кўрамоқ;
2. қилиб турган ишнинг тўхтатмоқ;
3. кўзгалмоқ, ҳаракатга келмоқ;
4. соғаймоқ;
5. курашга чоғланмоқ;
6. ушиб чиқмоқ.

Юқоридагилардан ташқари, бир маънонинг ўз ичида икки хил йўналиш, икки маъночи аниқлашладиган ҳолатлар ҳам бор. Баъзи ибораларда тусловчи ҳамда исбатловчи (эгаллик қўшимчаси)нинг қандай ишлатилиши ҳаракатнинг пассив ёки актив бўлишини белгилайди. Луғатга бундай иборалардан 4 таси киритилган. Масалан, кўнгл(и)ни бузмоқ — кўнгл(и) бузилди ибораси эсли бир маъноли. Бу иборанинг иккинчи таянч кўриниши (кўнгл(и) бузилди) дeйм «мунграймоқ»ни англатади. Аммо, биринчи таянч кўриниши (кўнгл(и)ни бузмоқ) иккинчи таянч кўринишига қарама-қарши ҳолда «мунграйтирмоқ»ни ҳам, унга ўхшаш ҳолда «мунграймоқ»ни ҳам англатади. «Мунграйтирмоқ» маъноси тусловчи билан исбатловчи бошқа-бошқа шахсни билдирганда, «мунграймоқ» маъноси эса бу аффикслар айти шу шахсни билдирганда аниқлашлади. Бир маънодаги бундай икки хил йўналиш «а)», «б)» деб номерланди:

кўнгл(и)ни бузмоқ — кўнгл(и) бузилди

- а) мунграймоқ (тусловчи билан эгаллик қўшимчаси айти шу шахсни билдиради);
- б) мунграйтирмоқ (тусловчи билан эгаллик қўшимчаси бошқа-бошқа шахсни билдиради) — мунграймоқ.

Асли кўнгл(и)ни бузмоқ аниқланган «мунграймоқ» билан кўнгл(и) бузилди аниқланган «мунграйтирмоқ» орасида фарқ бор:

биринчисида актив, онгли ҳаракат («ўзини ўзи»), иккинчисида пассив ҳаракат («қандайдир таъсир билан ўз-ўзича») англашилади. Шу сабабли буларни бирлаштириб бўлмайди.

Юқорида тасвирлангандан ташқари, бир маъно ўз ичида иккита маъночага ажралиб туриши ҳам мавжуд. Масалан, **жон кирди — жон киргизмоқ** тўрт маъноли иборадир. Шунинг иккинчи маъноси деб «жонланмоқ» — «жонлантирмоқ» кўрсатилди. Фактик материал шу маънога жуда яқин, лекин ўзига хос мундарижали яна бир маънонинг мавжудлигини кўрсатади («ниманидир гўё тирик жонга айлантирмоқ»). Биз буларни иккита мустақил маъно деб қарашга ботинмадик, шу сабабли бир маънога бирлашувчи иккита маъноча тарзида келтирдик.

Бир иборанинг маънолари ўз мундарижасига кўра жуда ўхшаш бўладиган ҳоллар ҳам бор. Ўхшашлик ҳар қанча бўлса-да, улардан ҳар бири ўзига хос белгилари билан фарқланиб туради. Қуйидаги ҳолатларни битта эмас, иккита маъно деб қарадик (булар санокли, албатта):

1) Маънолар ўз ҳажмига кўра фарқланса:

ёғ тушса — ялагуиндай

1. ниҳоят даражада («тоза»);

2. ниҳоятда тоза.

Биринчи маъно фақат кучайтирувчи англатади, равишга тўғри келади; иккинчи маъно эса кучайтирилган белгини англатади, сифатга тўғри келади. Биринчи маънода бу ибора сифатга боғланади, иккинчи маънода эса сифат талаб қилинмайди, иборанинг ўзи кесим вазифасида келади.

2) Маънолар ўз йўналишига кўра фарқланса:

а) Бундай икки турли йўналиши тусловчи ҳамда нисбатловчиларнинг ҳар хил ишлатилиши билан боғлиқ ҳолда содир бўлади:

она(си)ни учқўргондан кўрсатмоқ

1. дўқ қилишни, қўрқатишни ифодалайди;

2. қўрқини, ҳадиксирани ифодалайди.

Биринчи маъносидан бу ибора иккинчи шахс тусловчиси ва биринчи шахс нисбатловчиси олган ҳолда келмайди. Иккинчи маъносидан эса биринчи шахс тусловчиси ва иккинчи шахс нисбатловчиси билан келмайди.

Яна бир мисол:

бош(лари)ни қовуштирамоқ I

1. келин-куёв қилмоқ;

2. келин-куёв бўлмоқ.

Ҳар икки маъносидан бу ибора нисбатловчиларнинг кўплик формасини олади (учинчи шахсдан эса иборатга боғланиб келадиган сўз кўпликда бўлади). Бу маънолар тусловчининг ишлатилишида фарқ қилади: биринчи маъносидан бу ибора

тусловчиларнинг бирлик формасини олиб келиши мумкин. Иккинчи маъносидан эса тусловчиларнинг фақат кўplik формаси қўшилиб келади.

Булардан ташқари, биринчи маънода нисбатловчи билан тусловчи бошқа-бошқа шахсни билдиради, иккинчи маънода эса бу аффикслар айна шу шахсни билдиради⁸.

б) Бундай икки турли йўналиш бошқарувнинг ҳар хиллиги билан боғлиқ ҳолда содир бўлади:

яқин олмоқ (ким)

1. (ўзини кимга) қадрдон қилиб кўрсатмоқ;

2. (ўзига кимни) қадрдон деб билмоқ.

в) Бундай икки турли йўналиш фразеологик маънонинг икки хил аталганлиги билан боғлиқ ҳолда содир бўлади⁹:

жон(и)га тегмоқ

1. (ким кимнинг) безор қилмоқ;

2. (ким кимнинг) безор бўлмоқ, зерикмоқ.

Асли жон(и)га тегмоқ шакли биринчи маъно учун тўғри. Иккинчи маънонинг шартли шакли жон(и)га тегмоқ(ди) бўлади. Ҳар икки маънода бу иборанинг нисбатланиши экланмаган, аммо тусланиши ҳар хил: биринчи маънода бу иборанинг тусланиши экланмаган, иккинчи маънода эса фақат учинчи шахснинг ўзи билан экланган. Чунки биринчи маънода бу иборанинг эга билан боғланиши кишиларга аталган бўлса, иккинчи маънода нарсаларга аталган.

III. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабати

Аввало бир масалага аниқлик киритиб олиш керак. Бу — ибора билан худди шундай қурилишли эркин боғланманинг ўзаро муносабати масаласи. Фразеологик омонимия тасвирида тилдаги барча иборага худди шундай қурилишли эркин боғланманинг нутқда тузилавермасанги таъкидланган.

Ибора билан эркин боғланма орасидаги шаклан ўхшашлик ҳақида гапириш буларни икки ҳар хил тил ҳолиаси деб (биринчисини тил бирлиги деб, иккинчисини эса нутқ бирлиги деб) қарашга асосланади. Демак, ибора билан эркин боғлан-

⁸ Иборалардаги нисбатли тусланиш ва унинг типлари ҳақида қаранг: Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик birlikларда мослашув, «Научные труды ТашГУ им. В. И. Ленина», вып. 260, Языкознание, Ташкент, 1964, стр. 149—163.

⁹ Иборалардаги аталганлик ҳақида қаранг: Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик birlikларда мослашув, «Научные труды ТашГУ им. В. И. Ленина», вып. 260, Языкознание, Ташкент, 1964, стр. 145—147.

мани ягона маъно марказига бирлашувчи битта бирлик деб қарамаймиз.

Тўғри, булар кўпинча бири иккинчиси асосида ҳосил бўлади. Лекин улар ўзаро бири иккинчисидан ўсиб чиққан иккита тил ҳодисаси деб баҳоланади. Шунга кўра айни бир қурилишнинг эркин боғланма ҳолати луғавий бирлик деб саналмайди, демак, луғатга ҳам киритилмайди. Аке ҳолда ибораларнинг яна тўртдан бирини кўп маъноли фразеологик бирликлар қаторига қўшиш лозим бўлиб қолади. Масалан, Н. М. Шанский худди кейингича йўлни тавлаган¹⁰.

Фразеологик полисемия деганда иборанинг ўзи биттадан ортиқ фразеологик маъно англатишини тушунамиз. Вазифа ана шу фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабатини ўрганишдан иборат¹¹.

Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабати уч хил:

А. Фразеологик маънолар бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлади.

Б. Фразеологик маънолар бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган бўлади.

В. Фразеологик маъноларнинг баъзиси бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлади, баъзиси эса бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган бўлади.

А. Фразеологик маънолари бири иккинчисидан ўсиб чиққан иборалар

Бири иккинчисидан ўсиб чиққан фразеологик маъноларни бир неча нуқтадан назардан ўрганиш мумкин:

А) Маъноларнинг қай тарафда боғланиши жиҳатдан ёндашиб.

Б) Маънони тараққий эттириш усуллари жиҳатдан ёндашиб.

В) Маъно типлари жиҳатдан ёндашиб.

Г) Маъноларнинг грамматик табиати жиҳатдан ёндашиб.

Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабати маънонинг миқдори орта бўлган сари мураккаблашиб боради. Шу сабабли тасвирда фразеологик маъноларнинг миқдорига суяниб иш тутамиз.

¹⁰ Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка, стр. 180, 181. Келтирган мисолларнинг баён этишига қараганда, Н. М. Шанский эркин боғлангани ва ундан ўсиб чиққан иборани ўзаро бирлаштириб, битта «фразеологик оборот» деб қарайди.

¹¹ Ишимизнинг «Фразеологик омонимиклик» қисмига қаранг.

А) МАЪНОЛАРНИНГ КАЙ ТАРЗДА БОҒЛАНИШИ ЖИХАТДАН ЕНДАШУВ

1. Икки маъноли иборалар. Бундай ибораларнинг тахминан бешдан тўрт қисмида иккинчи маъно биринчисидан ўсиб чиққан бўлади. Бу маъноларнинг ўзаро боғланиши жуда оддий, шу сабабли изоҳ талаб қилмайди (1→2). Бир-икки мисол:

бир пул

1. қадр-қийматсиз;
2. фойдаси йўқ.

ўртага тушмоқ

1. икки тарафни муросага келтириш мақсадида бирор жанжалга аралашмоқ;
2. жабрдийда деб ҳисобланган кинисини ҳимоя қилиб, бирор жанжалли ишга аралашмоқ.

2. Уч маъноли иборалар. Бундай ибораларнинг кўпида фразеологик маънолар бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлади (бундай икки маъно муносабати ҳосил этиб турувчи фразеологик бирликлар уч маъноли ибораларнинг бешдан тўртга тўғри келади).

Маънонинг миқдори иккитадан ортганида, албатта, уларнинг боғланиши ҳам мураккаб туюлади. Шу жиҳатдан фразеологик маъноларнинг боғланиши икки турли бўлади:

1) Маънолар ўзаро бирин-кетин боғланади. Бундай иборалар кўп эмас (маънолари бири иккинчисидан ўсиб чиққан ибораларнинг бешдан бирига тўғри келади):

бел боғламоқ

1. шайланмоқ, отланмоқ;
2. астойдил киришмоқ;
3. аҳд қилмоқ.

Бунда маъноларнинг боғланиши: 1 → 2 → 3

2) Кейинги икки маънонинг ҳар бири ўзича биринчи маънога боғланади:

зимма(си)га олмақ

1. бажаришга рағбатланмоқ, бажаришга масъул бўлмоқ;
2. бажаришга розилик бермоқ;
3. бирор «чиқим»ни қопламоқ, тўламоқ.

Бунда маъноларнинг боғланиши: 1 | $\begin{matrix} \rightarrow 2 \\ \rightarrow 3 \end{matrix}$

3. Тўрт маъноли иборалар. Қўлимиздаги саккизта тўрт маъноли иборанинг олтитасида маънолар бири иккинчисидан ўсиб чиққан. Бунда маъноларнинг боғланиши шундай:

1) Кейинги уч маънонинг ҳар бири ўзича биринчи маънога боғланади (олтита иборанинг бештасида шундай):

йўлга солмоқ

1. кетиш томонига тўғрилаб жўнатмоқ, юргизмоқ;
2. тўғри йўлга қайтармоқ;
3. манфаатдор бўлгани ҳолда рағбатлантирмоқ;
4. фаолиятини яхшиламоқ.

Бунда маъноларнинг боғланиши: 1 | → 2
→ 3
→ 4

2) Маънолари икки хил: ҳам бирин-кетин, ҳам ўзича — боғланади:

ишга солмоқ

1. меҳнат қилишга сафарбар қилмоқ;
2. ўз мақсади йўлида хизмат қилдирмоқ;
3. ишлата бошламоқ;
4. сафарбар қилмоқ, фойдаланмоқ.

Бу иборанинг иккинчи, учинчи маъноси ўзича биринчи маъносига боғланади, тўртинчи маъноси эса учинчи маъносига

боғланади: 1 | → 2
→ 3 → 4

4. Беш маъноли иборалар. Қўлимизда бундай ибора фақат битта. Бу иборанинг кейинги тўрт маъноси ўзича биринчи маъносига боғланади:

жавоб бермоқ

1. жавоб қилмоқ («сўроққа»);
2. бирор нарсага жавобан иш тутмоқ;
3. қондирмоқ;
4. жавобгарликни ўз устига олмоқ;
5. «кетиш»га рухсат бермоқ.

Маъноларнинг ўзаро боғланиши: 1 | → 2
→ 3
→ 4
→ 5

Б) МАЪНОНИ ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШ УСУЛДАРИ ЖИҲАТДАН ЕНДАШУВ

1. Икки маъноли иборалар. Фразеологик маъноларни ўзаро қиёслаб ўрганиш уларнинг тараққиётида қуйидаги икки асосий усул мавжудлигини кўрсатади:

1) Татбиқ усули. Фразеологик маъно мавжуд маънога ҳос линиянинг тадрижий давоми сифатида, шунинг тараққиёти натижасида юзага келади. Маънонинг бундай тараққиёти этишини маъно тараққиётига олиб келувчи кўчиришларнинг (метафора, метонимия кабиларнинг) бирортасига тенглаштириб бўлмайди. Бу усул кўчиришга эмас, татбиққа

асосланади. Бундай усул билан тараққий этиб чиққан фразеологик маънолар кўпчиликини ташкил қилади. Бир-икки мисол:

бир овоздан

1. якдиллик билан, ҳамжиҳатлик билан;
2. қарши чиқувчисиз (овозга қўйишда);

эс-хуш(и)ни йиғмоқ

1. паришонликдан қутулмоқ;
2. ўйлаб иш тутадиган бўлмоқ.

2) **Кўчириш усули.** Бундай усул билан тараққий этиб чиққан маънолар татбиқ усули билан тараққий этиб чиққан маъноларга нисбатан озроқ. Фразеологик маъноларнинг тараққиётида кўчиришнинг фақат бир йўли — **м е т а ф о р а** мавжуд. Бунда бир предметга ҳос ҳаракат бошқасига кўчирилади. Бир-икки мисол:

кунга(и) кўтармайдн

1. ёб-ича қилмаслик («овқат»ни);
2. теқтирмаслик («овқат»дан бошқани).

йўл бермоқ

1. ўзи четланиб, бошқанинг ўтишига имкон бермоқ;
2. монелик қилмаслик (ким нимага).

Биринчи иборода нарсадан нарсага кўчириш воқе бўлган, иккинчи иборда эса кишидан нарсага кўчириш амалга оширилган.

2. **Уч маъноли иборалар.** Маънони тараққий эттириш усуллари буларда ҳам юқоридагича. Фақат маъно миқдорининг ортиши билан бир фразеологик бирлик доирасида маъноларнинг тараққиёт усуллари ҳам мураккаб тус олади.

Маънони тараққий эттириш усуллари жиҳатдан уч маъноли ибораларни учта группалаш мумкин:

1) Маънолари татбиқ усули билан тараққий этган иборалар (луғатда шундай иборалардан етти таси келтирилган):

а) Маънолари ўзаро бирига-кетин боғланади:

бўйи(и)га олмоқ

1. эътироф қилмоқ;
2. бирор ҳолатга рози бўлмоқ, кўнмоқ;
3. бирор ишни бажаришга рағбатланмоқ, бирор ишни бажаришга масъул бўлмоқ.

б) Кейинги икки маъноси биринчи маъносидан ўсиб чиққан бўлади:

сўз бермаслик I

1. бошқаларга имкон бермай, нуқул ўзи гапирмоқ;
2. итоат қилмаслик, ўз билгича иш тутмоқ;
3. баҳслашувда ютиб чиқишга қодир бўлмоқ.

2) Маънолари кўчириш усули билан тараққий этган иборалар (луғатга шундай иборалардан тўққизтаси киритилган).

Қуйидаги ибораларда кейинги икки маъно биринчисидан ўсиб чиққан:

тилга кирмоқ

1. нутққа эга бўлмоқ;
2. маълум фурсат ўтгандан сўнг гапира бошламоқ;
3. ўқ уза бошламоқ;

тиш(и) утмайди

1. бирор қаттиқроқ нарсани майдалашга, чайнашга тишининг қурби етмайди;
2. енга олмаслик;
3. идрок қилиб ета олмаслик, уқиб ета олмаслик.

3) Бир маъноси татбиқ усули билан, иккинчиси эса кўчириш усули билан тараққий этган иборалар (луғатга шундай иборалардан учтаси киритилган):

а) Маънолари ўзаро бирин-кетин боғланидиган иборалар: **бўйи(и)га кўймоқ**

1. тўнкамоқ, ағдармоқ («айб»ни);
2. исботлаб эътироф қилдирмоқ («айб»ни);
3. бажаришга рози қилмоқ («иш»ни);

тил(и) чиқди

1. нутққа эга бўлмоқ («гўдак»);
2. илдаммай юрган кичи гапирадиган бўлиб қолди;
3. айтишадиган бўлмоқ.

Биринчи иборада иккинчи маъно биринчисидан татбиқ усули билан, учинчи маъно эса шу иккинчи маънодан кўчириш усули билан тараққий этган.

Иккинчи иборада иккинчи маъно биринчисидан кўчириш усули билан, учинчи маъно эса иккинчисидан татбиқ усули билан тараққий этган.

б) Кейинги икки маъноси биринчи маъносидан ўсиб чиққан иборалар:

зўр бермоқ

1. тўла-тўкис сафарбар қилмоқ;
2. бутун куч ва ғайратини сафарбар қилмоқ;
3. бирор нарсага бошқаларидан кўра ортиқроқ эътибор қилмоқ, куч сарфламоқ.

Бу иборада иккинчи маъно биринчисидан татбиқ усули билан, учинчи маъно эса биринчисидан кўчириш усули билан ўсиб чиққан.

3. Тўрт маъноли иборалар. Уч маъноли ибораларда қилинганидек, буларни ҳам учга группалаш мумкин:

1) Маънолари татбиқ усули билан тараққий этган иборалар (луғатда шундай иборалардан учтаси келтирилган). Қуйидаги иборанинг кейинги уч маъноси биринчисидан татбиқ усули билан тараққий этиб чиққан:

кўлга олмақ

1. ўз ихтиёрига ўтказмоқ;
2. (расмий) қўққисдан ҳужум қилиб босиб олмақ;
3. (расмий) ҳибс қилмоқ, қамаш мақсадида тутмоқ;
4. бирор йўл билан ўз хоҳишига бўйсунадиган қилмоқ.

2) Маънолари кўчириш усули билан тараққий этган иборалар. Қуйидаги иборанинг кейинги уч маъноси биринчи маъносидан кўчириш усули билан тараққий этиб чиққан:

жон(и) ҳалқум(и)га келди

1. ўлар ҳолатга етмоқ;
2. чидами тугаб, яшашдан ҳам безор бўлиб кетмоқ;
3. ниҳоятда қаттиқ ғазабланмоқ;
4. ниҳоятда қаттиқ кўрқмоқ.

Бу маънолар орасида учинчи маъно бошқаларидан ажралиб, янги бир семантик линия ҳосил этиб туради. Буни учинчи ва тўртинчи маъноларнинг ўзаро зид тушуви билан аниқлаштиридан ҳам баъзи олинган мумкин. Лекин бу учинчи маънони мустақил иборага ажратиш учун етарли асос йўқ, бошқа маънолар биринчи маънога қандай боғланса, бу маъно ҳам шундай боғланиб туради.

Айни бир ҳодисанинг тараққий эти билан ўзаро зид маъноли икки ҳодисанинг пайдо бўлиши лексик бирликларда ҳам мавжуд (масалан, бош сўзининг «сначала» ва «конец» маъноларини аниқлаштири каби). Демак, ўзаро зид икки фразеологик маънони бир иборанинг маънолари сифатида қараш табиий.

3) Маъноларидан баъзиси татбиқ усули билан, баъзиси эса кўчириш усули билан тараққий этган иборалар. Қуйидаги иборанинг иккинчи маъноси биринчи маъносидан ва тўртинчи маъноси учинчи маъносидан татбиқ усули билан, учинчи маъноси эса биринчи маъносидан кўчириш усули билан ўсиб чиққан:

ишга солмақ (ким)

1. (кимни) меҳнат қилишига сафарбар қилмоқ;
2. (кимни) ўз мақсади йўлида хизмат қилдирмоқ;
3. (нимани) ишлата бошламоқ;
4. (нимани) сафарбар қилмоқ, фойдаланмоқ.

4. Беш маъноли иборалар. Қўлимизда беш маъноли ибора битта ва у юқорироқта келтирилган эди. Бу иборанинг («жазоб бермоқ»нинг) кейинги тўрт маъноси биринчи маъносидан татбиқ усули билан тараққий этиб чиққан.

В) МАЪНО ТИПЛАРИ ЖИХАТДАН ЕНДАШУВ

Бу ўринда бош маъно ва ясама маъно, шунингдек тўғри маъно ва кўчма маъно масалаларига тўхтаб ўтмоқчимиз.

1. Фразеологик полисемияда бош маъно ва ясама маъно. Икки маъноли ибораларда бош маъно ва ясама маъно масаласи¹² жуда осон ҳал қилинади. Автор тузган лугада бош маъно биринчи ўринда, ясама маъно эса кейинги ўринда берилган.

Агар полисемантик ибора омонимиклик ҳосил этмаса, бош маънони белгилашда тортишувга ўрин қолмайди. Полисемантик ибора омонимиклик ҳосил этса, бош маънони белгилашда ҳар хил фикр туғилиши мумкин.

Эркин боғланманинг маъносини ҳам иборага қўшиб юборувчилар назарида бош маъно — эркин боғланманинг маъноси. Унда иборанинг ҳамма маънолари ясама маъно бўлади. Биз эркин боғланмадан аниқлашадиган маънони лугавий маъно деб қарамаймиз. Шу сабабли маъно ҳисобини иборага ҳос маъноларнинг ўзидан бошлаймиз.

Хуллас, омонимиклик ҳосил этиши-этмаслигидан қатъи назар, иборанинг бошқа маъноси (ёки маънолари) учун асос бўлган маънони бош маъно деб атаймиз. Бош маънонинг тараққиёти билан туғилган маънони ясама маъно деб юрғатамиз (аввалги қисмларда келтирилган мисолларга қаранг).

Уч ва ундан ортиқ маъноли ибораларда бош маъно ва ясама маъно бир оз бошқачароқ белгиланади. Иборанинг бирламчи маъноси бош маъно бўлади, албатта. Қолган маънолар эса шу маънога нисбатан ясама маънодир. Лекин кейинги маънолар биринчи маънодан ўсиб чиққан бўлсагина, маъно муносабати икки босқичли бўлади (бош маъно — ясама маънолар).

Агар маънолар бирин-кетин боғланса, ўртада жойлашган маъно олдинги маънога нисбатан ясама маъно, кейинги маънога нисбатан эса бош маъно бўлади. Демак, бу маънонинг ўзи бошқа бир маънодан ўсиб чиққан ва айни вақтда ўзидан янги бир маънонинг тараққиёти учун замин бўлган. Кўринадики, бош маъно мутлақ вазиятда ва нисбий вазиятда бўлади. Шу асосда тўнғич бош маъно ҳақида ва ясама бош маъно ҳақида гапирishi мумкин.

2. Фразеологик полисемияда тўғри маъно ва кўчма маъно масаласи. Сўзда бош лексик маъно одатда тўғри маъно бўлади. Иборада эса бош фразеологик маънони тўғри маъно дейиш хато. Фразеологик birlikнинг табиати ўзи шундай: иборанинг маъноси маълум образга асосланади, қандайдир умумлашма маъно тарзида гавдаланади, шу сабабли бош маъ-

¹² Лексик маънонинг типларини тушунишимиз ҳақида қаранг: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 124—130-бетлар.

нони ҳам тўғри маъно деб бўлмайди. Сўзларнинг эркин боғланмасу билан омонимиклик муносабати ҳосил этувчи иборада бош фразеологик маъно гўё кўчма маъно ҳолатида бўлади. Сўзларнинг эркин боғланмаси билан омонимиклик ҳосил этмайдиган иборада эса бош фразеологик маънони шартли равишдагина кўчма маъно деб тан олиш мумкин.

Маънолари бири иккинчисидан ўсиб чиққан иборанинг иккиламчи маъноси икки хил: 1) кўчириш усули билан ўсиб чиққан бўлса, кўчма маъно деб, 2) татбиқ усули билан ўсиб чиққан бўлса, тадрижий (эволюцион) маъно деб баҳолавиши лозим.

Г) МАЪНОНИНГ ГРАММАТИК ТАБИАТИ ЖИХАТДАН ЕНДАШУВ

Ўсиб чиққан фразеологик маънонинг грамматик табиати унга асло бўлган фразеологик маънонинг грамматик табиати билан кўпинча бир хил бўлади. Аммо бунинг аксича, бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг ҳар бири ўз грамматик табиати билан фарқланиб туриши ҳам анчагина.

Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг грамматик табиати:

1. Маъноларнинг грамматик контекстида кўринади.
2. Маъноларнинг грамматик шаклларга киришида кўринади.
3. Маъноларнинг синтактик ҳосиланишида кўринади.

1. Фразеологик полисемияда маъноларнинг грамматик контексти

Фразеологик маънонинг грамматик контексти деб шу маънонинг эга, қаратқич, тўлдирувчи қабилар билан боғланиб келишини тушунамиз¹¹. Бундан ташқари, фразеологик маънонинг лексик контексти ҳақида (қайси сўзлар билан боғланиб келиши ҳақида) ҳам гапирish мумкин. Қуйида лексик контекст барча фразеологик маънолар бўйича махсус ўрганилмади; лексик контекстга ўқувчининг эътибори бир хил грамматик табиатли маъноларнинг ўзаро фарқланишини кўрсатишда жалб қилинди.

Лексик маънода бўлганидек, фразеологик маъноларнинг ҳам кўпи ўз аниқ грамматик контекстига эга. Полисемантик

¹¹ Фразеологик birlikларнинг қаратқич билан боғланишини автор ўзининг «Феъл фразеологик birlikларда мослашув» номли мақоласида ёритган. Фразеологик birlikларнинг тўлдирувчи билан боғланиши ҳақида қаранг: «Научные труды ТашГУ», вып. 268, Ташкент, 1964, стр. 167—171.

иборанинг барча маънолари бир хил грамматик контекстли ёки ўзаро ҳар хил грамматик контекстли бўлиши мумкин.

1) Маънолари бир хил грамматик контекстли иборалар

Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг грамматик контексти бир хил бўлиши анчагина (ибораларнинг учдан икки қисми шундай хусусиятга эга). Аммо бир хил грамматик контекстли маънолар ҳам ўз моҳияти жиҳатдан фарқ қилади:

а. Бундай маъноларнинг лексик контексти ҳам бир хил бўлади. Буни шартли равишда контексти айнан фразеологик маънолар деб атадик. Бунинг қурилишлари:

а) Фразеологик маънолари фақат бир бўлак билан боғланадиган иборалар:

а) Фақат эга билан боғланадиганлари:

[а] Кишиларга аталган тури:

жар содмоқ (ким)

1. (эски) жарчи воситасида эшиттирмоқ;
2. керагидан ортиқ даражада оурттириб хабар тарқатмоқ.

[б] Нарсаларга аталган тури¹⁴:

бир ёқли бўлмоқ (шима)

1. ҳал бўлмоқ, ажрим бўлмоқ;
2. тугамоқ.

б) Фақат қаратқич билан боғланадиганлари. Бундай иборалар гапга тенг қурилишли, шу билан бирга кишиларга аталган бўлади (бу тип иборалар анчагина):

ақл(и) кирди (кимнинг)

1. эс-ҳушли бўлмоқ;
2. англамоқ, тушуномоқ.

в) Фақат тўлдирувчи билан боғланадиганлари. Бундай ибора ҳам гапга тенг қурилишли, шу билан бирга кишиларга аталган бўлади (бу тип иборалар жуда оз):

йўл бўлсин (кимга)

1. (сураш) қаерга кетяпсиз?, қаерга бормоқчисиз?
2. (таъкид) қаёқда!; қила олармиди!?

б) Фразеологик маънолари биттадан ортиқ бўлак билан боғланадиган иборалар:

¹⁴ Нарса сўзини термин сифатида ишлатиб, унга «кишидан ташқари барча предметлар» тушунчасини бердик.

¹⁵ Бу тип ибораларнинг баъзиларида бирикмага тенг қурилишли вариант ҳам бор. Бундай вариант, ўз-ўзидан, эга бўлак билан ҳам боғланади. Демак, бунда боғланиш икки бўлак билан бўлади. Бу хил грамматик контекст қуйироқда тасвирланган.

а) Эга ва қаратқич билан боғланадиганлари. Бундай ибораларнинг қаратқич билан боғланиши кишиларга аталган бўлади, эга билан боғланиши эса:

[а] Кишиларга аталган бўлади:

оғз(и)га қарамоқ (ким кимнинг)

1. тингламоқ, нима дейишини диққат билан кутмоқ;
2. ўз билгича иш қилмай, кимнингдир кўрсатмасини кутмоқ;

Шунинг қаратқич вазифасида ўз сўзи келадиган тури (бундай қаратқич кўпинча ифодаланмайди):

хуш(и)га келмоқ (ким [ўзининг])

1. беҳушликдан қайтмоқ;
2. одатдаги сезини, англаш ҳолатига қайтмоқ.

[б] Нарсаларга аталган бўлади:

қулоғ(и)га кирмаслик (нима кимнинг)

1. парижон бўлиш, кучан ҳаяжонланиш ёки машғул бўлиш туфайли ўзини қарата айтилаётган гапларни англамаслик, эшитмаслик;
2. эътиборсиз қолдирмоқ, қабул қилмаслик.

[в] Кишиларга ҳам, нарсаларга ҳам аталган бўлади:

кўз(и)га куриномаслик II (ким ёки нима кимнинг)

1. татимаслик; эътиборини тортмаслик;
2. ҳисоблашмаслик; ўйлаб-ветиб ўтирмаслик.

б) Эга ва тўлдирувчи билан боғланадиганлари. Бундай ибораларнинг эга билан боғланиши кишиларга аталган бўлади, тўлдирувчи билан боғланиши эса:

[а] Кишиларга аталган бўлади. Фразеологик маънолар кўпинча воситали тўлдирувчи билан боғланади (энг кўпи — «кимга» сўроғига жавоб бўладиган тўлдирувчи):

бош эгмоқ (ким кимга)

1. итоаткор бўлмоқ;
2. бўйсунмоқ, итоат қилмоқ;

жон-у ҳол(и)га қўймаслик (ким кимни)

1. тинчлик бермаслик;
2. раъйига зид ҳолда мажбур қилмоқ.

[б] Нарсаларга аталган бўлади (бундай тўлдирувчининг ҳам характеристикаси юқоридагича):

бош қўшмоқ (ким нимага)

1. аралашмоқ;
2. қатнашмоқ;

бажо келтирмоқ (ким нимани)

1. бажармоқ;
2. ўришлатмоқ.

в) Қаратқич ва тўлдирувчи билан боғланадиганлари. Бунда ибора гапга тенг қурилишли, қаратқич билан боғланиши

кишиларга, тўлдирувчи билан боғланиши эса нарсаларга аталган бўлади (кўпинча воситали тўлдирувчи билан боғланади):

кўнгл(и) тўлди (кимнинг нимадан)

1. мамнун бўлмоқ;
2. қаноат ҳосил қилмоқ, тинчимоқ;

ақл(и) етади (кимнинг нимага)

1. идрок қилмоқ, уқмоқ; билмоқ;
2. ишонмоқ.

г) Эга, қаратқич ва тўлдирувчи билан боғланганлари. Бундай иборалар оз. Қуйидаги иборанинг эга ва қаратқич билан боғланиши кишиларга, тўлдирувчи билан боғланиши эса нарсаларга аталган:

эс(и)га солмоқ (ким, кимнинг нимага)

1. хотирада тикламоқ;
2. унутган ёзган нарсани эсламоқ.

б. Грамматик контексти бир хил фразеологик маъноларнинг лексик контекстида ҳосланиш бўлади. Буни шартан равишда лексик контексти фарқли фразеологик маънолар деб атадик. Фразеологик маънонинг кўчириш усули билан тараққий этиши кўпинча шундай натижага олиб келади («Кўчириш усули» қисмининг «б.» пунктига қаранг). Бунда асли фразеологик маънонинг лексик-семантик табиати намоён бўлади.

Лексик контексти фарқли фразеологик маънолар қуйидагича (буларнинг тасвирида ҳам юқоридаги тартибни сақлаймиз):

а) Фразеологик маънолари фақат бир бўлак билан боғланганлари. Лексик контекст фразеологик маънолари бўйича фарқ қиладиган ибораларнинг бу тури:

а) Эга билан боғланади. Бунинг:

[а] Кишиларга аталган тури. Қуйидаги иборанинг биринчи маъносида ҳосланганлик мавжуд:

балобатга етмоқ (ким)

1. (йигит-қиз) ёши оила қурини даражасига берди;
2. тараққиётининг юксак босқичига эришмоқ.

[б] Нрсаларга аталган тури. Қуйидаги иборанинг иккинчи маъносида ҳосланганлик мавжуд:

авж олмоқ (нима)

1. зўраймоқ, кучаймоқ;
2. («ўсимлик») ривожланмоқ.

б) Қаратқич билан боғланади. Мана бу уч маъноли иборанинг биринчи маъносидаги ҳосланганлик кейинги маъноларида йўқолган:

тил(и) чиқди (кимнинг)

1. («гўдак») нутққа эга бўлмоқ;

2. индамай юрган киши гапирадиган бўлиб қолди;
3. айтишадиган бўлмоқ.

б) Фразеологик маънолари биттадан ортиқ бўлак билан боғланадиган иборалар:

а) Эга ва қаратқич билан боғланадиганлари:

[а] Қуйидаги иборанинг эга билан боғланиши ҳам, қаратқич билан боғланиши ҳам кишиларга аталган, ammo қаратқич билан боғланишининг аталганлигида фразеологик маънолар бўйича хосялиши мавжуд:

жавоб(и)ни бермоқ I (ким кимнинг)

1. (ёлланиб ишловчининг, хизматкорнинг) қувмоқ, ҳайдаб юбормоқ (эски);
2. (хотинининг) эр хотиндик ҳолатини бекор қилишга розилик бермоқ.

[б] Қуйидаги иборанинг эга билан боғланиши нарсаларга, қаратқич билан боғланиши кишиларга аталган, ammo эга билан боғланишининг аталганлигида фразеологик маънолар бўйича хосялиши мавжуд:

жир-жон(и)дан ўтиб кетмоқ (нима кимнинг)

1. («совуқ») адамли таъсир қилмоқ, қақшатишмоқ;
2. («гап») руҳига адамли таъсир қилмоқ;

меъда(си)га тегмоқ (нима кимнинг)

1. («овқат») ёқмай қолмоқ, организми қабул қилмай қўйди;
2. такрор-такрор узрайвериш, сийқаси чиқди; ўзига тортиш ўрнига, ушдан итариб ташламоқ.

Биринчи иборанинг ҳар икки маъносидан, иккинчи иборанинг биринчи маъносидан хосялиганлик аниқ сезилиб турибди.

[а] Эга ва қаратқич билан боғланадиганлари. Масалан, қуйидаги иборанинг эга билан боғланиши кишиларга, тўлдирувчи билан боғланиши эса нарсаларга аталган. Лекин нарсаларга аталганликда ҳар уч маъно бўйича хосялиши мавжуд:

бой бермоқ (кимнинг)

1. («пул») ютказмоқ;
2. («вақт») йўқмоқ, беҳуда, бекорда ўтказмоқ;
3. («сир») ошқис қилмоқ.

в) Қаратқич ва тўлдирувчи билан боғланадиганлари. Қуйидаги иборанинг қаратқич билан боғланиши кишиларга, тўлдирувчи билан боғланиши эса нарсаларга аталган, ammo кейинги аталганликда фразеологик маънолар бўйича хосялиши мавжуд:

кўнгл(и) айниди (кимнинг нимадан)

1. («овқат»дан) организми ижобий қабул қилмагани туфайли беҳузур бўлмоқ;
2. табиатига ёқмасани туфайли ижирғанмоқ.

Бу иборанинг биринчи маъносидаги хосланганлик иккинчи маъносида йўқолган.

г] Эга, қаратқич ва тўлдирувчи билан боғланадиганлари. Қуйидаги иборанинг эга ва қаратқич билан боғланиши кишиларга, тўлдирувчи билан боғланиши эса нарсаларга аталган. Нрсаларга аталганликда биринчи, иккинчи маъноларда хосланганлик мавжуд, учинчи маънода эса бу йўқолган;

бўйн(и)га қўймоқ (ким кимнинг нимани)

1. («айб»ни) тўнкамоқ, ағдармоқ;
2. («айб»ни) исботлаб эътироф қилдирмоқ;
3. («иш»ни) бажаришга рози қилмоқ.

Бу иборанинг учинчи маъносига боғланадиган тўлдирувчи одатда ҳаракат номи формасидаги бўлиб бўлади.

2) Маънолари ҳар хил грамматик контекстдаги иборалар

Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг грамматик контекстдаги ҳар хиллик турлича бўлади. Аввало қуйидагини ҳисобга олиш зарур:

а. Маънолар айни шу бўлак (ёки бўлақлар) билан боғланиб келади.

б. Маъноларда ҳар бирита боғланиб келадиган бўлақлар фарқ қилади.

а. Фразеологик маънолари айни шу бўлак (ёки бўлақлар) билан боғланиб келадиган иборалар

Бундай иборалар аниқгина бўлиб, дастлаб икки гурппага бирлашади:

а) Фразеологик маъноларнинг боғланишидаги аталганлик ҳар хил бўлади. Бундай ибораларнинг кўринишлари:

а] Биринчи маъносининг боғланиши кишиларга аталган бўлади, шундан ўсиб чиққан маънонинг боғланиши эса нарсаларга аталган бўлади:

[а] Фақат эга билан боғланиб келадиган иборалар:
дунёга келмоқ

1. (ким) туғилмоқ;
2. (нима) пайдо бўлмоқ, яратилмоқ.

[б] Фақат қаратқич билан боғланиб келадиган иборалар:
маза(си) кетди

1. (кимнинг) соғлиғи ёмонлашди;
2. (ниманинг) ёмонлашмоқ, инқирозга юз тутмоқ.

б] Биринчи маъносининг боғланиши нарсаларга аталган бўлади, шундан ўсиб чиққан маънонинг боғланиши эса киши-

ларга аталган бўлади. Бундай ҳолат фақат эга билан боғла-
нувчи ибораларда учради:

оёқ ости бўлмоқ

1. (нима) поймол бўлди, таҳқирланди;
2. (ким) хор бўлмоқ, хўрланмоқ.

б) Фразеологик маъноларининг боғланишидаги аталган-
лик қисман ҳар хил (фарқли) бўлади. Кўпинча бундай ҳолат
биттадан ортиқ бўлак билан боғланиб келадиган ибораларда
кўз беради. Бунинг кўринишлари:

а) Иборага боғланиб келувчи бўлаклардан бирининг атал-
ганлиги фразеологик маъноларда ўзаро зид бўлади:

(а) Эга билан боғланишидаги аталганлик ўзаро зид, аммо
бошқа бўлак билан боғланишидаги аталганлик айнан бўлади.
Масалан, қуйидаги иборанинг қаратқич билан боғланишидаги
аталганлик ҳар уч маънода айнан. Эга билан боғланишидаги
аталганликда эса учинчи маъно қолган (ким, маънога зид
(учинчи маъно нарсаларга аталган)); бундан қатъи назар, би-
ринчи маънода хоҳлиши ҳам мавжуд:

кон(и)ни олмоқ (кимнинг)

1. (ким: «илоҳий») ўлдирмоқ;
2. (ким) руҳан жуда қаттиқ эзиб юбормоқ;
3. (нима) жасмонан жуда қаттиқ эзиб юбормоқ.

(б) Тўлдирувчи билан боғланишидаги аталганлик фразеоло-
гик маънолар бўйича ўзаро зид, аммо бошқа бўлак билан
боғланишидаги аталганлик айнан бўлади:

[а] Тўлдирувчи билан боғланиши биринчи маънода нарса-
ларга аталган, шундан эзиб чиққан маънода эса кишиларга
аталган бўлади:

Шу турдаги ибораларнинг эса ҳамда тўлдирувчи билан
боғланадигани:

ўртага солмоқ (ким)

1. (кимани) рўзғор қилмоқ;
2. (кимни) мунозаралда ўз манфаатига хизмат қил-
диришига уривмоқ;

хабар олмақ (ким)

1. (нимадан) ўзи келиб хабардор бўлмоқ;
2. (кимдан) туриш-турмушини, аҳволини енгилла-
тишда «ўмаклашмоқ».

Шу турдаги ибораларнинг қаратқич ҳамда тўлдирувчи
билан боғланадигани:

кўнгл(и) бор (кимнинг)

1. (нимага) мойил, хайрихоҳ;
2. (кимга) севишга мойил.

[б] Тўлдирувчи билан боғланиши биринчи фразеологик

маъносида кишиларга аталган, шундан ўсиб чиққан маъносида эса нарсаларга аталган бўлади:

Шу турдаги ибораларнинг эга ҳамда тўлдирувчи билан боғланиши:

кўз олайтирмоқ (ким)

1. (кимга) ўқраймоқ;
2. (нимага) ўз манфаатига бўйсундириш (олиш) ниятида бўлмоқ.

Шу турдаги ибораларнинг қаратқич ҳамда тўлдирувчи билан боғланиши:

кун(и) қолди (кимнинг)

1. (кимга) бирор ишни бажаришда қарам бўлмоқ;
2. (нимага) фойдаланишга мажбур бўлмоқ.

Шу турдаги ибораларнинг эга, қаратқич ҳамда тўлдирувчи билан боғланиши:

назар(и)га илмаслик (ким/[ўзининг])

1. (кимга) меъсимаслик, писанд қилмаслик;
2. (кимани) арзигулик деб, диққатга лойиқ деб қарамаслик.

Шу турдаги ибораларнинг эга ва қаратқич билан боғланиши ҳам бор, ammo буларда фразеологик маъноларнинг грамматик шаклларга кириши ҳам фарқ қилади. Шу сабабли бундай ибораларни кейинги қисмда тасвирладик.

б) Иборага боғланиб келадиган бўлакнинг ёки бўлаклардан бирининг аталганлиги келгайди. Бунда:

[а] Биринчи маънонинг бундай боғланиши кишиларга аталган, иккинчи маъноники эса ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади (аталганлиги умумий бўлади):

кўзга кўринмоқ

1. (ким) танилмоқ;
2. (ким ёки нима) ўзига эътиборни жалб қиладиган бўлмоқ.

Мана бу ибораларнинг матнларида ҳам эга билан боғланишнинг аталганлиги юқоридагича (лекин бу иборалар яна қаратқич билан ҳам боғлана олади):

жон(и)га ора кирмоқ (кимнинг)

1. (ким) бир ушмдан қутқариб қолмоқ;
2. (ким ёки нима) оғир аҳволдан қутқармоқ;

суянган тоғ(и) (кимнинг)

1. (ким) суянчиғи, гамхўри;
2. (ким ёки нима) орқа қиладигани, эътиқод-ишонч билан қарайдигани.

Қуйидаги иборалар қаратқич ҳамда тўлдирувчи билан боғланади. Фразеологик маъноларнинг қаратқич билан боғланишидаги аталганлик бир хил, лекин тўлдирувчи билан

боғланишидаги аталганлик фарқли: биринчи маънода киши-ларга аталган, иккинчи маънода эса аталганлик умумий:

жон(и) ачи(й)ди (кимнинг)

1. (кимга) аяб куйинмоқ;
2. (кимга ёки нимага) ачиниб куйинмоқ;

юраг(и) ачиди (кимнинг)

1. (кимга) аяб куйинмоқ;
2. (кимга ёки нимага) ачиниб куйинмоқ¹⁶.

[б] Биринчи фразеологик маънонинг боғланиши нарсаларга аталган бўлади, иккинчи маънода эса аталганлик умумийлашади:

кўнга(и)га тегмоқ (кимнинг)

1. (нима: «овқат»), ёқмай қолмоқ, организми қабул қилмай кўйди;
2. (нима ёки ким) ёқтирмаслик ҳисси уйғонди.

Кўринадики, биринчи маънонинг нарсаларга аталганлиги-да хосланиш ҳам бор.¹⁷

в) Иборага боғланиб келадиган булаклардан бирининг аталганлиги тораяди. Масалан, қуйидаги ибора эса ва тўлдирувчи булаклар билан боғланиб келади. Фразеологик маъноларнинг эга билан боғланиши бир хил, тўлдирувчи билан боғланиши эса фарқли: биринчи маънонинг боғланиши ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган, шундан ўсиб чиққан иккинчи, учинчи маънода фақат кишиларга, тўртинчи маънода эса фақат нарсаларга аталган:

йўлга солмоқ (ким)

1. (кимни ёки нимани) кетиш томонига тўғрилаб жўнатмоқ, юргизмоқ;
2. (кимни) тўғри йўлга қайтармоқ;
3. (кимни) манфаатдор бўлгани қолда бирор ишга рағбатлантирмоқ;
4. (нимани) фаолиятини яхшиламоқ.

Юқоридагича ҳолат шунки бу уч маъноли иборанинг биринчи икки маъноси билан кейинги маъноси орасида ҳам мавжуд (бундан катъи назар, кейинги маънода аталганликнинг йўналиши ҳам узгарган):

бино кўймоқ (ким)

1. (ўзини) ортиқча баҳо бермоқ, юксак фикрда бўлмоқ;

¹⁶ Аталганликнинг кенгайиши аталганликнинг алмашинуви билан боғлиқ ҳолда ҳам содир бўлади ва бунда маънолар грамматик шаклларга жириши жиҳатдан ҳам фарқ қилади (кейинги қисмга қаранг).

¹⁷ Иккинчи маънодаги каби ҳолатларда тусланиш ҳам икки хил бўлади (кейинги қисмга қаранг).

2. (ўзига) қиёфасига алоҳида эътибор бермоқ;

3. (кимга ёки нимага) эътиқод билан қарамоқ.

г) Иборага боғланиб келадиган бўлақлардан бирининг аталганлиги тораяди, иккинчи бўлақнинг аталганлиги эса ўзгаради. Масалан, қуйидаги иборанинг маънолари бўйича эга билан боғланишида аталганлик торайган: биринчи маънонинг аталганлиги умумий, иккинчи маънода эса фақат кишиларга аталган. Бу ибора маъноларининг тўлдирувчи билан боғланишида аталганлик ўзгаради: биринчи маънода нарсаларга, иккинчи маънода эса кишиларга аталган бўлиши мумкин:

баланд келмоқ

1. (ким ёки нима нимада ёки нимадан) енгмоқ;

2. (ким кимдан) дўқ, нўписа билан енгилга интилмоқ.

б. Фразеологик маъноларидан ҳар бирга боғланиб келадиган бўлақлар фарқ қилувчи иборалар

Бундай иборалар, ўз-ўзидан, оз. Бунда фразеологик маънолардан бири иккинчисинда йўқ боғланишга эга бўлади. Тараққиёт икки хил боради:

а) Кейинги маънода олдинги маънога хос бўлмаган боғланиш қўшилади. Бундай тараққиёт тўлдирувчи ҳисобига содир бўлади. Масалан, қуйидаги ибораларнинг биринчи маъноси қаратқич билангина боғланиши мумкин, кейинги маъносида эса бунинг ёнига тўлдирувчи билан боғланиш қўшилади:

бош(и) айланди (кимнинг)

1. беҳуд бўлмоқ;

2. (нимадан) эсанкирмақ;

эс(и) оғди (кимнинг)

1. телба бўлмоқ, жинни бўлмоқ;

2. телбалаймоқ;

3. (нимага) маҳлиё бўлиб қолмоқ.

Қуйидаги иборанинг барча маънолари эга ва тўлдирувчи билан боғланади. Бундан ташқари, иккинчи маъно яна битта тўлдирувчи билан боғлана олади:

жавоб бермоқ

1. (ким нимага: «еўроқ»қа) жавоб бермоқ;

2. (ким нимага нима билан) жавобан иш тутмоқ;

3. (нима нимага) қондирмоқ;

4. (ким нимага) жавобгарликни ўз устига олмоқ;

5. (ким кимга) «кетил»га рухсат бермоқ.

б) Кейинги маъносини олдинги маъносига хос боғланиш йўқолади. Бундай ҳолат жуда оз. Қуйидаги иборادا кейинги

маънолар олдинги маънога хос боғланишни — тўлдирувчи билан боғланишни — йўқотган:

кўз(и) қиймади (кимнинг)

1. (кимни ёки нимани нима қилишга) кўнгилчанлик туфайли ботинолмаслик;
2. (кимни) раҳмдиллик билан аягани туфайли ташлаб кетолмаслик;
3. (нимани) кўнгил тортар нарсдан воз кеча олмаслик.

Бу иборанинг кейинги икки маъносида ҳаракат номи формасидаги феъл билан ифодаланган тўлдирувчини бошқариш хусусияти йўқ.

Сўроғи «қаерга» бўладиган ўрни ҳоли билан боғланиш куйидаги иборанинг фақат биринчи маъносида мавжуд:

кўз тикмоқ (ким)

1. (кимга ё нимага ёки қаерга) тикилиб қарамоқ;
2. (кимга ёки нимага) умидвор бўлиб қарамоқ;
3. (кимга ёки нимага) ҳирс билан қарамоқ.

Мана бу ибората юқоридагилардан бошқачароқ манзарани кўрсатиш; иборанинг биринчи маъноси ҳол бўлак билан, иккинчи маъноси эса бунинг ўрнига тўлдирувчи бўлак билан боғлана олади:

бури(и)ни суқмоқ (ким ўзининг)

1. (қаерга) кирмоқ;
2. (нимага) аралашмоқ.

Кўринадики, бунда бошқарув типини ва формасини (келишик) ўзгармайди, фақат бу бошқарилувчи моҳият жиҳатдан биринчи маънода ҳол бўлакка, иккинчи маънода эса тўлдирувчи бўлакка тўғри келади.

2. Фразеологик нолисемияда маъноларнинг грамматик шакллarga кириши

Сўзлардаги каби, ибораларнинг ҳам грамматик шаклланиши ранг-баранг. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маънолар кўпинча бир хил грамматик шаклланади. Бир қанча ибораларда эса фразеологик маъноларнинг грамматик шакллarga кириши фарқли бўлади. Бунинг кўринишлари:

1) Фразеологик маъноларнинг тусланиши (шахс-сонда ўзгариши), нисбатланиши (эгаллик аффикслари олиб ўзгариши)¹⁸ фарқли бўлади.

¹⁸ «Нисбатланиш» термини билан эгаллик аффикси олиб ўзгариш системасини атадик. Бу ҳақда авторнинг «Феъл фразеологик birlikларда мослашув» номли мақоласида изоҳ берилган.

2) Фразеологик маъноларнинг қаратма¹⁹ ўзгаришига йўл қўйиши ва шу асосда вариантланиши фарқли бўлади.

3) Фразеологик маъноларнинг нисбатловчи билан келиши ва шу асосда вариантланиши фарқли бўлади.

1) Фразеологик маъноларнинг тусланиши,
нисбатланиши фарқли иборалар

Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг тусланишидаги, нисбатланишидаги фарқ уларнинг эга, қаратқич билан боғланишидаги аталганликнинг ҳар хил экани сабабли юзага келади. Шу асосдаги фарқланишлар қуйидагича:

а. Фразеологик маънолар ўзаро тусланиши жиҳатдан фарқ қилади. Бунда маъноларнинг боғланишидаги аталганлик ўзаро зид бўлади:

а) биринчи маънонинг боғланиши кишиларга, иккинчи маъноники эса нарсаларга аталган бўлади, шу сабабли биринчи маъно ҳар уч шахсда тусланади, иккинчи маъно эса учинчи шахснинг ўзи билан чекланган²⁰:

ишга тушмоқ

1. (ким) меҳнат қилишни бошламоқ;

2. (нима) ишлай бошламоқ;

б) биринчи маънонинг боғланиши нарсаларга, иккинчи маъноники эса кишиларга аталган бўлади, шу сабабли биринчи маъно учинчи шахснинг ўзи билан чекланган, иккинчи маъно эса ҳар уч шахсда тусланади:

руёбга чиқмоқ

1. (нима) кўнгилдаги истак-режалар воқеликка айланди;

2. (ким) моддий-маънавий ожизликдан халос бўлмоқ.

б. Фразеологик маънолар ўзаро нисбатланиши жиҳатдан фарқ қилади. Бунда ҳам маъноларнинг боғланишидаги аталганлик ўзаро зид бўлади. Масалан, қуйидаги иборада биринчи маънонинг боғланиши кишиларга, иккинчи маъноники эса нарсаларга аталган, шу сабабли биринчи маъно ҳар уч шахсда нисбатланади, иккинчи маъно эса учинчи шахснинг ўзи билан чекланган:

маза (си) қочди

си

¹⁹ «Қаратма» термини билан феъллардаги даража (нисбат) категориясини атадик. Қаранг: «Научные труды ТашГУ», вып. 268, Ташкент, 1964, стр. 172.

²⁰ Тусланишдаги, шунингдек нисбатланишдаги чекланишлар авторнинг «Феъл фразеологик birlikларда мослашув» номли мақоласида ёритилган.

1. (кимнинг) соғлиғи ёмонлашди;
2. (ниманинг) бирор иши ёмонлашди, инқирозга юз тутди.

Мана бу иборанинг маънолари ҳам, худди юқорида кўрсатилгандек, ўзаро нисбатланиш жиҳатдан фарқ қилади (тусланиши жиҳатдан эса бир хил):

кет(и)га тушмоқ (ким)

и

1. (кимнинг) зимдан юриб бутун хатти-ҳаракатини таъқиб қилмоқ;
2. (ниманинг) манфаатдор бўлгани ҳолда берилиб ҳаракат қилмоқ.

в. Фразеологик маънолар ўзаро нисбатли тусланиши²¹ жиҳатдан фарқ қилади. Бунинг кўринишлари:

а) Маънолардан бирининг нисбатли тусланиши чекланган бўлади. Масалан, қуйидаги иборанинг биринчи маъноси ҳар уч шахсга тусланади ҳам, нисбатланади ҳам, иккинчи маъноси эса учинчи шахсга тусловчи ва нисбатловчиси билангина кела олади:

ҳадд(и)дан ошмоқ

и ди

1. (ким [ўзининг]) ўзига ортиқча эркин бериб юбормоқ;
2. (нима [ўзининг]) ортиқ даражада кучайиб, зўрайиб кетмоқ.

б) Маъноларнинг нисбатли тусланиши турлича бўлади. Масалан, қуйидаги иборанинг биринчи маъносида тусловчи билан нисбатловчи айни бир шахсни, иккинчи маъносида эса булар бошқа-бошқа шахсни билдиради (бундай ҳар хиллик фразеологик маъно аталганлигининг йўналишига боғлиқ ҳолда юз беради):

бош(и)ни оғритмоқ (ким)

1. ([ўзининг]) ўғламмоқ;
2. (кимнинг) миясини чарчатмоқ.

Мана бу иборанинг биринчи маъносида тусловчи билан нисбатловчи бошқа-бошқа шахсни, иккинчи маъносида эса айни бир шахсни билдиради:

қулог(и)га қуймоқ (ким)

1. (кимнинг [нимани]) гап уқтирмақ;
2. ([ўзининг] нимани) хотирасида мустаҳкам сақламоқ.

²¹ Нисбатли тусланишининг турлари авторнинг «Феъл фразеологик birlikларда мослашув» номли мақоласида ёритилган.

Шунинг яна-да мураккаброқ кўриниши ҳам учрайди. Масалан, қуйидаги иборанинг биринчи маъносида тусловчи билан нисбатловчи бошқа-бошқа шахсни билдиради; иккинчи маъно эса грамматик шаклланиш жиҳатдан анча мураккаб: қаратқич билан боғланиши кишиларга аталган бўлса, бу маъно ҳар уч шахсда тусланади ва тусловчи билан нисбатловчи (биринчи маънонинг аксича) айни бир шахсни билдириб келади. Агар қаратқич билан боғланиши нарсаларга аталган бўлса, бу маънонинг нисбатланиши учинчи шахснинг ўзи билан чекланган бўлади, натижада биринчи маъно ва иккинчи маънонинг биринчи қирраси иккинчи маънонинг иккинчи қиррасидан нисбатланиши жиҳатдан фарқ қилади:

ғам(и)ни емоқ (ким)

1. (кимнинг) ғамхўрлик қилмоқ (тусловчи билан нисбатловчи бошқа-бошқа шахсни билдиради);
2. ([ўзининг] ёки [ниманин]) илгаридан уйлаб, ҳозирда қилиб қўймоқ (тусловчи билан нисбатловчи айни бир шахсни билдиради ёки нисбатланиш учинчи шахснинг ўзи билан чекланган бўлади).

2) Фразеологик маъноларининг қаратма ўзгартишга йўл кўйиши фарқли иборалар

Бундай хусусиятли полисемантик иборалар анчагина. Шунларнинг асосий қисмида бош-ўтимсиз (С. Фердаусдаги ўзлик)²² қаратмадан орттирма (С. Фердаусдаги кўзғатиш) қаратма ясалиши воқе бўлади. Бир-икки иборадагина бош-ўтимли (С. Фердаусдаги ўтим) қаратмадан ўзлик қаратма ясалиши содир бўлади. Баъзан орттирма қаратмадан мажҳул қаратма ясалиши ҳам учрайди.

а. Бош-ўтимсиз қаратмадан орттирма қаратма ясалишида таянч вариант:

а) Гапга тенг қурилишли бўлади, қаратма ясалиши билан у бирикмага тенг ҳолатга ўтади²³, натижада маънонинг грамматик табиати ҳам ўзгаради. Масалан, кўнгл(и) айниди иборасининг биринчи маъносида кўнгл(и)ни айниятмоқ варианты

²² «В. И. Ленин номидаги Урта Осиё давлат университетининг Илмий асарлари», янги серия, CIV чиқиши, 11-китоб, Тошкент 1957, 61-, 62-бетлар.

²³ Ибораларнинг бирикмага тенг қурилишдан гапга тенг қурилишга ва аксича ўтиши ҳақида қараи: Раҳматуллаев Ш. Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке, «Труды СамГУ», вып. 106, 1961, стр. 86—98; «Научные труды ТашГУ им. В. И. Ленина», вып. 211, 1963, стр. 225—230.

бор, иккинчи маъносида эса бундай вариант йўқ. Кўнгл(и)ни айнитмоқ вариантыда янгича грамматик контекст ва янгича грамматик шаклларга кириш мавжуд: 1) эга билан боғланади, 2) бу боғланишида нарсаларга аталган бўлади, чунки кўнгл(и) айниди вариантыдаги тўлдирувчи-нарсга бу қурилишда эгага ўтади, 3) ана шу аталганлик сабабли, бирикмага тенг бўлишига қарамай, бу вариантнинг тусланиши учинчи шахснинг ўзи билан чекланади. Хуллас, бу иборанинг биринчи фразеологик маъноси икки вариантли қурилишга суяниши билан ва шу асосда туғиладиган грамматик табиати билан иккинчи фразеологик маънодан фарқ қилиб туради.

Мана бу иборада, юқоридагининг аксича, учинчи маънонинг грамматик табиати қолган икки маънониқидан бой:

кўнгл(и) озди

1. беҳуш бўлмоқ;
2. ошқатни туфайли беҳузур бўлмоқ;
3. организм бирор овқатни ҳидни шаклий қабул қилмагани туфайли беҳузур бўлмоқ (в.а.р.: кўнгилни оздирмоқ).

Кўнглини оздирмоқ вариантынинг грамматик табиати шундай: 1) қаратқия билан боғланиши йўқолади, 2) эга-нарсга билан боғланиш юзага келади, 3) шундай боғланиш туфайли тусланиши чекланган бўлади.

б) Бирикмага тенг қурилишга бўлади, қаратма ясалиши, бу қурилишни гапга айлантирмайди. Лекин маънонинг грамматик табиати ўзгаради. Масалан, жон(и)дан тўймоқ иборасининг иккинчи маъносида жон(и)дан тўйдирмоқ варианты бор, биринчи маъносида эса бундай вариант йўқ. Жон(и)дан тўйдирмоқ вариантынинг грамматик табиати жон(и)дан тўймоқ вариантыниқидан шундай фарқ қилади: 1) тўлдирувчи-киши билан боғланиш қўшилди, 2) инсобили тусланиши ҳар хил бўлади (жонимдан тўйдирдинг каби). Булар иккинчи маънонинг грамматик табиатининг биринчи маънониқидан фарқли қилиб кўяди.

Мана бу иборада биринчи маънонинг грамматик табиати иккинчи маънониқидан бой:

кўнгл(и)га келмоқ

1. ўзича ўйламоқ (в.а.р.: кўнгл(и)га келтирмоқ);
2. бирор муносабат билан айтилган гапни ёки қилинган ҳаракатни оғриниб қабул қилмоқ.

Кўнгл(и)га келтирмоқ вариантынинг грамматик табиати шундай: 1) эга-нарсга воситали тўлдирувчига айланади, 2) эга-киши пайдо бўлади, 3) эга билан боғланишидаги аталганлик ўзгариши билан (нарсга → киши) тусланишдаги чекланиш

йўқолади, 4) нисбатли тусланиши бир хил бўлади (кўнглимга келтирибманми!? каби).

б. Бош-ўтимли қаратмадан ўзлик қаратма ясалишида бирикмага тенглик сақланади, лекин грамматик табиат ўзгаради. Масалан, қулоғ(и)га қўймоқ иборасининг иккинчи маъносида қулоғ(и)га қўйилиб қолмоқ(ди) варианты бор, биринчи маъносида эса бундай вариант йўқ. Бу вариантнинг грамматик табиати шундай: 1) тўлдирувчи-нарсга йўқолади, 2) эга-киши ўринини эга-нарсга олади (ким → нима), 3) шундай аталгавлик сабабли тусланиши ҳам чекланади. Булар иккинчи маънонинг грамматик табиатини биринчи маъноникидан фарқли қилиб кўяди.

Мана бу иборанинг иккинчи, учинчи маъноси бир хил, биринчи маъноси бошқа бир хил вариантга эга:

қўлга олмоқ

1. ўз ихтиёрига ўтказмоқ (в а р.: қўл(и)га олмоқ);
2. қўқисдан ҳужум қилиб босиб олмоқ (в а р.: қўлга олинди);
3. ҳибс қилмоқ, қамаш мақсадида тутмоқ (в а р.: қўлга олинди);
4. ўз хоҳишига бўйсундирган қилмоқ.

Иккинчи, учинчи маънолардаги вариантлар қаратма ясалиши билан, биринчи маънодаги вариант нисбатловчи қўшилиши билан юзага келган (кейингича ҳолат алоҳида тасвирланган). Бу вариантлар туфайли фразеологик маъноларнинг грамматик табиатида фарқ пайдо бўлади ёки кучаяди.

в. Орттирма қаратмадан мажҳул қаратма ясалишида асли бирикмага тенг қурилиш сақланади, лекин: 1) эга-киши мажҳуллашади, 2) тўлдирувчи-киши эгага айланади, 3) шуңга қарамай, тусланиши чекланган бўлади. Бундай ўзгаришни қўйидаги иборанинг қўлга туширмоқ ва қўлга туширилди вариантлари орасида кўрамиз:

қўлга тушмоқ — қўлга туширмоқ

1. тутқун бўлмоқ — тутқун қилмоқ (в а р.: қўлга туширилди);
2. ножўя иш билан тутилмоқ — ножўя иш устида тутмоқ;
3. алданиб, ўз ихтиёрини бериб қўймоқ — алдаб, ихтиёрини олиб қўймоқ (в а р.: қўлга туширилди).

Кўринадики, биринчи, учинчи маънонинг грамматик табиати иккинчи маънонинг грамматик табиатидан сезиларли фарқ қилади.

3) Фразеологик маъноларининг нисбатловчи билан келиши фарқли иборалар

Маънолари бундай хусусиятли полисемантик иборалар кўп эмас. Масалан, қўл урмоқ, бел боғламоқ иборалари биринчи маъносида қўл(и)ни урмоқ, бел(и)ни боғламоқ вариантыга эга, иккинчи маъносида эса бундай вариант йўқ. Чунки эгалик аффиксини ишлатиш маънони конкретлаштиради, ибора компонентларининг маъносини бўрттиради. Бундай йўналишдаги ўзгаришлар бу ибораларининг биринчи маъносига мос тушади; иккинчи маъноси эса мавҳум маъно бўлиб, эгалик аффиксининг қатнашмагани маъқул.

Кун(и) ўтди — кун ўтказмоқ ибораси иккинчи маъносида кун(и)ни ўтказмоқ вариантыга ҳам эга. Юқоридаги икки иборада эгалик аффиксининг қатнашуви конкретлик учун хизмат қилса, бу иборада, аксинча, абстрактлик учун хизмат қилгандек бўлади. Бундан қатъи назар, эгалик аффикси билан ишлатилиш туфайли иборанинг маъноларидан бирида нисбатланиш пайдо бўлади, натижада фразеологик маъноларнинг грамматик табиати ҳам фарқли бўлиб қолади.

Баъзан полисемантик иборанинг маъноларидан бири учун эгалик аффикси қатнашадиган вариант асосий, бундай аффикс қатнашмайдиган вариант эса иккинчи маъно учун асосий бўлади. Масалан, юз ўгирмоқ II иборасининг юз(и)ни ўгирмоқ II варианты ҳам бор. Аммо бу икки вариантнинг мавқеи икки фразеологик маънода икки хил: биринчи маъно учун асосийси юз(и)ни ўгирмоқ II, иккинчи маъно учун асосийси юз ўгирмоқ II варианты.

3. Фразеологик полисемияда маъноларнинг синтактик хосланиши

Бир иборага бирлашувчи маъноларининг бундай фарқ қилиши жуда оз учрайди. Бунида ҳар бир маънонинг семантик мундарижаси унинг синтактик хосланиши билан боғлиқ ҳолда шаклланади. Масалан, қуйидаги ибора биринчи маъносида ҳол, иккинчи маъносида эса кесим вазифасида келади:

кўз ўнг(и)да

1. бевосита кузатгани ҳолда;
2. тасавурида сақланган.

Мана бу иборанинг биринчи маъноси гап бўлаги, аниқроғи — кесим вазифасига хосланган; иккинчи маъноси эса гап вазифасига (аниқроғи — шарт эргаш гапга бош гап бўлиб келишга) хосланган:

катта гап

1. диққатга сазовор, арзигулик;
2. қаноатланишга етарли, кифоя.

Б. Фразеологик маънолари бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган иборалар

Бундай иборада унинг маънолари бири иккинчиси учун асос вазифасини ўтамайди, ҳар бир фразеологик маъно ўзича шаклланган бўлади. Бундай маънолар орасида маълум умумийлик бор, албатта. Аммо ҳар икки маъно ўзаро эмас, балки айни вақтда бир манбага боғланади. Бундай муносабатни қуйидагича кўрсатиш мумкин²⁴:

→ 1
→ 2

Демак, бундай иборанинг фразеологик маъноларини тенг баҳолаш керак. Аммо буни назарий жиҳатдан амалга ошириш мумкин-у, амалда маъноларни олдин-кейин жойлаштириб санашга тўғри келади. Бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган фразеологик маъноларнинг ҳар бири ўзича бош маъно ҳолатида бўлади. Лекин амалий жиҳатдан, масалан, лугатда, шу маънолардан бири олдинги ўринни ишғол қилади. Шартли равишда худди шу маъно тўғрисида бош маъно бўлиб қолади. Ана шундай шартли бош маънони белгилашда бу маъноларнинг ўзаро умумий мундарижали ёки хусусий мундарижали экани, нутқда ишлатилиш миқёси каби белгилар ҳисобга олинади.

Бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган фразеологик маънолардан бирини тўғри маъно ва иккинчисини кўчма маъно деб қараш ҳам мумкин эмас. Фразеологик бирлиkning табиати бундай маъноларнинг ҳар бирини кўчма маъно деб аташни тақозо қилади. Худди шундай фикр бири иккинчисидан ўсиб чиққан фразеологик маъноли ибораларга нисбатан ҳам таъкидланган эди.

Бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган фразеологик маъноларнинг ўзаро тараққий этиш усули ҳақида эмас, балки ўзаро вазияти ҳақидагина сўз юритиш мумкинлиги ўз-ўзида аниқ.

Бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган фразеологик маъноларнинг грамматик табиати билан қизиқиш мумкин.

1. Фразеологик маъноларнинг ўзаро вазияти

Бир иборага бирлашувчи, аммо бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган маъноларнинг ўзаро вазияти қуйидагича:

1) Ўзаро боғланмайди, бир йўналишдаги мустақил маъно-

²⁴ Ю. Д. Апресян ўзининг йўл-йўлакай изохида бундай полисемиянинг омонимияга яқин туришини таъкидлаб ўтади («Ученые записки Первого Московского гос. пед. института иностранных языков», том XV, 1957, стр. 250).

лар бўлади. Фразеологик маъноларнинг бундай ҳолатда бўлиши анчагина.

Фразеологик маъноларнинг ўзаро боғланмаган бўлишини икки хил изоҳлаш мумкин:

а) Ҳар бир маъно асосида бошқа-бошқа воқелик ётади:

ичаг(и) узилди I

1. кулгидан қотиб қолмоқ;
2. узлуксиз ва қаттиқ йиғлаб чарчамоқ (чақалоқнинг):

икки қўл(и)ни бурн(и)га тикиб

1. қуруқдан-қуруқ, эвазига ҳеч нарса ололмай;
2. бекорчи бўлиб, бирор фойдали меҳнат билан шуғулланмай.

Воқеликнинг бошқа-бошқа экани биринчи иборанинг маъноларида яққол кўрилади. Иккинчи иборада эса воқелик биттага ўхшайди. Ҳақиқатда эса бу иборанинг маънолари асосида ҳам бошқа-бошқа воқелик ётади: биринчи маънода банд қўл билан бориб (иманидир олиб бориб), буш қўл билан қайтишдан, иккинчисида эса қўлни бирор юмуш билан банд қилмасликдан келиб чиқилган.

б) Ҳар бир маъно аини бир компонентнинг бошқа-бошқа лексик маъносига асосланган бўлади, бу лексик маънолар бошқа-бошқа воқеликни (тушунчани) англатади:

бош(и)дан кечмоқ

1. ўз ҳаётида кўрмоқ, ҳис қилмоқ;
2. маълум бир муддат фикрламоқ;

хаёл(и)га келмоқ

1. ўйламоқ, идрок қилмоқ, фаҳмламоқ;
2. хотирасида тикланмоқ.

Биринчи иборанинг бош-компоненти биринчи фразеологик маънода «уст» маъноси билан, иккинчи фразеологик маънода эса «мия» маъноси билан қатнашган. Иккинчи иборанинг хаёл компоненти биринчи фразеологик маънода «ўй, фикр» маъноси билан, иккинчи фразеологик маънода эса «хотира» маъноси билан қатнашган.

2) Ўзаро зид маъно бўлади. Бир иборага бирлашувчи маъноларнинг бундай муносабатда бўлиши жуда оз учрайди:

дунёдан ўтмоқ

1. яшамоқ;
2. қаза қилмоқ;

ич(и) қизиди

1. қизиқиш уйғонди;
2. зеркиб сиқилмоқ;

юраг(и) қинидан чиқа ёзди

1. бетоқат бўлмоқ (ташвишланиб, зерикиб);
2. севинчдан кучли тўлқинланмоқ.

Биринчи иборанинг икки маъноси бир-бирига тамоман зид. Бу маънолардан ҳар бири мустақил ибора деб қараш даража-сида. Агар шундай ҳукм чиқарсак, бу икки ибора бир томондан «омоним», иккинчи томондан эса «антоним» бўлади.

Асли бу икки маъно бир тушунчага суянади: икки дунё — бу дунё ва у дунё ҳақидаги диний тушунчага боғланади. Диний тушунчага кўра, кишининг икки дунёси бор. Юқоридаги иборادا «бу дунё» асосга олинган. Биринчи фразеологик маънода яшаш даври билдирилса, иккинчи фразеологик маънода бир дунёда яшаб бўлиб, иккинчисига ўтиш вақти билдирилади. Бу маънолар орасидаги ана шундай боғланишни ҳисобга олиб уларни бир фразеологик иборага бирлаштирдик.

Агар яна-да синтаксис таҳлил қилсак, масалан, биринчи фразеологик маънонинг асосий варианты деб дунёда ўтмоқ вариантыни (шундан кейинги вариант деб ўтмоқ элдиписини) тан олсак, у вақтда бу икки маънони иккита ибора деб қараш тўғри бўлиб чиқар.

Иккинчи, учинчи ибораларнинг маънолари ҳам ўзаро зид ҳолатда. Аммо булардаги зидлик жузъий: ҳар икки маънода ҳам ҳиссиёт англатилади, бу маънолар асосида айни бир воқелик ётади (ич ва унинг қизиқиш, юрак ва унинг қиқидан чиқиши). Фарқ ана шу ҳиссиётнинг натижаси эканида: бир маънода бундай ҳиссиёт севиниш, тўлқинланиш натижаси, бошқа бир маънода эса сиқилиш, тоқатсизланиш натижаси.

Кўринадики, кейинги ибораларда саналган икки маънони бир иборага бирлаштиришдан ўзга йўл йўқ.

2. Фразеологик маъноларнинг грамматик табиати

Бундай фразеологик полисемияда маънолар бири иккинчидан ўсиб чиқмагани туфайли уларнинг грамматик табиати ҳам фарқли бўлишини кутиш мумкин. Ҳақиқатда эса бундай маъноларнинг грамматик табиати кўпинча айнан.

1) Фразеологик маъноларнинг грамматик контексти

а. Бу тип ибораларда фразеологик маъноларнинг грамматик контексти кўпинча бир хил бўлади. Ҳатто лексик контекстида хосланиш ҳам бу тип ибораларнинг маъноларида деярли учрамайди. Қуйидаги ибора эга ва ҳол билан боғланиб келади. Ҳол билан боғланишида бу иборанинг маънолари лексик контексти жиҳатдан хосланган:

одам қўймоқ (ким)

1. бирор нозик масала бўйича ўзи билан ўзга томон орасида кимнингдир воситачилигидан фойдаланмоқ («орага»);
2. бирор киши ёрдамида кимнидир таъқиб этмоқ («орқасидан»).

Кўринадики, бу икки маънода ҳол бўлак лексик жиҳатдангина эмас, грамматик жиҳатдан ҳам фарқли (орага — орқасидан).

Қуйидаги иборанинг маъноларида ҳам грамматик контекст бир хил, аммо иккинчи маънода тўлдирувчи ҳаракат номи формасидаги феъл билан ифодаланади, биринчи маънода эса тўлдирувчи вазифасида ган сўзи (ёки шунинг синоними) келади:

кўнгл(и)га тутмоқ (ким [ўзининг])

1. (нимани: «таълим») ўрни келганда айтишни мўлжаллаб қўймоқ;
2. (нима қилишни) аҳд қилмоқ;
3. (нимани) фикран белгилаб қўймоқ;
4. (нимани) унутмай ичда сақламоқ.

б. Фразеологик маъноларнинг грамматик контексти ҳар хил иборалар орасида айни шу бўлаклар билан боғланувчилари кўп, албатта. Шундан ичида маъноларнинг грамматик контекстидаги ҳар хиллик қуйидаги сабаблар билан воқе бўлади:

а) Иборанинг бирор бўлак билан боғланишидаги аталганлик фразеологик маъноларда ўзаро зид бўлади. Масалан, қуйидаги иборанинг маънолари эга билан боғланишида фарқ қилмайди, тўлдирувчи билан боғланишидаги аталганлик ўзаро зид: биринчи маънода кишиларга, иккинчи маънода эса нарсаларга аталган:

кўз олайтирмоқ (ким)

1. (кимга) ўқраймоқ;
2. (нимага) ўз манфаатига бўйсундириш ниятида юрмоқ.

б) Иборанинг бирор бўлак билан боғланишидаги аталганлик кенгайди:

маза(си) йўқ

1. (кимнинг) соғлиги ёмон ҳолатда;
2. (кимнинг) ҳаракати суст;
3. (кимнинг ёки ниманинг) ёмон.

Бу иборада учинчи фразеологик маънонинг қаратқич билан боғланишидаги аталганлик кенгайган.

в) Иборанинг бирор бўлак билан боғланишидаги аталганлик ўз йўналишига кўра фарқ қилади:

кўнгл(и)дан чиқармоқ (ким)

1. ([ўзининг] [нимани]) буткул унутиб юбормоқ, ўйламай, эсламай қўймоқ;
2. (кимнинг [нимани]) кўнглидаги губорни тарқатмоқ;
3. ([ўзининг] нимани) ўз розилиги билан беришни маъқул кўрмоқ.

Бу ибора маъноларининг эга билан боғланиши фарқсиз. Қаратқич билан боғланиши маъноларига кўра икки хил: биринчи, учинчи маънода қаратқич ўз сўзи билан ифодаланиши мумкин (бундай қаратқич контекстда кўпинча ифодаланмайди), иккинчи маънода эса «кимнинг» сўроғига жавоб бўладиган бошқа бир сўз билан ифодаланади.

г) Бир фразеологик маънонинг грамматик контекстидаги бирор бўлак ўрнига иккинчи фразеологик маънода бошқа бир бўлак келади. Масалан, бош суқмоқ ибораси иккита бўлак билан боғланади. Эга билан боғланишида бу иборанинг маънолари фарқ қилмайди. Иккинчи бўлак сифатида биринчи, иккинчи маъно ҳол билан, учинчи маъно эса тўлдирувчи билан боғланади:

бош суқмоқ (ким)

1. (қаерга) гавдаси ташқарида қолиб, бошини тикқан ҳолда қарамоқ;
2. (қаерга) кирмоқ;
3. (нимага) аралашмоқ.

д) Бир фразеологик маънонинг грамматик контекстида бор бўлак иккинчи фразеологик маънонинг грамматик контекстида йўқ бўлади:

тоб(и) йўқ (кимнинг)

1. касал;
2. (нимага) рағбати йўқ, келишмаслик.

Кўринадики, бу иборанинг иккинчи маъносига қаратқич билан боғланиш устига тўлдирувчи билан боғланиш ҳам қўшилган.

2) Фразеологик маъноларнинг грамматик шакллarga кириши

Бу тип ибораларда фразеологик маъноларнинг грамматик шакллarga кириши ҳам одатда бир хил бўлади. Фақат бир неча иборадagina унинг фразеологик маънолари тусланиши, нисбатланиши жиҳатдан фарқли. Масалан, юқорида келтирилган кўнгл(и)дан чиқармоқ иборасининг нисбатли тусланиши биринчи, учинчи маъноларида бир хил (кўнглимдан чиқар-

дим каби), иккинчи маъносида эса ҳар хил бўлади (кўнглидан чиқараман каби).

Қуйидаги ибора маъноларида нисбатланиш ўзаро ҳар хил: орқа(си)дан тушмоқ (ким)

си

1. қаерга борса, зимдан таъқиб қилиб бормоқ (кимнинг);
2. парваришламоқ, назорат қилмоқ (ниманинг).

Қаратқич билан боғланиши биринчи маъносида кишиларга аталган, шу сабабли уч шахсда нисбатлана олади; иккинчи маъносида эса нарсаларга аталган, шу сабабли нисбатланиши учинчи шахс билан чекланган.

В. Фразеологик маъноларининг баъзиси бири иккинчисидан ўсиб чиққан, баъзиси эса бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган иборалар

Маънолари юқоридагича муносабат ҳосил этиб турувчи иборалар жуда оз. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг бундай мураккаб муносабатда бўлиши, ўз-ўзидан, уч ва ундан ортиқ маъноли иборалар орасидагина учрайди.

1. Бундай мураккаб муносабатли ибораларда фразеологик маъноларнинг вазияти

Бир иборага бирлашувчи уч ва ундан ортиқ маъно турлича вазиятда бўлади. Бу тип иборалар ўзи санокли ва улардан ҳар бирининг ўз хусусий томонлари бор!

а) Қуйидаги тўрт маъноли иборанинг иккинчи, тўртинчи маънолари биринчи маъносига боғланади, ammo учинчи маъноси қолган маъноларнинг бирортаси билан ҳам боғланмайди. Шу жиҳатдан учинчи маъно ҳам биринчи маъно ағаллагани каби вазиятда бўлади:

ўз(и)га келмоқ

1. беҳушликдан қайтмоқ;
2. одатдаги сезири, англаш ҳолатига қайтмоқ;
3. аввалги соғлигини, куч-қувватини тикламоқ;
4. тўғри идрок қилмоқ.

Бундай муносабатни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1 → 2 → 4
|
3

Асли биринчи маъно асосида (демак, ундан тараққий этиб чиққан иккинчи, тўртинчи маънолар асосида ҳам) бошқа бир

образ, учинчи маъно асосида эса бошқа бир образ ётади: биринчисида ҳис-туйғудан, иккинчисида жисмоний ҳолатдан келиб чиқилган. Агар учинчи маъно билан иккинчи, тўртинчи маъно орасида ўхшашлик бўлмаса, бу ўринда фразеологик омонимия ҳақида гапириш ўринли бўлар эди.

б) Луғатга олти маъноли иккита ибора киритилган. Маъно муносабати жиҳатдан бу икки ибора ҳозир тасвирланаётган типга мансуб. Бундан қатъи назар, ҳар бирида маъноларнинг ўзаро муносабати бошқача.

Қуйидаги иборادا унинг биринчи ва учинчи маъноси бир хил вазият эгаллайди, қолган маънолар шуларга боғланади: иккинчи ва олтинчи маъно биринчи маънога, тўртинчи ва бешинчи маъно учинчи маънога боғланади:


бош кўтармоқ

1. қарамоқ;
2. қилиб турган ишни тўхтатмоқ;
3. қўзғатмоқ, ҳаракатга келмоқ;
4. сораймоқ;
5. қурашга чоғланмоқ;
6. униб чиқмоқ.

Биринчи маъно асосида (демак, ундан ўсиб чиққан иккинчи, олтинчи маънолар асосида ҳам) бош сўзининг гавда қисмини аташ маъноси ётади.

Учинчи маъно асосида (демак, ундан ўсиб чиққан тўртинчи, бешинчи маънолар асосида ҳам) бош сўзининг гавда қисмини аташ маъноси эмас, балки бутунасича гавдани англатиши ётади (қисм орқали бутун англатиладиган синекдоха).

Демак, бу иборадаги икки хил семантик линия бир сўзнинг икки лексик маъносига суянади. Бу ибора маъноларининг муносабатини қуйидагича кўрсатиш мумкин:



в) Мана бу иборанинг бўлса биринчи, иккинчи ва олтинчи маънолари бир хил вазият эгаллайди, қолган маънолар шуларга боғланади: учинчи ва бешинчи маъно биринчи маънога, тўртинчи маъно эса иккинчи маънога боғланади:

тўғри келмоқ

1. мувофиқ бўлмоқ, мос бўлмоқ;
2. бир вақтда бўлмоқ;
3. тақсимлаганда тегмоқ;
4. йўлиқмоқ, учрамоқ;
5. қулай бўлмоқ;
6. лозим бўлмоқ, зарур бўлмоқ.

Биринчи, учинчи ва бешинчи маъноларда икки предметни ўзаро таққослаш, ўлчаш мақсадида яқинлаштириш асосга олинган. Иккинчи ва тўртинчи маъноларда эса икки предметнинг яқинлашуви зид ҳаракат асосида бўлади. Бу икки семантик линия орасида озми-кўпми умумият бор. Аммо олтинчи маънони бу семантик линияларнинг бирортасига ҳам қўшиб бўлмайди. Асли бу олтинчи маънони мустақил ибора сифатида тақдим этиш ва шу билан яна битта фразеологик омонимияни таъкидлаш мумкин.

Бу ибора маъноларининг муносабатини қуйидагича кўрсатиш мумкин:

1	→3
	→5
2	→4

2. Бундай мураккаб муносабатли ибораларда фразеологик маъноларнинг грамматик табиати

Асли бу тип ибораларда ҳам фразеологик маъноларнинг грамматик табиати аввалги тип иборалардагига ўхшаш. Бу ўринда фақат қуйидагиларга эътиборни жалб этмоқчимиз:

1) Фразеологик маънога бой бўла туриб, иборанинг грамматик табиати у қадар мураккаб бўлмаслиги мумкин. Буни бош кўтармоқ ибораси мисолида яққол кўраемиз. Бу иборага бирлашувчи олти маънонинг фақат олтинчисида эга билан боғланишдаги аталганлик ўзгаради (беш маънода кишиларга аталганлик, олтинчи маънода эса нарсаларга аталганлик маъжуд). Демак, бу иборанинг беш маъноси ҳар уч шахсда туслана олади, олтинчи маънонинг тусланиши эса учинчи шахснинг ўзи билан мекланган.

2) Ибора, фразеологик маъноларга бой бўлиши билан бирга, ўз маъноларининг грамматик табиати жиҳатдан мураккаб бўлиши мумкин. Буни тўғри келмоқ ибораси мисолида яққол кўраемиз. Бу иборага бирлашувчи олти маънонинг ҳар бири ўз грамматик табиати билан бошқаларидан фарқланиб туради (қуйида маъноларнинг контекстини кўрсатувчи сўроқларинигина бердик):

1. нима нимага, ким кимга;
2. нима нимага;
3. нима кимга ёки нимага қанчадан;
4. ким кимга ёки нимага;
5. нима;
6. нима қилишга.

Бунда: а) олтинчи маъногига эга билан боғланмайди, шаклан учинчи шахсда туради-ю, мазмунаш шахссиз бўлади;

б) бешинчи маъногина тўлдирувчи билан боғланмайди; эга билан боғланиши нарсаларга аталган, шу сабабли тусланиши ҳам учинчи шахс билан чекланган;

в) тўлдирувчи билан боғланиши жиҳатдан олтинчи маъно ажралиб туради: бу маънода тўлдирувчининг ҳаракат номи формасидаги феъл билан ифодаланиши талаб қилинади; бошқа маъноларга боғланидиган тўлдирувчи от билан ёки от ўрнида келувчи сўз билан ифодаланади;

г) тўлдирувчининг миқдори ва сифати жиҳатдан учинчи маъно бошқаларидан кескин фарқ қилади: бу маъно айни вақтда иккита воситали тўлдирувчи билан боғланади;

д) иккита бўлак билан боғланиб келувчи биринчи, иккинчи, тўртинчи маънолар ҳам ўзаро бир хил эмас: иккинчи маъно ҳар икки бўлак билан боғланишида нарсаларга аталган, демак, тусланиши чекланган;

е) эга билан боғланишида кишиларга аталганлик биринчи ва тўртинчи маъноларда мавжуд, аммо бу маъноларнинг табиати фарқли ҳам: тўртинчи маънонинг тўлдирувчи билан боғланишида аталганлик умумий (кимга ёки нимага); биринчи маънода эса бошқача: эга ва тўлдирувчи билан боғланишидаги аталганлик бир хил юради (ё нарсаларга аталган бўлади, ёки кишиларга аталган бўлади, шунга мос ҳолда ё «нима нимага» сўроқларига жавоб бўлувчи бўлаклар билан, ёки «ким кимга» сўроқларига жавоб бўлувчи бўлаклар билан боғланиб келади).

Хуллас, олти маъноли биринчи иборанинг грамматик табиати нақадар содда бўлса, худди шунча маъноли иккинчи иборанинг грамматик табиати шу қадар мураккаб.

Қисқа хулосалар

1. Полисемия сўзлардагина эмас, ибораларда ҳам кенг тармоқ ёйган.

2. Полисемантик иборалар иккитадан тўрттагача фразеологик маъно аниқлаб келади. Булар ичида энг кўпи (саксон проценти) — икки маъноли иборалар.

3. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг муносабати икки хил: а) бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлади, б) бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган бўлади. Полисемантик ибораларнинг кўпида биринчи хил маъно муносабатини кўради. Баъзан полисемантик иборанинг маънолари ўзаро ҳар икки хил муносабатни акс эттиради.

4. Фразеологик маънолари бири иккинчисидан ўсиб чиққан ибораларда кейинги маънолар биринчи маънога бирикетиб боғланади ёки ҳар бири ўзича боғланади; ибораларнинг

анчагина қисмида айни вақтда ҳар икки хил боғланиш мавжуд.

5. Фразеологик полисемияда маъно тараққиёти икки усул — татбиқ усули ва кўчириш усули — билан боради. Бу икки усул деярли тенг ҳолатда (баъзан татбиқ усули устулик ҳам қилади). Уч ва ундан ортиқ маъноли ибораларда ҳар икки усул билан тараққий этиш ҳам ўз аксини топган.

6. Фразеологик полисемияда ҳам бош маъно ва ясама маъно фарқланади. Уч ва ундан ортиқ маъноларнинг бирин-кетин боғланишида тўнгич бош маъно ва нисбий бош маъно (ясама бош маъно) ҳақида гапириш мумкин.

Фразеологик полисемияда барча маънолар одатда кўчма (образли) маъно бўлади.

7. Полисемантик иборанинг фразеологик маънолари ўз грамматик табиати жиҳатдан ҳам кўпинча фарқланиб туради. Бунда фразеологик маънолар лексик контекстида, грамматик контекстида, баъзан эса ҳар иккисини ўзаро фарқ қилади. Грамматик контекстдаги фарқлар фразеологик маъноларнинг нуқтада қандай бўлақлар билан боғланишига ва бу боғланишларнинг аталганлигига, йўналишига боғлиқ ҳолда воқе бўлади.

8. Полисемантик ибората фразеологик маъноларнинг грамматик шакллارга кириши жиҳатдан фарқланиб туриши ҳам мавжуд. Бундай ҳол фразеологик маъноларнинг тусланиши, нисбатланиши, нисбатли тусланишида, қаратма ўзгаришига йўл қўйишида, нисбатловчи билан кела олишида кўрилади. Баъзан фразеологик маънолар ҳам грамматик контекстида, ҳам грамматик шаклларга кири олишида фарқланиб туради. Оз бўлса-да, фразеологик маъноларнинг синтактик хоҳланганлиги жиҳатдан фарқли бўлиши ҳам учрайди.

9. Фразеологик маъноларнинг грамматик табиати ўзаро фарқли иборалар маънолари бири-иккинчисидан ўсиб чиқмаган фразеологик бирликлар орасида ҳам анча.

10. Бир ибората биринчи фразеологик маъноларни турли нуқтан назардан қисслаб ўрганиш фразеологик маъноларнинг семантик ҳамда грамматик табиатини чуқурроқ ўрганишга олиб келади. Фразеологик маънони полисемия нуқтан назаридан текшириш ҳар бир фразеологик маънонинг тилда мустақил луғавий birlik сифатида яшашига ишончини яна-да мустаҳкамлайди.

ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМИЯ

Фразеологик синонимия — кўнгина tadқиқотчиларнинг эътиборини ўзига тортган масала. Бундай синонимия совет олимлари томонидан дастлаб гарб тиллари (инглиз, немис, француз тиллари) материали асосида ёритилди. Кейинроқ рус тили фразеологик синонимиясини ўрганиш ҳам кенг кўлакда бошлаб юборилди. Аммо турк тилларидаги, шу жумладан ўзбек тилидаги бу ҳодиса билан ҳозиргача ҳеч ким шугулланмаган.

Фразеологик синонимияга бағишланган ёки шундай ҳодиса тилга олиб ўтилган маъбаларнинг барчасини бирма-бир таҳлил этиш ортқича. Шу адабиётлардаги баъзи фикр ва мулоҳазаларинигина хронологик тартибда баён этиш kifоя.

«Синонимия» терминини фразеологик бирликларга nisбатан биринчи А. В. Кунин татбиқ этган дейиш мумкин¹. Бу авторнинг мақоласида «структурал синонимия» тушуничаси ва термини берилди, автор фразеологик бирликларнинг вариантларини шундай атайди. Мақолада структурал синонимиянинг турлари деб лексик синонимия, грамматик синонимия, лексик-грамматик синонимия тиллари дурсатилади. Бунда вариантларнинг лексик, грамматик фарқланиши асосга олинади. На иборалар орасидаги, на сўз билан ибора орасидаги синонимия тўғрисида автор фикр юритмайди. «Лугатдан фойдаланиш ҳақида»ги изоҳларнинг туққизинчи пунктида (16-бет) «синонимик оборотлар» деб ҳам автор структурал синонимияга мисол келтирган.

Фразеологик синонимия бўйича биринчи бўлиб Ю. Д. Ап-

¹ Некоторые вопросы английской фразеологии, «Англо-русский фразеологический словарь», Госиздат иностранных и национальных словарей, М., 1955, стр. 1444—1450.

ресян кандидатлик диссертацияси ёқлаган². Бу диссертация деярли тўлиқ ҳолида 1957 йили босилиб ҳам чиқди³ (ўз мулоҳазаларимизни шу нашр бўйича баён қиламиз). Фразеологик синонимияга бағишланган биринчи жиддий иш сифатида Ю. Д. Апресяннинг асари ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Аввало, бу манбада фразеологик синонимлар ва фразеологик вариантлар масаласига жуда чуқур ёндашилади. Фразеологик синонимияни белгиловчи ўлчовлар сифатида ибораларнинг маъноси, синонимик функцияси, синтактик формаси, контекстуал хосланиши кабилар олинади. Синонимияга берилган таъриф ҳам жуда аниқ (248- бет). Ишда синонимлар уч хил тасниф қилинади: маъноси жиҳатдан (249- — 255- бетлар), функцияси жиҳатдан (255- — 269- бетлар), синтактик формаси ва конструктив хосланганлиги жиҳатдан (269- — 276- бетлар).

Маъно жиҳатдан тасниф қилишда автор синоним ибораларни тўлиқ синонимлар ва қисман синонимлар деб, шунингдек, бир сирада синонимлар ва ҳар хил сирада синонимлар деб группаларга бўлади. Булардан иккинчи хил группалаш ўзини оқлайди.

Бундан қатъи назар, синонимия фразеологик birlikларнинг қайси маънолари орасида мавжудлигини ўрганиш талабини кўйиб, Ю. Д. Апресян жуда тўғри масалани ўртага ташлайди (255- бет).

Биз Ю. Д. Апресяннинг синонимларни тўлиқ ва қисман деб группалашига қўшилмаймиз (249- — 252- бетлар). Бундай группалаш синонимияни полисемияга тобе қилиб қараш натижасидир. Синонимияни лугавий birlikни ихлитлигича олиб (сўз билан сўз, ибора билан ибора, сўз билан ибора орасида) баҳолаш шарт эмас; полисемантик сўз ёки ибора қатнашган синонимия уясида конкрет бир маънодан келиб чиқиб фикр юрчтавериши тўғри.

Функция жиҳатдан таснифлашда автор семантик, стилистик ва экспрессив-эмоционал функциялар ҳақида гапиради. Булар ичида аниқ чегаралаб, санаб бўлмайдигани семантик функция деб берилган ҳолисалардир (умумий билан хусусийни фарқлаш; ҳаракатнинг интенсивлик даражасини фарқлаш;

² Апресян Ю. Д. Фразеологические синонимы типа «глагол + существительное» в современном английском языке. Автореферат кандидатской диссертации. М., 1956.

³ Апресян Ю. Д. Фразеологические синонимы в современном английском языке (тип «глагол + существительное»), «Ученые записки Первого Московского гос. пед. института иностранных языков», т. XV, 1957, стр. 241—284.

ҳаракатнинг ҳаракат субъектига йўналишини фарқлаш; ҳаракатнинг атайлаб ёки ғайри шуурий тарзда амалга ошувини фарқлаш; фикр-мулоҳаза ва эмоцияни фарқлаш).

Шунга қарамай, автор фразеологик синонимларнинг семантик функциясини асосий функция деб тўғри таъкидлайди. Чунки бошқа (стилистик, эмоционал-экспрессив) функциялар шу маъно фарқланишлари замирида ва шу маъно фарқланиши билан биргаликдагина мавжуд бўлишини айтади (263-бет).

Ю. Д. Апресян стилистик функцияни иккинчи ўринда баён қилади. Ваҳоланки семантик функцияга эмоционал-экспрессив функция яқин туради. Бундан қатъи назар, стилистик деб таъсирланган ҳодисалар асли нутқнинг функционал кўринишлари жиҳатдан бериладиган характеристикалардир.

Авторнинг учинчи таснифи фразеологик синонимларнинг грамматик табиатини очишга бағишланган. Бу қисмда айтилган фикр ва мулоҳазалар синчиклаб ўрганишга лойиқ. Аммо шу нуқтада тиллар бўйича хусусийлик жуда кучли бўлишини ҳам ҳисобга олиш лозим.

Кўпчилик адабиётда фразеологик синонимия умумий ҳодисаси сифатида ўрганилади. Батъи адабиётларда эса бу ҳодисани индивидуал автор услуби нуқтаи назаридан баҳолаш мақсад қилиб қўйилади. Кейинги хил ишларда, сўзсиз, фразеологик синонимияни умумий ҳодисаси сифатида баён этиш ҳам маълум ўрин эгаллайди.

Масалан, Ф. А. Краснов⁴ фразеологик синонимларни уларга синоним бўладиган сўз билан қиёслаб баҳолайди, шу асосда оддий сўзлашув нутқиغا хос ибораларнинг экспрессив-синонимик маъно аниқлигини таъкидлайди. Бундай ибораларни бадиний асарда ишлатиш асосан уларнинг маъно оттенкалари туфайли эмас, балки экспрессив-эмоционал томонлари сабабли юз беришини қайд қилади. Бизнингча иборалар билдирадиган эмоционал-экспрессив маъноларни бу қалар бўрттириб кўрсатиш уларнинг лугавий маъноларини менсимасликка олиб келади. Авторнинг: «Ибораларда тўғри, номинатив маъно йўқ, улар маъноларини билвосита, яъни семантик таянч сўзининг маъноси орқалигина аниқланилади, ана шундай сўзининг маъноси-гина бевосита воқеаликка қаратилган бўлади», — деган фикрини мунозарали деб ўйлаймиз (188-бет).

Чунки, биричидан, ҳар бир синонимия уяси ҳам сўзини, ҳам иборани қамраб турмайди. Бошқача айтганда, биз доим

⁴ Краснов Ф. А. О синонимических соответствиях разговорно-просторечных фразеологических единиц в прозе Н. С. Лескова. «Ученые записки филфака Киргизского государственного университета», вып. 4, Фрунзе, 1957, стр. 187—199.

лексик-фразеологик синонимияга эга бўлавермаймиз, тилда лексик синонимиянинг ўзи ёки фразеологик синонимиянинг ўзи ҳам мавжуд. Демак, ҳар бир синонимия уяси бошида (марказида) нейтрал сўз туради дейиш фақат назарий эҳтимол.

Иккинчидан, шундай сўз бўлганида ҳам, ибора ўзича маъно англатмайди, сўз синоними орқали англатади дейиш асосли эмас. Бир семантик микросистеманинг вақили сифатида синоним сўз ва ибора орасида ўзаро турлича муносабат мавжудлиги шубҳасиз. Аммо ўзаро боғлиқликни бирининг маъноси иккинчисини орқалигина реаллашади деб тушуниш ҳақиқатдан узоқлашиш бўлади.

Фразеологик иборанинг маъносини тўғри маъно деб бўлмайди, албатта. Лекин иборани номинатив маънодан маҳрум этиш мумкин эмас. Шубҳасиз, фразеологик бирликларда экспрессив-эмоционал томон сўзлардан кўпича кучли бўлади. Шунга қарамай, ибораларнинг асосий кўпчилиги (модал иборалар ва баъзи бошқа иборалардан ташқариси) номинатив маъно англатади.

Сўз билан ибора орасидаги фразеологик синонимиянинг баъзи бағишланган маҳсул инлар ҳам бор. Масалан, Е. М. Вольф ўз мақоласида феъл сўз ва иборалар синонимияси ҳақида фикр юритади⁵. Бу мақолада турғун бирикмаларнинг номинатив функция ташувчи экани (23-бет), сўз ва унга синоним иборанинг ўзаро маъно муносабати (24-, 25-бетлар), иборанинг маъноси синоним сўзиникидан тор бўлиши (25-бет), иборанинг маъноси синоним сўзининг қайси маъносига тўғри келиши (26-бет), ибора компонентларининг дистант ҳолатда бўла олиши (29-, 30-бетлар), ибора компонентларининг маълум грамматик шакл ўзгаришига йўл қўйиши (29-бет) каби кўпгина тўғри фикрлар баён қилинган. Аммо шулар қатори баъзи мунозарали, ноаниқ, чалқаш мулоҳазалар ҳам учрайди. Мақола авторининг баъзи хулосалари у ўрганаётган тилда ўзини бидар. Лекин бошқа тилга татбиқ этиб бўлмайдиган фикрни жуда умумий ва қатъий ҳукм йўсинида айтишдан сақланган маъқул эди. Масалан, мақоланинг 29-бетида феълга эквивалент ибора воситасиз тўлдирувчи ололмайди ва бу уни феъл сўздан фарқловчи асосий синтактик белги деб таъкидланади. От компонент доғим тушум келишигидаги сўз бўлишига шубҳаланамиз. Ўзбек тили материаллари бундай компонент сифатида бошқа бирор келишикдаги от ҳам кела олишини кўрсатади. Ана шундай тўлдирувчи қатнашган ва

⁵ Вольф Е. М. О синонимии глаголов и устойчивых словосочетаний, «Иностранные языки в школе», 1957, № 3, стр. 23—31.

Феъл компонент ўтимли бўлган ибора воситасиз тўлдирувчи-ни бошқариб келиши мумкин (шамолга учирмоқ, эсда тутмоқ ибораларидаги каби)⁶.

Контекстдан аниқловчи олиш хусусиятини иборага яхлитлигича хос деб эмас, балки унинг от компонентигагина хос деб қараш ҳам мунозарали (29- бет). Иборани бўлимас бирлик дер эканмиз, унинг контекст билан алоқасини иборани яхлитлигича олиб ҳал қилишимиз лозим бўлади.

Феълга эквивалент иборанинг гапда кесим бўлиб келишини унинг энг муҳим хусусияти деб алоҳида таъкидлашга ҳожат йўқ, чунки бу — табий вазифа (30- бет). Бундай иборанинг сўзга эквивалентлигини бир хил синтактик вазифада кела олишига боғлаб асослаш нотўғри (30- бет). Агар шу йўлни танласак, ўз-ўзидан, эркин бирикмаларнинг кўпи сўзга эквивалент бўлади деган хулосага келамиз; чунки бир синтактик вазифада келиш сўзга ҳам хос, бирикмага ҳам хос, ҳатто гапга ҳам хос хусусият (онги ўси — гап, онги ўсгани — тўлдирувчи бўлак; ўзи йўқ, — гап, ўзи йўқнинг... — қараткич бўлак каби)⁷.

Ибора компонентларининг мустақил сўз вазифасида, ҳатто гап бўлагини вазифасида кела олиши тўғрисидаги фикрга ҳам қўшилиб бўлмайди. Чунки бундай ишлатиш иборани йўққа чиқариш билан тенг (31- бет). «Разобщенный контекст» («ажратма контекст») ҳолатини (30- бет) назардан соқит қилсак, бошқа синтактик позицияларда ибора яхлитлигича бир синтактик вазифада келади.

В. Т. Шкляронинг биринчи мақоласи индивидуал автор фразеологик синонимиясига бағишланган⁸. Бу мақоладаги асосий фикрлар шу авторнинг иккинчи мақоласида ҳам такрорланган, айрим фикр ва мулоҳазалар (автор кейинчалик улардан воз кечган бўлса керак) тушириб қолдирилган ёки

⁶ Бу ҳақда қаранг: Раҳматуллаев Ш. Феъл туркумига тўғри келувчи фразеологик бирликлар грамматик қурилишининг асосий кўринишлари, «В. И. Ленин номидаги Урта Осиё давлат университети»нинг Илмий асарлари», янги серия, CIV чiqиши, филология факультети, 11-китоб, Тошкент, 1957, 124-бет; Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик бирликларда объект категорияси, «Научные труды ТашГУ», вып. 268, Ташкент, 1964, стр. 169—171.

⁷ Иборалардаги бундай хусусият ҳақида қаранг: Раҳматуллаев Ш. Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке, «Труды СамГУ», Вопросы фразеологии, вып. 106, Самарканд, 1961, стр. 95—98.

⁸ Шкляр В. Г. Фразеологические синонимы в трилогии Ф. В. Гладкова, «Труды Иркутского госуниверситета», том XXVI, серия языкознания, вып. 1, Иркутск, 1958, стр. 143—165.

тузатилган⁹. Шу сабабли кейинги мақоланинг ўзини таҳлил қилиш етарли.

В. Т. Шкляров кейинги мақоласида фразеологик синонимияга умумий ҳодисаси сифатида ёндашади. Авторнинг мақсади фразеологик бирликларнинг синонимия луғатини тузиш бўлиб, ўз назарий фикрларини шу мақсадга йўналтиради ва мақоласининг охирида шундай луғат намунасини ҳам келтиради.

Кўпчилик авторлар қилганидек, В. Т. Шкляров ҳам фразеологияга боғлиқ ҳолда икки хил синонимияни фарқлайди: а) сўз билан ибора орасидаги синонимия, б) иборалар орасидаги синонимия. Биринчи тип синонимияга жуда қисқа тўхталиб, иккинчи тип синонимияни баъдо бўлиш сабаблари, грамматик структураси, вариантлари жиҳатдан текширади.

Автор баъд қилган фикрларнинг кўп тўғри (бу фикрлар бошқа авторларнинг асарларида ҳам, ўз асосини топган). Бу ўринда баъзи мунозарали нуқталар ҳақидагина фикр юритамиз.

Фразеологик бирликларнинг конкрет бир туғри аниқланган маъноси баъзан яқка сўз билан бериш мумкин эмаслигини автор тўғри таъкидлайди (112-113-бетлар). Шундай синоним сўз топилмаслигини изохлашда, тўғри нуқтан назарлар билан бир қаторда, баъзи энд тушунтиришлар ҳам бор. Масалан, фразеологик бирликда қўшимча экспрессив ва маъно оттенкаларининг қўпчилиги, иборанинг маъноси бой бўлишини жуда ўринли таъкидлаб туриб, шуларга маълум даражада эид тушадиган фикрни ҳам айтиб ўтади: фразеологик бирликнинг семантикаси синоним сўзидан кенг бўлади дейди. Ваҳоланки, фразеологик бирлик маъносининг бой бўлиши уни абстрактликка эмас, балки конкретликка тортади, иборага хос маъно оттенкалари уни хусусийлаштиради. Ҳақиқатда, авторнинг ўзи келтирган «наказать» сўзининг маъноси кенгми ёки «задать перцу» иборасиникими? Шубҳасиз, сўзнинг маъноси кенг. Асли «наказать» билан «задать перцу» тенг эмас. Бу иборанинг маъносини «наказать» сўзи фақат умуман, асосангина кўрсатади. Агар «сильно и беспощадно наказать» деб тасвирлансагини, бу иборанинг маъноси озми-кўпми тўлиқ қопланган бўлади. Бундан қатъи назар, иборага хос ички форманинг тирик экани ҳам фразеологик бирлик маъносини конкрет, аниқ бир образ асосида тушунишга олиб келади. Хуллас, иборанинг маъноси унга синоним сўзидан бой дейиш тўғри,

⁹ Шкляров В. Т. О фразеологических синонимах в русском языке, «Труды кафедр русского языка вузов Восточной Сибири и Дальнего Востока», II, Иркутский госуниверситет, Иркутск, 1962, стр. 112—132.

аммо кенг дейиш мумкин эмас. Акс ҳолда синонимия уясида сўзни эмас, иборани доминанта дейиш ҳам лозим бўлиб қолади.

«Лексик синонимлар луғатида фразеологик чатишмаларни (идиомаларни) ҳам акс эттириш зарур»,— деган тезисга ҳам қўшилиш қийин (113-, 114- бетлар). Бундай ибораларда лексикализация ҳар қанча кучли бўлмасин, улар сўзга қай даражада эквивалент бўлмасин, модомики сўз деб аташ ва сўзга тенглаштириш мумкин эмас экан, булар ибора деб баҳоланар экан, лексик синонимларнигина тасвирловчи луғатда бундай ибораларга ўрин йўқ. Иборалар қамраб олинмаса, синонимия тўлиқ очилмай қолиши шубҳасиз. Аммо, биринчидан, фақат фразеологик чатишмаларнигина ажратиб олишга асос йўқ (чунки булар оз; ибораларнинг қўшилган бошқа семантик турга мансуб), иккинчидан, агар иборалар ҳам олинса, лексик-фразеологик синонимия луғати (қисқаси, луғавий синонимия луғати) тузган бўламиз.

Ушбу авторнинг эътироз талаб яна бир тезиси бор. Фразеологик синонимиянинг пайдо бўлиш сабабларидан бири деб фразеологик полисемияни кўрсатади (118- бет). Асли фразеологик синонимияга олиб келувчи сабаб деб моносемантик ибораларда нималар кўрсатилса, полисемантик ибораларда ҳам худди шуларни келтириш лозим. Чунки полисемияда ҳам синонимия асли ҳар гал икки ва ундан ортиқ иборанинг конкрет бир маъноси ора мавжуд бўлади. Моносемантик ибораларда ҳам айнан шундай ҳолатга эгамиз. Фарқ шундаки, полисемантик ибораларда умуман иборалар синонимияси ҳақида эмас, балки маълум фразеологик маънолар синонимияси ҳақида гапиришга мажбурмиз. Агар полисемия синонимияга олиб келадирса, бунда полисемия ўзининг асосий вазифасини бажармаган бўлади. Чунки синонимия янги атиш учун эмас, балки аталганни янгича атиш учун зарур. Полисемантик тараққиёт биринчи галда янги атишга хизмат қилади. Умуман, бу икки ҳар хил йўналтишдаги процессна ўзаро бири иккинчисига сабабчи деб билиш жуда қалтис фикрдир.

В. Т. Шкляров мақоласида мақтовга сазовор фикр ва мулоҳазалар ҳам кўч. Бу ўринда қуйидагиларга диққатни жалб этамиз.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, В. Т. Шкляровнинг синонимияни аввалги тушуниши билан кейинги тушуниши орасида кескин фарқланиш юз берган. Аввалги мақоласида синонимлар учун ўзаро яқин маъноли бўлиш асосий ўлчов деб олинган бўлса (151- бет), кейинги мақоласида айни бир маъноли бўлиш таъкидланади (115- бет). Яхши томони шуки, баъзи авторлар қилганидек, эски тушунишини ҳам сақлаб, янгисига қўшиб қўймаган. Қатор манбаларда «айни

бир (ёки яқин) маъноли» деб тушуниш, аниқлик ўрнига но-аниқликка мойиллик ҳали ҳам давом этиб келади. «Яқин маъноли»лик синонимия учун белги бўла олмаслиги шак-шубҳасиз.

В. Н. Ключеванинг ижобий бўёқли сўз билан салбий бўёқли сўз ўзаро синоним бўла олмаслиги ҳақидаги фикрига (115-, 116- бетлар), Т. А. Бертагаев ва В. И. Зиминнинг фразеологик синонимлар кўпинча тенг қийматли бўлиши ҳақидаги фикрига билдирган эътирози ҳам ўринли (121- бет).

Мақола авторининг ибора компонентларининг салмоғи, ибораларнинг ички формаси (120- бет), синоним иборалар асосида ҳар хил образ ётиши ҳақидаги фикрлари ҳам (124- бет) алоҳида диққатга сазовор.

Шундан кейин деярли бир вақтда П. Каменецкайтенинг яқинта мақоласи эълон қилинди¹⁰. Буларда фразеологик синонимлар дееик состави жиҳатдан ва маъно фарқлари жиҳатдан ўрганилган. Ибора маъносининг ва стилистик хусусиятларининг шаклланишида сўз-компонентларнинг роли айниқса яхши тасвирланган.

А. Н. Хазановичнинг мақоласи немис тилининг фразеологик синонимларини ўрганишга бағишланган¹¹. Унда фразеологик синонимия таърифланади ва икки хил тасниф қилиб ўрганилади: а) структура жиҳатдан, б) семантик-стилистик жиҳатдан.

Таърифда автор маънога (тил ҳодисасига) эмас, тушунчага (мантқ ҳодисасига) суянади; айни бир маънони (тушунчани) англатувчилар қаторига жуда яқин маъно (тушунча) англатувчи ибораларни ҳам қўшиб қўяди (114- бет).

Структура жиҳатдан берилган тасниф асли фразеологик синонимлар таснифи эмас, умуман иборалар таснифи, албатта. Чунки вариантларга эга бўлиш синонимия ҳосил этмайдиган ибораларда ҳам мавжуд. Шу сабабли бундай таснифни

¹⁰ Каменецкайте П. Синонимия метафорических фразеологических единиц в современном английском языке. «Ученые записки Вильнюсского государственного университета», серия историко-филологических наук, том 4, Вильнюс, 1958, стр. 306, 307 (резюме на русском языке). Каменецкайте П. Синонимия протых (не метафорических) глагольных фразеологических единиц в современном английском языке. «Ученые записки Вильнюсского государственного университета», XXVI, Языкознание, I, Вильнюс, 1958, стр. 200, 201 (резюме на русском языке). Бу тадқиқотчининг кейинчалик автореферати ва ишининг ўзи тўла эълон қилинган. Қаранг: «Ученые записки высших учебных заведений Литовской ССР, том IV, Языкознание, 1962, стр. 323—361 (на русском языке, резюме на литовском языке).

¹¹ Хазанович А. П. Типы синонимов в идиоматике современного немецкого языка. «Ученые записки ЛГУ», серия филологических наук, вып. 45, 1959, № 253, стр. 113—127. Шу мақоладан сўнг автореферат чиқариб, кандидатлик диссертацияси ёқлаган.

синонимлар таснифи деб эмас, умумий тасниф тарзида талқин этиш лозим эди.

Мақолада ибораларнинг вариантлари яхшигина баён қилинган ва кейинги таснифда — семантик-стилистик жиҳатдан тасниф қилишда — ибораларнинг вариантлари ҳам синоним иборалар қатори баҳолаб ўтилган. Асли вариантлардаги бундай хусусиятларни махсус ўрганиш маъқул эди.

Семантик-стилистик жиҳатдан фразеологик синонимлар аввало тенг қийматли ва нотенг қийматли деб иккига группаланган, иккинчи группа ўз ичида «идеографик», «стилистик», «идеографик ҳамда стилистик» деб учга ажратилган. Чуқур ўйлаб тузилган бу таснифда баъзи нуқталар ўқувчининг эътирозига дуч келади.

Биринчидан, фразеологик синонимлар орасида тенг қийматлилари кўп эканига ишониб бўлмайди (118-бет). Тенг қийматли синонимларга қарата: «улар ҳатто бири-иккинчиси ўрнида кела олади», — дейиш кишини ажаблантиради. Агар шу тип синонимлар бири-иккинчисини зўр-базўр («ҳатто!») алмаштира олади, бошқа тип (нотенг қийматли) ибораларни бир-бири билан умуман алмаштириб бўлмас экан-да, Баҳолашчи синонимларни белгилашда асосий объектив ўлчов — бири ўрнида иккинчисининг ишлатилиши. Бундай алмаштириш натижасида маънода, стилистик бўёқда маълум ўзгариш юз беради. Бу — табиий. Акс ҳолда алмаштириш ўз маънасини йўқотиб қўяди. Алмаштириш натижасида нимадандир халос бўламиз, нимагадир эга бўламиз. Ана шу «нима»лар синоним ҳақида гапириш учун асос бўлади. Акс ҳолда синонимга эмас, дублетга эга бўлинади.

Нотенг қийматли синонимларни идеографик синонимлар, стилистик синонимлар деб группалаш ҳам анча шартли. Асли синонимларнинг идеографик томони, стилистик томони ҳақида гапириш тўғрироқ.

Мақола автор иборалардаги эмоционалликка алоҳида эътибор бермагани туфайли субъектив баҳо ифодалаш жиҳатдан фарқли синонимларни идеографик синонимлар доирасида тасвирлайди (123-бет).

Авторефератдан кўринадики, А. П. Хазанович синонимларга боғлаб туриб ибораларнинг пайдо бўлиши масаласи билан ҳам атрофлича қизиққан ва яхшигина фикр-мулоҳазаларни айтган (6- — 8- бетлар).

Бундан ташқари, махсус бобда фразеологик синонимлар қайси туркумларга тўғри келиши жиҳатдан, лексик состави жиҳатдан ҳам текширилган (13-, 14- бетлар).

Авторефератда ишлатилган баъзи терминлар қизиқ бир ҳолатни акс эттиради. Автор «синоним» терминини сўз учун

олиб, шундай иборани «фразеологик синоним» термини билан атайди (бу терминлар авторефератнинг ўзида қўштирноққа олинган). Кейинги қаторларда эса сўз учун «синоним-слово» (сўз синоним) термини, яна кейинроқ «словарные синонимы» (луғавий синонимлар) термини ишлатилади (14-, 15- бетлар). Иборага қарата эса, «фразеологик синоним» терминидан ташқари, «фразеологик синоним-идиома» термини келтирилган. Бу асли янгича аташ эмас, балки конкретлаштириш холос. Кейинроқ эса бевосита «синоним-идиома» деб кетаверган.

Сўзлар учун «синонимы-слова» (синоним сўзлар) термини-ни таълаш керак. Буларни «лексические синонимы» (лексик синонимлар) деб ҳам юритиш мумкин. Иборалар учун «синонимы-выражения» (синоним иборалар) ёки «фразеологические синонимы» (фразеологик синонимлар) термини олиш керак (юқоридаги автор уз материалга мослаб «синонимы-идиомы» термини ишлатган). «Словарные синонимы» (луғавий синонимлар) термини эса юқоридаги «кичи хил (лексик ҳамда фразеологик) синонимларни қамраб олади.

И. И. Чернишеванинг мақоласида ҳам кўп ўрин синонимиянинг баёнига берилган¹². Бу мақоладаги фикр-мулоҳазалар асосан А. П. Хазанович мақоласидаги фикр-мулоҳазалар билан ҳамоханг. Бундан қатъи назар, автор иборалар синонимиясига кам эътибор бериб, бутун диққатини вариантлар масаласига қаратади.

Филология фанлари кандидати В. А. Архангельский раҳбарлигида студент М. Сидоренко ёзган мақолада фразеологияга боғлиқ жуда кўп масалалар эпизодик тарзда баён қилинган¹³. Кўп ўрин фразеологик birlikларнинг пайдо бўлиш манбаларини аниқлашга берилган. Авторнинг шу масаладаги бир фикрига қўшилиш қийин. У бошқа тил ибораси билан шунинг русча калькасини синоним деб талқин этади (52- бет). Рус фразеологиясида стиль жиҳатдан ва «моционал-экспрессив жиҳатдан ажратилган» группаларга тенг ҳолатда учинчи бир группани — келиб чиқиши жиҳатдан ажратиладиган группани — қўниш ўзаро уйғунлашмайди (52- бет). Синонимлар таърифида «жуда яқин маъноли»ликдан келиб чиқиш ҳам дуруст бўлмаган (49- бет).

Т. А. Бертагаев ва В. И. Зимин томонидан эълон қилинган мақолада¹⁴ сўз билан ибора, ибора билан ибора орасидаги синонимия ҳақида фикр юритилади. Синоним иборалар ва бир

¹² «Иностранные языки в школе», 1960, № 6, стр. 100—106.

¹³ Сидоренко М. Фразеологические синонимы в современном русском языке, Ростовский-на-Дону госуниверситет, Сборник студенческих научных работ, вып. 2 (35), 1959, стр. 47—56.

¹⁴ «Русский язык в школе», 1960, № 3, стр. 4—9.

иборанинг вариантлари орасидаги фарқ таъкидланади. Сўзга синоним ибора одатда стилистик синоним бўлиши алоҳида қайд қилинади. Синоним иборалар ўзаро кўп ҳолларда тенг қийматли бўлиши ҳам бўрттириб кўрсатилади. Охириги фикрга баъзи авторлар қўшилмайди (бу юқорида айтиб ўтилди). Мақола авторларининг фразеологик синонимияни фразеологик полисемияга зич боғлиқ ҳолда баҳолаши ўзини оқламайди. Бундан ташқари, синонимияни белгилашда бир ўринда тушунчадан, бошқа ўринларда эса «предмет маъно»дан (предметное значение) келиб чиқадилар.

Л. М. Васильевнинг мақоласи асли синонимия назариясига бағишланган¹⁵. Шу сабабли жуда кўп ўрин синонимиянинг табиатини аниқлашга ажратилган. Фразеологик синонимия охириги уч бетнигина ишғол этади.

Бу автор «синонимия» ва «синонимика» терминларини фарқлаб ишлатиш тарафдори: биринчи терминни «олданинг ном» деб, иккинчи терминни эса шундай ҳодисалар аниқлисининг номи деб талқин қилади (29-бет). «Лексик-фразеологик синонимика» терминига ҳам бошқалароқ мундарижа беради. Кўпчилик мақбалада сўз билан ибора орасидаги синонимияни атовчи бу термин Л. М. Васильев мақоласида лексик синонимияни ҳамда фразеологик синонимияни бирлаштирувчи термин сифатида ишлатилган (кейингида мазмунни «луғавий синонимия» термини билан аниқлаш дуруст). Автор синонимияни таърифлашда маъно ва тушунчанинг муносабатини аниқлашга ҳаракат қилади. Синонимлар асосида ётувчи умумийлик айни бир фикр предметни билдиришида деб кўрсатади; бунда тушунча ҳар хил бўлиши мумкинлигини таъкидлайди (32-бет). Лекин кейинчалик синонимлар асосидаги «умумийлик ёки етарли маъно яқинлиги» ҳақида ноаниқ бир мулоҳаза ҳам беради (39-бет).

Синонимларнинг маъно, эмоция, стиль, консоциатив жиҳатдан фарқланишини тасвирлайди. Охириги термин билан синонимларнинг контекстини атайди.

Фразеологик синонимияга бағишланган бетларда ҳар бир сўзга синоним ибора ва, аксинча, ҳар бир иборага синоним сўз мавжуд бўлавермаслиги таъкидланади. Фразеологик синонимларни ҳам худди лексик синонимлардаги каби тасниф қилади. Доминанта масаласини ҳам тилга олиб, Н. М. Шанскийнинг синонимлар доминанта билангина эмас, балки ўзаро ҳам си-

¹⁵ Васильев Л. М. Несколько замечаний о лексико-фразеологической синонимике русского языка, «Ученые записки Башкирского государственного университета», вып. 8, серия филологических наук, 2 (6), Материалы и наблюдения по русскому языку, Уфа, 1961, стр. 29—43.

нонимлик муносабати ҳосил этиб туриши зарур деган фикрига қўшилади (41-, 42- бетлар).

Бу мазмундор мақоладаги бир фикрга эътироз билдиришдан тийила олмадик. Агар иборанинг сўз синоними бўлмаса, бундай иборага нейтрал синоним одатда синтактик эркин бирикма бўлади деб таъкидлайди (40- бет). Юқорироқда «семантически или синтаксически устойчивые словосочетания (фразеологизмы)» деб икки босқичли ёндашувининг ўзи авторнинг фразеологияни анча кенг тушунишидан дарак берган эди. Синтактик эркин бирикмани ҳам фразеологик синонимия билан боғлаб қўйиши ҳар қандай чек-чегарани йўққа чиқаради.

Аввалги манбалардаги фикрларни янада чуқурлаштириш ва таснифларни янада муаммалаштириш ўз аксини Э. И. Зибуцайте асарида топган¹⁶. Бу маънонинг ўзига хос белгиси — фикрларнинг ҳаддан ташқари бош фактик материал асосида баён қилинишидир. Синонимларнинг диманда ўзаро фарқланиб туришини тасвирловчи бу ишда янгиликлардан бири шунки, образчиликда фарқланиш деб алоҳида рубрика берилган. Синоним иборалар асосида ҳар хил образ ётиши бошқа мақолаларда ҳам таъкидланган эди (асли бошқа-бошқа образга асосланиш деярли ҳар бир иборага хос хусусият), лекин ўзга авторлар образчиликни фарқловчи белги деб алоҳида ажратмаганлар. Э. И. Зибуцайтенинг фикрича, бошқа фарқлар бўлмаганда образ ҳам фарқловчи белги ролини ўтайди (223- бет). Бизнингча, асосида қайси образ ётишигина эмас, синоним ибораларнинг образчилик даражаси ҳам алоҳида диққатга сазовор.

Бу автор ишда тасвирланган стилистик фарқлардан функционал-стилистик фарқларгина ишонарли чиққан. Эмоционал-стилистик фарқларга ҳатто авторнинг ўзида ҳам қатъий ишонч йўқ (212- бет). Кейинги тип фарқ асли семантик фарқланишларнинг бир кўриниши — эмоционал-семантик фарқланишнинг ўзи.

«Различия по применению» деб қисқа изоҳланган фарқланиш ҳам ўз табиати билан семантик фарқланишга ўхшайди (215- бет).

Семантик фарқланишлар деб келтирилган олти пунктнинг учтаси (маъно, эмоционал-семантик, интенсивлик даражаси) ўзини оқлайди (бундай пунктлар бошқа манбалардаги тас-

¹⁶ Зибуцайте Э. И. Типы различий между глагольными фразеологическими синонимами современного французского языка, «Ученые записки Московского гос. пед. института им. В. И. Ленина», Вопросы французской филологии, М., 1962, стр. 168—226.

вирларда ҳам бор). Кейинги уч пунктни эса грамматик фарқланишлар деб баҳолаш тўғри (видовой, контекстуал-семантик, структурал-семантик фарқлар).

Н. Ф. Шумилов эълон қилган тезисларда¹⁷ рус тилидаги деярли барча иборалар синонимга эгаллиги, синонимия айниқса феъл ва равиш иборалар доирасида кўплиги таъкидланади. Бундан ташқари, синонимларни тил тараққиётининг муайян босқичига кўра белгилаш зарурлиги ҳам айтилади. Бошқа фикрлар аввалги манбалардаги фикрларни қайтаради.

Фразеологик синонимия талқин этилган махсус мақолалардан энг сўнггиси Н. А. Кирсанованинг ишидир¹⁸. Аммо бу мақола фразеологик синонимияга аввалги баъзи манбалар даражасида чуқур таҳлил қилмаган. Бундан қатъи назар, эътироз билдириш керак фикрлар ҳам бор. Масалан, синонимларни белгилашда контекстнинг роли ошириб юборилди (92-бет). Вариантлар ҳам узаро синонимик бўлади деб туриб, яна булар бир иборанинг кўринишлари деб ҳам таъкидланади (93-бет). Бу икки фикрнинг кейингиси тўғри, албатта.

Хуллас, юқорида тилга олинмаган яна бир қанча манбаларни ҳам ҳисобга олсак¹⁹, фразеологик синонимияга эътибор тобора кучайиб бораётганини кўрамыз.

Ўзбек тили материалида фақат синоним сўзларгина ўрганиб келинмоқда. Шунда ҳам синоним сўзлар дарслик ҳажмидагина баён қилинаётир. Шу темани ёритишга бағишланган махсус ишлар оз. Ўзбек тили лексик синонимларини энг тўлиқ талқин этувчи асар деб ҳали ҳам С. Усмонов мақоласини

¹⁷ Шумилов Н. Ф. О фразеологических синонимах современного русского языка. «Ученые записки Велюдукекого гос. пед. института», вып. 19, Материалы четвертой научной конференции, Великие Луки, 1962, стр. 80—83.

¹⁸ Кирсанова Н. А. О некоторых семантических признаках фразеологических единиц (к вопросу о многозначности и синонимике в сфере фразеологии), «Проблемы фразеологии. Исследования и материалы», Изд-во «Наука», М.—Л., 1964, стр. 84—101. Анча олдин шу докладнинг тезислари эълон қилинган эди (қаранг: «Проблемы фразеологии и задачи составления фразеологического словаря русского языка. Тезисы», Л., 1961, стр. 18—21).

¹⁹ Масалан, қаранг: Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка. Изд-во «Просвещение», М., 1964, стр. 192, 193; Зулъ-Фигарова Ф. И. Идиоматические выражения в персидском языке. Автореферат кандидатской диссертации. Баку, 1964, стр. 9; Аваляни Ю. Ю. и Ройзензон М. И. О разграничении синонимии и вариантности в области фразеологических единиц. «Тезисы докладов IX координационного совещания по вопросам фразеологии», Баку, 1964, стр. 33—37; Такиашвили А. А. Фразеологическая синонимия (на материале грузинского языка), «Тезисы докладов IX координационного совещания по вопросам фразеологии», Баку, 1964, стр. 38, 39 ва бошқалар.

кўрсатиш ўринли²⁰. Шундан кейин эълон қилинган ишлар ичида ўзининг назарий ҳамда амалий қиймати билан алоҳида диққатга сазовори А. Ҳожиев тузган синонимлар лугати ва унга ёзилган кириш қисмидир²¹. Баъзи жузъий нуқсонлардан катти назар, шундай лугатнинг бунёдга келишини ўзбек лексикографиясининг жуда катта ютуғи деб баҳолаш лозим. Бу лугатнинг автори баён қилган фикр ва танқидий мулоҳазалар жуда бой фактик материални бирма-бир изоҳлаш ва таснифлашга суянганлиги билан қимматлидир.

Юқоридаги ҳар икки асарда ҳам, ўзбек тили бўйича ёзилган бошқа манбаларда ҳам²² синоним деб сўзлар талқин этилади. Иборалар орасидаги бундай маъно муносабати ўзбек тили материалда, умуман туркий тиллар материалда сира ўрганилмаган²³.

Синоним деб ҳозиргача сўз тушунилар эди, эндиликда бу термин ибораларга нисбатан ҳам сиқилатилади. Шу сабабли «синоним» терминини ёлғиз келтириб бўлмайди. Ҳодисани синонимия деб номласак, сўзлардаги ҳолат лексик синонимия деб, иборалардаги ҳолат фразеологик синонимия деб, сўз билан ибора орасидаги бундай маъно муносабати эса лексико-фразеологик синонимия деб аталиши лозим. Бу ҳар уч тур синонимия биргаликда лугавий синонимияни ташкил этади, бунда у грамматик синонимияга зид қўйиб аталган бўлади.

Синонимия ҳақидаги умумий назария ва бунинг адабиётлардаги аке этишини бир-бир баён қилиш ортиқча, албатта. Бевосита фразеологик синонимиянинг ўзини таҳлил этишга киришаверамиз.

Ўзбек тилидаги фразеологик синонимияни қуйидаги нуқтан назарлардан ўрганиш мумкин:

²⁰ Усмонов С. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида синонимлар ва синонимлар. «Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти Илмий асарлари», XII, Тошкент, 1959, Ё. — 77-бетлар.

²¹ Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг қисқача лугати, ЎзФАН, Тошкент, 1963.

²² Масдан, қаранг: «Ҳозирги замон ўзбек тили», ЎзФАН, Тошкент, 1957; Қўчқортоев И. Синоним сўзлар ва уларнинг баъзи бир хусусиятлари. «Тилмунослик масалалари» тўплами, 1-китоб, ЎзФАН, Тошкент, 1960; Турсунов У. Т., Ражабов Н. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги синонимлар ҳақида баъзи мулоҳазалар, «СамДУ Асарлари», янги серия, № 102, Самарқанд, 1960; Исмухамедова С. Синонимы в современном узбекском литературном языке. Автореферат кандидатской диссертации, Изд-во АН УзССР, Ташкент, 1963 (шунда авторнинг эълон қилган мақолалари ҳам кўрсатилган).

²³ Ўзбек тилидаги фразеологик синонимия ҳақида жуда қисқа тушунича қуйидаги дарсликда берилган: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 136—142-бетлар. Авторнинг синонимияни умуман қандай тушуниши ҳам шу дарсликда ўз аксини топган.

- I. Фразеологик синонимиянинг миқёси.
- II. Синонимия уясига бирлашувчи ибораларнинг (фразеологик маъноларнинг) миқдори.
- III. Фразеологик синонимия ва ибораларнинг «туркум» ланиши.
- IV. Фразеологик синонимия ва полисемия.
- V. Фразеологик синонимларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари.
- VI. Лексик-фразеологик синонимия ҳақида.

I. Фразеологик синонимиянинг миқёси

Синонимия муносабати ҳосил этиб туриш ўзбек тилидаги фразеологик birlikларнинг тахминан тўртдан бирига (ибораларнинг 20-25 процентига) ҳисоб лугатга киритилган 998 иборанинг 327 таси синонимига эга²⁴. Иборалардан эмас, фразеологик маъноларнинг ўзидан келиб чиқса, синонимия муносабати ҳосил этишда 361 та фразеологик маъно қатнашганини кўрамиз. Ана шу 361 та маъно 149 та синонимия уясига бирлашади²⁵.

II. Синонимия уясига бирлашувчи ибораларнинг (фразеологик маъноларнинг) миқдори

Лексик синонимияда бир уяга иккитадан тўрттагача, баъзан ўнтадан ҳам ортиқ синоним бирлашади. Фразеологик синонимияда бир уяга энг кўпи бешта ибора (фразеологик маъно) бирлашувини аниқлади: футур етди — футур етказмоқ — халал етди — халал етказмоқ — зарар етказмоқ — зарар(и) тегди — зарар келтирмоқ.

Саккизта синонимия уясида тўрттадан ибора (фразеологик маъно) бирлашади: аччиғ(и) келди — аччиғ(и)ни келтирмоқ — қон(и) қайнади — қон(и)ни қайнатмоқ — тазабга келтирмоқ — аччиғ(и) қистаб кетди каби.

Ўттиз еттита синонимия уясида учтадан ибора (фразеологик маъно) бирлашган: гаш(и) келди — гаш(и)ни келтирмоқ — гаш(и)га тегмоқ — асаб(и)га тегмоқ каби.

²⁴ А. Ҳожиев лугатида 1700 тадан ортиқроқ синоним сўз берилган. Агар бу миқдорни ўзбек тилидаги лексик синонимларнинг ярмига тенг деб олсак ва сўз бойлигини тахминан юз минг сўз деб белгиласак, ўрта ҳисобда сўз бойлигининг 25—30 проценти синонимия муносабати ҳосил этиб туради дейиш мумкин.

²⁵ А. Ҳожиев лугатида 1700 тадан ортиқроқ сўз қарийб 500 синонимия уясига бирлашади.

Бир юз уч синонимия уясида иккитадан ибора (фразеологик маъно) бирлашган: таъзир(и)ни емоқ — адаб(и)ни емоқ каби.

III. Фразеологик синонимия ва ибораларнинг „туркум“ланиши

А. Ҳожиев тузган лугатдан кўринишича, лексик синонимия от сўзлар орасида энг кўп учрайди (160 тадан ортиқ уя келтирилган), иккинчи ўринда сифат сўзлар (150 тага яқин уя келтирилган), учинчи ўринда феъл сўзлар (130 тага яқин уя келтирилган) ва тўртинчи ўринда равиш сўзлар туради (20 тадан ортиқ уя келтирилган). Юқоридаги тўрт туркум сўзлари орасидаги синонимия лугатга киритилган қарийб 500 уянинг 460 тадан ортигини қамраб олади (40 тага яқин уя бошқа туркум сўзларига тўғри келади).

Фразеологик синонимия билан лексик синонимия орасидаги кескин фарқ от туркумига тўғри келувчи ибораларнинг деярли йўқ экани асосида туғилади. Шу сабабли от туркумига тўғри келувчи фразеологик синонимлар ҳам йўқ.

Яна бир фарқ шундаки, лексик синонимларда от сўзлардан кейинги ўрни сифат сўзларники; фразеологик синонимияда эса биринчи ўринни феъл туркумига тўғри келувчи иборалар эгаллайди (149 уянинг 127 таси феъл фразеологик бирликлардан ташкил топган). Булар фразеологик синонимиянинг деярли 85 процентини ташкил этади (лексик синонимияда эса феъл сўзлар синонимияси тахминан 25 процентини ташкил этади).

Автор тузган фразеологик лугатда сифат туркумига тўғри келувчи иборалар орасидаги синонимия уяси 12 та, равиш туркумига тўғри келувчи иборалар орасидаги синонимия уяси 9 та, модал иборалар орасидаги синонимия уяси битта акс эттирилган.

Мисоллар: а) феъл туркумига тўғри келувчи ибораларнинг синонимия уясига: **ади-бадига бормоқ** — «сан-ман»га бормоқ каби;

б) сифат туркумига тўғри келувчи ибораларнинг синонимия уясига: **багр(и) тош** — **меҳр(и) тош** каби;

в) равиш туркумига тўғри келувчи ибораларнинг синонимия уясига: **бир оғиздан** — **бир овоздан** каби;

г) модал ибораларнинг синонимия уясига: **ким билади** — **худо билди**.

Маълумки, айни бир туркум сўзларигина синоним бўла олади. Худди шундай талаб фразеологик синонимларда ҳам ўз кучини сақлайди.

IV. Фразеологик синонимия ва полисемия

Синонимия асосида маъно муносабати ётади. Шу сабабли синонимияга иборалардаги моносемия ҳамда полисемия нуқтан назаридан ёндашувнинг муҳим назарий ва амалий аҳамияти бор.

Агар барча фразеологик бирликлар биттадан маъно аниқланида эди, фразеологик синонимия жуда осон ҳал этилар эди: унда ибора билан ибора синонимиясигина мавжуд бўлар эди. Ваҳоланки, фразеологик полисемия кенг тармоқ ёйган ҳодиса. Бу, ўз-ўзидан, фразеологик синонимияга ҳам таъсир кўрсатади.

Синоним иборалар автор тузган дўғатга киритилган 149 та уянинг 87 тасидагина моносемантик. Қолган 62 уяда эса полисемантик ибора қатнашади. Демак, фразеологик синонимиянинг қарийб 40 процентига иборани умуман эмас, балки конкрет фразеологик маънони назарда тутиб фикр юритиш зарур (фразеологик маънодан кейин чиқиш асли фразеологик синонимиянинг барчасига хос, албатта).

Худлас, моносемия ҳамда полисемия нуқтан назаридан фразеологик синонимияни дастлаб иккига группалаш мумкин.

А. Моносемантик ибораларгина қатнашадиган синонимия уялари.

Б. Полисемантик ибора қатнашадиган синонимия уялари.

А. Моносемантик ибораларгина қатнашадиган синонимия уялари

Бундай синонимларда фразеологик маъноларнинг муносабати содда бўлади ва ироҳга муҳтож эмас. Бир-икки мисол бериш билан чекланамиз:

1) икки ибора қатнашадиган синонимия уяси: бош(и)га етмоқ — бош(и)ни емоқ;

2) учта ибора қатнашадиган синонимия уяси: баҳр(и)ни очмоқ — баҳр(и) очилди — димоғ(и) чоғ бўлди — димоғ(и)ни чоғ қилмоқ — кайф(и) чоғ бўлди — кайф(и)ни чоғ қилмоқ ва бошқалар.

Б. Полисемантик ибора қатнашадиган синонимия уялари

Иккита ибора қатнашадиган синонимия уяларининг 38 тасида, уч ибора қатнашадиган синонимия уяларининг 16 тасида, тўрт ибора қатнашадиган синонимия уяларининг 8 тасида шундай ҳолат мавжуд.

Бунда икки ҳодисани фарқлаш керак:

1. Синонимия уясидаги бирор ибора полисемантик бўлади.
2. Синонимия уясидаги барча иборалар полисемантик бўлади.

1. Бирор ибора полисемантик бўлган синонимия уялари

Бундай синонимия уясида қатнашувчи полисемантик иборани бир неча нуқтан назардан ўрганиш мумкин:

1) Синонимия уясида қатнашувчи полисемантик ибораларнинг миқдори.

2) Полисемантик иборанинг неча маъноси синонимия муносабати ҳосил этиши.

3) Бундай синонимия ибораларининг бирламчи маънолари орасида мавжуд бўладими, иккиламчи маънолари орасида мавжуд бўладими ёки бирламчи маъно билан иккиламчи маъно орасида мавжуд бўладими? (баъда учинчи пункт иккинчи пункт ичида берилган).

1) Синонимия уясида қатнашадиган полисемантик ибораларнинг миқдори

а) Икки фразеологик бирлик қатнашадиган уяда, сўзсиз, битта ибора полисемантик бўладиган ҳолат кўзда тутилади. Бундай синонимия уясининг 21 тасида бир ибора полисемантик экани аниқланди.

б) Уч фразеологик бирлик қатнашадиган уяда бирортаси полисемантик иборали ҳолат 11 та бўлиб, шуларнинг 9 тасида битта ибора, қолган 2 тасида эса иккита ибора полисемантик.

в) Тўрт фразеологик бирлик қатнашадиган 8 та уянинг ҳаммасида полисемантик ибора қатнашди. Бу синонимия уяларининг 5 тасида биттадан ибора, 2 тасида иккитадан ибора, биттасида учта ибора полисемантик.

2) Полисемантик иборанинг неча маъноси синонимия муносабати ҳосил этиши

а) Икки фразеологик бирлик қатнашадиган уяда полисемантик ибора:

а) Бир маъносиде синонимия ҳосил этади. Бу маъно:

(а) бирламчи маъно бўлади:

[а] икки маъноли иборанинг бирламчи маъноси бўлади:

ақл(и) кирди I — ақл(и)ни танимоқ каби;

[б] уч маъноли иборанинг бирламчи маъноси бўлади: яхши кўрмоқ 1 — кўнгил бермоқ каби;

[в] беш маъноли иборанинг бирламчи маъноси бўлади: жавоб бермоқ 1 — жавоб қайтармоқ каби;

(б) иккиламчи маъноси бўлади:

[а] икки маъноли иборанинг иккиламчи маъноси бўлади: кўз(и) етди — ақл(и) етади 2 каби;

[б] уч маъноли иборанинг иккинчи маъноси бўлади: қўлдан бермоқ — бой бермоқ 2 каби;

[в] уч маъноли иборанинг учинчи маъноси бўлади: хуш(и)-га келмоқ — кўнгал(и)га келмоқ 3 каби;

[г] тўрт маъноли иборанинг тўртинчи маъноси бўлади: йўлга қўймоқ — йўлга солмоқ 4 каби;

б) Бир неча маъносидан синонимия ҳосил этади (демак, бундай ибора бошқа синонимия уясида ҳам қатнашади). Бунинг кўринишлари:

(а) Икки маъноли иборанинг бир маъноси шу уяда қатнашади ва у:

[а] бирламчи маъно бўлади: бош(и) қотди 1 — ўйлаб-ўйлаб, ўй(и)га етолмаслик каби;

[б] иккиламчи маъно бўлади: қулоқ солмоқ 2 — гап(и)га кирмоқ каби.

(б) Уч маъноли иборанинг бир маъноси шу уяда қатнашади ва у:

[а] бирламчи маъно бўлади: буян(и)га олмақ 1 — тан олмақ каби;

[б] иккиламчи маъно бўлади: эс(и) оғди 3 — хуш(и) кетди каби.

(в) Олти маъноли иборанинг бир маъноси шу уяда қатнашади ва у:

[а] бирламчи маъно бўлади: тўғри келмоқ 1 — мос келмоқ каби;

[б] иккиламчи маъно бўлади: тўғри келмоқ 5 — ўнг келмоқ 1 каби.

б) Уч фразеологик бирлик қатнашадиган уяда полисемантик ибора:

[а] бир маъносидан синонимия ҳосил этади; бундай ибора синонимия уясида битта бўлади ва унинг синонимия ҳосил этадиган маъноси:

[а] икки маъноли иборанинг бирламчи маъноси бўлади: баланд келмоқ 1 — устун келмоқ — голиб келмоқ каби;

[б] икки маъноли иборанинг иккиламчи маъноси бўлади: бош(и) қотди 2 — мия(си) говлаб кетди — бош(и) шишиди каби;

[в] уч маъноли иборанинг бирламчи маъноси бўлади: кўз(и) қиймади 1 — кўнгл(и) бўлмади — кўнгл(и) бормади каби.

[б] Бир неча маъносида синонимия ҳосил этади (демак, бундай ибора бошқа синонимия уясида ҳам қатнашади). Бунинг кўринишлари:

(а) Синонимия уясидаги уч иборадан биттаси полисемантик бўлади ва шундай иборанинг:

[а] икки маъносидан бирламчи маъноси шу уяда қатнашади: дунёдан ўтмоқ 1 — умр кўрмоқ — умр ўтказмоқ каби;

[б] уч маъносидан бирламчиси шу уяда қатнашади (қуйидаги мисолнинг учинчи маъноси бошқа синонимия уясида қатнашади, иккинчи маъносига эса синоним йўқ): ақлдан озмоқ — эс(и)дан оғмоқ — эс(и) оғди 1;

[в] тўрт маъносидан учинчи маъноси шу уяда қатнашади (қуйидаги мисолнинг тўртинчи маъноси бошқа синонимия уясида қатнашади; қолган икки маъносига синоним йўқ): жон(и) чиқди 1 — жон(и)ни чиқармоқ — жон(и) ҳалқум(и)га келди 3 — газаб(и) қайнади — газаб(и)ни қайнатмоқ;

[г] юқоридагиларнинг ўзи, фақат тўртинчи маъносига шу уяда қатнашади: эс(и) чиқиб кетди — эс(и)ни чиқариб юбормоқ — жон(и)ни чиқиб кетди 1 — жон(и) ҳалқум(и)га келди 4.

(б) Синонимия уясидаги уч иборадан иккитаси полисемантик бўлади ва шундай ибораларнинг:

[а] икки маъносидан биринчиси бирламчи маъноси ва бошқасининг иккиламчи маъноси шу уяда қатнашади: эс(и)га келмоқ — эсга келтирмоқ 2 — хаёл(и)га келмоқ — хаёл(и)га келтирмоқ 1 — мия(си)га келмоқ;

[б] икки маъносидан иккиламчи маънолари шу уяда қатнашади: ўрнига қўймоқ 2 — ўрнига қелтирмоқ — бажо келтирмоқ 2.

(в) Тўрт фразеологик бирлик қатнашадиган уяда полисемантик иборат:

[а] бир маъносидан синонимия ҳосил этади: бундай ибора синонимия уясида битта бўлади ва унинг синонимия ҳосил этадиган маъноси:

(а) икки маъноли иборанинг бир маъноси бўлади:

[а] бирламчи маъноси бўлади: орқа(си)дан тушмоқ 1 — из(и)дан тушмоқ — кет(и)дан тушмоқ — пай(и)дан тушмоқ;

[б] иккиламчи маъноси бўлади: кўнгл(и)дан ўтмоқ — кўнгл(и)дан ўтказмоқ — хаёл(и)дан ўтмоқ — хаёл(и)дан ўтказмоқ — фикр(и)дан ўтказмоқ — бош(и)дан кечмоқ — бош(и)дан кечирмоқ 2;

(б) уч маъноли иборанинг бирламчи маъноси бўлади: ўз(и)ни қаерга қўйиш(и)ни билмаслик 1 — ўз(и)ни қўйгани жой то-

полмаслик — ўтиргани жой тополмаслик — ўз(и)ни қаёққа уриш(и)ни билмаслик.

б) Бир неча маъносида синонимия ҳосил этади (демак, бу ибора бошқа уяда ҳам қатнашади). Бунинг кўринишлари:

(а) Синонимия уясидаги уч иборадан биттаси полисемантик бўлади ва шундай иборанинг икки маъносидан иккинчиси шу уяда қатнашади: дунёдан ўтмоқ 2 — кўз(и)ни юммоқ — дунёдан кетмоқ.

(б) Синонимия уясидаги тўрт иборадан икkitаси полисемантик бўлади ва шундай ибораларнинг:

[а] икки маъносидан бирламчи маънолари ўзаро синонимия ҳосил этади (иккиламчи маънолари эса бошқа бир синонимия уясини ҳосил этиб туради): из(и)га тушмоқ 1 — пай(и)га тушмоқ 1 — кет(и)га тушмоқ 1 — орқа(си)га тушмоқ (шу полисемантик ибораларнинг иккиламчи маъноси қатнашадиган уя: пайга тушмоқ 2 — кетга тушмоқ 2);

[б] уч маъноли иборанинг бирламчи маъноси билан икки маъноли иборанинг бирламчи маъноси ўзаро синонимия ҳосил этади (уч маъноли иборанинг яна бир маъноси бошқа уяда қатнашади, учинчи маъносига эса синоним йўқ; икки маъноли иборанинг иккиламчи маъноси бошқа уяда қатнашади): хуш(и)дан кетмоқ — ўз(и)дан кетмоқ — хуш(и)ни йўқотмоқ 1 — кўнгл(и) озди 1 (уч маъноли ибора қатнашадиган иккинчи уя: кўнгл(и) айниди 1 — кўнгл(и) озди 3; икки маъноли ибора қатнашадиган иккинчи уя: хуш(и)ни йўқотмоқ 2 — хуш(и) бош(и)дан учди).

(в) Синонимия уясидаги тўрт иборадан учтаси полисемантик бўлади. Қуйидаги синонимия уясида полисемантик иборалар икки маъноли бўлиб, икки иборанинг бирламчи маъноси ва учинчи иборанинг иккиламчи маъноси шу уяда қатнашади (бу ибораларнинг бошқа маъноси ҳар қил мавқеда: икkitасиники бошқа уяда қатнашади, демак, синонимия ҳосил этади; биттасиники эса синонимия ҳосил этмайди): эс(и)га тушмоқ — эс(и)га туширмоқ — эс(и)га келмоқ — эсга келтирмоқ 1 — эс(и)га солмоқ 1 — хаёл(и)га келмоқ — хаёл(и)га келтирмоқ 2 (бу иборалар қатнашадиган иккинчи уя тоқори-роқда келтирилган).

2. Барча иборалар полисемантик бўлган синонимия уялари

1) Икки фразеологик birlik қатнашадиган уядаги полисемантик иборалар:

а) Бир маъносида синонимия ҳосил этади. Бунда синонимия:

а) Икки маъноли иборанинг:

[а] бирламчи маънолари орасида бўлади: **меъда(си)га тегмоқ 1 — кўнгл(и)га тегмоқ 1** (бу ибораларнинг иккинчи маъносига синоним йўқ);

[б] иккиламчи маънолари орасида бўлади: **ич(и) пишди 2 — ич(и) тошди 2** (бу ибораларнинг биринчи маъносига синоним йўқ), **пайига тушмоқ 2 — кетига тушмоқ 2** (бу ибораларнинг биринчи маъноси бошқа уяда қатнашади, бу уя юқорироқда келтирилган).

б) Икки маъноли иборанинг бирламчи маъноси билан уч маъноли иборанинг иккиламчи (бу мисолда — учинчи) маъноси орасида бўлади: **кўнгл(и) айнади 1 — кўнгл(и) озди 3** (биринчи иборанинг иккинчи маъносига синоним йўқ; иккинчи иборанинг иккинчи маъносига ҳам синоним йўқ, аммо биринчи маъносига синоним бор; бу ибора қатнашадиган иккинчи уя юқорироқда келтирилган).

в) Уч маъноли ибораларнинг:

[а] бирламчи маънолари орасида бўлади: **тил(и) чиқди 1 — тилга кирмоқ 1** (бу ибораларнинг қолган икки маъносига синоним йўқ);

[б] бир иборанинг бирламчи ва иккинчи иборанинг иккиламчи (бу мисолда — учинчи) маъноси орасида бўлади: **бўйи(и)га олмоқ 3 — зимма(си)га олмоқ 1** (биринчи иборанинг биринчи маъносига синоним бор, иккинчи маъносига синоним йўқ; иккинчи иборанинг бошқа икки маъносига ҳам синоним йўқ).

г) Тўрт маъноли иборанинг учинчи маъноси билан икки маъноли иборанинг иккинчи маъноси орасида (демак, иккиламчи маънолар орасида) бўлади: **ишга солмоқ 3 — ишга туширмоқ 2** (бу ибораларнинг бошқа маъноларига синоним йўқ).

б) Айни шу иборалар бир неча маъносида синонимия ҳосил этади. Бунда синонимия:

а) Икки маъноли ибораларнинг ҳар икки муқобил маънолари орасида бўлади: **бир оғиздан 1 — бир овоздан 1; бир оғиздан 2 — бир овоздан 2; бўйин эгмоқ 1 — бош эгмоқ 1; бўйин эгмоқ 2 — бош эгмоқ 2** каби.

Кет(и)га тушмоқ ва **пай(и)га тушмоқ** иборалари ҳам ҳар икки муқобил маъносида ўзаро синонимия ҳосил этади, аммо бу ибораларнинг биринчи маънолари ҳосил этадиган уяда яна бир ибора (**орқа(си)га тушмоқ**) ҳам қатнашади.

б) Икки маъноли иборанинг иккита маъноси билан уч маъноли иборанинг иккита маъноси ўз муқобилига синоним бўлади: **бури(и)ни суқмоқ 1 — бош суқмоқ 2** ва **бури(и)ни суқмоқ 2 — бош суқмоқ 3** (иккинчи иборанинг биринчи маъносига синоним йўқ; бу иборанинг учинчи маъносига яна бир синоним мавжуд: **бош қўшмоқ 1**).

2) Уч фразеологик бирлик қатнашадиган уядаги полисемантик иборалар:

а) Бир маъносида синонимия ҳосил этади. Масалан, қуйидаги биринчи икки маъноли иборанинг биринчи маъноси, иккинчи икки маъноли иборанинг иккинчи маъноси, уч маъноли иборанинг учинчи маъноси ўзаро синоним: **бош қўшмоқ 1 — бурн(и)ни суқмоқ 2 — бош суқмоқ 3** (иккинчи иборанинг иккинчи маъносига учинчи иборанинг биринчи маъносига ҳам синоним бор; учинчи иборанинг иккинчи маъносига синоним йўқ).

б) Бир неча маъносида синонимия ҳосил этади:

а) икки маъноли ибораларнинг ҳар икки маъноси ўз муқобили билан: **ич(и) ачиди 1 — юраг(и) ачиди 1 — жон(и) ачи(й)ди 1; жон(и) ачи(й)ди 2 — юраг(и) ачиди 2 — ич(и) ачиди 2;**

б) тўрт маъноли иборанинг биринчи, иккинчи маъноси, иккита икки маъноли иборанинг ҳар икки маъноси ўз муқобили билан: **ўз(и)га келмоқ 1 — хуш(и)га келмоқ 1 — хуш(и) ўз(и)га келди 1; ўз(и)га келмоқ 2 — хуш(и)га келмоқ 2 — хуш(и) ўз(и)га келди 2** (бу ибораларнинг биринчиси тўрт маъноли бўлиб, унинг учинчи, тўртинчи маъносига синоним йўқ).

V. Фразеологик синонимларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари

Фразеологик синонимларни турлича нуқтаи назарлардан ўрганиб баҳолаш мумкин. Автор ўз материали ва имкониятидан келиб чиқиб фразеологик синонимларни қуйидагича нуқталар бўйича изоҳлайди:

- A. Фразеологик синонимларнинг лексик таркиби.
- Б. Фразеологик синонимлар воссида ётади образ.
- В. Фразеологик синонимларнинг маънода фарқланиши.
- Г. Фразеологик синонимларнинг грамматик табиати.
- Д. Фразеологик синонимларнинг образлилик даражаси.
- Е. Фразеологик синонимларда стилистик бўёқ.
- Ж. Фразеологик синонимларнинг замонийлиги.
- З. Фразеологик синонимларнинг нутқ кўринишларига

хосланганлиги.

И. Фразеологик синонимларнинг нутқда оз-кўп ишла-тилиши²⁶.

²⁶ Фразеологик синонимия уйсини яна умумтилл ибораси ёки шева ибораси эканлиги жиҳатдан, умумтилл ибораси ёки индивидуал нутқ ибораси эканлиги жиҳатдан ўрганиш мумкин. Автор тузган лугат бундай кузатишлар учун манба бўла олмайди. Синонимларни (умуман, фразеологик бирликларни) юқоридаги икки йирик нуқтаи назардан ўрганиш келгуси тадқиқотларнинг мундарижасини ташкил этади.

А. Фразеологик синонимларнинг лексик таркиби

Фразеологик синонимларнинг лексик таркибини ўрганиш, бир томондан, ибораларда синонимлик ва вариантлик масаласини ҳал этишда, иккинчи томондан, синонимларнинг пайдо бўлишини аниқлашда ёрдам беради²⁷.

Икки иборанинг ўзаро синоним бўлишида компонентларнинг миқдори аҳамиятсиз: синонимлардан бири озроқ сўздан, иккинчиси кўпроқ сўздан таркиб топаверади. Бундан қатъи назар, кўпчилик ҳолларда синоним иборалар таркибида қатнашувчи компонентларнинг миқдори тенг келади. Бу айниқса икки компонентли иборалар орасида кўп. Уч компонентдан таркиб топган бир қанча синоним ибораларда, шунингдек тўрт компонентдан таркиб топган баъзи синоним ибораларда ҳам компонентларнинг миқдори тенг.

Компонентларнинг миқдори нотенг синонимларда турлича мутавозелик мавжуд: бирида иккита, бирида учта компонент; бирида иккита, бирида тўртта компонент; бирида тўртта, бирида учта компонент; бирида бешта, бирида учта компонент ва ҳоказо қатнашади (шу қисмда тасвирланган 87 та уянинг 68 тасида иборалар компонентларининг миқдори тенг, фақат 19 тасида нотенг).

Тасвирий осонлаштириш учун қуйида синоним иборалар компонентларининг миқдорига асосландик.

А) КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ТЕНГ ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАРДА ЛЕКСИК ТАРКИБ

Бундай ибораларнинг лексик таркибини ўрганишда, бир томондан, компонентларнинг миқдорини, иккинчи томондан, синонимия уясидаги ибораларнинг миқдорини ҳисобга олиб бориш керак. Сўзсиз, энг кўпи — икки синоним қатнашадиган уя (68 танинг 51 таси); Иккинчи ўринда уя ибора қатнашадиган уя (15 та), учинчи ўринда тўрт, беш ибора қатнашадиган уя (биттадан) туради.

1. Икки ибора қатнашадиган уялар

1) Шунинг икки компонентли кўринишида (44 та):

а. Ҳар икки иборанинг бир компоненти айти шу сўз, иккинчи компоненти эса бошқа-бошқа сўз бўлади (32 та).

²⁷ Бу ўринда лексик таркиб бир маъноли ибораларнинг таъин вариантлари асосида тасвирланди.

Бунда бошқа-бошқа сўз компонентлар:

а) Маъно муносабати ҳосил этади (12 та):

а) Яқин маъноли сўзлар бўлади (10 та). Бунда аини шу сўз компонент кўпинча феъл (6 тасида), қисман от (2 тасида), сифат (биттасида), сон (биттасида) туркумига тўғри келади. Бундай синоним ибораларнинг бошқа-бошқа сўз компоненти эса:

[а] кўпинча от сўз бўлади (6 та): икки оғиз — икки шингил; оғз(и) бормади — тил(и) бормади каби;

[б] феъл бўлади (2 та): жин(и)га ёқмаслик — жин(и) суймайди; эп билмаслик — эп кўрмаслик каби;

[в] сифат бўлади (2 та): дуч келган — тўғри келган; кўнгл(и) бўш — кўнгл(и) юмшоқ — юмшоқ кўнгл(и);

б) Бутун билан қисм муносабати аке эттиради (битта): кўз(и)нинг оқ-у қораси — кўз қорачи(и);

в) Ўзаги (демак, асосида етгин маъно) бир бўлади (битта): тил(и)ни қисмоқ — тил(и) қисилди — тил(и) қисик бўлди — тил(и)ни қисик қилмоқ;

б) Маъно муносабати ҳосил этмайди (20 та). Бунда аини шу сўз компонентлар кўпинча от туркумига (10 та), феъл туркумига (8 та), қисман сифат туркумига (битта) ҳос бўлади. Бундай синонимлардаги бошқа-бошқа компонентлар эса:

а) кўпинча феъл бўлади (9 та): бош(и)га етмоқ — бош(и)ни емоқ; йўл олмоқ — йўл солмоқ каби;

б) кўпинча от туркумига ҳос сўз бўлади (8 та): жигар(и)дан урмоқ — юраг(и)дан урмоқ; жон(и)ни ҳовучлаб — юраг(и)ни ҳовучлаб; ич(и) ҳора — кўнгл(и) ҳора;

в) сифат бўлади (2 та): кўз(и) очик I — кўз(и) тирик; ҳаддан ташқари — ҳаддан зиёд;

г) баъзан олмош (2 та), тақлидий сўз (битта) бўлади: «сан-ман»га бормоқ — ади-бадига бормоқ; ким билади — худо билади.

б. Иккала компонент бошқа-бошқа сўз бўлади (12 та). Бундай ибораларнинг:

а) Бир компоненти ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил қилади, иккинчи компоненти маъно муносабати ҳосил қилмайди (5 та). Маъно муносабати ҳосил қилмайдиган компонент бўлиб кўпинча феъл (3 та), қисман от, сифат, сон (биттадан) келади. Маъно муносабати ҳосил қилувчи компонент бўлиб асосан от келади (5 та) ва қуйидагича маъно муносабати ҳосил этиб туради:

а) синоним бўлади: ёд(и)дан кўтармоқ — ёд(и)дан кўтарилмоқ — эс(и)дан чиқмоқ — эс(и)дан чиқармоқ (вариантларида синоним компонентлар аини шу сўз ҳолатига

ҳам ўтади: (эс(и)дан кўтарилмоқ — ёддан кўтарилмоқ; эсдан чиқмоқ — ёд(и)дан чиқмоқ каби);

б) яқин маъноли сўзлар бўлади (3 та): бир пуллик — сариқ чақалик (вариантларида яқин маъноли компонентлар айна шу сўз ҳолатига ҳам ўтади: бир чақалик — сариқ чақалик); бурн(и)ни кўтармоқ — бурн(и) кўтарилади — димоғ(и) шишиди (вариантларида айна шу сўз ҳолатига ҳам ўтади: димоғ(и) кўтарилади — димоғ(и) шишиди) каби.

б) Ҳар икки компонент ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этади (2 та). Бундай ибораларнинг:

а) предмет маъносини англатувчи компонентлари яқин маъноли сўзлар, белги маъносини англатувчи компонентлари эса ўзаро синоним бўлади: кўнгл(и) қаттиқ — қаттиқ кўнгл — тош юрак — юрак(и) тош;

б) предмет маъносини англатувчи компонентлари яқин маъноли сўзлар, ҳаракат маъносини англатувчи компонентлари эса ўзаро синоним бўлади: «дом-мим» демаслик — «чурқ» этмаслик.

в) Ҳар икки компоненти ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди (5 та): бош(и)га кўтармоқ I — шовқин солмоқ; пинакка кетмоқ — хаёлга чўммоқ каби.

2) Икки иборали синонимия уясининг уч компонентли кўринишида (6 та):

а) бир муқобил компонентлар айна шу сўз, иккинчи муқобил компонентлар ўзаро синоним, учинчи муқобил компонентлар маъно муносабати ҳосил этмайди: севинч(и) ич(и)га сиғмайди — қувонч(и) одамга сиғмайди;

б) бир муқобил компонентлар айна шу сўз, қолган икки компонент ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди: оғз(и)нинг таноби қочди — оғз(и) қулоғ(и)га етди;

в) иккита компоненти айна шу сўз, бир компоненти ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди: кўкраг(и) тоғдай кўтарилади — кўнгл(и)ни тоғдай кўтармоқ — кўнгл(и) тоғдай кўтарилади каби;

г) барча компонентлари бошқа-бошқа сўз, шулардан бири ўз муқобили билан синоним бўлади: подадан оёдин чанг чиқармоқ — тўйдан нагари ногора қоқмоқ;

д) барча компонентлари бошқа-бошқа сўз ва улар ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди ҳам: игнадек...ни туядек қилмоқ — пашшадан фил ясамоқ.

3) Икки иборали уяга бирлашувчи қуйидаги тўрт компонентли синонимларнинг бир компоненти айна шу сўз, қолган компонентлари бошқа-бошқа сўз ва улар ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди ҳам: бир ёқадан бош чиқармоқ — бир жон-бир тан бўлмоқ.

2. Уч ибора қатнашадиган уялар

Шундай синонимия уяси ҳосил этадиган қуйидаги ибораларнинг барчаси икки компонентли. Бунда:

1) Ҳар уч иборадаги бир компонент айна шу сўз бўлади (5 та) ва бундай компонент сифатида кўпинча от (3 та), қисман сифат, сон (биттадан) келади. Бошқа-бошқа сўз компонентлар эса:

а) яқин маъноли бўлади:

а) ҳар уч иборада яқин маъноли бўлади (2 та): бир оғиз — бир шингил — бир чимдим; йўлдан озмоқ — йўлдан оздирмоқ — йўлдан урмоқ — йўлдан чиқармоқ;

б) иккинчи, учинчи ибораларда яқин маъноли бўлади, биринчисидagi компонент бошқалари билан маъно муносабати ҳосил этмайди: вақт(и) чоғ — димоғ(и) чоғ — кайф(и) чоғ;

б) маъно муносабати ҳосил этмайди (2 та): авжга етмоқ — авжга минмоқ — авжга миндирмоқ — авжга чиқмоқ — авжга чиқармоқ; жон бермоқ II — жони узилди — жони чиқди I.

2) Икки иборадаги бир компонент айна шу сўз бўлади (3 та) ва бундай компонент сифатида от (2 та), сифат (битта) келади. Учинчи иборанинг юқоридариларга муқобил компоненти улар билан маъно муносабати ҳосил этмайди. Бошқа-бошқа сўз компонентлар эса:

а) яқин маъноли бўлади (битта): баҳр(и)ни очмоқ — баҳр(и) очилди — димоғ(и) чоғ бўлди — димоғ(и)ни чоғ қилмоқ — кайф(и) чоғ бўлди — кайф(и)ни чоғ қилмоқ;

б) маъно муносабати ҳосил этмайди (2 та): кайф(и) бузуқ — таъб(и) тирриқ — таъб(и) хира; тинка(си) қуриди — тинка(си)ни қуритмоқ — ҳолдан кетмоқ — ҳолдан кетказмоқ — ҳолдан тоймоқ — ҳолдан тойдирмоқ.

3) Биринчи ва иккинчи иборадаги, шунингдек иккинчи ва учинчи иборадаги бир компонент айна шу сўз бўлади (5 та). Демак, иккинчи иборанинг бир компоненти билан биринчи иборанинг бир компоненти, иккинчи компоненти билан эса учинчи иборанинг бир компоненти айна шу сўз бўлади, иккинчи ибора лексик таркиб жиҳатдан биринчи ибора билан учинчи иборани ўзаро боғлаб туради.

Бундай иборалардаги бошқа-бошқа сўз компонентлар эса:

а) биринчи ибора билан иккинчи иборада яқин маъноли бўлади: асаб(и)га тегмоқ — гаш(и)га тегмоқ — гаш(и) келди — гаш(и)ни келтирмоқ;

б) биринчи иборанинг шундай компоненти иккинчи иборадаги муқобили билан, шунингдек учинчи иборанинг шундай

компоненти иккинчи иборадаги муқобили билан яқин маъноли бўлади: ич(и) гаш — кўнгл(и) гаш — кўнгл(и) хира;

в) биринчи иборанинг шундай компоненти иккинчи иборадаги муқобили билан яқин маъноли бўлади, учинчи иборанинг шундай компоненти иккинчи иборадаги муқобили билан зид маъноли бўлади: дам олмоқ — ҳордиқ олмоқ — ҳордиқ чиқармоқ;

г) ҳар уч иборада маъно муносабати ҳосил этмайди (3 та): донг(и) кетди — донг(и) чиқди — донг чиқармоқ — ном чиқармоқ; кўнгиал боғламоқ — кўнгиал қўймоқ — муҳаббат қўймоқ каби.

4) Ҳар уч иборанинг ҳар икки компоненти бошқа-бошқа сўз бўлади. ипидан игнасигача — миридан сиригача — қилидан қуйруғигача.

3. Тўрт ибора қатнашадиган уялар

Қуйидаги синонимия уясида биринчи ва иккинчи ибораларнинг от компоненти, шунингдек биринчи ва тўртинчи ибораларнинг феъл компоненти айни шу сўз; қолган компонентлар бошқа-бошқа сўзлар бўлиб, маъно муносабати ҳосил этмайди («аччиқ» билан «газаб» яқин маъноли сўз деб қаралиши мумкин): аччиғ(и) келди — аччиғ(и)ни келтирмоқ — аччиғ(и) қистаб кетди — қон(и) қайнади — қон(и)ни қайнатмоқ — газабга келмоқ — газабга келтирмоқ.

4. Беш ибора қатнашадиган уя

Шундай синонимия ҳосил этувчи қуйидаги иборалардан биринчи, иккинчи, учинчисининг от компоненти, биринчи, тўртинчи, бешинчисининг эса феъл компоненти айни шу сўз. Биринчи, иккинчи, учинчи ибораларнинг феъл компоненти ўзаро маъно муносабати ҳосил этмайди. Биринчи, тўртинчи, бешинчи ибораларнинг от компоненти эса ўзаро яқин маъноли сўзлардир («зарар» билан «футур» сўзларини ўзаро синоним деб қараш ҳам мумкин, унда футур етказмоқ билан зарар етказмоқ ўзаро вариантлар деб тан олинishi лозим бўлади): зарар етказмоқ — зарар(и) тегди — зарар келтирмоқ — халаал етказмоқ — футур етказмоқ.

Б) КОМПОНЕНТЛАРИНИНГ МИҚДОРИ НОТЕНГ ФРАЗЕОЛОГИК
СИНОНИМЛАРДА ЛЕКСИК ТАРКИБ

1. Икки ибора қатнашадиган уялар (13 та)

1) Синонимлардан бирида икки компонент, иккинчисида эса уч компонент қатнашади (9 та). Буларнинг:

а) бир компоненти аynи шу сўз бўлади, бошқалари эса маъно муносабати ҳосил этмайди (4 та): кўнгл(и) хиралашди — кўнгл(и) гаш тортди; кўнгл(и)га гашлик солмоқ — ташвишга солмоқ; кўнга(и)га гашлик тушди — ташвишга тушмоқ; оёғ(и)га бош урмоқ — оёғ(и)га йиқилмоқ;

б) бир компоненти аynи шу сўз, иккинчи компонентлар бири иккинчисидан ясалган сўз бўлади; синонимларнинг лексик таркиби биридаги учинчи компонент туфайли ҳам фарқ қилиб туради (битта): дил(и)да сибхлик бор — дил(и) сибх;

в) барча компонентлари бошқа-бошқа сўзлар бўлади ва улар ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди (4 та): ер билан яқсон бўлмоқ — ер билан яқсон қилмоқ — кулини кўкка совурмоқ — кули кўкка совирилди; оёғ(и)га болта урмоқ — пай(и)ни қирқмоқ каби.

2) Синонимлардан бирида икки компонент, иккинчисида эса тўрт компонент қатнашади (2 та). Буларнинг:

а) бир компонентининг (жуфт сўз компонентининг) бир қисми иккинчи иборанинг бир компоненти билан аynи шу сўз; қолганлари бошқа-бошқа сўзлар бўлади ва кейингилар ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди: мия(си)ни қоқиб, қўл(и)га бермоқ — кулоқ-мия(си)ни емоқ;

б) барча компонентлари бошқа-бошқа сўзлар бўлади ва улар ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди: ич-эт(и)ни емоқ — ўз ёғ(и)га ўз(и) қовурилмоқ.

3) Синонимлардан бирида икки компонент, иккинчисида эса беш компонент қатнашади. Қуйидаги ибораларнинг биттадан компоненти аynи шу сўз; қолганлари бошқа-бошқа сўзлар ва улар ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди: икки оёғ(и)ни бир этикка суқмоқ — оёғ(и)ни тираб олмоқ.

4) Синонимлардан бирида уч компонент, иккинчисида эса тўрт компонент қатнашади. Қуйидаги ибораларнинг барча компонентлари бошқа-бошқа сўзлар бўлиб, биттадан муқобил компоненти ўзаро синоним: тирноқ орасидан кир изламоқ — қилдан қийиқ қидирмоқ.

2. Уч ибора қатнашадиган уялар (5 та)

1) Синонимлардан бирида икки компонент, бошқаларида уч компонент қатнашади (4 та). Булардан:

а) уч компонентлиларнинг бир компоненти айна шу сўз бўлади, шуларнинг қолган икки компоненти ўзаро бошқа-бошқа сўз бўлади ва улар ўз муқобили билан маъно муносабати ҳосил этмайди (2 та): бош(и) кўкка етди — бош(и)ни кўкка етказмоқ — тери(си)га сиғмай кетмоқ — қўй(и) мингга етди; мум тишламоқ — оғз(и)га толқон солмоқ — оғз(и)га қатиқ ивритмоқ;

б) икки компонентли икки иборанинг биттадан компоненти айна шу сўз, иккинчи компонентлари эса яқин маъноли сўзлар бўлади, учинчи иборанинг компонентлари булар билан маъно муносабати ҳосил этмайди: кўз очиб юмгунча — «ҳаш-наш» дегунча — «да-ҳу» дегунча;

в) уч компонентли икки иборанинг иккитадан компоненти айна шу сўз бўлади, шуларнинг бир компоненти ва икки компонентли иборанинг компонентлари ўзаро маъно муносабати ҳосил этмайди: вақти чоғлик қилмоқ — канини чоғлик қилмоқ — кунга очмоқ.

2) Синонимлардан иккитасида икки компонент, биттасида тўрт компонент қатнашади. Икки компонентли икки иборанинг биттадан компоненти айна шу сўз бўлиб, шуларнинг бир компоненти ва тўрт компонентли иборанинг барча компонентлари ўзаро маъно муносабати ҳосил этмайди: бир ёстиққа бош қўймоқ — ойна кўрмоқ — турмуш кўрмоқ.

3. Тўрт ибора қатнашадиган уялар

Қуйидаги синонимия уясида уч ибора икки компонентли, бир ибора эса уч компонентли; биринчи, иккинчи ибораларнинг бир компоненти айна шу сўз, иккинчи компонентлари эса ўзаро синоним (буларни икки ибора деб эмас, балки бир иборанинг вариантлари деб қараш ҳам мумкин); учинчи ва тўртинчи ибораларнинг икки компоненти айна шу сўзлар, тўртинчи иборада эса бир компонент ортиқ: бош(и)ни букмоқ — бош(и) букнади — бош(и)ни ҳам қилмоқ — ерга қарамоқ — ерга қаратмоқ — юз(и) ерга қаради — юз(и)ни ерга қаратмоқ ва бошқалар.

Б. Фразеологик синонимлар асосида ётган образ

Айна бир маънони аниқлатувчи иборалар асосида бошқа-бошқа образ ётса, бу ибораларнинг ўзаро синоним эканига

шубҳа қолмайди. Чунки бундай ибораларнинг шаклланиш манбаи, улар асосида ётган воқелик бошқа-бошқа бўлади. Фразеологик синонимларнинг кўпида худди юқоридагича ҳолатни кўрамиз.

Аmmo шундай иборалар ҳам борки, улар асосида айни бир образ ётади. Шунга қарамай, бундай ибораларни ўзаро бир иборанинг вариантлари дейиш мумкин эмас. Шаклланиш сабаби турлича изоҳланадиган бундай ибораларни ҳам ўзаро синонимлар деб аташга тўғри келади.

Демак, бир уяга бирлашувчи фразеологик синонимлар улар асосида ётган образ нуқтан назаридан икки хил:

1. Асосида бошқа-бошқа образ ётувчи фразеологик синонимлар.

2. Асосида айни бир образ ётувчи фразеологик синонимлар.

1. Асосида бошқа-бошқа образ ётувчи фразеологик синонимлар

Кўпчилиги фразеологик синонимия шу группани мансуб қилиб улар исбот талаб қилмайди (149 уянинг 140 тасида юқоридагича ҳолат мавжуд). Бу ерда диққатни бир масалага жалб этиш ўринли. Фразеологик синонимлар асосида ётган образ бошқа-бошқа, лекин бир-бирига жуда яқин, ўхшаш бўлиши мумкин. Ана шундай яқинликни, ўхшашликни кўриб, бундай синонимлар асосида айни бир образ ётади деган ҳукми чиқариб қўйиш хавфи бор.

Шуни ҳисобга олиб фразеологик синонимларни яна қуйидагича группалаб ўрганиш зарур:

- 1) Асосида ётган образлар ноўхшаш синонимлар.
- 2) Асосида ётган образлар ўхшаш синонимлар.
- 3) Асосида ётган образлар баъзисида ноўхшаш, баъзисида эса ўхшаш синонимлар.

1) Асосида ётган образлар ноўхшаш синонимлар

Асосида ётган образ бошқа-бошқа фразеологик синонимларнинг деярли ярми (140 уянинг 64 таси) шундай хусусиятга эга. Бунда қуйидагиларни фарқлаш керак:

а) Синонимлар асосида ётувчи образ уқилади, тирик бўлади (64 уянинг 53 тасида шундай). Бундай ҳолат икки ибора қатнашадиган синонимия уясида ҳам (46 та), уч ибора қатнашадиган синонимия уясида ҳам (7 та) мавжуд:

а) икки ибора қатнашадиган уялар: ер-кўкка ишонмас-

лик — ўтқазгани жой тополмаслик; луқма ташламоқ — гап қистирмоқ каби;

б) уч ибора қатнашадиган уялар: бир оғиз — бир шингил — бир чимдим; бош(и) кўкка етди — бош(и)ни кўкка етказмоқ — тери(си)га сиғмай кетмоқ — қўй(и) миинга етди каби.

б) Синонимлардан бири асосида ётувчи образ ҳозир уқилмайди, сўниқ бўлади (10 та):

а) икки ибора қатнашадиган уялар (9 та): кўнгл(и) айниди 1 — кўнгл(и) озди 3 (иккинчи иборада);

б) уч ибора қатнашадиган уя: ипидан игнасиғача — миридан сиригача — қилидан қуйруғигача (иккинчи иборада).

в) Синонимия уясидаги барча иборалар асосида ётувчи образ сўниқ бўлади. Бундай ҳолат икки ибора қатнашадиган уядагина учрайди: дақёнусдан қолган — алмисокдан қолган.

Ибора асосида ётган образнинг сўнишига олиб келувчи сабаблар турлича:

а. Синоним ибора компонентларидан бири ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган сўз бўлади, бундай компонентга ҳос лексик маънонинг ҳозир уқилмаслиги ибора асосида ётган образнинг сўнишига олиб келади. Масалан, «бой» сўзи қатнашадиган бой бермоқ ибораси шундай ҳолатда.

б. Синоним ибора компонентларидан бирининг ибора таркибида қатнашаётган маъносини шу сўзнинг ҳозирги ўзбек тилидаги лексик маънолари доirasида изоҳлаб бўлмайди. Демак, бу сўзнинг ибора компоненти сифатида қатнашиб аниқланган маъноси ҳозир йўқолган, унутилган. Натижада бундай сўз қатнашган ибора асосидаги образ ҳам сўниқ бўлиб қолган. Масалан, «солмоқ» сўзи қатнашадиган қулоқ солмоқ ибораси шундай ҳолатда.

в. Ибора компонентларининг грамматик боғланиши одатдаги шаклда бўлмайди, тобе сўз ҳоким сўз талаб қиладиган формада келмайди. Натижада қандайдир «сузилиш», «ажралиш» юз беради, шу сабабли ибора асосида ётган образ ҳам аниқ уқилмайди. Масалан, бўйн(и)га олмоқ иборасида унинг асосидаги образ равшан кўриниб турибди, аммо шунинг синоними таи олмоқ иборасида иккинчи компонентнинг маъноси аниқ-у, биринчи компонентники ноаниқ. Бунга, бир томондан, шу компонентнинг асли омоним эканлиги (таи I — «гавда», таи II — «сулуш», «қием»), иккинчидан, бу ўринда қатнашаётган сўзнинг ҳозирги ўзбек тилида жуда оз ишлатилиши олиб келади. Таи олмоқ ибораси таркибида қайси сўз: таи I сўзими ёки таи II сўзими қатнашувини аниқ айтиш қийин (1959 йил луғатида бу ибора таи II сўзи остида келтирилган). Бун-

дан қатъи назар, асли жўналиш келишигидаги бу сўз ҳозир белгисиз ишлатиладиган бўлиб кетган (тан(и)га олмоқ — тан олмоқ). Хуллас, юқоридагича грамматик ҳамда семантик факторлар бу ибора асосида ётувчи образнинг сўнишига сабаб бўлган.

г. Ибора асосида ётган воқелик турмушдан чиқиб кетади, унутилади. Натижада иборанинг компонентлари ҳам уқилмайди ҳолатга келади, шу билан ибора асосидаги образ ҳам сўнади. Масалан, савод чиқариш араб алифбеси асосида амалга оширилган вақтларда «лом», «мим» уқилар эди. Ҳозир эса савод чиқариш янги ўзбек алифбеси асосида олиб борилади ва юқоридаги товушларни кўрсатувчи ҳарфларнинг номи «эл», «эм» деб ўргатилади. Асли «икки ҳарфнинг номини ҳам айта олмаслик»ка асосланган «лом-мим» деёлмаслик иборасида ҳозир бу образ сўнган.

2) Асосида ётган образлар ўхшаш синонимлар

Бундай фразеологик синонимия уялари ҳам андагина (57 та). Аввалги қисмда бўлганидек, буларда ҳам образлар тирик (48 тасида) ёки сўниқ бўлади (9 тасида). Бундан қатъи назар, ўхшаш образлилик икки ибора қатнашадиган уяларда ҳам (44 та), уч ибора қатнашадиган уяларда ҳам (8 та), тўрт ибора қатнашадиган уяларда ҳам (4 та) мавжуд. Қўлимиздаги беш ибора қатнашадиган уя ҳам шу тўшга мансуб. Мисоллар:

а) Синонимлар асосида ётувчи образ уқилади, тирик:

а) икки ибора қатнашадиган уялар: жавоб бермоқ 1 — жавоб қайтармоқ; жон(и)дан безор бўлмоқ — жон(и)дан безор қилмоқ — жон(и)дан тўймоқ — жон(и)дан тўйдирмоқ 2 каби;

б) уч ибора қатнашадиган уялар: кайф(и) чоғ — вақт(и) чоғ — димоғ(и) чоғ; гаш(и) келди — гаш(и)ни келтирмоқ — гаш(и)га тегмоқ — асаб(и)га тегмоқ каби;

в) тўрт ибора қатнашадиган уялар: ўз(и)ни қасрга қўйиш(и)ни билмаслик — ўз(и)ни кўйгани жой тополмаслик — ўтиргани жой тополмаслик — ўз(и)ни қаёққа уриш(и)ни билмаслик каби.

б) Синонимлардан бири асосида ётувчи образ ҳозир уқилмайди, сўниқ бўлади. Бундай ҳолат икки ибора қатнашадиган уяларда учрайди. Ибора асосида ётувчи образнинг сўнишига, юқорида таъкидлангани каби, қуйидагилар сабаб бўлади:

а. Синоним ибора компонентларидан бири ҳозирги ўзбек

тилида мустақил ишлатилмайдиган сўз бўлади. Масалан, «пай» сўзи ва бу сўз қатнашадиган пай(и)га тушмоқ ибораси шундай ҳолатда.

б. Синоним ибора компонентларидан бирининг ибора таркибида қатнашадиган маъносини шу сўзнинг ҳозирги лексик маънолари доирасида изоҳлаб бўлмайди. Масалан, «солмоқ» сўзи ва бу сўз қатнашадиган шовқин солмоқ ибораси шундай ҳолатда.

*3) Асосида ётган образлар баъзисида ноўхшаш, баъзисида эса ўхшаш синонимлар

Бундай синонимия уялари у қадар кўп бўлмай (18 та), уч ибора қатнашадиган (14 та) ва тўрт ибора қатнашадиган (4 та) уяларга тўғри келади. Бунинг кўринишлари:

а) Синонимлар асосида ётувчи образ уқилади, тирик бўлади (14 та):

а) уч ибора қатнашадиган уялар (10 та): таъб(и) тирриқ бўлди — таъб(и)ни тирриқ қилмоқ — кайф(и)ни бузмақ — кайф(и) бузилди — таъб(и) хира бўлди — таъб(и)ни хира қилмоқ (биринчи ва учинчи ибора асосида ётувчи образлар ўхшаш); кўнгил очмоқ — кайфи чоғлик қилмоқ — вақти чоғлик қилмоқ (иккинчи, учинчи ибора асосида ётувчи образлар ўхшаш) каби;

б) тўрт ибора қатнашадиган уялар (4 та): хуш(и)дан кетмоқ — ўз(и)дан кетмоқ — хуш(и)ни йўқотмоқ 1 — кўнгл(и) озди 1 (биринчи, иккинчи ибора асосида ётувчи образлар ўхшаш); кўнгл(и) ғаш бўлди — кўнгл(и)ни ғаш қилмоқ — кўнгл(и) хира бўлди — кўнгл(и)ни хира қилмоқ — кўнгл(и)ни ғашламоқ — кўнгл(и) ғашланди — ғашвиш тортмоқ (биринчи, иккинчи, учинчи ибора асосида ётувчи образлар ўхшаш) каби.

б) Синонимлардан бири асосида ётувчи образ ҳозир уқилмайди, сўнақ бўлади. Бундай ҳолат уч ибора қатнашадиган уяда учради (4 та): кўз(и) қиймади — кўнгл(и) бўлмади — кўнгл(и) бормади (иккинчи, учинчи ибора асосида ётувчи образ сўниқ) каби.

Ибора асосида ётган образнинг сўнишига бу ўринда ҳам қуйидагилар сабаб бўлган:

а. Синоним ибора компонентларидан бири ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган сўз бўлади. Масалан, «бажо» сўзи ва бу сўз қатнашадиган бажо келтирмоқ ибораси шундай ҳолатда.

б. Синоним ибора компонентларидан бирининг ибора таркибида қатнашадиган маъносини шу сўзнинг ҳозирги лексик

маънолари доирасида изоҳлаб бўлмайди. Масалан, «қиймоқ» сўзи ва бу сўз қатнашадиган кўз(и) қиймади ибораси шундай ҳолатда.

2. Асосида айна бир образ ётувчи синонимлар

Бундай ҳолатдаги фразеологик синонимлар оз (149 та уянинг фақат 9 тасида шундай синонимлар mavжуд)²⁸.

Асли барча фразеологик синонимлар учун ягона, умумий белги сифатида бошқа-бошқа образга асосланган бўлишини талаб этиш изчилликка олиб келади. Аммо фактик материал бундай йўл туттишга имкон бермайди. Тилда шундай иборалар борки, уларни ўзаро бир иборанинг вариантлари сифатида бирлаштириб бўлмайди. Ҳазил-кесил икки та ибора деб ҳукм чиқаришга эса уларнинг айна бир образга асосланганлиги монелик қилади. Бундай иборалар тақдирини ҳал этишда турли-туман факторлар билан ҳисоблашни керак. Булар қуйидагилар:

а) Икки ибора айна шу сўзлардан тузилган бўлади, аммо ўзаро вариант деб қарашга компонентларининг турлича боғланиши йўл қўймайди. Масалан, эс(и)дан оғмоқ ва эс(и) оғди иборалари «эс», «оғмоқ» сўзларидан таркиб топган. Шунга қарамай, буларни ўзаро вариант деб бўлмайди. Чунки булар грамматик қурилишида, шундан келиб чиқувчи маъносида ҳам фарқ қилади. Грамматик қурилиш биринчи иборада бирикмага, иккинчисида эса таянча тенг. Биринчи иборада ҳаракат-ҳолатнинг бажарувчиси киши, иккинчисида эса абстракт предмет. Булардан қатъи назар, бу икки қурилиш бири иккинчисига ётувчи бўлганида эди, уларни бир иборанинг вариантлари деб қараш мумкин эди. Масалан, эс(и) оғди билан эс(и)ни оғдириб қиймоқ ўзаро вариантлардир. Аммо эс(и)дан оғмоққа эс(и)дан оғдирмоқ варианты йўқ.

б) Икки иборанинг бир компонентини айна шу сўз бўлади, иккинчи компонентининг эса узаги бир бўлади. Масалан, қуби-

²⁸ Луғатда синоним иборалар деб кўрсатилган гап оғмоқ билан гап ташламоқ, шунингдек кун кечирмоқ билан кун(и) ўтди — кун ўтказмоқ; бош(и)ни букмоқ билан бош(и)ни ҳам қилмоқ асли бир иборанинг вариантлари деган қарорга келдик. Шу сабабли луғатдаги синонимия уяларининг сопи биттага қисқаради, бир синонимия уяси уч иборали ҳолатдан икки иборали ҳолатга, яна бир синонимия уяси тўрт иборали ҳолатдан уч иборали ҳолатга ўтади (кун кўрмоқ — кун(и) ўтди — кун ўтказмоқ; юз(и) ерга қаради — юз(и)ни ерга қаратмоқ — ерга қарамоқ — ерга қаратмоқ — бош(и)ни букмоқ — бош(и)ни буклади).

Булардан ташқари, дунёдан кўз юммоқ асли алоҳида ибора эмас, балки кўз юммоқ иборасининг индивидуал автор нутқига хос варианты бўлиб чиқди. Шунга кўра тўрт иборали деб кўрсатилган бу синонимия уясини ҳам асли уч иборали деб ҳисоблаш лозим.

даги биринчи иборада феъл компонент, иккинчи иборада эса шу феъл ўзагидан ясалган сифат ва ёрдамчи феълдан тuzилган компонент қатнашади: тил(и)ни қисмоқ — тил(и) қисилди — тил(и)ни қисик қилмоқ — тил(и) қисик бўлди. Бу иборалар таркибидаги қисмоқ — қисилди билан қисик қилмоқ — қисик бўлмоқ ўзаро синоним феъллар дейиш нотўғри бўлади. Чунки тилда «қисик қилмоқ», «қисик бўлмоқ» сўзлари йўқ. Асли иккинчи ибора тил(и) қисик иборасидан ясалган янги иборадир: сифат туркумига тўғри келувчи иборадан феъл туркумига тўғри келувчи ибора ясалган. Демак, тил(и) қисик бўлди ибораси тил(и) ва қисик бўлди қисмларидан эмас, балки тил(и) қисик ва бўлди қисмларидан таркиб топган. Таркиб топиши турлича тил(и) қисилди билан тил(и) қисик бўлди ибораларини ўзаро бир иборанинг вариантлари деб атаб бўлмайди. Албатта, булар ўз-ўзидан, синонимлар деб тан олинган лозим.

в) Асли бир маънадан ўсиб чиққан, бир иборанинг тараққиёти натижасида юзага келган иборалар ҳам мавжуд. Масалан, ерга қарамоқ — ерга қаратмоқ ибораси юз(и) ерга қаради — юз(и)ни ерга қаратмоқ иборасидан ўсиб чиққан. Асли вариант ҳолатида бўлган бу қурилишларни мустақил ибора деб қарашга фарқли лексик таркиб ва шунга боғлиқ ҳолда бошқача грамматик табиати борлиги элиб келади:

юз(и) ерга қаради (кимнинг) — юз(и)ни ерга қаратмоқ (ким кимнинг);

ерга қарамоқ (ким) — ерга қаратмоқ (ким кимни).

Хуш(и) ўз(и)га келди иборасидан ўсиб чиққан деб айтиш мумкин бўлган ўз(и)га келмоқ ва хуш(и)га келмоқ иборалари ҳақида ҳам юқоридаги каби фикрни таъкидлаш мумкин. Бундан ташқари, ўсиб чиққан ибора (ўз(и)га келмоқ), унга асос бўлган иборанинг маъноларидан ташқари, яна янги маънолар ҳам кашф этган. Бу эса вариантлик учун ёт белгидир.

г) Ниҳоят, контаминация сабабли пайдо бўлган иборани ҳам курсатиб ўтиш зарур. Икки ибора қисмларидан учинчи бир ибора тузиб юбориш ижобий ҳодиса деб қаралмайди, албатта. Бунинг устига, контаминация асосида туғилган «ибора» баъзан мантиқан ҳам бесўнақай бўлади. Шунга қарамай, тилда бундай ибора яшар экан, у билан ҳисоблашмай илож йўқ. Масалан, эрга чиқмоқ асли эрга тегмоқ ва турмушга чиқмоқ ибораларини контаминациялаш асосида туғилган (эрга ... + ... чиқмоқ). Қўлимиздаги материалнинг кўрсатишича, бу ибора уч автор асарининг етти ўрнида (Ғ. Фуломда уч марта, Ойбек ва И. Раҳим асарларида икки мартадан) ишлатилган.

Мантиқий зиддият туғилишига қарамай, ҳордиқ олмоқ ибораси ҳам тилда ишлатилади. Биз бу иборани уч автор асаридеда учратдик (Ғ. Ғулом, Ш. Рашидов ва С. Анорбоев асарларида). Ҳордиқ олмоқ асли дам олмоқ ва ҳордиқ чиқармоқ ибораларининг контаминацияси билан туғилган (ҳордиқ... + олмоқ).

Бундай йўл билан ҳосил қилинган ибора асосида, ўз-ўзидан, алоҳида бир образ ётмайди. Лекин бу иборани вариант деб қараш ҳам қийин. Чунки уни айни бир вақтда иккита иборага вариант деб қараш лозим бўлиб қолади. Шу сабабли, яхшиси, бундай таркиб топган бирликни алоҳида ибора деб тан олиш керак.

В. Фразеологик синонимларнинг маънода фарқланиши

Икки ва ундан ортиқ фразеологик бирликни ўзаро синоним деб аташ учун ягона ва асосий белги уларнинг айни бир маънони англатишидир. Синоним дейилувчи ҳодисаларда ана шундай маъно умумияти бўлиши шарт. Бусиз синонимлар ҳақида гапириш ноўрин.

Синонимларнинг айни бир маънони англатишини маънода тенг келиш деб тушуниш ярамаган, албатта. Ҳар бир синоним, синонимия уяси учун умумий бўлган маъно ўзанидан ташқари, ўзига хос маъно қиррасига эга бўлиши мумкин. Кўпчилик синонимларда худди шундай хусусият бор. Аммо ўзига хос маъно қиррасининг бор бўлишини мажбурий белги даражасига кўтариш ҳам тўғри эмас. Синонимлар ўзаро бир ёки бир неча жиҳатдан фарқланиб туради, ана шундай фарқловчи нуқталардан бири сифатидеда кўпинча ҳар бир синонимнинг ўзига хос маъно қирраси қатнашади.

Биз кузатган фразеологик синонимия уяларидан бир нечасидагина синонимлар ўзаро маъно қирраси жиҳатдан деярли фарқ қилмаслиги аниқланди. Масалан, тилга олмоқ — оғз(и)га олмоқ; тил(и) бормади — оғз(и) бормади уяларидаги синонимларнинг маъносидеда деярли фарқ йўқ. Бу уялардаги синонимлар улар асосида ётган образ жиҳатдан, вариантланиши жиҳатдан, нуқтада оз-кўп ишлатилиши жиҳатдан фарқ қилади (синонимлардаги бундай ҳодисалар қуйроқда тасвирланган).

Маънонинг қирраси деб номланаётган ҳодисалар жуда ранг-баранг. Бундай маъно қирраси ҳар бир синонимда хусусий бўлади, шу сабабли уларни умумлаштириш ҳам қийин. Энг тўғри йўл — ҳар бир синонимия уясига шу жиҳатдан конкрет баҳо бериб ўтиш. Буни синонимия лугатидагина

амалга ошириш мумкин. Бу ўринда эса, сунъийроқ бўлса ҳам, қандайдир умумлаштиришларга интилиш зарурдек кўринади.

1. Бир синонимия уясида қатнашадиган ибораларда маъно интензивлиги турлича бўлади. Бундай ҳолат синонимия уяларининг ўндай тўрт қисмида мавжуд:

1) Икки ибора қатнашадиган уялардан:

а) қуйидаги уяларда биринчи иборанинг маъноси кучлироқ: ер-кўкка ишонмаслик — ўтқазгани жой тополмаслик; «сан-ман»га бормоқ — ади-бадига бормоқ каби (21 та уя);

б) қуйидаги уяларда иккинчи иборанинг маъноси кучлироқ: кўнгл(и) қаттиқ — қаттиқ кўнгл — тош юрак — юраг(и) тош; ер билан яксон бўлмоқ — ер билан яксон қилмоқ — кулини кўкка совурмоқ — кули кўкка совурилди каби (26 та уя).

2) Уч ибора қатнашадиган уялардан:

а) қуйидаги уяларда биринчи иборанинг маъноси кучлироқ: тинка(си) қуриди — тинка(си)ни қуритмоқ — ҳолдан тоймоқ — ҳолдан тойдирмоқ — ҳолдан кетмоқ — ҳолдан кетказмоқ; бош(и) кўкка етди — бош(и)ни кўкка етказмоқ — тери(си)га сиймай кетмоқ — қўй(и) мингга етди каби (6 та уя);

б) қуйидаги уяда иккинчи иборанинг маъноси кучлироқ: эс(и) чиқиб кетди — эс(и)ни чиқариб юбормоқ — жон-пон(и) чиқиб кетди I — жон(и) ҳалқум(и)га келди 4 каби (4 та уя);

в) қуйидаги уяда учинчи иборанинг маъноси кучлироқ: таъб(и) хира — кайф(и) бузук — таъб(и) тирриқ каби (4 та уя);

г) қуйидаги уяда биринчи иборанинг маъноси учинчи ибораникидан, иккинчи иборанинг маъноси эса биринчи ибораникидан кучли: авжга чиқмоқ — авжга чиқармоқ — авжга минмоқ — авжга миндирмоқ — авжга етмоқ.

3) Тўрт ибора қатнашадиган уялардан:

а) қуйидаги уяда биринчи иборанинг маъноси кучлироқ: кўнгл(и) ғаш бўлди — кўнгл(и)ни ғаш қилмоқ — кўнгл(и) хира бўлди — кўнгл(и)ни хира қилмоқ — ташвиш тортмоқ — кўнгл(и)ни ғашламоқ — кўнгл(и) ғашланди (2 та уя);

б) қуйидаги уяда иккинчи иборанинг маъноси кучли: аччиғ(и) келди — аччиғ(и)ни келтирмоқ — қон(и) қайнади — қон(и)ни қайнатмоқ — ғазабга келмоқ — ғазабга келтирмоқ — аччиғ(и) қистаб кетди;

в) қуйидаги уяда тўртинчи иборанинг маъноси кучлироқ: ўз(и)ни қаерга қўйиш(и)ни билмаслик — ўз(и)ни қўйгани жой тополмаслик — ўтиргани жой тополмаслик — ўз(и)ни қаёққа уриш(и)ни билмаслик.

2. Бир синонимия уясида қатнашадиган ибораларда маъ-

нонинг конкрет-абстрактлик даражаси турлича бўлади. Бундай ҳолат ҳам анчагина (19 та уя):

1) Икки ибора қатнашадиган уялардан:

а) қуйидаги уяларда биринчи иборанинг маъноси мавҳумроқ: рўёбга чиқмоқ — рўёбга чиқармоқ 1 — юзага чиқмоқ — юзага чиқармоқ 1; кўнгл(и)ни тоғдай кўтармоқ — кўнгл(и) тоғдай кўтарилди — кўкраг(и) тоғдай кўтарилди каби (6 та уя);

б) қуйидаги уяларда иккинчи иборанинг маъноси мавҳумроқ: шамолга учмоқ — зое кетмоқ — зое кетказмоқ; меъда(си)га тегмоқ 1 — кўнгл(и)га тегмоқ 1 каби (5 та уя).

2) Уч ибора қатнашадиган уялардан:

а) қуйидаги уяда биринчи иборанинг маъноси мавҳумроқ: бир оғиз — бир шингил — бир чимдим каби (3 та уя);

б) қуйидаги уяда иккинчи иборанинг маъноси мавҳумроқ: ипидан игнасигача — миридан сиригача — қилидан куйругигача;

в) қуйидаги уяда учинчи иборанинг маъноси мавҳумроқ: ўрнига қўймоқ 2 — ўрнига келтирмоқ — бажо келтирмоқ 2;

г) қуйидаги уяда иккинчи, учинчи ибораларнинг маъноси мавҳумроқ: ном(и) чиқди — ном чиқармоқ — донг(и) чиқди — донг чиқармоқ — донг(и) кетди (2 та уя).

3) Беш ибора қатнашадиган қуйидаги уяда биринчи, иккинчи ибораларнинг маъноси мавҳумроқ: футур етди — футур етказмоқ — халал етди — халал етказмоқ — зарар етказмоқ — зарар(и) тегди — зарар келтирмоқ.

3. Бир синонимия уясида қатнашадиган ибораларда маънонинг вақтга муносабати жиҳатдан характери фарқли бўлади. Бунинг конкрет кўринишлари (20 та уя):

1) Синонимлардан бири давомлироқ, вазасолироқ ҳаракатни англатади. Бундай белги:

а) уч ибора қатнашадиган мана бу уялардаги биринчи иборага хос: ақдан озмоқ — эс(и)дан оғмоқ — эс(и) оғди 1; йўлдан урмоқ — йўлдан озмоқ — йўлдан оздирмоқ — йўлдан чиқармоқ каби (3 та уя);

б) икки ибора қатнашадиган мана бу уялардаги иккинчи иборага хос: кўз(и)ни шира босди — кўз(и)ни ёғ босди; кўнгл(и)ни кўтармоқ — кўнгл(и) кўтарилди — кўнгл(и) ўсди — кўнгл(и)ни ўстирмоқ;

в) уч ибора қатнашадиган мана бу уялардаги учинчи иборага хос: юз(и) ерга қаради — юз(и)ни ерга қаратмоқ — ерга қарамоқ — ерга қаратмоқ — бош(и)ни букмоқ — бош(и) букилди; бир ёстиққа бош қўймоқ — турмуш қурмоқ — оила қурмоқ.

2) Синонимлардан бирининг маъносида доимийлик қирраси бўлади. Масалан, қуйидаги уяларнинг иккинчи иборасида шундай белги бор: кўнгл(и) тортди — хуш кўрмоқ; оғз(и)га тушмоқ — тил(и)га тушмоқ.

3) Синонимлардан бирининг маъносида «вақтинча»лик қирраси бўлади. Масалан, қуйидаги уянинг учинчи иборасида шундай белги бор: хуш(и)дан кетмоқ — ўз(и)дан кетмоқ — хуш(и)ни йўқотмоқ I — кўнгл(и) озди I.

Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида, «вақтинча ва ташқи»лик қирраси бор: кайф(и) чоғ — вақт(и) чоғ — димоғ(и) чоғ.

4) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — биринчисининг) маъносида «илк, бошланғич давр» қирраси бўлади: йўлга кўймоқ — йўлга солмоқ *4.

5) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — биринчисининг) маъносида «кўнглидан, кутилмаганда»лик қирраси бўлади: эс(и)га тушмоқ — эс(и)га туширмоқ — эс(и)га келмоқ — эсга келтирмоқ — эс(и)га солмоқ — хаёл(и)га келмоқ — хаёл(и)га келтирмоқ 2.

6) Мана бу синонимлардан биринчисининг маъносида «кутилмаганда ва тез воқе бўлиш» қирраси бор: маза(си) қочди I — маза(си) кетди I.

Худди шундай қирра қуйидаги синонимлардан иккинчисининг маъносида хос: эс(и) оғди 3 — хуш(и) кетди.

7) Синонимлардан бирининг маъносида «шу онда», «шу дақиқада» қирраси бўлади. Масалан, қуйидаги уянинг иккинчи иборасида шундай белги бор: хуш(и)ни йўқотмоқ 2 — хуш(и) бош(и)дан учди.

Мана бу уядаги учинчи иборанинг маъносида ҳам шундай белги бор: жон бермоқ II — жон чиқди I — жон узилди.

8) Синонимлардан бирида «яқин вақтда содир бўлган»лик қирраси бўлади. Қуйидаги уяларнинг иккинчи ибораси шундай хусусиятга эга: яхши кўрмоқ I — кўнгли бермоқ; дунёдан ўтмоқ 2 — кўз(и)ни юммоқ — кўз(и) юмилди — дунёдан кетмоқ.

4. Синонимларда бир умумий маънонинг бешқа-бошқа қирраси бўртта туради (13 та). Бунинг куришлари:

1) Маънода мавжуд қирралар синонимлар бўйича хосланган бўлади. Масалан:

а) қуйидаги синонимлардан биринчиси асосан «кўнглидан» маъно қирраси учун, иккинчиси эса «рахмдил» маъно қирраси учун хосланган: кўнгл(и) бўш — кўнгл(и) юмшоқ — юмшоқ кўнгли;

б) қуйидаги синонимлардан биринчиси асосан «гердаймоқ» маъно қирраси учун, иккинчиси эса «кибрланмоқ» маъ-

но қирраси учун хосланган: бурн(и)ни кўтармоқ — бурн(и) кўтарилди — димоғ(и) шишди.

2) Синонимларнинг маъно қирраси маълум даражада ўзаро терс ҳолатда бўлади:

а) Мана бу уядаги биринчи иборанинг маъносида «яшаш», иккинчисиникида эса «тириклик» қирраси мавжуд: кун кўрмоқ — кун(и) ўтди — кун ўтказмоқ.

Мана бу уядаги иккинчи ва учинчи ибораларнинг маъносида ҳам юқоридагича зидланш бор: дунёдан ўтмоқ I — умр кўрмоқ — умр ўтказмоқ.

б) Мана бу синонимлардан биринчи ва иккинчисининг маъносида асосий диққат шахсга қаратилса, учинчи иборанинг маъносида иборадан англашмиладиган ҳолатнинг ўзига қаратилади: ўз(и)га келмоқ I — хуш(и)га келмоқ I — хуш(и) ўз(и)га келди I.

в) Мана бу синонимлардан биринчисининг маъносида «истироҳат»дан келиб чиқилса, иккинчисининг маъносида «чарчаш»дан келиб чиқилади: дам олмоқ — ҳордиқ чиқармоқ.

г) Мана бу синонимий уяларида биринчи иборалар ҳаракат-ҳолатни «ички» тەмондан тасвирласа, иккинчи иборалар «ташқи» тەмондан тасвирлайди: ўпка(си)ни туюлмаслик — ўпка(си)ни босолмаслик; тоб беролмаслик — тоб келтиролмаслик; жин(и) суймайди — жин(и)га ёкмаслик.

д) Мана бу синонимлардан биринчисида ҳаракатнинг воқе бўлиш momenti ўз таъкидини топса, иккинчисида унинг «давом»и ҳам қамраб олинади: тил(и) чиқди I — тилга кирмоқ I.

е) Мана бу уядаги биринчи иборанинг маъносида «масофа сақлаб» қирраси, иккинчисининг маъносида «сураб-суриштириб» қирраси, учинчисининг маъносида «бевоҳита таъқиб этиб» қирраси мавжуд: орқа(си)дан тушмоқ I — из(и)дан тушмоқ — кет(и)дан тушмоқ — пай(и)дан тушмоқ.

5. Бир қанча уяларни синонимларнинг маъносидаги модел қирралар асосида группалаш мумкин. Шундай фарқлашишларнинг кўринишлари (7 та):

1) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — биринчисининг) маъносида «ўз-ўзидан» қирраси бўлади: ақл(и) кирди I — ақл(и)ни танимоқ.

2) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — биринчисининг) маъносида «талаб қилинган»лик қирраси бўлади: жавоб бермоқ I — жавоб қайтармоқ.

3) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — биринчисининг) маъносида «мажбурий»лик қирраси бўлади: бўйи(и)га олмоқ 3 — зимма(си)га олмоқ I.

4) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — иккинчисининг)

нинг) маъносида «актив аралашиниш» қирраси бўлади: ишга солмоқ 3 — ишга тушмоқ — ишга туширмоқ 2.

5) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — иккинчисининг) маъносида «пайтини пойлаб» қирраси бўлади: луқма ташламоқ — гап қистирмоқ.

6) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — иккинчисининг) маъносида «махсус, алоҳида» қирраси бўлади: қулоқ солмоқ 1 — қулоқ бермоқ.

7) Синонимлардан бирининг (бу мисолда — иккинчисининг) маъносида «атайлаб» қирраси бўлади: ташвишга солмоқ — кўнгл(и)га ғашлик солмоқ.

6. Талайгина уялардаги синонимларнинг маъно қиррасида яна турли-туман фарқлашнилар мавжуд бўлиб, буларни бирор асосда бирлаштириш қийин. Шу сабабли уларни бевоқифа санаб келтираверамиз (22 та уя).

1) Синонимлардан бирининг (қуйидаги биринчи уянинг биринчи иборасида, иккинчи уянинг иккинчи иборасида) ҳаракат-ҳолат икки томонлама бўлишини кўрсатувчи қирра мавжуд: дуч келган — тўғри келган; кўнгил қўймоқ — кўнгил боғламоқ — муҳаббат қўймоқ.

2) Мана бу синонимлардан биринчисининг маъносида «ёқтириш» қирраси бор: хуш(и)га келмоқ — кўнгл(и)га келмоқ 3.

3) Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «тенглик» қирраси бор: эрга тегмоқ — турмушга чиқмоқ — эрга чиқмоқ.

4) Мана бу синонимлардан иккинчисида «хуси» таъкидланади: чехра(си)ни очмоқ 1 — чехра(си) очилди — чирой(и) очилди.

5) Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «миқдор» қирраси бор: ҳаддан ташқари — ҳаддан зиёд.

6) Мана бу синонимлардан биринчиси ҳаракатнинг бевоқифа кўриниб туриб оқиб бўлишини аке эттиради: тил(и)ни қисмоқ — тил(и) қисилди — тил(и) қисик бўлди — тил(и)ни қисик қилмоқ.

7) Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «йўлсизлик» қирраси бор: йўл олмоқ — йўл солмоқ.

8) Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «гапириш билан ҳам» қирраси бор: таъзир(и)ни бермоқ — таибех(и)ни бермоқ.

9) Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «узук-узук»лик қирраси бор: икки оғиз — икки шингил.

10) Мана бу синонимлардан биринчисининг маъносида «гапириш билан» қирраси бор: бир оғиздан 1 — бир овоздан 1.

11) Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «борини яна-да» қирраси мавжуд: обрўй(и)ни кўтармоқ — обрўй(и) кўтарилди — обрўй(и) ошди — обрўй(и)ни оширмоқ.

12) Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «ҳар томонлама»лик қирраси бор: тўғри келмоқ I — мос келмоқ.

13) Мана бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «ишонмаслик, тушуниб етмаслик билан» қирраси бор: ҳайратда қолмоқ — ҳайратда қолдирмоқ — ёқа(си)ни ушламоқ — ёқа(си)ни ушлатмоқ ва бошқалар.

Г. Фразеологик синонимларнинг грамматик табиати

Синонимларнинг (шу жумладан фразеологик синонимларнинг) грамматик табиатини аниқлаш назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам жуда муҳим.

Фразеологик синонимларнинг грамматик табиатидаги ўхшаш ва фарқлар томонларни белгилаш учун уларни қурилишидаги нуқталар бўйича ўрганиш мумкин.

А) Фразеологик синонимларнинг грамматик қурилиши (бирикмага, гапга тенглиги).

Б) Фразеологик синонимларнинг грамматик шакллارга кириши.

В) Фразеологик синонимларнинг синтактик вазифаси.

Г) Фразеологик синонимларнинг грамматик контексти.

Д) Фразеологик синонимларнинг лексик контексти.

Е) Фразеологик синонимларда вариантларнинг бор-йўқлиги.

А) ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАРНИНГ ГРАММАТИК ҚУРИЛИШИ

Бир уяга бирлашувчи фразеологик синонимларнинг грамматик қурилиши бир хил қам, ҳар хил ҳам бўлади. Кўпчиликни, албатта, грамматик қурилиши бир хил синонимлар ташкил этади. Аммо булар ҳам ўз ичда маълум белги-хусусиятлари билан фарқланиб туради.

Грамматик қурилуш жиҳатдан фразеологик синонимларни дастлаб икки катта гуруҳга бирлаштириш мумкин:

1. Грамматик қурилиши бир хил фразеологик синонимлар.

2. Грамматик қурилиши ҳар хил фразеологик синонимлар²⁹.

²⁹ Грамматик қурилуш бу ўринда компонентларнинг миқдори тенг синонимлар асосида тасвирланди. Компонентларнинг миқдори нотенг синонимлар, аввало, у қадар кўп эмас, иккинчидан, грамматик қурилиш-

1. Грамматик қурилиши бир хил фразеологик синонимлар

Бунда бир уяга бирлашувчи ибораларнинг барчаси бир хил грамматик қурилишли бўлади. Бунинг кўринишлари:

1) Синонимлар бирикмага тенг қурилишли бўлади:

а) Фақат шу бир қурилишга эга бўлади:

а) Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли, шунингдек қайси туркум сўзи билан ифодаланиши бир хил бўлади:

(а) От билан феълдан таркиб топади (бу энг кўп учрайди):

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (25 та): хаёлга чўлмоқ — пинакка кетмоқ; йўл-олмоқ — йўл солмоқ; дақёнусдан қолган — алмисоқдан қолган; бўйи(и)га олмоқ 3 — зимма(си)га олмоқ 1 каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уялар (4 та): кўнгил қўймоқ — кўнгил боғламоқ — муҳаббат қўймоқ каби;

[в] тўрт ибора қатнашадиган уялар (2 та): орқа(си)дан тушмоқ 1 — из(и)дан тушмоқ — кет(и)дан тушмоқ — лай(и)дан тушмоқ каби.

(б) Сифат билан феълдан таркиб топади:

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (5 та): катта кетмоқ — катта гапирмоқ; ўнг келмоқ 1 — тўғри келмоқ 5 каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уя: баланд келмоқ 1 — устун келмоқ — ғолиб келмоқ.

(в) Соя билан отдан таркиб топади:

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (3 та): бир оғиздан 2 — бир овоздан 2; икки оғиз — икки шингил каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уя: бир оғиз — бир шингил — бир чимдим.

(г) От билан равиждан таркиб топади: ҳаддан ташқари — ҳаддан зиёда.

(д) Икки отдан таркиб топади:

[а] икки ибора қатнашадиган уя: кўз(и)нинг оқ-у қораси — кўз қорачиг(и) — кўз(и)нинг қорачиги;

[б] уч ибора қатнашадиган уя: ипидан игнасигача — мирдан сиригача — қилидан қуйруғигача.

[в] Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли бир хил, аммо қайси туркум сўзи билан ифодаланиши ҳар хил бўлади:

нинг ёйиқ-ёйиқлиги жиҳатлангина янгиллик беради. Биз кўзлаган мақсад — бир синонимия уясида бирикмага тенг ибора ҳам, гапга тенг ибора ҳам бўла оlishини кўрсатиб бериш.

[а] бири сифат ва отдан, иккинчиси сон ва отдан таркиб топади: сариқ чақалик — бир пуллик;

[б] бири от ва феълдан, иккинчиси тақлидий сўз ва феълдан таркиб топади: «лом-мим» демаслик — «чурқ» этмаслик.

в) Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли ҳар хил, ammo қайси туркум сўзи билан ифодаланиши бир хил бўлади. Бундай иборалар от билан феълдан таркиб топади:

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (4 та): бош(и)ни емоқ — бош(и)га етмоқ; бўйн(и)га олмоқ 1 — тан олмоқ каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уя: дунёдан ўтмоқ 1 — умр кўрмоқ — умр ўтказмоқ.

г) Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли ҳам, қайси туркум сўзи билан ифодаланиши ҳам ҳар хил бўлади:

[а] бири от билан, феълдан, иккинчиси равиш ва феълдан таркиб топади: шамолга учмоқ — зое кетмоқ;

[б] бири сифат ва феълдан, иккинчиси от ва феълдан таркиб топади: яхши кўрмоқ 1 — кўнгал бермоқ;

[в] бири олмош ва феълдан, иккинчиси тақлидий сўз ва феълдан таркиб топади: «сан-ман»га бормоқ — ади-бади айтишмоқ.

б) Икки қурилишли бўлади. Бунда:

а) Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли ва қайси туркум сўзи билан ифодаланиши бир хил бўлади (4 та): жон(и)дан тўймоқ — жон(и)дан тўйдирмоқ 2 — жон(и)дан безор бўлмоқ — жон(и)дан безор қилмоқ.

б) Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли ҳар хил, ammo қайси туркум сўзи билан ифодаланиши бир хил бўлади: ёқа(си)ни ушламоқ — ёқа(си)ни ушлатмоқ — ҳайратда қолмоқ — ҳайратда қолдирмоқ.

в) Синонимлардан биттаси бир қурилишли, иккинчиси эса икки қурилишли бўлади. Қуйидаги бундай синонимларда компонентларининг грамматик боғланиш шакли ва қайси туркум сўзи билан ифодаланиши бир хил (улар от билан феълдан таркиб топган):

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (2 та): ишга солмоқ 3 — ишга тушмоқ — ишга туширмоқ 2 каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уялар (3 та): йўлдан урмоқ — йўлдан озмоқ — йўлдан оздирмоқ — йўлдан чиқармоқ; Эс(и)га келмоқ — эсга келтирмоқ 2 — хаёл(и)га келмоқ — хаёл(и)га келтирмоқ 1 — мия(си)га келмоқ каби;

[в] тўрт ибора қатнашадиган уялар (2 та): кўнгал(и)дан ўтмоқ — кўнгал(и)дан ўтказмоқ — хаёл(и)дан ўтмоқ — хаёл(и)-

дан ўтказмоқ — фикр(и)дан ўтказмоқ — бош(и)дан кечмоқ — бош(и)дан кечирмоқ 2 каби.

2) Синонимлар гапга тенг қурилишли бўлади. Бунда:

а) Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли ва қайси туркум сўзи билан ифодаланиши бир хил бўлади:

а) от билан феълдан таркиб топади:

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (5 та): ич(и) пишди 2 — ич(и) тошди 2; кўз(и) етди — ақл(и) етади 2 каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уялар (3 та): ич(и) ачиди 1 — юраг(и) ачиди 1 — жон(и) ачи(й)ди 1 каби;

б) от билан сифатдан таркиб топади:

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (2 та): ичи қора — кўнгл(и) қора каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уялар (3 та): кайф(и) чоғ — вақт(и) чоғ — димоғ(и) чоғ каби.

б) Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли бир хил, ammo қайси туркум сўзи билан ифодаланиши ҳар хил бўлади. Масалан, қуйидаги синонимларнинг биринчиси олмош билан феълдан, иккинчиси эса от билан феълдан таркиб топган: ким билади — худо билади.

в) Синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли ҳар хил, ammo қайси туркум сўзи билан ифодаланиши бир хил бўлади: оғз(и) қулоғ(и)га етди — оғз(и)нинг таноби қочди.

3) Синонимлардан ҳар бири ҳам бирикмага тенг қурилишли ҳолатда, ҳам гапга тенг қурилишли ҳолатда бўлади. Бунда синоним иборалар компонентларининг грамматик боғланиш шакли ва қайси туркум сўзи билан ифодаланиши бир хил бўлади:

а) от билан феълдан таркиб топади:

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (8 та): кўнгл(и)ни кўтармоқ — кўнга(и) кўтарилади — кўнга(и) ўсди — кўнгл(и)ни ўстирмоқ каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уялар (2 та): баҳр(и)ни очмоқ — баҳр(и) очилди — димоғ(и) чоғ бўлди — димоғ(и)ни чоғ қилмоқ — кайф(и) чоғ бўлди — кайф(и)ни чоғ қилмоқ каби;

б) от билан сифатдан таркиб топади: кўнгл(и) қаттиқ — қаттиқ кўнгил — тош юрак — юраг(и) тош (иккинчи иборادا от сўз белги маъносини англатиб қатнашаётир).

2. Грамматик қурилиши ҳар хил фразеологик синонимлар

Бундай синонимлар у қадар кўп эмас (23 та уя). Бунинг кўринишлари:

1) Синонимларнинг баъзиси бирикмага, баъзиси гапга тенг қурилишли бўлади:

а) Икки ибора қатнашадиган уяларда бир ибора бирикмага, иккинчиси гапга тенг қурилишли бўлади (13 та). Шунинг:

а) от билан феълдан таркиб топган кўриниши:

[а] бирикмага тенг қурилишли ибора воситасиз тўлдирувчи билан бошқарувчида таркиб топгани: ақл(и) кирди I — ақл(и)ни танимоқ.

[б] бирикмага тенг қурилишли ибора жўналиш келишигидаги воситали тўлдирувчи билан бошқарувчидан таркиб топгани: жин(и) суймайди — жин(и)га ёқмаслик.

[б] Синонимлардан бири от билан феълдан, иккинчиси эса сифат билан феълдан таркиб топгани: кўнгл(и) тортди — хуш кўрмоқ.

б) Уч ибора қатнашадиган уяларда:

а) Икки ибора бирикмага тенг, биттаси гапга тенг қурилишли бўлади: ақдан озмоқ — эс(и)дан оғмоқ — эс(и) оғди I.

[б] Бир ибора бирикмага тенг, иккитаси эса гапга тенг қурилишли бўлади: жон бермоқ II — жони чиқди I — жони узилди.

в) Тўрт ибора қатнашадиган қуйидаги уяга уч ибора бирикмага тенг, биттаси гапга тенг қурилишли: хуш(и)дан кетмоқ — ўз(и)дан кетмоқ — хуш(и)ни йўқотмоқ I — кўнгл(и) озди I. Кўринадикки, бирикмага тенг қурилишлар ҳам ўзаро фарқ қилади; иккитаси чиқинчи келишигидаги воситали тўлдирувчи билан бошқарувчида, учинчиси эса воситасиз тўлдирувчи билан бошқарувчидан таркиб топган.

2) Синонимларнинг баъзиси бирикмага тенг қурилишли, баъзиси эса ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли бўлади. Бунда:

а) Икки ибора қатнашадиган уяда:

[а] Бирикмага тенг қурилишлар бир хил бўлади: кун кўрмоқ — кун(и) ўтди — кун ўтказмоқ 2.

[б] Бирикмага тенг қурилишлар ҳар хил бўлади: тил(и) чиқди — тил чиқармоқ I — тилга кирмоқ I.

б) Уч ибора қатнашадиган қуйидаги уяда иккита синоним

бирикмага тенг, бир синоним ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли: ғаш(и) келди — ғаш(и)ни келтирмоқ — ғаш(и)-га тегмоқ — асаб(и)га тегмоқ. Кўринадики, бирикмага тенг қурилишлар ҳам ўзаро фарқ қилади: биринчиси воситасиз тўлдирувчи билан бошқарувчидан, қолган иккитаси эса жўналиш келишигидаги воситали тўлдирувчи билан бошқарувчидан таркиб топган.

Мана бу синонимия уяси ҳам асли юқоридаги типнинг ўзи, фақат бунда бирикмага тенг қурилишли ибораларда бундай қурилиш иккитадан: тинка(си) қуриди — тинка(си)ни қуритмоқ — ҳолдан тоймоқ — ҳолдан тойдирмоқ — ҳолдан кетмоқ — ҳолдан кетказмоқ. Кўринадики, биринчи иборанинг бирикмага тенг қурилиши кейинги иборалардагидан фарқ қилади.

в) Тўрт ибора қатнашадиган уяда бир ибора бирикмага тенг, қолган уч ибора ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли бўлади: кўнгл(и) ғаш бўлди — кўнгл(и)ни ғаш қилмоқ — кўнгл(и) хира бўлди — кўнгл(и)ни хира қилмоқ — кўнгл(и) ғашланди — кўнгл(и)ни ғашламоқ — ташвиш тортмоқ.

3) Синонимлардан баъзиси ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли, баъзиси эса фақат гапга тенг қурилишли бўлади. Бунда:

а) Икки ибора қатнашадиган уяда синонимлар:

а) от билан феълдан таркиб топган бўлади (6 та): бурн(и)-ни кўтармоқ — бурн(и) кўтарилди — димоғ(и) шишди қаби;

б) от билан сифатдан таркиб топган бўлади: кўнгл(и) бўш — кўнгл(и) юмшоқ — юмшоқ кўнгл.

б) Уч ибора қатнашадиган уяда икки ибора ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг, учинчи ибора эса фақат гапга тенг қурилишли бўлади: ном(и) чиқди — ном чиқармоқ — донг(и) чиқди — донг чиқармоқ — донг(и) кетди.

4) Бир уяда юқоридагилардан ҳам мураккаб ҳолат мавжуд бўлади:

а) Қуйидаги тўрт ибора қатнашадиган уяда бир ибора гапга тенг, иккита ибора ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли, бир иборада эса бирикмага тенг қурилиш иккита: аччиғ(и) келди — аччиғ(и)ни келтирмоқ — қон(и) қайнади — қон(и)ни қайнатмоқ — ғазабга келмоқ — ғазабга келтирмоқ — аччиғ(и) қистаб кетди.

б) Қуйидаги беш ибора қатнашадиган уяда иккита ибора бирикмага, бир ибора гапга, яна иккита ибора эса ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли: футур етди — футур етказмоқ — халал етди — халал етказмоқ — зарар етказмоқ — зарар(и) тегди — зарар келтирмоқ.

Б) ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАРНИНГ ГРАММАТИК ШАКЛЛАРГА КИРИШИ

Фразеологик синонимларнинг етмиш процентидан ортиғида бир уяга бирлашувчи ибораларнинг грамматик шаклларга кириши бир хил. Жой тежаш, қайтариқнинг олдини олиш мақсадида бундай ибораларга мисоллар келтирмадик.

Олдинги қисмлардан маълумки, грамматик шаклларга кириш деганда фразеологик маъноларнинг тусланишини ва нисбатланишини кўзда тутамиз. Фразеологик синонимларнинг грамматик шаклларга киришида ҳам фарқланиш асосан шу икки грамматик категорияда кўринади.

Бундан ташқари, жуда оз учрайдиган яна бир ҳолатни ҳам таъкидлаб ўтиш мумкин: синоним иборалардан бири фақат бўлишли аспектда, иккинчиси фақат бўлишсиз аспектда ишлатилади. Тусланиши фарқли, аммо нисбатланиши бир хил **бош(и) қотди 1** ҳамда **уйлаб-уйлаб, ўй(и)га етолмаслик** иборалари ўзаро мавжудлик категориясининг аспектларида³⁰ бўла олиши жиҳатдан фарқ қилади.

Шуниси хarakterлики, **бош(и) қотди** иборасининг биринчи маъноси (**уйлаб-уйлаб, ўй(и)га етолмаслик** ибораси билан синонимия ҳосил этувчи маъноси) шундай хусусиятга эга. Бу иборанинг иккинчи маъноси эса бўлишсиз аспектда ҳам ишлатилаверади³¹.

Фразеологик синонимларни тусланишда, нисбатланишда ўзаро фарқ қилиши жиҳатдан учта группалаш мумкин:

- 1) Тусланишда фарқ қилувчи синонимлар.
- 2) Нисбатланишда фарқ қилувчи синонимлар.
- 3) Ҳам тусланишда, ҳам нисбатланишда фарқ қилувчи синонимлар.

1) Тусланишда фарқ қилувчи синонимлар

Тусланишда фарқ синонимлардан бири бирикмага, иккинчиси гапга тенг қурилушли бўлганига юз беради (3 та).

³⁰ Бу терминни бўлишли-бўлишсизлик категориясининг номи сифатида аввал ҳам ишлатган эдик (қarang: «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1963, 4-сон, 32-бет).

³¹ Бу иборанинг биринчи маъноси қаратма ясалишига ҳам йўл қўймайди, иккинчи маъносида эса **бош(и) қотди** — **бош(и)ни қотирмоқ** каби форма ясалиши ва вариантланиш бор. Бундай ҳодиса фразеологик полисемиянинг тасвирида ҳам айтиб ўтилган эди.

Синонимлардан бири бирикмага ёки гапга тенг қурилишли бўлса, иккинчиси ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли бўла олса, муқобил қурилишларда тусланиш бир хил бўлади, албатта. Муқобили йўқ қурилишни тусланиш жиҳатдан номуқобил қурилишга қиёслаш, ўз-ўзидан, тўғри бўлмайди. Муқобил қурилишларнинг тусланишидаги фарқларни аниқлаш ўринли.

Қуйидаги синоним иборалардан бири гапга, иккинчиси бирикмага тенг қурилишли, шу сабабли улар тусланишида фарқ қилади: ақл(и) кирди I — ақл(и)ни танимоқ; жин(и) суймайди — жин(и)га ёқмаслик.

Бирикмага тенг қурилишли ибора ҳар уч шахсда тусланади, гапга тенг қурилишли ибора эса фақат учинчи шахсда келади (шахси чекланган бўлади).

Тўрт ибора қатнашадиган қуйидаги уяда уч ибора бирикмага, бир ибора гапга тенг қурилишли: хуш(и)дан кетмоқ — ўз(и)дан кетмоқ — хуш(и)ни йўқотмоқ I — кўнгл(и) озди I. Демак, уч ибора тусланади, шуларнинг бир синониму эса шахси чекланган иборadır.

Умуман, бир уяга бирлашувчи ибораларнинг тусланишида фарқланиб туриши жуда оз учрайди. Юқоридагилар қаторига яна ҳам тусланиши, ҳам нисбатланиши фарқ қиладиган бир неча синонимларнинггина қушиш мумкин (булар қуйироқда тасвирланган).

2) Нисбатланишида фарқ қилувчи синонимлар

Бир уяга бирлашувчи синоним ибораларнинг грамматик шаклларга киришидаги фарқланиш қуйида уларнинг нисбатланишида юзага келади (31 та).

Синоним ибораларнинг нисбатланишидаги фарқлар турли даражада воқе бўлади. Бунинг кўринишлари:

а) Синонимлардан биъзиси нисбатланади, баъзиси эса нисбатланмайди (12 та). Бундай ўзаро зидланиш тусланишидаги фарқланишдан юқори туради. Чунки тусланувчи иборани шахси чекланган иборага тўла маънода зид кўйиб бўлмайди. Шахси чекланган ибора, ҳар ҳолда, маълум бир (учинчи) шахсни кўрсатади. Нисбатланмайдиган иборادا эса нисбатлаш умуман бўлмайди. Ана шундай зидланишнинг кўринишлари:

а) Икки ибора қатнашадиган уяда синонимлар ўзаро юқоридагича ҳолатда бўлади: ёқа(си)ни ушламоқ — ёқа(си)ни ушламоқ — ҳайратда қолмоқ — ҳайратда қолдирмоқ; ташвишга солмоқ — кўнгл(и)га гашлик солмоқ каби.

Мана бу уя ҳам юқоридагиларнинг ўзи, аммо бу синонимлар тусланишининг, нисбатланишининг чекланган-чекланмаганлигида фарқ қилади: ер билан яксон бўлмоқ(ди) — ер билан яксон қилмоқ — кулини кўкка совурмоқ — кули кўкка совурилди. Биринчи иборанинг биринчи варианты фақат учинчи шахсда келади, иккинчи иборанинг ҳар икки варианты фақат учинчи шахс нисбатловчиси билан келади.

б) Уч ибора қатнашадиган уяларда (4 та):

а) бир ибора нисбатланмайди, иккита ибора нисбатланади: мум тишламоқ — оғз(и)га толқон солмоқ — оғз(и)га қатиқ ивитмоқ каби;

б) икки ибора нисбатланмайди, бир ибора нисбатланади: бош суқмоқ 3 — бош қўшмоқ 1 — бури(и)ни суқмоқ 2 каби.

в) Тўрт ибора қатнашадиган ҳуйидаги уяда бир ибора нисбатланмайди, уч ибора нисбатланади: ўз(и)ни қаерга қўйиш(и)ни билмаслик — ўз(и)ни қўйгани жой тополмаслик — утиргани жой тополмаслик — ўз(и)ни қаёққа уриш(и)ни билмаслик.

б) Синонимлардан баъзиси доим нисбатланади, баъзилари нисбатловчи бўлмай ҳам келади (11 та). Энди буни зид ҳолат деб эмас, фарқли ҳолат деб қараш керак. Бунинг кўринишлари:

а) Икки ибора қатнашадиган уяда синонимлар ўзаро юқоридагича ҳолатда бўлади (9 та): жон(и)дан тўймоқ — жон(и)дан тўйдирмоқ — жон(и)дан безор бўлмоқ — жон(и)дан безор қилмоқ (нисбатловчисиз ҳам келади: жондан безор қилмоқ каби); тоқат(и) тоқ бўлди — тоқат(и)ни тоқ қилмоқ (нисбатловчисиз ҳам келади: тоқатни тоқ қилмоқ) — сабр коса(си) тўлди — сабр коса(си)ни тўлдирмоқ каби.

б) Уч ибора қатнашадиган ҳуйидаги уяда иккита ибора нисбатловчиси ҳам келади: кўз(и) киймади (нисбатловчисиз ҳам келади: кўз киймайди) — кунгл(и) бўлмади (нисбатловчисиз ҳам келади: кўнгил бўлмади) — кўнгил(и) бормади.

в) Синонимлардан бири доим нисбатловчи олмай келади, бошқаси эса нисбатловчи олиб ҳам келади (5 та): қулоқ солмоқ 2 — гап(и)га кирмоқ (нисбатловчисиз ҳам келади: гапга кирмоқ) каби.

Кейинги тип ибораларда асосий ҳолат нисбатловчи билан ишлатилишдир. Мана бу синонимларда аксинча ҳолат мавжуд (муқобил қурилишларнинг ҳар иккиси учун асосий ҳолат нисбатловчисиз ишлатилишдир): кун кўрмоқ (нисбатловчилик келиши: кун(и)ни кўрмоқ) — кун(и) ўтди — кун ўтказмоқ.

г) Синоним ибораларнинг ҳар иккиси нисбатланади, аммо уларнинг бири нисбатловчини икки ўринда ишлатилишга йўл

кўяди: кўз(и)нинг оқ-у қораси — кўз қорачиғ(и) — кўз(и)-нинг қорачиғи²².

д) Яна бир фарқланиш сифатида синоним ибораларнинг нисбатловчи олиб оз ёки кўп ишлатилишини кўрсатиш мумкин (2 га). Масалан, қуйидаги икки ибора қатнашадиган уядаги бир ибора кўпинча нисбатловчисиз келади, баъзангина нисбатловчи билан ҳам ишлатилади: тилга олмоқ (баъзан: тил(и)га олмоқ) — оғз(и)га олмоқ каби.

3) Ҳам тусланишда, ҳам нисбатланишда фарқ қиладиган синонимлар

Бундай хусусиятга эга фразеологик синонимлар кўп эмас (8 га). Улар одада уч ва ундан ортиқ ибора қатнашадиган уялар орасида учрайди. Бунинг кўринишлари:

а) Уч ибора қатнашадиган уяда:

а) икки ибора тусланади, бирининг тусланиши чекланган бўлади; тусланувчи ибораларнинг бирида ва тусланиши чекланган иборада нисбатланиш ҳам бор: ақлдан олмоқ — эс(и)-дан олмоқ — эс(и) оғди I;

б) бир ибора тусланади, икки иборанинг эса тусланиши чекланган бўлади; тусланиши чекланган иборалар нисбатловчи билан ишлатилади, аммо нисбатланиш учинчи шахс билан чегараланган бўлади: жон бермоқ II — жони чиқди I — жони узилди;

в) ҳар уч ибора нисбатланади, шулардан бири нисбатловчисиз ҳам келади; бундан қатъи назар, бир иборанинг гапга тенг қурилишли варианты ҳам бор: гаш(и) келди — гаш(и)-ни келтирмоқ — гаш(и)га тегмоқ (нисбатловчисиз келиши: гашга тегмоқ) — асаб(и)га тегмоқ;

г) бир иборанинг ҳам бирикмага тенг, ҳам гапга тенг варианты мавжуд, бошқалари эса: фақат бирикмага тенг қурилишли; бундан ташқари, бир ибора нисбатланади, бошқалари нисбатланмайди: кўз(и)ни юммоқ — кўз(и) юмилди (нисбатловчисиз келиши: кўз юммоқ) — дунёдан ўтмоқ 2 — дунёдан кетмоқ;

д) маана бу синонимлар ҳам юқоридаги типга ўхшайди, аммо фарқли: тинка(си) қуриди — тинка(си)ни қуритмоқ(ди) (нисбатловчисиз келиши: тинкани қуритмоқ) — ҳолдан тоймоқ — ҳолдан тойдирмоқ(ди) — ҳолдан кетмоқ — ҳолдан кет-

²² Кўз(и)нинг оқ-у қораси, кўз(и)нинг қорачиғи иборалари охиридаги нисбатловчилар бу ибораларнинг ички қурилишига хос (бу ҳақда қarang: Раҳматуллаев Ш. Феъл фразеологик birlikларда мослашув, «Научные труды ТашГУ им. В. И. Ленина», вып. 260, Языкознание, Ташкент, 1964, стр. 151—153). Бундай нисбатловчи синоним ибораларнинг грамматик шакллarga кириши нуқтан назаридан аҳамиятсиз.

казмоқ(ди). Бирикмага тенг муқобил вариантларнинг тусланиши учинчи шахс билан чегараланган. Шу нуқтада булар биринчи иборанинг гапга тенг қурилишли вариантыга ҳамондан бўлади ва ўзларининг бирикмага тенг қурилишли иккинчи вариантларидан фарқ қилади.

б) Тўрт ибора қатнашадиган уяда:

а) Иборалардан бири фақат бирикмага тенг қурилишли бўлади ва у нисбатланмайди. Қолган ибораларда эса гапга тенг қурилишли вариант ҳам бор ва бу ибораларнинг ҳар икки вариантыда нисбатловчи ҳам мавжуд: кўнгл(и) ғаш бўлди — кўнгл(и)ни ғаш қилмоқ — кўнгл(и) хира бўлди — кўнгл(и)ни хира қилмоқ — кўнгл(и)ни ғашламоқ — кўнгл(и) ғашланди — ташвиш тортмоқ.

б) Иборалардан бирда бирикмага тенг қурилишли икки вариант мавжуд; яна бир ибора эса фақат гапга тенг қурилишли. Фақат бирикмага тенг қурилишли иборادا нисбатланиш йўқ: аччиғ(и) келди — аччиғ(и)ни келтирмоқ — қон(и) қайнади — қон(и)ни қайнатмоқ — ғазабга келмоқ — ғазабга келтирмоқ — аччиғ(и) қистаб кетди.

в) Беш ибора қатнашадиган қуйидаги уяда икки ибора фақат бирикмага тенг қурилишли, бир ибора эса фақат гапга тенг қурилишли; бундан қатъи назар, фақат гапга тенг қурилишли иборادا нисбатланиш мавжуд: футур етди — футур етказмоқ — халал етди — халал етказмоқ — зарар етказмоқ — зарар(и) тегди — зарар келтирмоқ.

в) ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАРНИНГ СИНТАКТИК ВАЗИФАЛАРИ

Бир уяга бирлашувчи ибораларда синтактик вазифанинг бир хил ёки фарқли бўлишини, биринчидан уларнинг бирикмага ёки гапга тенг қурилишли экани, иккинчидан, охириги компонентининг қайси туркум сўзи экани, бу сўзнинг грамматик шаклларга қира олиши-олимаслиги белгилайди.

Бир уяга бирашувчи синоним ибораларнинг кўпи бир хил синтактик вазифада келади. Фарқланиш синонимлардан бири бирикмага, иккинчиси эса гапга тенг қурилишли бўлганида юз беради («Фразеологик синонимларнинг грамматик қурилиши» қисмидаги мисолларга қаранг).

Юзаки қараганда нутқ булар орасидаги фарқни йўққа чиқаргандек бўлади. Қуйидаги мисолларни қиёсланг:

— ... Бошимга ёмон уришган экан, ҳушимдан кетиб қолибман («Гулхан»).

... Бир неча марта кўнглимни озиб қолди (Мирмуҳсин, «Жамила»).

Контекст ичида ҳар икки ибора гапга тенг ҳолатда. Аммо иккинчи мисолда гапнинг асосини ибора ташкил этиб турса (гапнинг эга-кесими иборанинг компонентларидир), биринчи мисолда ибора фақат кесим составига тенг (эга эса ифодаланмаган). Демак, бирикмага тенг қурилишли ибора бу ўринда ҳам одатдагидек гап бўлаги вазифасида келган.

Умуман, саноқли уялардагина бирикмага тенг қурилишли ибора билан ёнма-ён гапга тенг қурилишли ибора ҳам мавжуд бўлади.

Г) ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАРНИНГ ГРАММАТИК КОНТЕКСТИ

Фразеологик бирликлар (фразеологик маънолар) грамматик контекстли ёки грамматик контекстсиз бўлиши мумкин. Кейинги тип иборалар умуман оз бўлиб, фразеологик синонимия ҳосил этувчилар сифатида ҳам улар кўп эмас (12 та уя — 8 процент). Бундай иборалар одатда:

1) Равий туркумига тўғри келади:

а) икки ибора қатнашадиган уялар: бир оғиздан 1 — бир овоздан 1; бир оғиздан 2 — бир овоздан 2; икки оғиз — икки шингил; сариқ чақалик — бир нуллик; ҳаддан ташқари — ҳаддан зиёд[а];

б) уч ибора қатнашадиган уялар: бир оғиз — бир шингил — бир чимдим; ипидан игнасигача — миридан сиригача — қилидан қуйруғигача; «ҳаш-паш» дегунча — кўз очиб юмгунча — «ҳа-ху» дегунча.

2) Сифат туркумига тўғри келади: дуч келган — тўғри келган; дақёнусдан қолган — алмисоқдан қолган.

3) Модал туркумига тўғри келади: ким билади — худо билади.

Қолган синонимлар грамматик контекстли бўлиб, буларда грамматик контекст ё фарқ қилади, ёки фарқ қилмайди:

1. Грамматик контексти фарқ қилмайдиган синонимлар

Бунда бир уяга мансуб иборалардан бири қандай грамматик контекстли бўлса, бошқаси ҳам шундай грамматик контекстли бўлади. Юқоридагича ҳолат фразеологик синонимия уяларининг ярмидан кўпроғига хос (85 та уя — 57 процент). Бунинг кўринишлари:

1) Фақат бир бўлак билан боғланадиган синонимлар (33 та уя):

а) Эга билан боғланади (14 та):

а) Кишиларга аталган тури (12 та):

[а] икки ибора қатнашадиган уялар (9 та): катта кетмоқ (ким) — катта гапирмоқ (ким); «лом-ним» демаслик (ким) — «чурқ» этмаслик (ким); луқма ташламоқ (ким) — гап қистирмоқ (ким) каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уялар (3 та): бир ёстиққа бош кўймоқ (кимлар) — турмуш қурмоқ (кимлар) — оила қурмоқ (кимлар) каби.

б) Нарсаларга аталган тури: ўнг келмоқ I (нима) — тўғри келмоқ 5 (нима) каби.

в) Кишиларга ҳам, нарсаларга ҳам аталган тури: йўл олмоқ (ким ёки нима) — йўл солмоқ (ким ёки нима) каби.

б) Қаратқич билан боғланади (16 та):

а) Кишиларга аталган тури (15 та):

(а) Синонимлар гапга тенг қурилишли бўлади (13 та):

[а] феъл туркумига тенг келувчи иборалар (5 та): ич(и) пишди 2 (кимнинг) — ич(и) тошди 2 (кимнинг); кўнгл(и) хиралашди (кимнинг) — кўнгл(и) таш тортиди (кимнинг) каби;

[б] сифат туркумига тенг келувчи иборалар (5 та): кўз(и) очик I (кимнинг) — кўз(и) тирик (кимнинг); таъб(и) хира (кимнинг) — кайф(и) бузуқ (кимнинг) — таъб(и) тирриқ (кимнинг) каби.

(б) Синонимлар бирикмага тенг қурилишли бўлади (2 та): кўз(и)нинг оқ-у қораси (кимнинг) — кўз қорачиг(и) (кимнинг); жон(и)ни ҳовучлаб ([ўзининг]) — юраг(и)ни ҳовучлаб ([ўзининг]).

б) Нарсаларга аталган тури. Қуйидаги уяда икки ибора қатнашиб, улар гапга тенг қурилишлидир: мазаси қочди 2 (ниманинг) — мазаси кетди 2 (ниманинг).

2) Биттадан ортиқ булак билан боғланадиган синонимлар (52 та):

а) Эга ва қаратқич билан боғланади (20 та). Бундай ибораларнинг қаратқич билан боғланиши:

а) кишиларга аталган бўлади (18 та): эга билан боғланиши эса:

(а) кишиларга аталган бўлади (16 та):

[а] бирикмага тенг қурилишли иборалар (9 та):

шунинг икки ибора қатнашадиган уялари (7 та): оёғ(и)га болта урмоқ (ким кимнинг) — пай(и)ни қирқмоқ (ким кимнинг); оёғ(и)га йиқилмоқ (ким кимнинг) — оёғ(и)га бош урмоқ (ким кимнинг) каби;

шунинг тўрт ибора қатнашадиган уялари (2 та): из(и)га тушмоқ I (ким кимнинг) — пай(и)га тушмоқ I (ким кимнинг) — кет(и)га тушмоқ I (ким кимнинг) — орқа(си)га тушмоқ (ким кимнинг) каби;

[б] ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли иборалар (7 та): юраг(и)ни сиқмоқ (ким кимнинг) — юраг(и) сиқилди (кимнинг) — тоқат(и) тоқ бўлди (кимнинг) — тоқат(и)ни тоқ қилмоқ (ким кимнинг) каби (буларнинг фақат бир бўлак билан боғланадиган қурилиши аввалги «1») пунктини қайтаради).

(б) Нарсаларга аталган бўлади (2 та):

[а] икки ибора қатнашадиган уя: меъда(си)га тегмоқ 1 (нима кимнинг) — кўнгл(и)га тегмоқ 1 (нима кимнинг);

[б] уч ибора қатнашадиган уя: баҳр(и)ни очмоқ (нима кимнинг) — баҳр(и) очилди (кимнинг) — димоғ(и) чоғ бўлди (кимнинг) — димоғ(и)ни чоғ қилмоқ (нима кимнинг) — кайф(и) чоғ бўлди (кимнинг) — кайф(и)ни чоғ қилмоқ (нима кимнинг).

(в) Ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади (2 та): тил(и)ни қисмоқ (ким ёки нима кимнинг) — тил(и)ни қисиб қилмоқ (ким ёки нима кимнинг) каби.

[б] Қаратқич билан боғланиши нарсаларга аталган бўлади. Қуйидаги бундай синонимларнинг эга билан боғланиши кишиларга аталган: пайнга тушмоқ 2 (ким ниманинг) — кетига тушмоқ 2 (ким ниманинг).

[б] Қуйидаги синонимлар ҳам асли эга ва қаратқич билан боғланади, фақат буларда қаратқич вазифасида «ўз» сўзи келади ва у нутқда ифодаланмайди (6 та). Бунда иборанинг эга билан боғланиши:

[а] кишиларга аталган бўлади (5 та): оёғ(и)ни тираб олмоқ (ким [ўзининг]) — икки оёғ(и)ни бир этикка суқмоқ (ким [ўзининг]); ич-эт(и)ни емоқ (ким [ўзининг]) — ўз ёғ(и)га ўз(и) қовурилмоқ (ким [ўзининг]) каби (иккинчи иборида «ўз» сўзи иборанинг таркибий қисми бўлиб келади);

[б] нарсаларга аталган бўлади: хуш(и)га келмоқ (нима [ўзининг]) — кўнгл(и)га келмоқ 3 (нима [ўзининг]).

(в) Эга ва тўлдирувчи билан боғланади (17 та). Бунда синонимларнинг эга билан боғланиши кишиларга аталган бўлади, тўлдирувчи билан боғланиши эса:

[а] Кишиларга аталган бўлади (7 та):

(а) Воситасиз тўлдирувчи билан боғланади (2 та):

[а] икки ибора қатнашадиган уя: рўёбга чиқмоқ (ким) — рўёбга чиқармоқ 2 (ким кимни) — юзага чиқмоқ (ким) — юзага чиқармоқ 2 (ким кимни);

[б] уч ибора қатнашадиган уя: йўлдан урмоқ (ким кимни) — йўлдан озмоқ (ким) — йўлдан оздирмоқ (ким кимни) — йўлдан чиқармоқ (ким кимни).

(б) Воситали тўлдирувчи билан боғланади (5 та):

[а] икки ибора қатнашадиган уя (3 та): бўйин эгмоқ I (ким кимга) — бош эгмоқ I (ким кимга) каби;

[б] уч ибора қатнашадиган уя (2 та): кўнгил қўймоқ (ким кимга) — кўнгил боғламоқ (ким кимга) — муҳаббат қўймоқ (ким кимга) каби.

б] Нарсаларга аталган бўлади (7 та):

(а) Воситасиз тўлдирувчи билан боғланади (4 та): эп кўрмаслик (ким нимани) — эп билмаслик (ким нимани); йўлга қўймоқ (ким нимани) — йўлга солмоқ 4 (ким нимани) каби.

(б) Воситали тўлдирувчи билан боғланади (3 та): жавоб бермоқ I (ким нимага) — жавоб қайтармоқ (ким нимага); тоб келтиролмаслик (ким нимага) — тоб беролмаслик (ким нимага) каби.

в] Ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади: бино қўймоқ I (ким кимга ёки нимага) — ихлос қўймоқ (ким кимга ёки нимага).

г] Қуйидаги синонимларнинг эга ва тўлдирувчи билан боғланишида узига хос хусусият мавжуд — ҳар иккиси билан боғланиш ё кишиларга, ёки нарсаларга аталган бўлади: тўғри келмоқ I (нима нимага [ёки ким кимга]) — мос келмоқ (нима нимага [ёки ким кимга]).

д] Мана бу синонимларнинг грамматик контекстида ҳам узига хос хусусият мавжуд — улар ё эга ва тўлдирувчи билан боғланади, ёки фақат эга билан боғланади (кейинги ҳолатда эганинг кўпликда бўлиши талаб қилинади): «сан-ман» га бормоқ (ким ким билан ёки кимлар) — ади-бадига бормоқ (ким ким билан ёки кимлар).

г] Қаратқич ва тўлдирувчи билан боғланади (5 та). Бундай синонимлар гапга тенг қурилишли бўлиб, уларнинг қаратқич билан боғланиши кишиларга аталган бўлади; воситали тўлдирувчи билан боғланади ва бундай боғланиши:

а] кишиларга аталган бўлади: ич(и) ачиди I (кимнинг кимга) — юраг(и) ачиди I (кимнинг кимга) — жон(и) ачи(й)ди I (кимнинг кимга);

б] нарсаларга аталган бўлади (3 та): кўз(и) етди (кимнинг нимага) — ақл(и) етди 2 (кимнинг нимага); кўнгал(и) айниди I (кимнинг нимадан) — кўнгал(и) озди 3 (кимнинг нимадан);

в] ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади: жон(и) ачи(й)ди 2 (кимнинг кимга ёки нимага) юраг(и) ачиди 2 (кимнинг кимга ёки нимага) — ич(и) ачиди 2 (кимнинг кимга ёки нимага).

д] Қаратқич ва иккита тўлдирувчи билан боғланади (2 та). Бундай синонимлар ҳам гапга тенг қурилишли бўлади.

Воситали тўлдирувчи жўналиш келишигидаги ҳаракат номи билан ифодаланadi. Воситасиз тўлдирувчи билан боғланиши:

а) нарсаларга аталган бўлади: **оғз(и) бормади** (кимнинг нимани нима қилишга) — **тил(и) бормади** (кимнинг нимани нима қилишга);

б) ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади: **кўз(и) қиймади 1** (кимнинг кимни ёки нимани нима қилишга) — **кўнгл(и) бўлмади** (кимнинг кимни ёки нимани нима қилишга) — **кўнгл(и) бормади** (кимнинг кимни ёки нимани нима қилишга).

е) Эга, қаратқич ва тўлдирувчи билан боғланади (2 та). Қаратқич вазифасида «ўз» сўзи келади ва одатда ифодаланмайди. Лекин ибора таркибида контекст билан боғланишни кўрсатувчи нисбатловчи қатнашadi. Ма-у контекстда қаратқич мавжудлигидан дарак беради. Шу жиҳатдан бу тип иборалар эга ва тўлдирувчи билан боғланишadi иборалардан фарқ қилади.

Бу тип синонимларнинг эга ва қаратқич билан боғланиши кишиларга, тўлдирувчи билан боғланиши эса нарсаларга аталган бўлади (одатда воситасиз тўлдирувчи билан боғланиш келади): **бўйи(и)га олмоқ 3** (ким [ўзининг] нимани) — **зимма(си)га олмоқ 1** (ким [ўзининг] нимани) каби.

2. Грамматик контексти фарқ қиладиган синонимлар

Фразеологик синонимия уяларининг 52 тасида (35 процентида) синонимлар ўзаро грамматик контексти жиҳатдан фарқ қилади. Бунда фарқ бир жиҳатдан ёки бир неча жиҳатдан бўлиши мумкин.

1) Грамматик контексти бир жиҳатдан фарқ қиладиган синонимлар

Кўпчиликти шу хил синонимия уялари ташкил этади (32 та). Бунинг кўринишлари:

а) Синонимларнинг грамматик контекстида фарқ уларнинг грамматик қурилиши билан изоҳланади (15 та). Бунда:

а) Синонимлардан бири бирикмага, иккинчиси гапга тенг қурилишли бўлади; кейинги тип иборада нисбатловчи қатнашади (5 та). Бунда:

(а) Бирикмага тенг қурилишли ибора эга билан боғланади, гапга тенг қурилишли ибора эса қаратқич билан боғланади; ҳар иккисининг боғланиши кишиларга аталган бўлади:

[а] икки ибора қатнашадиган уялар: ташвишга тушмоқ (ким) — кўнгл(и)га гашлик тушди (кимнинг); тил(и) чиқди I (кимнинг) — тилга кирмоқ I (ким);

[б] уч ибора қатнашадиган уя: жон бермоқ II (ким) — жони чиқди I (кимнинг) — жони узилди (кимнинг).

(б) Ҳар икки ибора воситасиз тўлдирувчи билан ҳам боғланади ва бу боғланишлар нарсаларга аталган бўлади: кўнгл(и) тортди (кимнинг [нимани]) — хуш кўрмоқ (ким нимани).

(в) Ҳар икки ибора қаратқич билан боғланади ва бу боғланишлар кишиларга аталган бўлади. Гапга тенг қурилишли ибора воситасиз тўлдирувчи билан боғланади ва бу боғланиш ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади. Бирикмага тенг қурилишли ибора эса эга билан боғланади ва бу боғланиш ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади: жин(и) суймайди (кимнинг кимни ёки нимани) — жин(и)га ёқмаслик (ким ёки нима кимнинг).

[б] Синонимлардан бири бирикмага, бошқиси ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли бўлади (2 та). Бунда:

(а) Ҳар икки иборанинг боғланиши кишиларга аталган бўлади: кун кўрмоқ (ким) — кун(и) ўтди (кимнинг) — кун ўтказмоқ (ким).

(б) Уч иборанинг иккитаси бирикмага тенг қурилишли, бир ибора ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли бўлади. Гапга тенг қурилиш қаратқич билан боғланади ва бу боғланиш кишиларга аталган бўлади. Бирикмага тенг қурилишлар эга ва қаратқич билан боғланади; қаратқич билан боғланишлар кишиларга аталган бўлади; эга билан боғланишлар қуйидаги ибораларда ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган: гаш(и) келди (кимнинг) — гаш(и)ни келтирмоқ (ким ёки нима кимнинг) — гаш(и)га тегмоқ (ким ёки нима кимнинг) — асаб(и)га тегмоқ (ким ёки нима кимнинг).

[в] Синонимлардан бири гапга, бошқиси ҳам гапга, ҳам бирикмага тенг қурилишли бўлади (3 та). Бунда:

(а) Икки ибора қатнашадиган синонимия уясида (2 та):

[а] Гапга тенг қурилишлар қаратқич билан, бирикмага тенг қурилишлар эса эга ва қаратқич билан боғланади, барча боғланишлар кишиларга аталган бўлади: кўнгл(и)ни тоғдай кўтармоқ (ким кимнинг) — кўнгл(и) тоғдай кўтарилди (кимнинг) — кўкраги тоғдай кўтарилди (кимнинг).

[б] Гапга тенг қурилишлар қаратқич билан боғланади ва бу боғланиш кишиларга аталган бўлади. Бирикмага тенг қурилиш эса эга ва қаратқич билан боғланади; эга билан боғланиш нарсаларга, қаратқич билан боғланиш эса кишиларга

аталган бўлади: чехра(си)ни очмоқ I (нима кимнинг) — чехра(си) очилди (кимнинг) — чирой(и) очилди (кимнинг).

(б) Уч ибора қатнашадиган уяларда (4 та):

[а] Икки ибора ҳам бирикмага, ҳам гапга тенг қурилишли, бир ибора гапга тенг қурилишли бўлади. Гапга тенг қурилишлар қаратқич билан боғланади ва бу боғланишлар кишиларга аталган бўлади (3 та). Бирикмага тенг қурилишларнинг эга билан боғланиши:

[1] кишиларга аталган бўлади: ном(и) чиқди (кимнинг) — ном чиқармоқ (ким) — донг(и) чиқди (кимнинг) — донг чиқармоқ (ким) — донг(и) кетди (кимнинг);

[2] ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади: жон(и) чиқди II (кимнинг) — жон(и)ни чиқармоқ (ким [ёки нима] кимнинг) — жон(и) ҳалқум(и)га келди 3 (кимнинг) — ғазаб(и) қайнади (кимнинг) — ғазаб(и)ни қайнатмоқ (ким [ёки нима] кимнинг).

[б] Бир ибора ҳам гапга, ҳам бирикмага тенг қурилишли, икки ибора гапга тенг қурилишли бўлади. Гапга тенг қурилишлар қаратқич билан, бирикмага тенг қурилиш эса эга ва қаратқич билан боғланади ва барча боғланишлар кишиларга аталган бўлади: эс(и) чиқиб кетди (кимнинг) — эс(и)ни чиқариб юбормоқ (ким кимнинг) — жон-пон(и) чиқиб кетди I (кимнинг) — жон(и) ҳалқум(и)га келди 4 (кимнинг).

г) Ҳар икки ибора бирикмага тенг қурилишли, аммо биттасида шундай вариант иккита бўлади (2 та). Бир қурилишли ибора ва икки қурилишли иборанинг бир қурилиши эга билан боғланади ва бу боғланиш нарсаларга аталган бўлади. Иккинчи қурилиш эса эга ва тўлдирувчи билан боғланади; эга билан боғланиш кишиларга, тўлдирувчи билан боғланиш эса нарсаларга аталган бўлади: қўлдан кетмоқ (нима) — қўлдан чиқмоқ I (нима) — қўлдан чиқармоқ I (ким нимани); шамолга учмоқ (нима) — зое кетмоқ (нима) — зое кетказмоқ (ким нимани).

Тасвирдан кўринадики, агар муқобил грамматик қурилишлар (бирикма — бирикма; гап — гап) асосида фикр юритилса, юқоридаги «а» пункти грамматик контексти фарқсиз синонимлар қаторига қўшилади.

Бир синонимия уясида, муқобил қурилишлар қатори, ҳар хил грамматик қурилишларнинг (гап — бирикма) қатнашуви бу тип синонимларни грамматик контексти фарқли иборалар доирасига киритади.

б) Синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ бўлаклар билан боғланишидаги аталганликнинг турлилиги билан изоҳланади (6 та). Бу ўринда айни бир бўлак ёки бў-

лаклар билан боғланувчи синонимлар назарда тутилади, албатта. Бунинг кўринишлари:

а) Бирор бўлак билан боғланишидаги аталганлик ўзаро зид бўлади. Бу жуда оз учрайди. Масалан, қуйидаги уч ибора эга ва тўлдирувчи билан боғланади; эга билан боғланиш бир хил (кишиларга аталган), тўлдирувчи билан боғланиш эса фарқли (биринчи иборада нарсаларга аталган, иккинчи, учинчи ибораларда эса кишиларга аталган): **кўнгил очмоқ** (ким [нима билан]) — **кайфи чоғлик қилмоқ** (ким [ким билан]) — **вақти чоғлик қилмоқ** (ким [ким билан]).

б) Бирор бўлак билан боғланиши тор-кенг бўлади (3 та). Масалан, қуйидаги ибораларнинг эга билан боғланиши айнан, ammo тўлдирувчи билан боғланиши фарқли: биринчи ибораларнинг тўлдирувчи билан боғланиши ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган, иккинчи ибораларники эса бирида кишиларга, бошқасида нарсаларга аталган: **ер-кўкка ишонмаслик** (ким кимни; ёки нимага) — **ўтқазгани жой тополмаслик** (ким кимни); **қулдан бермоқ** (ким нимани ёки кимни) — **бой бермоқ** 2 (ким нимани).

в) Бирор бўлак билан боғланиши икки йўналишли бўлади. Мана бу уйда иккинчи иборанинг биринчи қурилишида қаратқичнинг кишиларга аталганлиги икки йўналишнинг бирида бўлади: **эс(и)дан чиқмоқ** (ким ёки нима кимнинг) — **эс(и)дан чиқармоқ** (ким кимнинг нимани) — **ёд(и)дан кўтармоқ** (ким [ўзининг ёки] кимнинг нимани) — **ёд(и)дан кўтарилди** (нима кимнинг).

г) Фарқ аталганликнинг тор-кенглигида ва йўналишида бўлади. Масалан, қуйидаги биринчи, иккинчи иборанинг бўлаклар билан боғланиши айнан: гапга тенг қурилишлар қаратқич билан боғланади ва бундан боғланиш кишиларга аталган бўлади. Бирикмага тенг қурилишлар эса эга ва қаратқич билан боғланади; эга билан боғланиш ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган, қаратқич билан боғланиш эса икки йўналишли. Учинчи иборанинг гапга тенг қурилишда варианты аввалгилардан фарқсиз. Бирикмага тенг қурилишли вариантнинг эга ва тўлдирувчи билан боғланиши аввалги икки иборадагидан фарқ қилади: эга билан боғланиш кишиларга аталган бўлади, қаратқич вазифасида «ўз» сўзи келади (демак, бир йўналишли бўлади): **таъб(и) тирриқ бўлди** (кимнинг) — **таъб(и)ни тирриқ қилмоқ** (нима ёки ким кимнинг [ёки ўзининг]) — **таъб(и) хира бўлди** (кимнинг) — **таъб(и)ни хира қилмоқ** (нима ёки ким кимнинг [ёки ўзининг]) — **кайф(и)ни бузмоқ** (ким [ўзининг]) — **кайф(и) бузилди** (кимнинг).

д) Мана бу уя ўзига хос хусусият билан ажралиб тура-

ди: баланд келмоқ (ким ёки нима нимада ёки нимадан) — устун келмоқ (ким кимдан ёки нима нимадан) — ғолиб келмоқ (ким ёки нима [нимадан]). Бунда биринчи, учинчи ибораларнинг бўлаклар билан боғланиши деярли бир хил. Аммо иккинчи ибора булардан кескин фарқ қилади. Бу мисолларда асли икки ҳодисага эгамиз: биринчидан, бу (иккинчи) иборанинг тўлдирувчи билан боғланиши ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган (қолган икки иборада фақат нарсаларга аталган); иккинчидан, ҳар икки (эга ва тўлдирувчи) бўлак билан боғланишининг аталганлиги бир хил юради: «ким кимдан» ёки «нима нимадан» (қолган икки иборада бундай хусусият йўқ).

в) Синонимлар айна шу бўлаклар билан боғланади, аммо улар боғланадиган бир бўлак турли хил бўлади. Бундай ҳолат жуда оз учрайди. Масалан, қуйидаги синонимлар эга ва тўлдирувчи билан боғланади ва бу боғланишлар кишиларга аталган бўлади. Аммо бу иборалар тўлдирувчининг бошқа-бошқа тури билан (биринчи ибора воситасиз тўлдирувчи билан, иккинчи ибора эса жўналиш келишигидаги воситали тўлдирувчи билан боғланиб келади): **яхши кўрмоқ** (ким кимни) — **кўнгил бермоқ** (ким кимга).

г) Синонимлар боғланиб келадиган бўлаклардан бири бошқа-бошқа бўлак бўлади (2 та). Бунда синонимлардан бири эга ва воситасиз тўлдирувчи билан, иккинчиси эса эга ва қаратқич билан боғланади (барча боғланишлар кишиларга аталган бўлади): **ташвишга солмоқ** (ким кимни) — **кўнгил(и)га гашлик содмоқ** (ким кимнинг).

Уч ибора қатнашадиган қуйидаги уяда ҳам юқоридагича ҳолатни кўрамиз: **юз(и) ерга қаради** (кимнинг) — **юз(и)ни ерга қаратмоқ** (ким кимнинг) — **ерга қарамоқ** (ким) — **ерга қаратмоқ** (ким кимни) — **бош(и)ни букмоқ** (ким кимнинг) — **бош(и) букилди** (кимнинг). Бунда грамматик контексти айнан биринчи, учинчи ибораларнинг гапга тенг қурилишли вариантлари қаратқич билан, бири-бирига тенг қурилишли иккинчи иборанинг биринчи варианты эга билан боғланади. Биринчи, учинчи иборанинг бирикмага тенг қурилишли варианты эга ва қаратқич билан, иккинчи иборанинг иккинчи варианты эса эга ва воситасиз тўлдирувчи билан боғланади.

д) Синонимлардан бирининг боғланишида бир ёки бир неча бўлак ортиқ бўлади. Бундай ҳолат анчагина (8 та):

а) Бир бўлак ортиқ ҳолатлар (7 та). Бунда «ўз» сўзи билан ифодаланадиган қаратқич ортиқ бўлади (бундай қаратқич одатда ифодаланмайди):

(а) Икки ибора қатнашадиган уяда иборалар:

[а] Фақат бир бўлак билан боғланади: бош суқмоқ 2 (ким) — бурн(и)ни суқмоқ 1 (ким [ўзининг]);

[б] Икки бўлак билан боғланади: бўйн(и)га олмоқ 1 (ким [ўзининг] нимани) — тан олмоқ (ким нимани); тилга олмоқ (ким кимни ёки нимани) — оғз(и)га олмоқ (ким [ўзининг] кимни ёки нимани).

(б) Уч ибора қатнашадиган уядаги:

[а] икки иборада бир бўлак билан боғланиш ортиқ бўлади: мум тишламоқ (ким) — оғз(и)га толқон солмоқ (ким [ўзининг]) — оғз(и)га қатик ивитмоқ (ким [ўзининг]);

[б] бир иборада ортиқ бўлади: бош суқмоқ 3 (ким нимага) — бош қўшмоқ 1 (ким нимага) — бурн(и)ни суқмоқ 2 (ким [ўзининг] нимага)³³.

б) Икки бўлак ортиқ ҳолат. Қуйидаги икки иборанинг биринчиси эга, «ўз» сўзи билан боғланишида қаратқич ва воситасиз тўлдирувчи билан боғланади; иккинчи ибора эса фақат эга билан боғланади: бош(и)га кўтармоқ 1 (ким [ўзининг] нимани) — шовқин солмоқ (ким).

2) Грамматик контексти бир неча жиҳатдан фарқ қиладиган синонимлар

Грамматик контексти бир неча жиҳатдан фарқ қиладиган синонимлар ҳам анчагина (20 та). Бунинг кўринишлари:

а) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ уларнинг айна бир бўлак билан боғланишидаги аталганликнинг турлилиги сабабли ва бошқа-бошқа бўлак билан ҳам боғланиб келиши сабабли юз беради. Масалан, қулоқ солмоқ 2 (ким нимага) — гап(и)га кирмоқ (ким кимнинг) синонимларининг эга билан боғланиши айна. Бундан ташқари, биринчи ибора тўлдирувчи билан, иккинчи ибора эса қаратқич билан боғланади. Бу ибораларнинг иккинчи даражали бўлак билан боғланишининг аталганлиги ҳам ҳар хил; тўлдирувчи билан боғланиш нарсаларга, қаратқич билан боғланиш эса кишиларга аталган бўлади.

³³ Қуйидаги синонимлардан учтасининг таркибида «ўз» сўзи бор. Шу сабабли, иборанинг ташқи қурилишига хос нисбатловчи қатнашса-да, контекстда қаратқич келтириб бўлмайди: ўз(и)ни қўйгани жой тополмаслик (ким) — ўз(и)ни қаерга қўйиш(и)ни билмаслик (ким) — ўтиргани жой тополмаслик (ким) — ўз(и)ни қаёққа уриш(и)ни билмаслик (ким).

Ташқи қурилишига хос нисбатловчи қатнаша туриб контекстда қаратқич келтириб бўлмаслик бошқа ҳолларда ҳам учрайди. Масалан, қуйидаги иборалар таркибидаги нисбатловчи боғланиш нарсаларга аталган тўлдирувчига тааллуқли, бу сабабли контекстда қаратқич келтириш имконияти йўқ: бажо келтирмоқ 1 (ким нимани) — ўрнига қўймоқ 1 (ким нимани); ўрнига қўймоқ 2 (ким нимани) — ўрнига келтирмоқ (ким нимани) — бажо келтирмоқ 2 (ким нимани).

б) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ бир бўлак билан боғланишдаги аталганликнинг торкенглиги сабабли ва бир бўлак билан боғланишнинг ортиқ эканлиги туфайли содир бўлади. Масалан, **эс(и)га келмоқ** (ким ёки нима кимнинг) — **эсга келтирмоқ 2** (ким нимани) — **хаёл(и)га келмоқ** (нима кимнинг) — **хаёл(и)га келтирмоқ 1** (ким [ўзининг] нимани) — **мия(си)га келмоқ** (нима кимнинг) синонимия уясида биринчи, иккинчи иборанинг биринчи ва варианты ва учинчи ибора ўзаро муқобил бўлиб, уларнинг қаратқич билан боғланиши айнан, эга билан боғланиши фарқли: биринчи иборанинг эга билан боғланиши кишиларга ҳам, нарсаларга ҳам аталган; иккинчи, учинчи ибораники эса фақат нарсаларга аталган. Биринчи, иккинчи иборанинг иккинчи вариантларида эга ва тўлдирувчи билан боғланиш айнан. Иккинчи иборанинг иккинчи варианты эса яна «ўз» сўзи билан ифодаланувчи қаратқич билан ҳам боғлана олади.

в) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ бир бўлак билан боғланишдаги аталганликнинг зид эканлиги ва бир бўлак билан боғланишнинг ортиқ эканлиги сабабли воқе бўлади. Масалан, **авжга чиқмоқ** (нима [ўзининг]) — **авжга чиқармоқ** (ким нимани) — **авж(и)га минмоқ** (нима [ўзининг]) — **авжга миндирмоқ** (нима нимани) — **авжга етмоқ** (нима) синонимия уясида биринчи, иккинчи иборанинг биринчи варианты ва учинчи ибора ўзаро муқобил. Буларнинг эга билан боғланиши айнан. Биринчи ва иккинчи иборанинг биринчи варианты яна қаратқич билан ҳам боғлана олади (бу вазифада «ўз» сўзи келади). Биринчи, иккинчи иборанинг иккинчи варианты эса эга ва тўлдирувчи билан боғланади. Буларнинг тўлдирувчи билан боғланиши айнан, эга билан боғланиши эса ўзаро зид: биринчисида кишиларга аталган, иккинчисида нарсаларга аталган.

г) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ уларнинг бирикмага ёки гапга тенг қурилишли эканлиги сабабли ва бошқа-бошқа бўлак билан боғланиши сабабли юз беради:

а) **Ер билан яксон бўлмоқ** (нима) — **ер билан яксон қилмоқ** (ким нимани) — **кулини кўкка совурмоқ** (ким ниманинг) — **кули кўкка совурилади** (ниманинг). Бу синонимлар икки таянч вариантли. Биринчи иборанинг ҳар икки варианты бирикмага тенг қурилишли. Иккинчи иборанинг эса биринчи варианты бирикмага, иккинчи варианты гапга тенг қурилишли. Биринчи иборанинг иккинчи вариантыга иккинчи иборанинг биринчи варианты муқобил. Буларнинг эга билан боғланиши айнан (кишиларга аталган). Бундан ташқари, биринчи иборанинг бу варианты воситасиз тўлдирувчи билан боғлан-

са, иккинчи иборанинг шунга муқобил варианты қаратқич билан боғланади. Булардан қатъи назар, биринчи иборанинг биринчи варианты бирикмага тенг бўлиб, эга билан боғланса, иккинчи иборанинг иккинчи варианты гапга тенг бўлиб, қаратқич билан боғланади.

б) **Тинка(си) қуриди** (кимнинг) — **тинка(си)ни қуритмоқ** (нима кимнинг) — **ҳолдан тоймоқ** (ким) — **ҳолдан тойдирмоқ** (нима кимни) — **ҳолдан кетмоқ** (ким) — **ҳолдан кетказмоқ** (нима кимни). Ҳар уч ибора икки таянч вариантли. Биринчи иборанинг вариантлари гапга ва бирикмага тенг қурилишли. Иккинчи, учинчи ибораларнинг вариантлари эса бирикмага тенг қурилишли. Кейинги икки синонимнинг грамматик контексти айнан: биринчи таянч вариантлар эга билан боғланади ва бу боғланиш кишиларга аталган бўлади; иккинчи таянч вариантлар эга ва тўлдирувчи билан боғланади, бунда эга билан боғланиш нарсаларга, тўлдирувчи билан боғланиш эса кишиларга аталган бўлади.

Ҳар уч синонимнинг ўзаро муқобил иккинчи вариантлари бошқа-бошқа иккинчи даражали бўлак билан (биринчи иборанинг варианты қаратқич билан, қолган икки ибораники тўлдирувчи билан) боғланади. Биринчи иборанинг биринчи варианты билан қолган икки иборанинг биринчи варианты ҳам бошқа-бошқа бўлак билан (биринчиси қаратқич билан, қолган иккиси эга билан) боғланади.

д) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ уларнинг бирикмага эки гапга тенг қурилишли экани сабабли ва бир бўлак билан боғланишининг ортиқлиги сабабли юз беради. Бир бўлак билан ортиқ боғланиш бирикмага тенг қурилишли иборанинг қаратқич билан боғланиши ҳисобига бўлади ва бу вазифада «ўз» сўзи келади. Бундан ташқари, бирикмага тенг қурилишли ибора эга билан ва шунга муқобил ҳолда гапга тенг қурилишли ибора қаратқич билан боғланади:

а) икки ибора қатнашадиган уялар: **ақл(и) кирди 1** (кимнинг) — **ақл(и)ни танимоқ** (ким [ўзининг]; **ҳуш(и)ни йўқотмоқ 2** (ким [ўзининг]) — **ҳуш(и) бош(и)дан учди** (кимнинг);

б) уч ибора қатнашадиган уялар: **ҳуш(и)га келмоқ 2** (ким [ўзининг]) — **ўз(и)га келмоқ 2** (ким) — **ҳуш(и) ўз(и)га келди** (кимнинг); **ақлдан озмоқ** (ким) — **эс(и)дан оғмоқ** (ким [ўзининг]) — **эс(и) оғди** (кимнинг) каби.

е) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ уларнинг бўлаклар билан боғланишидаги аталганликнинг тор-кенглиги туфайли, шундаги йўналишнинг ҳар хиллиги сабабли ва бир бўлак билан боғланишининг ортиқ экани сабабли юз беради. Масалан: **эс(и)га тушмоқ** (нима [ёки

ким] кимнинг) — эс(и)га туширмақ (нима ёки ким кимнинг нимани) — эс(и)га келмақ (нима [ёки ким] кимнинг) — эсга келтирмақ (ким нимани [ёки кимни]) — эс(и)га солмақ (ким кимнинг нимани) — хаёл(и)га келмақ (нима ёки ким кимнинг) — хаёл(и)га келтирмақ (ким [ўзининг] нимани). Тўрт ибора қатнашадиган бу уяда учинчи ибора бир қурилишли, қолган уч иборанинг иккинчи қурилиши шунга муқобил. Ана шу тўрт муқобил вариант эга ва тўлдирувчи билан боғланади. Бу вариантларнинг тўлдирувчи билан боғланиши айнан (воситасиз тўлдирувчи билан боғланади ва бу боғланиш нарсаларга аталган бўлади). Эга билан боғланишида биринчи ибора ҳам нарсаларга, ҳам кишиларга аталган, қолган уч ибора эса фақат кишиларга аталган бўлади. Бу тўрт муқобил вариантдан биринчи, учинчи, тўртинчиси қаратқич билан ҳам боғланади. Булардан тўртинчи вариантнинг қаратқич билан боғланиши ўзгача йўналишли (нарсаларга — «кимнинг», бунда — «ўзининг»). Биринчи, иккинчи, тўртинчи иборалардаги биринчи муқобил вариантларнинг бўлаклар билан боғланиши айнан.

ж) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ уларнинг бирикмага ёки гапга тенглиги сабабли, бирор бўлак билан боғланишидаги аталганликнинг тор-кенглиги ва турлича йўналиши сабабли юз беради. Масалан: бош(и) кўкка етди (кимнинг) — бош(и)ни кўкка етказмақ (ким ёки нима кимнинг) — тери(си)га сиғмай кетмақ (ким [ўзининг]) — қўй(и) минга етди (кимнинг). Биринчи иборанинг гапга тенг варианты ва учинчи ибора қаратқич билан айнан боғланади. Биринчи иборанинг бирикмага тенг варианты ва иккинчи ибора эга ҳамда қаратқич билан боғланади. Бунда биринчи иборанинг эга билан боғланиши ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади, иккинчи иборادا эса кишиларгагина аталган бўлади. Буларнинг қаратқич билан боғланишидаги йўналиш ҳам фарқли («кимнинг» — «ўзининг»).

з) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстидаги фарқ уларнинг бирикмага ёки гапга тенглиги сабабли, бир бўлак билан боғланишидаги аталганликнинг тор-кенглиги сабабли ва бир бошқа-бошқа бўлак билан боғланишининг мавжудлиги сабабли юзага келади:

а) Аччиғ(и) келди (кимнинг) — аччиғ(и)ни келтирмақ (ким ёки нима кимнинг) — қон(и) қайнади (кимнинг) — қон(и)ни қайнатмақ (ким кимнинг) — газабга келмақ (ким) — газабга келтирмақ (нима ёки ким кимни) — аччиғ(и) қистаб кетди (кимнинг). Гапга тенг вариантлар қаратқич билан айнан боғланади. Учинчи иборанинг шуларга

муқобил келадиган биринчи варианты бирикмага тенг бўлиб (бунинг ҳам боғланиши кишиларга аталган), эга билан боғланади. Уч иборанинг иккинчи варианты эга билан боғланади. Бунда биринчи, учинчи иборанинг эга билан боғланиши ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган, иккинчи ибораники эса кишиларга аталган. Бундан ташқари, биринчи, иккинчи ибора қаратқич билан, учинчи ибора эса воситасиз тўлдирувчи билан боғланади (барчаси кишиларга аталган бўлади).

б) Кўнгл(и) гаш бўлди (кимнинг) — кўнгл(и)ни гаш қилмоқ (нима [ёки ким] кимнинг) — кўнгл(и) хира бўлди (кимнинг) — кўнгл(и)ни хира қилмоқ (нима [ёки ким] кимнинг) — кўнгл(и)ни гашламоқ (ким кимнинг) — кўнгл(и) гашланди (кимнинг) — ташвиш тортмоқ (ким нимадан). Гапга тенг вариантлар қаратқич билан боғланади. Бирикмага тенг вариантларнинг эга билан боғланиши фарқли. Биринчи, иккинчи иборада ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга, қолган икки иборада эса кишиларгагина аталган. Бундан ташқари, олдинги уч ибора қаратқич билан ҳам боғланади. Шуниси қизиқки, олдинги уч иборанинг гапга тенг қурилишли варианты боғлана боладиган воситали тўлдирувчига («нимадан»), тўртинчи (бирикмага тенг) иборадаги воситали тўлдирувчи муқобил келади (олдинги уч иборанинг бирикмага тенг қурилишли вариантларида бундай бўлак билан боғланиш хусусияти йўқ).

и) Фразеологик синонимларнинг грамматик контекстдаги фарқ уларнинг бирикмага ёки гапга тенглиги сабабли, бўлакаар билан боғланишдаги аталганликнинг тор-кеңлиги туфайли, бир бўлак билан боғланишнинг ортиқлиги сабабли воқе бўлади. Масалан: Футур етди (нимага) — Футур етказмоқ (ким нимага) — халаал етди (нимага) — халаал етказмоқ (ким нимага) — зарар етказмоқ (ким ёки нима нимага ёки кимга) — зарар(и) тегди (кимнинг ёки ниманинг кимга ёки нимага) — зарар келтирмоқ (ким ёки нима кимга). Бирикмага тенг қурилишларнинг барчаси эга ва воситали тўлдирувчи билан боғланади: биринчи, иккинчи иборанинг эга билан боғланиши кишиларга, учинчи, бешинчи ибораники эса ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган; тўлдирувчи билан боғланиши биринчи, иккинчи иборада нарсаларга, бешинчи иборада кишиларга, учинчи иборада эса ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган. Гапга тенг қурилишлар ҳам воситасиз тўлдирувчи билан турлича боғланади: биринчи, иккинчи иборада нарсаларга, тўртинчи иборада эса ҳам кишиларга, ҳам нарсаларга аталган бўлади. Бундан ташқари, тўртинчи иборада қаратқич билан боғланиш ҳам мавжуд.

Д) ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАРНИНГ ЛЕКСИК КОНТЕКСТИ ҲАҚИДА

Фразеологик синонимларнинг кўпида грамматик контекст фарқсиз бўлиши юқорида таъкидланди. Лексик контекстнинг фарқли бўлиши худди шундай синонимларда алоҳида аҳамият қозонади. Аммо қўлимиздаги материал бундай синонимларнинг лексик контекстида бирор хосланиш мавжудлигини кўрсатмади. Масалан, меъда(си)га тегмоқ 1 (нима кимнинг) — кўнгл(и)га тегмоқ 1 (нима кимнинг) ибораларининг лексик контексти жуда аниқ: «овқат». Лекин бу синонимларнинг лексик контексти айнан.

Лексик контекстнинг юқоридагича айнан хосланиши грамматик контексти фарқли синонимларда ҳам мавжуд: тил(и) чиқди 1 (кимнинг: «сўдакнинг») — тилга кирмоқ 1 (ким: «гўдак») каби.

Қуйдагича ҳолларни ҳам лексик контексти фарқсиз деб қараш тўғри: қулоқ солмоқ 2 (ким нимага: «гапга») — гап(и)га кирмоқ (ким кимнинг). Фарқ шундаки, биринчи иборادا лексик контекст урнидаги сўз иккинчи иборанинг таркибий қисми бўлиб келади.

Бирор бўлак билан боғланишининг аталганлигидаги зидланиш, аталганликнинг ҳор ёки кенг бўлиши асли грамматик контекстда фарқланишлардир. Бундай ҳолат айни вақтда лексик контекстнинг фарқли бўлишини ҳам таъминлайди, албатта. Саноқли фразеологик синонимларда учрайдиган бундай фарқланиш аввалги қисм тасвирида таъкидланди.

Е) ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМЛАРДА ВАРИАНТЛАРНИНГ БОР-ЙУҚЛИГИ ҲАҚИДА

Фразеологик birlikларда вариантлар масаласи қўйроқда махсус текширилган. Бу ўринда вариантларнинг тури ва кўринишларини текширмаймиз, фақат синоним ибораларнинг ўзаро бир вариантли ёки кўп вариантли бўлишини таъкидлаймиз. Чунки фразеологик синонимларнинг табиатини белгилашда шундай фарқланишни ҳам ҳисобга олиш масалани яна-да чуқурроқ ўрганишга олиб келади.

Фразеологик синонимия уяларини кузатиш кўрсатадики, уларнинг ярмидан кўпроғи (тахминан 51 проценти) ё бир вариантли (41 та уяда шундай), ёки кўп вариантли бўлади (35 уяда шундай). Қолган синонимия уяларида синонимларнинг баъзиси бир вариантли, бошқалари кўп вариантли бўлади, демак, шундай уялардаги синонимлар вариантларнинг бор-йўқлиги жиҳатдан ўзаро фарқ қилади.

Г. Фразеологик синонимларнинг образлилик даражаси

Синоним иборалар асосида қайси образ ётиши ва бундай синонимларнинг образлилик даражаси бошқа-бошқа масала, албатта.

Бир синонимия уясида қатнашувчи иборалар образлилик даражаси жиҳатдан деярли бир хил бўлиши ёки фарқланиб туриши мумкин. Синонимия уяларининг ўндан тўрт қисмида ибораларнинг образлилик даражаси деярли бир хил. Демак, синонимия уяларининг ярмидан кўпида иборалар ўз образлилик даражаси билан фарқланиб туради. Бунинг кўринишлари:

1. Синонимия уясидаги иборалардан бири бошқасидан ёки бошқаларидан образлироқ бўлади (бундай ҳолат кўп: 87 уянинг 84 тасида шундай):

1) Икки ибора қатнашадиган уялардан:

а) қуйидаги уяларда биринчи ибора образлироқ: ер-кўкка ишонмаслик — ўтқазгани жой тополмаслик; хуш(и)га келмоқ — кўн(и)га келмоқ 3; жигар(и)дан урмоқ — юраг(и)дан урмоқ; бош(и)ни емоқ — бош(и)га етмоқ каби;

б) қуйидаги уяларда иккинчи ибора образлироқ: икки оғиз — икки шингил; ич-эт(и)ни емоқ — ўз ёғ(и)га ўз(и) қовурилмоқ; юраг(и)ни сиқмоқ — юраг(и) сиқилди — юрак-бағр(и) қон бўлди — юрак-бағр(и)ни қон қилмоқ 1; юраг(и)ни ёрмоқ 1 — юраг(и) ёрилди — ўтака(си)ни ёрмоқ — ўтака(си) ёрилди каби.

2) Уч ибора қатнашадиган уялардан:

а) қуйидаги уяларда биринчи ибора образлироқ: жон(и) ачи(й)ди 2 — юраг(и) ачиди 2 — ич(и) ачиди 2; баҳр(и)ни очмоқ — баҳр(и) очилди — димо(и) чоғ бўлди — димоғ(и)ни чоғ қилмоқ — кайф(и) чоғ бўлди — кайф(и)ни чоғ қилмоқ каби;

б) қуйидаги уяларда иккинчи ибора образлироқ: кўн(и)га кўймоқ — кўн(и)га боғламоқ — муҳаббат қўймоқ; бош(и) қотди 2 — бош(и) шишди — мия(си) говлаб кетди каби;

в) қуйидаги уяларда учинчи ибора образлироқ: ипидан игнасиғача — миридан сиригача — қилидан қўйруғигача; таъб(и) тирриқ бўлди — таъб(и)ни тирриқ қилмоқ — таъб(и) хира бўлди — таъб(и)ни хира қилмоқ — кайф(и)ни бузмоқ — кайф(и) бузилди 2 каби.

3) Тўрт ибора қатнашадиган қуйидаги уяларда иккинчи ибора образлироқ: аччиғ(и) келди — аччиғ(и)ни келтирмоқ — қон(и) қайнади — қон(и)ни қайнатмоқ — ғазабга келмоқ — ғазабга келтирмоқ — аччиғ(и) қистаб кетди; хуш(и)дан кет-

моқ — ўз(и)дан кетмоқ — ҳуш(и)ни йўқотмоқ I — кўнгл(и) озди I каби.

2. Баъзан бир синонимия уясида ўз образлилик даражаси билан биттадан ортиқ ибора фарқланиб туради. Бундай ҳолат жуда оз (4 та уяда шундай). Масалан, уч ибора қатнашадиган уялардан:

1) қуйидаги уяда биринчи ва иккинчи ибора учинчи иборадан образлироқ: эс(и) чиқиб кетди — эс(и)ни чиқариб юбормоқ — жон-пон(и) чиқиб кетди I — жон(и) ҳалқум(и)га келди;

2) қуйидаги уяда биринчи ва учинчи ибора иккинчи иборадан образлироқ: оғз(и)га толқон солмоқ — мум тишламоқ — оғз(и)га қатиқ ивитмоқ.

Е. Фразеологик синонимларда стилистик бўёқ

Иборалар биттадан ортиқ сўздан дўзилиб, ударнинг маъноси одатда тасвирий йўл билан тавалланилади. Бир томондан, иборалардаги ана шундай тасвирийлик, иккинчи томондан, иборалар асосида ётган образнинг аниқ сезилиб туриши, шу сабабли синоним ибораларда образлиликнинг ҳар-қил бўлиши гўё бундай ибораларнинг стилистик жиҳатдан ҳам кескин фарқ қилишига олиб келадигандек туюлади.

Агар синоним иборалар юқоридagi ҳодисаларнинг (тасвирийлик, образлилик, стилистик бўёқнинг) ҳар бири бўйича ўрганиб чиқилса, бундай ибораларнинг кўпчилигида стилистик бўёқ бўртиб турмаслигини, улар стилистик бўёғи жиҳатдан нейтрал ҳолатга яқин туришини аниқлаш мумкин. Тўғри, бундай ибора унга синоним сўз билан қиёсланса, ҳар ҳолда, иборанинг стилистик бўёғи кучли бўлади. Лекин шунда ҳам юқорида саналган ҳодисалар таъсирида нотўғри хулосага келиш хавфи жуда кучли²⁴.

Умуман, синонимия уяларини зўвал ижобий мундарижалар (ижобий воқеликни англатувчилар) ва салбий мундарижалар (салбий воқеликни англатувчилар) деб икки гурппага бирлаштирган маъқул. Сўнгра ҳар бирининг ўзи фонида у ибора англатаётган воқелик қандай баҳоланиши билан қизиқса бўлади.

Автор тузган лугатдаги синонимия уяларининг деярли учдан иккиси ижобий воқеликни англатувчи иборалардир. Бу уяларнинг кўпида стилистик бўёқ жиҳатдан ўзаро кескин

²⁴ Қуйидаги манбада ўзи йўл қўйган хатоми автор худди шундай таъсирнинг натижаси деб билди: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 140-бет.

фарқ қилмайдиган иборалар қатнашади. Бир қанча синонимия уяларидагина синоним иборалардан бири иккинчисига нисбатан кўтаринкилик бўёғига эга. Аммо буни ҳам том маънода стилистик бўёқ деб аташ қийин. Чунки кўтаринкилик, ҳар ҳолда, англантилаётганини баҳолаш, шунга муносабат ифодалаш эмас, балки нутққа қандайдир ифода руҳи бағиш-лашдир. Масалан, рўёбга чиқмоқ — рўёбга чиқармоқ I билан юзага чиқмоқ — юзага чиқармоқ I; бажо келтирмоқ I билан ўрнига қўймоқ I синонимларидан биринчисида, бўйн(и)га олмоқ III билан зимма(си)га олмоқ I; яхши кўрмоқ I билан кўнгил бермоқ синонимларидан иккинчисида кўтаринкилик бўёғи бор.

Салбий воқеликни англатувчи синонимия уяларининг ҳам кўпида синонимлар стилистик бўёғи жиҳатдан кескин фарқ қилмайди. Санокли уяларидагина иборалардан бирининг салбий стилистик бўёғи бўртиб туради. Масалан, тирмоқ орасидан кир изламоқ билан қилдан қийиқ қидирмоқ мия(си)ни қоқиб, қўл(и)га бермоқ билан қулоқ-мия(си)ни емоқ синонимларидан биринчисида, кўзлар(и) қинидан чиқиб кета ёзди I билан кўзлар(и)нинг пахтаси чиқди; бош суқмоқ II билан бурн(и)ни суқмоқ I синонимларидан иккинчисида салбий стилистик бўёқ бўртиб туради.

Салбий воқеликни англатувчи синонимия уяларининг баъзиси эвфемизмдир. Эвфемизм салбий воқеликни аташдан қочиб, шундай воқеликнинг салбий таъсирини юмшатиш учун хизмат қилади. Бундай эвфемизм ибораларда гўё ижобий стилистик бўёқ мавжуддек туюлади. Масалан, дунёдан ўтмоқ II — кўз(и)ни юммоқ — кўз(и) юмилди — дунёдан кетмоқ синонимия уясида ҳар уч ибора эвфемизм бўлиб, аталаётган воқеликнинг салбий таъсирини юмшатиш иккинчисида энг кучли.

Ж. Фразеологик синонимларнинг замонийлиги

Сўзларда бўганидек, бир синонимия уясига бирлашувчи иборалар ҳам одатда лугат бойлигининг замонавий қатламига мансуб бўлади. Фразеологик синонимия уяларининг 90-95 процентиди шундай ҳолат мавжуд. Замондош қатламга³⁵

³⁵ Авторнинг лугавий birlikларни замонийлик жиҳатдан таснифи, аташи ва тушуниши қуйидаги манбаларда баён қилинган: 1) Лугавий birlikларнинг замонийлиги жиҳатдан гуруҳланиши ва номланиши масаласига доир, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, Тошкент, 1962, 4-сон, 46—51-бетлар; 2) Архаизм ва историзм, «Научные труды ТашГУ им. В. И. Ленина», новая серия, вып. 211, филологические науки, книга 24, Ташкент, 1963, стр. 243—250; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 161—169-бетлар.

хос ибораларнигина қамраб олувчи уя, ўз-ўзидан, йўқ. Синоним иборалардан бири замондош қатламга хос уялар ҳам у қадар кўп эмас. Бунинг кўринишлари:

1. Синонимия уясидаги иборалардан бири архаизм бўлади (5 та). Архаизм иборанинг юзага келиш сабабини изоҳлаш қийин, албатта. Фактик материалга суяниб қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

1) Архаизм ибора ҳақида (сўзда ҳам шундай) синонимия уясининг аъзоси бўлган иборага қаратагина гапириш ўринли. Чунки бирор иборанинг эскирганлигини у билан ёнма-ён яшовчи расмона (одатдаги) синоним иборага қийслабгина белгилаб бўлади. Синоним ибора мавжуд бўлмаса, одатда синоним сўз бор бўлади. Акс ҳолда эскирган ибора ҳақида эмас, балки эски ибора ҳақида ёки пассив (оз ишлатилдиган) ибора ҳақида фикр юритиш ўринли. Масалан, дам олмоқ ибораси бўлмаса, шунга синоним ҳордиқ чиқармоқ иборасининг архаизм эканини аниқлаб бўлмайди.

2) Юқоридаги ҳолатдан англашиладикки, архаизмнинг пайдо бўлишига танлаш имкониятининг мавжудлиги олиб келади. Юқорида келтирилган синонимлардан тилда фақат биттаси яшаганида эди, унинг архаизмга айланишини тасаввур этиб бўлмайди. Шу тушунчани англашиш учун доим битта иборага мурожаат қилиш талаби унинг архаизмга айланмаслигини гарантиялайди, албатта.

3) Танлаш эркинлигининг мавжудлиги синоним ибораларни нутқда оз-кўп ишлатиш учун замин ҳозирлайди. Нутқда ишлатилиши озайиб бораётган иборанинг архаизмга айланиши осон бўлади. Масалан, ипидан игнасигача — миридан сиригача — қилидан қуйругигача уясидаги учинчи ибора ҳозирги ўзбек адабий тилида шундай ҳолатда.

4) Юқорида таъкидланган умумий ҳолатлардан ташқари, архаизмни юзага келтиришда ҳар гал турлича конкрет омиллар ҳам қатнашади. Булар:

а) Ибора таркибидаги компонентнинг архаизмга айланиши иборанинг архаизмга айланиши учун замин ҳозирлайди. Масалан, «ҳордиқ» сўзи ҳозирги ўзбек тилида архаизм, бу сўз қатнашган ҳордиқ чиқармоқ ибораси ҳам архаизмга айланган. Ҳозирги ўзбек тили учун одатдаги, расмона ибора шунинг дам олмоқ синонимидир.

б) Агар иборанинг компоненти сифатида, архаизм сўздан ташқари, ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган сўз ҳам келса, табиий, бундай иборанинг архаизмга айланиши яна-да осонлашади ва тезлашади. Масалан, ҳаддан зиёд[а] иборасининг биринчи компоненти ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди (бу маъно ҳозир «чегара» сўзи

билан англатилади), иккинчи компонент эса архаизм сўз (ҳозирги ўзбек тилида бунинг расмона, одатдаги синоними — «ортиқ» сўзи). Ҳозирги ўзбек адабий тилида ҳаддан ташқари ибораси тобора кўп ишлатилиб, ҳаддан зиёд[а] иборасининг иш доирасини чеклаб қўймоқда (биз кузатган текстлар материалда ҳаддан ташқари ибораси 27 марта, ҳаддан зиёд[а] ибораси эса 7 марта учради). Ҳозирги ўзбек тилидаги расмона сўз («ташқари» сўзи) фонида «ҳад» сўзининг ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмаслиги сезилмайди. Аммо архаизм сўз («зиёд[а]» сўзи) фонида бу жуда яққол сезилади³⁶. Бунинг устига, ҳаддан зиёд[а] асосан қариялар, эски мактаб кўрган кишилар нутқида ишлатилади, бунда у ҳатто ҳаддин зиёд[а] тарзида (чиқиш келишиги аффиксининг эски фонетик варианты билан) талаффуз қилинади. Бу ҳол архаизмликни яна-да бўрттиради.

в) Иборанинг архаизмга айланишида баъзан, ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган сўз қатнашувидан ташқари, синонимларнинг миқдори ҳам маълум роль ўйнайди. Бир уяга бирлашувчи синоним ибораларнинг кўп бўлиши архаизм қатнашадиган ибора мавқеининг осонлик билан заифлашуви учун шарт-шароит вазифасини ўтайди. Масалан, орқа(си)дан тушмоқ 1 — из(и)дан тушмоқ — кет(и)дан тушмоқ — пай(и)дан тушмоқ синонимларидан охирги ибора архаизмга айланмоқда. Бу ибора таркибидаги «пай» сўзи тожикча «из» маъносигадаги сўз бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди. Шу сабабли бу сўзни ўзбекча «из» сўзига синоним деб қараш мумкин эмас. Агар бу икки тил сўзини (пай — из) ўзаро синоним деб олсак, ўз-ўзидан, бу икки қурилиш (пай(и)дан тушмоқ — из(и)дан тушмоқ) бир иборанинг икки варианты деб қаралиши лозим бўлади. Манбаларнинг кўрсатишича, бу синонимия уясига нутқида жуда оз мурожаат қилинади (юқорида саналган тартибда бу ибораларнинг 5, 3, 1, 1 марта ишлатилганлиги аниқланди). Демак, шу уядаги энг актив синоним — орқа(си)дан тушмоқ ибораси, энг пассиви — кет(и)дан тушмоқ ва пай(и)дан тушмоқ иборалари. Охирги иборанинг пассивлигини таркибида мустақил ишлатилмайдиган сўз борлиги сабабли иборанинг архаизмга айланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

г) Мана бу синонимия уясини кузатишда, мустақил иш-

³⁶ Ибора компонентининг архаизм, мустақил ишлатилмайдиган сўз эканлиги бундай иборани архаизм деб аташга асос бўлавермайди. Шундай компонент қатнашадиган кўпчилик ибораларда эскирганлик бўғи йўқ. Бу ҳақда қаранг: Гурсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 166-бет.

латилмайдиган сўз қатнашуви ва бир уяга бирлашувчи синонимларнинг миқдоридан ташқари, синоним ибораларнинг полисемантикчилигини ҳам ҳисобга олиш зарур: **из(и)га тушмоқ 1 — пай(и)га тушмоқ 1 — кет(и)га тушмоқ 1 — орқа(си)га тушмоқ**. Бу тўрт синонимнинг иккинчиси ва учинчиси икки маъноли ва булар ҳар икки муқобил маъносида ўзаро синоним. Демак, биз қизиқаётган **пай(и)га тушмоқ** ибораси иккита синонимия уясининг аъзоси. Биринчи уяда ибораларнинг ишлатилиши шундай: 5, 4, 2, 2. Кўринадики, **пай(и)га тушмоқ** ибораси оз-кўп ишлатилиши жиҳатдан бу уяда иккинчи ўринни ишғол қилади. Шу уянинг ўзи билан чеклансак, **пай(и)га тушмоқ** иборасининг архаиклиги ҳақида гапириш қийин. Бу ибора қатнашадиган иккинчи уяни ҳам бир вақтда кўздан кечирсак, **пай(и)га тушмоқ** иборасининг асли иккинчи маъносида актив экани, шу сабабли иккинчи уянинг актив аъзоси эканини кўрамиз (**пайига тушмоқ 2 — кетига тушмоқ 2**; ишлатилиши: 13,1). Ҳақиқатда, **пай(и)га тушмоқ** иборасининг асосий маъно нагрукаси, унинг иккинчи («манфаатдор бўлгани ҳолда берилиб ҳаракат қилмоқ») маъносидир. Бу маъно шу иборанинг биринчи («зимдан юриб бутун хатти-ҳаракатини таъқиб қилмоқ») маъносига қараганда абстрактроқ, маъно тараққиёти даражасига кўра компонентларининг лексик маъносидан яна-да узоқроқ. Шу сабабли таркибидаги «пай» компонентининг ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайдиган сўз экани уқилмайди ҳам. Хуллас, **пай(и)га тушмоқ 1** нинг архаиклиги **пайига тушмоқ 2** фонидagina сезилади.

Бундан қатъи назар, **пай(и)га тушмоқ 1** ҳолатида архаизм-ибора ҳақида эмас, балки архаизм-маъно ҳақида гапириш керак. Чунки архаиклашув иборага яхлитлигича эмас, балки унинг маъноларидан биригагина хос.

д) Архаиклашувни ибора таркибидаги компонентларнинг ҳозирги ўзбек тилида шундай боғланиб келмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, «қулоқ» ва «бермоқ» сўзининг боғланиб, **қулоқ бермоқ** иборасини тузиши бир вақтлар содир бўлган ҳодиса. Ҳозирги ўзбек тилида эса бу икки сўзнинг ўзаро боғланиб келиши одатдаги ҳол деб қаралмайди. Бу иборанинг архаизмга айланишида сабаблардан бири шу бўлган, албатта.

2. Синонимия уясидаги иборалардан бирининг бирор варианты архаизм бўлади. Юқорида тасвирланган ҳодисани архаизм-ибора, архаизм-маъно деб аташ мумкин бўлса, буни архаизм-вариант деб аташ тўғри (4 та). Бунинг кўришилари:

1) Архаизм-вариант ҳозирги ўзбек тилида мустақил иш-

латилмайдиган маъно ташувчи компонентнинг қатнашуви билан юзага келади. Масалан, **кўнгл(и)дан ўтмоқ** — **кўнгл(и)дан ўтказмоқ** ибораси таркибидаги ҳар икки сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилади. Аммо шу иборанинг яна бир — феъл компоненти сифатида «кечмоқ» сўзи қатнашадиган — варианты ҳам бор.

Тўғри, «кечмоқ» сўзи ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилади. Бунда у ҳозир ҳатто омоним ҳолатида: **кечмоқ I** «оёқлари билан ботгани ҳолда ўтмоқ» (сувдан, қордан, қумдан ва ш. к.), **кечмоқ II** «бирор даъвосидан бутунлай қайтмоқ». Буларга асос вазифасини бажарган «ўтмоқ» маъноси эса ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди, маълум иборалар таркибидагина бу сўз шу маъноси билан қатнашганича сақланиб келади. Худди шундай ҳолатни юқоридаги иборанинг **кўнгл(и)дан кечмоқ** — **кўнгл(и)дан кечирмоқ** вариантыда кўрамиз. Илгарилар жуда актив бўлган бу вариант ҳозирги ўзбек тилида архаизмга айланди.

«Кечмоқ» феъли билан тузиладиган вариантлар юқоридаги иборанинг синонимларида ҳам мавжуд ва бу вариантларнинг мавқеи ҳам **кўнгл(и)дан кечмоқ** вариантиники каби. Фақат **бош(и)дан кечмоқ** — **бош(и)дан кечирмоқ** иборасининг шу сўз қатнашган вариантыда архаиклик сезилмайди.

2) Архаизм-вариантнинг пайдо бўлишини ундаги компонентларнинг ҳозирги ўзбек тилида шундай боғланиб келмаслиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, **қулоқ солмоқ** иборасининг иккинчи компоненти бу ибора таркибида архаик маъноси билан қатнашувига қарамай, иборанинг ўзи замонавий бирлик; чунки бу икки сўзнинг боғланиши ҳозирги ўзбек тилида одатдаги боғланишлардан биридир.

Шу иборанинг **қулоқ осмоқ** варианты эса архаизм-вариант; чунки ҳозирги ўзбек тилида «қулоқ» ва «осмоқ» сўзларининг ўзаро боғланиши одатдаги ҳолат деб қаралмайди.

3) Архаизм-вариант ундаги компонентлардан бирининг нутқда кам учрайдиган ўзлашма сўз экани билан изоҳланади. Бундай сўз одатда мустақил ишлатилмайди ҳам. Масалан, **бўйин эгмоқ** иборасининг **бўйин(и)ни** ҳам **қилмоқ** вариантыда шундай: «хам қилмоқ» феъли бир-икки турғун бирикма таркибидагина учрайди, «хам» қисми эса умуман мустақил ишлатилмайди.

Юқоридагича ҳолат **юрак-бағр(и) қон бўлди** — **юрак-бағр(и)ни қон қилмоқ** иборасининг «қон» сўзи ўрнида «хун» сўзи қатнашадиган вариантларида ҳам мавжуд³⁷.

³⁷ Неологизм ўта исбий тушунча. Бирор сўз ёки иборанинг неологизмлиги жуда тез фурсатда йўқолиши мумкин. Масалан, **ракета**, **космик кема**, **сунъий йўлдош** каби неологизмлар жуда оз фурсатда замонавий

3. Фразеологик синонимларнинг нутқ кўринишларига хосланганлиги

А) УМУМНУТҚ ИБОРАЛАРИ ҚАТНАШАДИГАН УЯЛАР

Сўзларда бўлганидек³⁸, ибораларнинг ҳам асосий кўпчилиги луғат бойлигининг умумнутқ қатламига мансуб³⁹. Автор тузган луғатда келтирилган синонимия уяларининг 75—80 проценти (112 та уя) шундай синонимлардан таркиб топган. Булар орасида икки ибора қатнашадиган уялар ҳам (83 та), уч ибора қатнашадиган уялар ҳам (27 та), тўрт ибора қатнашадиган уялар ҳам (5 та) бор:

1. Икки ибора қатнашадиган уялар: бош(и)ни емоқ — бош(и)га етмоқ; кўз(и)ни шира босди — кўз(и)ни ёғ босди; мия(си)ни қоқиб, қўл(и)га бермоқ — кулоқ-мия(си)ни емоқ; подадан олдин чанг чиқармоқ — тўйдан илгари ноғора қоқмоқ каби.

2. Уч ибора қатнашадиган уялар: кўз(и) киймади — кўнгл(и) бўлмади — кўнгл(и) бормади; тинка(си) қуриди — тинка(си)ни қуритмоқ — ҳолдан тоймоқ — ҳолдан тойдирмоқ — ҳолдан кетмоқ — ҳолдан кетказмоқ каби.

3. Тўрт ибора қатнашадиган уялар: ҳуш(и)дан кетмоқ — ўз(и)дан кетмоқ — ҳуш(и)ни йўқотмоқ — кўнгл(и) озди 1 каби.

(расмона) луғавий birlikка айланиб кетди. Булар ўзбек тилидаги энг янги сўз ва турғун бирикмалар, аммо шунга қарамай уларда янгилик бўёғи, яъни неологизмлик йўқ.

Янги ибора яратиш оз учрайди. Кўпроқ умумхалқ иборасини бирор жиҳатдан янгилаш юз беради. Буларнинг кўпи яна умумхалқ тили базасида содир бўлади, шу сабабли уларнинг неологизмлиги сезилар-сезилмас ўтиб кетади. Индивидуал автор нутқига хос фразеологик неологизмлар ҳам анчагина. Булар махсус кузатишни, ўрганишни, изоҳлашни талаб қилади.

³⁸ Авторнинг луғавий birlikларнинг нутқ кўринишларига хосланиши ҳақидаги мулоҳазалари қуйидаги манбада қисқача акс этган: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, «Уқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 169—172-бетлар.

³⁹ Умумнутқ қатламига мансубликни абсолют маънода тушунмаслик керак, албатта. Умумнутқ қатламига мансуб сўз ёки ибора нутқнинг барча кўринишларида ишлатилиши шарт эмас. Умумнутқ қатламига мансуб дейиш учун сўз ёки ибора адабий нутқнинг ва сўзлашув нутқининг биттадан турида ишлатиладиган бўлиши етарли. Зотан, адабий нутққа хосланган ҳар бир сўз ёки ибора ҳам бу нутқ кўринишининг барча турларида (бадний, илмий, расмий нутқ турларида) ишлатиладиган бўлиши шарт эмас. Шу нутқ турларидан бирига хосланганликнинг ўзи бундай сўз ёки иборани адабий нутққа хосланган деб айтиш учун етарли.

Б) БИРОР НУТҚ КУРИНИШИГА ХОСЛАНГАН ИБОРА
ҚАТНАШАДИГАН УЯЛАР

Бунда дастлаб икки ҳолатни фарқлаш керак:

1. Синонимия уясидаги иборалардан баъзиси умумнутққа хос бўлади, баъзиси эса бирор нутқ кўринишига хосланган бўлади. Бу — синонимия уяларидаги асосий ҳолат (шу сарлавҳа остига олинадиган 37 та уянинг 30 таси шу типга мансуб). Бунинг кўринишлари:

1) Бир уяда умумнутққа хос ибора ва бадний нутққа хосланган ибора қатнашади (10 та):

а) Икки ибора қатнашадиган уяларда:

а) Иккинчи ибора бадний нутққа хосланган бўлади: тоқат(и) тоқ бўлди — тоқат(и)ни тоқ қилмоқ — сабр коса(си) тўлди — сабр коса(си)ни тўлдирмоқ; оёғ(и)га йиқилмоқ — оёғ(и)га бош урмоқ; оғз(и) кулоғ(и)га етди — оғз(и)нинг таноби қочди.

б) Биринчи ибора бадний нутққа хосланган бўлади: ҳайратда қолмоқ — ҳайратда қолдирмоқ — ёқа(си)ни ушламоқ — ёқа(си)ни ушлатмоқ; оёғ(и)га болта урмоқ — пай(и)ни қирқмоқ; бир ёқадан бош чиқармоқ — бир жон-бир тан бўлмоқ.

в) Мана бу икки иборанинг ҳам биринчиси бадний нутққа хосланган (бу иборанинг бадний нутққа хосланганлиги хаёл дарёсига чўммоқ вариантида яна ҳам бўртади), аммо унинг хаёлга ботмоқ вариантыни сўзлашув нутқига хосланган деб қараш мумкин: хаёлга чўммоқ — пинакка кетмоқ 2.

г) Мана бу биринчи уядаги биринчи иборанинг бўйин(и)ни ҳам қилмоқ вариантида, иккинчи уядаги иккинчи иборанинг кўкс(и) кўтарилди вариантида бадний нутққа хосланиш бор: бўйин эгмоқ 1 — бош эгмоқ 1; кўнгл(и)ни тоғдай кўтармоқ — кўнгл(и) тоғдай кўтарилди — кўкраг(и) тоғдай кўтарилди.

б) Уч ибора қатнашадиган мана бу уядаги биринчи ибора ва унинг варианти (баҳри дил(и)ни очмоқ — баҳри дил(и) очилди) бадний нутққа хосланган: баҳр(и)ни очмоқ — баҳр(и) очилди — димоғ(и) чоғ бўлди — димоғ(и)ни чоғ қилмоқ — кайф(и) чоғ бўлди — кайф(и)ни чоғ қилмоқ.

2) Бир уяда умумнутққа хос ибора ва сўзлашув нутқига хосланган ибора қатнашади (9 та):

а) Икки ибора қатнашадиган уяларда:

а) Иккинчи ибора сўзлашув нутқига хосланган бўлади: «лом-мим» демаслик — «чурқ» этмаслик; пашшадан фил ясамоқ — игнадекни туядек қилмоқ.

б) Мана бу уя ҳам худди юқоридагидек, аммо иккинчи

иборанинг кун кечирмоқ варианты умумнутққа хос: кун кўрмоқ — кун(и) ўтди — кун ўтказмоқ 2.

в) Биринчи ибора сўзлашув нутқиға хосланган бўлади: бош(и)ға кўтармоқ 1 — шовқин солмоқ.

б) Уч ибора қатнашадиган уяларда:

а) Учинчи ибора сўзлашув нутқиға хосланган бўлади: оғз(и)ға толқон солмоқ — мум тишламоқ — оғз(и)ға қатиқ ивирмоқ; йўлдан урмоқ — йўлдан озмоқ — йўлдан оздирмоқ — йўлдан чиқармоқ.

б) Биринчи, иккинчи ибора сўзлашув нутқиға хосланган бўлади: эс(и) чиқиб кетди — эс(и)ни чиқариб юбормоқ — жон-пон(и) чиқиб кетди 1 — жон(и) ҳалқум(и)ға келди 4.

в) Мана бу уч ибора умумнутққа хос, аммо биринчи иборанинг таъб(и) намозшом варианты сўзлашув нутқиға хосланган: таъб(и) хира — кайф(и) бузук — таъб(и) тирриқ.

Мана бу уяда иккинчи иборанинг калла(си) ғовлаб кетди варианты сўзлашув нутқиға хосланган: бош(и) қотди 2 — мия(си) ғовлаб кетди — мия(си)ни ғовлатиб юбормоқ — бош(и) шишди.

3) Бир уяда умумнутққа хос ибора ва расмий нутққа хосланган ибора қатнашади (6 та):

а) Икки ибора қатнашадиган қуйидаги уяларда биринчи ибора расмий нутққа хосланган: йўлга қўймоқ — йўлга солмоқ 4; кўнгл(и) хиралашди — кўнгл(и) ғаш тортди.

б) Уч ибора қатнашадиган қуйидаги уяда кейинги икки ибора расмий нутққа хосланган (булардан биринчиси кун сайин умумнутқ иборасига айланиб бормоқда): бир ёстиққа бош қўймоқ — турмуш қурмоқ — оила қурмоқ.

в) Тўрт ибора қатнашадиган қуйидаги уялардан биринчисидан тўртинчи ибора, иккинчисидан эса учинчи ибора расмий нутққа хосланган: кўнга(и) ғаш бўлди — кўнгл(и)ни ғаш қилмоқ — кўнгл(и) хира бўлди — кўнгл(и)ни хира қилмоқ — ташвиш тортмоқ 1 — кўнгл(и)ни ғашламоқ — кўнгл(и) ғашланди; кўнгл(и)дан ўтмоқ — кўнгл(и)дан ўтказмоқ — хаёл(и)дан ўтмоқ — хаёл(и)дан ўтказмоқ — фикр(и)дан ўтказмоқ — бош(и)дан кечмоқ — бош(и)дан кечирмоқ 2.

г) Беш ибора қатнашадиган қуйидаги уяда биринчи, иккинчи ибора расмий нутққа хосланган: футур етди — футур етказмоқ — халал етди — халал етказмоқ — зарар етказмоқ — зарар(и) етди — зарар келтирмоқ.

4) Бир уяда умумнутққа хос ибора, сўзлашув нутқиға хосланган ибора ва расмий нутққа хосланган ибора қатнашади (5 та):

а) Уч ибора қатнашадиган қуйидаги уяларда:

а) Биринчи ибора умумнутққа хос, иккинчиси расмий нутқ-

қа хосланган, учинчиси эса сўзлашув нутқиға хосланган: эрга тегмоқ — турмушга чиқмоқ — эрга чиқмоқ (иккинчиси, яъни расмий нутққа хосланган ибора кун сайин умумнутққа хос иборага айланиб бормоқда).

б) Биринчи ибора сўзлашув нутқиға хосланган, иккинчиси умумнутққа хос, учинчиси эса расмий нутққа хосланган: жон(и) чиқди II — жон(и)ни чиқармоқ — жон(и) ҳалқум(и)-га келди 3 — ғазаб(и) қайнади — ғазаб(и)ни қайнатмоқ; дунёдан ўтмоқ I — умр кўрмоқ — умр ўтказмоқ; баланд келмоқ I — устун келмоқ — ғолиб келмоқ.

б) Тўрт ибора қатнашадиган мана бу уяда биринчи, иккинчи иборалар умумнутққа хос, учинчи ибора расмий нутққа хосланган, тўртинчи ибора эса сўзлашув нутқиға хосланган: аччиғ(и) келди — аччиғ(и)ни келтирмоқ — қон(и) қайнади — қон(и)ни қайнатмоқ — ғазабга келмоқ — ғазабга келтирмоқ — аччиғ(и) қистаб кетди.

2. Синонимия уясидаги иборалар нутқнинг айна бир кўринишиға хосланган бўлади. Бундай ҳолат кўп эмас (7 та):

1) Синонимия уясидаги иборалар сўзлашув нутқиға хосланган бўлади: дақёнусдан қолган — алмисоқдан қолган (биринчиси шу келтирилган шаклда эмас, барча манбаларда даққиюнусдан қолган, доққиюнусдан қолган шаклларида ишлатилади); ким билади — худо билади; сариқ чақалик — бир пуллик.

2) Синонимия уясидаги иборалар расмий нутққа хосланган бўлади: ишга солмоқ 3 — ишга туширмоқ 2; жавоб бермоқ 1 — жавоб қайтармоқ; бир оғиздан 1 — бир овоздан 1; бир оғиздан 2 — бир овоздан 2.

И. Фразеологик синонимларнинг нутқда оз-кўп ишлатилиши

Фразеологик синонимларнинг нутқда оз-кўп ишлатилиши ни белгилашда босма манбага — ҳозирги ўзбек бадиий адабиётидан тўпланган материалга суяндик. Бунда қуйидаги принципга амал қилдик: синонимларни кўп-оз ишлатилиши асосида жойлаштирдик. Биринчи синоним сўнгги синонимга нисбатан ўн баробар ва ундан ҳам ортиқ ишлатилган бўлса, булардан биринчисини кўп ишлатилувчи синоним деб, сўнггисини оз ишлатилувчи синоним деб атадик. Ишлатилиши ўн баробардан оз фарқ қилса, оз ишлатилувчи синоними камида ўн марта учраган уяларнигина ишончли мисоллар қаторига киритдик. Кейинги тип уялардаги синонимларни ишлатилиши фарқли синонимлар деб атадик.

Юқоридаги мулоҳазалар асосида синонимия уяларини шундай группалаб ўрганиш мумкин:

1. Ишлатилиш миқдори кескин фарқ қилмайдиган синонимларни бирлаштирувчи уялар. Луғатда келтирилган 149 та синонимия уясида 121 тасини шу гуруҳга киритиш мумкин. Лекин юқорида таъкидланган чеклашлар туфайли 149 та уядан эмас, 48 та уядан келиб чиқиб фикр юритиш лозим бўлади. Ажратиб олинган 48 та уянинг 20 таси шу гуруҳга мансуб. Бунинг кўринишлари:

1) Икки ибора қатнашадиган уяларда синонимлар (19 та):

а) 1 : 1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича (8 та):

(15—13): кўз[лар](и) қинидан чиқиб кет[а ёз]ди ва кўз[лар](и)нинг пахтаси чиқди;

(24—19): юраг(и)ни ёрмоқ — юраг(и) ёрилди ва ўтака(си)ни ёрмоқ — ўтака(си) ёрилди;

(32—20): бош(и)ни емоқ ва бош(и)га етмоқ;

(59—45): бўйн(и)га олмоқ 1 ва тан олмоқ каби.

б) 2 : 1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича (4 та):

(27—10): тоқат(и) тоқ бўлди — тоқат(и)ни тоқ қилмоқ ва сабр коса(си) тўлди — сабр коса(си)ни тўлдирмоқ;

(40—17): қўлдан бермоқ ва бой бермоқ 2;

(63—23): яхши кўрмоқ 1 ва кўнгил бермоқ каби;

в) 3 : 1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича (3 та):

(59—18): чеҳра(си) очилди ва чирой(и) очилди;

(131—35): жавоб бермоқ 1 ва жавоб қайтармоқ каби;

г) 4 : 1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича (3 та):

(47—10): тил(и) бормади ва оғз(и) бормади;

(60—14): йўл олмоқ ва йўл солмоқ каби;

д) 7 : 1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (100—14): икки оғиз ва икки шингил каби.

2) Уч ибора қатнашадиган қуйидаги уяда синонимлар 3 : 1 ҳолатида бўлиб⁴⁰, синонимларнинг ишлатилиш миқдори (33—15—10): тинка(си) қуриди — тинка(си)ни қуритмоқ ва ҳолдан тоймоқ — ҳолдан тойдирмоқ ва ҳолдан кетмоқ — ҳолдан кетказмоқ.

2. Ишлатилиш миқдори кескин фарқ қиладиган синонимларни бирлаштирувчи уялар. Юқоридагича чеклашлар асо-

⁴⁰ Учта ва ундан ортиқ синоним қатнашадиган уяларда ибораларнинг ишлатилишини қиёслаш анча мураккаблашади. Бу ўринда уядаги биринчи ва охириги синонимларнинг ишлатилиш миқдорини асосга олдик.

сида ажратиб олинган 48 та уянинг 28 таси шу гуруҳга мансуб. Бунинг кўринишлари:

1) Икки ибора қатнашадиган уяларда синонимлар (10 та):

а) 11:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича:

(90—8): кўнгл(и)ни кўтармоқ — кўнгл(и) кўтарилди ва кўнгл(и) ўсди — кўнгл(и)ни ўстирмоқ;

б) 15:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (260—17): эс(и)дан чиқмоқ — эс(и)дан чиқармоқ ва ёд(и)дан кўтармоқ — ёд(и)дан кўтарилмоқ;

в) 20:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (41—2): бош(и)га кўтармоқ I ва шовқин солмоқ;

г) 34:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (171—5): кулоқ солмоқ I ва кулоқ бермоқ каби.

2) Уч ибора қатнашадиган уяларда синонимлар (14 та):

а) 12:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (51—19—4): ўз(и)га келмоқ 2 ва ҳуш(и)га келмоқ 2 ва ҳуш(и) ўз(и)га келди 2;

б) 21:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (63—50—3): ғаш(и)ни келтирмоқ ва ғаш(и)га тегмоқ ва асаб(и)га тегмоқ;

в) 29:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (88—3—3): дам олмоқ ва ҳордиқ чиқармоқ ва ҳордиқ олмоқ;

г) 55:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича ҳолатда бўлади: (55—12—1): бош(и) қотди — бош(и)ни қотирмоқ ва мия(си) ғовлаб кетди — мия(си)ни ғовлатиб юбормоқ ва бош(и) шишди;

д) 74:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (148—14—2): бир оғиз ва бир шингил ва бир чимдим каби.

3) Тўрт ибора қатнашадиган уяларда синонимлар (3 та):

а) 17:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (69—17—5—4): кўнгл(и) ғаш бўлди — кўнгл(и)ни ғаш қилмоқ ва кўнгл(и) хира бўлди — кўнгл(и)ни хира қилмоқ ва ташвиш тортмоқ ва кўнгл(и)ни ғашламоқ — кўнгл(и) ғашланди;

б) 47:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (239—34—7—5): кўнгл(и)дан ўтмоқ — кўнгл(и)дан ўтказмоқ ва хаёл(и)дан ўтмоқ — хаёл(и)дан ўтказмоқ ва фикр(и)дан ўтказмоқ ва бош(и)дан кечмоқ — бош(и)дан кечирмоқ 2;

в) 50:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (250—35—15—5): эс(и)га тушмоқ — эс(и)га туширмоқ ва эс(и)га келмоқ — эсга келтирмоқ 1 ва эс(и)га солмоқ ва хаёл(и)га келмоқ-хаёл(и)га келтирмоқ 2 каби.

4) Беш ибора қатнашадиган қуйидаги уяда синонимлар 10:1 ҳолатида бўлиб, синонимларнинг ишлатилиш миқдори қуйидагича: (10—5—5—2—1): футур етди — футур етказмоқ ва ҳалал етди — ҳалал етказмоқ ва зарар етказмоқ ва зарар(и) тегди ва зарар келтирмоқ.

VI. Лексик-фразеологик синонимия ҳақида

Тилда сўзга нисбатан ибора жуда оз. Шу сабабли лексик-фразеологик синонимияни белгилашда жунаш нуқтаси қилиб ибора танланиши керак.

Автор тузган луғатда фразеологик маъно кўпиначча тасвирий йўл билан очилди. Бунга, биринчидан, фразеологик маънонинг нозик қирраларини ҳам қамраб олиш учун иштило, иккинчидан, кўп ҳолларда фразеологик маънога синоним сўз (лексик маъно) топилавермаслиги олиб келди.

Луғатга киритилган ибораларни кузатиш кўрсатадики, фразеологик синонимия уяларининг қарийб ярми (149 уянинг 74 таси) сўз билан ҳам синонимия ҳосил этади, демак, буларда лексик-фразеологик синонимия уяси ҳақида гапириш мумкин.

Синонимия ҳосил этмайдиган ибораларнинг эса қарийб ўндан тўртида (671 иборанинг 266 тасида) фразеологик маъно синоним сўз келтириш билан очилган (булар орасида бир маъноли иборалар ҳам, кўп маъноли иборалар ҳам бор, албатта; мисолларни луғатдан енгилгина топиш мумкин).

Агар юқоридаги икки ҳолатни қўшиб ҳисобга олсак, луғатга киритилган ибораларнинг қарийб қирқ беш проценти лексик-фразеологик синонимия ҳосил этишини аниқлаймиз.

Хуллас, лексик-фразеологик синонимия анча кенг тушунча бўлиб, фразеологик синонимияга ҳам, бундай муносабат ҳосил этмайдиган ибораларга ҳам тааллуқли. Лексик-фразеологик синонимия махсус ўрганишга лойиқ масалалардан биридир.

Қисқа хулосалар

1. Синонимия фразеологик бирликларда ҳам анчагина. Шу сабабли сўзлардаги бу ҳодисани лексик синонимия деб, ибораларда эса фразеологик синонимия деб аташ, бир сино-

нимия уясида ҳам сўз, ҳам ибора қатнашса, лексик-фразеологик синонимия ҳақида гапириш ўринли. Буларнинг барчаси биргаликда луғавий синонимияни ҳосил этади.

2. Синонимия автор тузган луғатга киритилган ибораларнинг тахминан тўртдан бирига хос бўлиб, булар орасида энг кўпи икки ибора қатнашадиган уялардир. Уч ибора қатнашадиган синонимия уялари ҳам анчагина; тўрт, ҳатто беш ибора қатнашадиган синонимия уялари ҳам бор.

3. Фразеологик синонимия асосан феъл туркумига тўғри келувчи ибораларда ва қисман белги англатувчи ибораларда мавжуд.

4. Синонимия асосида маъно муносабати ётади. Фразеологик синонимия уяларининг қарийб ўндан тўртида полисемантик ибора қатнашади. Кузатишлар кўрсатадики, полисемантик иборанинг ҳар бир маъноси ўз бошига синонимия муносабати ҳосил этиб туриши мумкин. Бундай полисемантик иборанинг бир маъноси синонимик муносабатда қатнашади, бошқаси (бошқалари) эса қатнашмайди. Бу — кўп учрайдиган ҳолат. Баъзан эса икки полисемантик ибора ўзаро бир неча маъносида синонимия ҳосил этиб туради. Полисемантик иборанинг бир маъноси бир синонимия уясида, яна бир маъноси бошқа синонимия уясида қатнашуви ҳам анчагина. Юқоридаги ҳолатлар синонимияни белгилашда полисемантик иборани бир бутун ҳолда олиб ҳукм чиқариш тўғри бўлмаслигини, ҳар гал конкрет фразеологик маънонинг ўзидан келиб чиқиб фикр юритиш лозимлигини кўрсатади. Синонимияни белгилашда ибораларнинг бирламчи маънолари орасидаги муносабатни ҳам, иккиламчи маънолари орасидаги муносабатни ҳам ҳисобга олиш зарур.

5. Фразеологик синонимларни турли нуқталардан ўрганиш уларнинг табиатини, ўхшаш ва фарқли томонларини тўғри аниқлашга олиб келади.

6. Дастлаб ўзаро синоним ибораларни бир иборанинг вариантларидан ажрата билиш керак. Бунинг учун синоним ибораларнинг лексик таркибини ўрганиш лозим.

Синоним иборалар таркибида бирор компонент яъни шу сўз бўлиши мумкин (синонимия уяларининг қарийб 80 процентиди шундай ҳолат мавжуд). Аммо бунда бошқа-бошқа сўз компонент ёки компонентлар ўзаро синоним бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда бир иборанинг икки вариантга эга бўламиз.

7. Синонимия ҳақида сўз бошлаш учун икки ва ундан ортиқ ибора айни бир маънони англатиши талаб қилинади. Синонимларни аниқлашда ягона ва умумий белги — шу. Қол-

ган белгилар жузъий, улар барча синонимия уяларида маъжуд бўлавермайди.

8. Жузъий белгилар орасида энг кенг кўламлиси синоним иборалар асосида бошқа-бошқа образнинг ётишидир. Синонимия уяларининг бир нечасидагина асосида айни бир образ ётувчи иборалар учради. Булар, бир томондан, вариантларга ўхшаса, иккинчи томондан, синонимларга ўхшайди. Ҳар ҳолда, буларни вариантлар деб эмас, синонимлар деб ҳукм чиқариш тўғри бўлади. Агар асосида бошқа-бошқа образ ётишини барча синонимлар учун умумий белги даражасига кўтарсак, юқоридаги бир неча синонимия уясида кўз юмган бўламиз.

9. Синонимларнинг маъно қиррасида фарқланиши — маънос таъкидланадиган белгилардан бири. Лекин бу ҳам жузъий белгилардан. Кузатишлар бир неча синонимларнинг ўзаро маъно қирраси жиҳатдан фарқланиб турмаслигини, маъноси деярли тенг эканини кўрсатди. Тўғри, бундай синонимлар ҳам ўзаро маълум фарққа эга бўлади, аммо бу фарқлар синонимларнинг маъносида эмас, бошқа томонларида намоён бўлади.

Хуллас, синонимлар тенг маъноли бўлиши мумкин, аммо тенг қийматли бўлмайди. Тенг маъноли синонимларда улар англатадиган маъно, аниқроғи, маъно ўзани ҳамда маъно қирраси тенг келади. Бу — жуда оз учрайдиган ҳолат. Одатда синонимларнинг маъно ўзани тенг келади, маъно қирраси эса фарқ қилади.

10. Маъно қирраси деб номланадиган ҳодисалар ранг-баранг бўлиб, деярли ҳар бир синонимда хусусий бўлади, ҳар бир синонимия уясини шу жиҳатдан конкрет баҳолаш талаб қилинади. Шунга қарамай, синонимия уяларини маъно интензивлиги, маънонинг конкрет-абстрактлиги, маънонинг вақтга муносабати жиҳатдан характери, маънонинг ҳар хил қиррасини бўрттириши каби нуқталар асосида группалаш мумкин. Лекин булар, бари бир, ҳар бир уяни конкрет баҳолашнинг ўрнини боса олмайди.

11. Фразеологик синонимларнинг грамматик табиатида фарқланиши ҳам жузъий белгилардан биридир. Фразеологик синонимларнинг грамматик табиати уларнинг грамматик қурилиши, грамматик шаклларга кириши, синтактик вазифаси, грамматик контексти, вариантланиши каби хусусиятлари асосида белгиланади. Юқорида саналган хусусиятлар бир синонимия уясига бирлашувчи ибораларнинг ярмидан кўпида бир хил.

12. Юқоридагилардан ташқари, синонимлар образлилик даражасида, стилистик бўёғида, замонийлигида, нутқ кўри-

нишларига хосланганлигида, нутқда оз-кўп ишлатилишида фарқ қилиши мумкин.

Кузатишлар фразеологик синонимларнинг кўпинча образлилик даражасида, нутқда оз-кўп ишлатилишида фарқ қилишини кўрсатади; стилистик бўёғида, замонийлигида, нутқ кўрнишларига хосланганлигида фарқланиш нисбатан оз.

13. Ҳар бир фразеологик синонимга тўғри ва тўлиқ характеристика бериш учун уни синонимия уяси ичида олиб, бошқа синонимлари билан қиёслаб ўрганиш зарур. Бунда синонимлар турли-туман нуқталардан текширилади, улар орасидаги ўхшашлик ҳам, фарқлар ҳам таъкидланади. Синонимлар орасида фарқлар қанча оз бўлса, уларни нутқда бир-бирининг ўрнида ишлатишга имконият ортади ва, аксинча бўлса, бундай имконият озаяди. Қай даражада бўлмасин, синонимларни ўзаро алмаштиришга йўл қўювчи контекст мавжуд бўлади. Бундай адмаштириш билан ниманидир йўқотилади, нимагадир эга бўлинади. Худди ана шу «нималардир» синоним ибораларнинг ҳар бирига тилда яшаш ҳуқуқини беради.



ФРАЗЕОЛОГИК ВАРИАЦИЯ

Кўпгина олимларнинг эътиборини тортган ҳодисалардан бири фразеологик вариациядир. Бир-бирига ўхшаш икки қурилишни иккита ибора деб ёки бир иборанинг икки варианты деб қараш атрофида турли манбаларда турлича фикрлар баён қилинган.

Бир иборанинг вариантларини синоним иборалар деб қарашни ақс эттирувчи асар сифатида А. В. Кунин мақоласини кўрсатиш мумкин¹. Автор айрим фразеологик birlikлар синонимиясини сноскада (1447-бетда) эслатиб ўтади-да, бошдан оёқ вариантлар ва уларнинг турлари ҳамда кўринишлари ҳақида фикр юритади. Ибораларнинг структурал синонимик вариантлари (буни кўпинча структурал синонимия деб атайди) фразеологик birlikларгагина хос хусусият эканини таъкидлаб, бундай синонимиянинг (асли бир иборага бирлашувчи вариантларнинг) белгилари сифатида қуйидагиларни санайди: 1) қисман ёки тўлиқ тенг келувчи маънонинг борлиги, 2) умумий константанинг борлиги (бу константа иборанинг семантик маркази — негизи бўлиши ёки иккинчи даражали компоненти бўлиши мумкин), 3) грамматик қурилишнинг тенглиги. Шулар қатори яна ягона образга асосланиш ҳам келтирилади (аммо вариантларга кўра образ ўзгариши мумкин экани қайд қилинади).

Энг асосли белги — охиргиси. Вариантлар, ҳақиқатда айни бир образга суянади. Бизнингча, агар образ бошқа-бошқа бўлса, вариантлар ҳақида эмас, балки икки ибора ҳақида гапириш шарт. А. В. Кунин энг муҳим деб санаган уч белги асосида бир иборанинг вариантларини синоним иборалардан

¹ Кунин А. Некоторые вопросы английской фразеологии. «Англо-русский фразеологический словарь», Госиздат иностранных и национальных словарей, М., 1955, стр. 1444—1450.

чеклаб-чегаралаб олиш қийин. Чунки синонимлар айна бир маънони англата туриб, ўз маъносига кўра қисман фарқланади. Ҳатто маъноси тўлиқ тенг келувчи, аммо бошқа томонлари билан фарқ қилувчи синонимлар ҳам мавжуд. Умумий константа (компонент) синонимларда ҳам (ҳатто синоним бўлмаган ибораларда ҳам) бўлиши мумкин. Грамматик қурилиши айнан синонимлар ҳам кўп (ишимизнинг «Фразеологик синонимия» баҳсига қаранг).

Структурал синонимияни (вариантлар синонимиясини) А. В. Кунин уч хил деб кўрсатади: лексик синонимия, грамматик синонимия, лексик-грамматик синонимия. Сўз-компонент алмашса, лексик синонимия деб номлайди. Бунда икки ҳодисани фарқлайди: алмашинувчи компонентлар тилда ўзаро синоним бўлади ёки синоним бўлмайди. Сўнгра ҳар хил туркумга тўғри келувчи ибораларда қайси туркум сўзи билан ифодаланган компонентлар алмашинувчини мисоллар келтириб тасвирлайди. Охири лексик синонимия структурал синонимиянинг энг кўп учровчи тури эканини таъкидлайди.

Шундан сўнг жуда қисқа тарзда грамматик синонимия ва лексик-грамматик синонимия ҳақида тушунча беради. Грамматик синонимиянинг уч кўриниши саналади: 1) компонентларнинг ўрнини алмаштириш билан туғилувчи вариантлар, 2) ибора таркибидаги от компонентни бирлик ёки кўпликда ишлатиш билан туғилувчи вариантлар, 3) сифат компонентни от сўзга алмаштириш билан туғилувчи вариантлар.

Юқоридаги икки тур қатнашган ҳолатлар лексик-грамматик синонимия деб аталган.

Аввало, «синоним» («синонимия») терминини бу ҳодисага нисбатан ишлатишдан воз кечиш керак. Чунки вариантни вариант, синонимни синоним деб номлашдан кўра содда ва оқилона иш бўлмас. Акс ҳолда терминологик бошбошдоқликка дучор бўламиз. Чунки «лексик синоним» («лексик синонимия»), «грамматик синоним» («грамматик синонимия») терминлари илгаридан бошқа мундарижа билан ишлатиб келинади. А. В. Кунин булардан фразеология соҳасида янги бир ҳодисани англатувчи терминлар сифатида фойдаланади. Юқоридаги (А. В. Кунин ишлатган) терминларда «синоним» («синонимия») сўзини «вариант» сўзи билан алмаштириш маъқул («лексик вариант», «грамматик вариант», «лексик-грамматик вариант»).

Биринчиси ўрнида келувчи идеографик синонимлар ибора таркибида маъно жиҳатдан фарқланишини йўқотади деб таъкидлайди автор (1445-бет). Аввало, шундай ҳолатнинг юз беришини негадир идеографик синонимларнинг контекстуал синонимларга ўтиши деб баҳолайди. Контекстуал

синонимияни бундай тушунишга хайрихоҳ бўлиш қийин. Иккинчидан, бу бетда келтирилган асос («объясняется утратой данными синонимами своего номинативного значения в составе фразеологических единиц») 1447-бетда келтирилган изоҳга («взаимозаменяемые компоненты сохраняют в какой-то степени своё номинативное значение в составе фразеологических единиц») зид. Бизнингча, иккинчи изоҳ тўғри. Фақат фразеологик чатишмаларга нисбатан автор ҳақли бўлиши мумкин.

Юқоридаги мулоҳазалардан қатъи назар, бу асарнинг 1450-бетда айтилган фикрлар ишонч ва эътиборга лойиқ. Биз буларни бирма-бир санаб ўтирмадик.

Ю. Д. Апресяннинг монографик мақоласидаги охириги бир неча бет фразеологик вариантларга бағишланган². Синонимияга бағишланган қисмида олға сурилган беш белгининг биттасида бўлса ҳам икки қурилиш ўзаро фарқ қилса, Ю. Д. Апресян буларни ўзаро вариантлар деб эмас, синонимлар деб қараш тарафдори. Бунда автор вариантларнинг ўзи-га ҳос хусусиятларини кўрсатишга интилмади, балки кўпроқ қандай ҳолатларни синонимлар қаторига қўшиш кераклигини таъкидлайди.

Ю. Д. Апресян ўз фикрларини ибора компонентларини алмаштириш ҳодисасинигина кўзда тутиб айтади, вариантланишнинг бошқа турлари билан қизиқмайди.

Автор ўзи санаган беш ҳолатга (маъно миқдориди фарқланишга, маънонинг характерида фарқланишга, маъно қиррасида фарқланишга, стилистик ва эмоционал-экспрессив функцияда фарқланишга, синтактик функцияда фарқланишга) нисбатан таъриб, бундай фарқ мавжуд қурилишларда хусусий, фарқли томон умумий томондан устун туради деган фикрни айтади (278-бет). Бу фикрга қўшилиб бўлмайди.

Синонимни вариантдан фарқлашда ҳар гал юқоридаги беш пунктга амал қилиш лозимлигини таъкидлаб туриб, автор шу ернинг ўзидаёқ бу принципдан четга чиқади. 279-бетдаги анализда тўрт пункт санайди. Булардан биринчи ва тўртинчи пункт юқоридаги беш пунктнинг иккитасига тўғри келади, қолган икки пункт эса ибораларнинг қурилишига тааллуқли. Шундай бир томонламаликни авторнинг бошқа анализларида ҳам кўрамиз. Фразеологик синонимия масаласига анча чуқур ёндашган бу авторнинг фразеологик вариацияга

² Апресян Ю. Д. Фразеологические синонимы в современном английском языке (тип «глагол + существительное»), «Ученые записки Первого Московского гос. пед. института иностранных языков», том XV, 1957, стр. 276—283.

етарли эътибор билан қарамагани кўриниб турибди. Бирор иборада вариантларнинг мавжуд бўлишини бундай иборанинг нутқий хосланишига, составига, ички боғланишига, маъноларининг миқдорига тобе қилиб қўйиш ўзини оқламайди деб ўйлаймиз (279-бет).

А. П. Хазанович мақоласида ҳам вариантлар фразеологик синонимларнинг таснифида алоҳида бир тур қилиб берилди³. Структурал тасниф асосида синоним ибораларни ҳақиқий синонимлар (собственно синонимы) ва синонимик вариантлар деб иккига группалайди (114-бет). Бир иборанинг вариантларини «синонимик» деб аташ асоссиз экани юқорида айтилган эди.

Синоним иборалар учун белги қилиб: а) лексик состави ҳар хил бўлишини, б) асосида ҳар хил образ ётишини, в) грамматик қурилиши ҳар хил бўла олишини келтиради. Вариантларда эса, аксинча, а) грамматик қурилишининг бир хил бўлиши, б) лексик составининг жуда яқин, ўхшаш бўлиши, в) асосида айни бир образ ётиши, г) ягона семантик стерженга эга бўлиши таъкидланган (114-, 115-бетлар).

Фразеологик синонимлар ва фразеологик вариантларда бу белгилар автор айтганича ўзаро зид бўлмайди. Лексик составида, грамматик қурилишида фарқ қилиш, семантик стерженнинг, асосида ётган образнинг тенг келиши фразеологик синонимларда ҳам, вариантларда ҳам учрайди.

Фразеологик синонимиянинг ва вариантларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи процессларни автор тўғри таъкидлайди (115-бет). Аммо бундай яқинлашиш ва парчаланиш, ажралиш масаланинг тарихини ўрганиш жиҳатдан алоҳида аҳамият қозонади. Шаклланиб етган тил фактини ўзаро қиёлашда ва фарқлашда шундай умумий мулоҳаза деярли фойда бермайди.

Мақолада шундан сўнг вариантларнинг турлари тасвирланади. Бунда автор аввал икки турни: ибора лексик составини ўзгартиш билан туғиладиган вариантларни ва ибора компонентларидан бирининг грамматик формасини ўзгартиш билан туғиладиган вариантларни — фарқлайди. Биринчи турга: 1) ибора компонентини синоними билан алмаштиришни, 2) ибора компонентини синоним бўлмаган сўз билан алмаштиришни, 3) иборанинг лексик составини кенгайтиришни киритади. Кейингилар орасида учинчи пункт қалтис. Чунки

³ Хазанович А. П. Типы синонимов в идиоматике современного немецкого языка, «Ученые записки ЛГУ», № 253, серия филологических наук, вып. 45, 1959, стр. 114—118.

ибора составига киритилган сўз ибора структурасининг ажралмас таркибий қисми бўлсагина, бу пункт ўзини оқлайди. Акс ҳолда иборанинг нутқда (контекстда) бирор сўз билан синтактик боғланиб келишигагина эга бўламиз.

Умуман, А. П. Хазанович мақоласининг шу қисми А. В. Кунин асари таъсирида ёзилган, буни қисм охирида саналган ижобий фикрлар мажмуасидан сезиб олиш қийин эмас (118-бет).

И. И. Чернишева ҳам А. В. Кунин ва А. П. Хазанович бошлаган йўлдан боради, шу авторлардаги фикр-мулоҳазаларни яна-да конкретлаштиради⁴. Янгилик ҳодисани эркин сўз бирикмаларига қиёслаб баҳолашда (103-, 104-бетлар), янги термин киритиш мумкинлигини айтишда (105-бет) кўринади. Турли-туман ўзгаришларни фразеологик вариациялар деб, шундай ҳодиса асосида туғиладиган янги бирликларни фразеологик вариантлар деб аташ мумкинлигини айтади. Аммо автор шу терминлардан фойдаланишни узил-кесил тавсия қилмайди: айни бир терминни икки хил мундарижали қилиб қўйишдан чўчийди. Ваҳолонки «синонимик вариантлар», «структурал синонимия» терминларининг киритилиши «синоним» терминини худди шундай аҳволга тушириб қўйган. Шуларда «синоним» ўрнига «вариант» терминини ишлатиш ҳар икки ҳодисани тўғри тушуниш ва тўғри аташга олиб келади.

Мақоладаги яна бир янгилик шуки, аввалги баъзи авторлар вариант деб тан олмаган ҳолатлар бу авторда вариантлар қаторига киритилади. Шундай ҳолатлар тариқасида компонент алмаштириш билан: а) бошқа-бошқа нутқ кўришига хосланган қурилишларнинг ҳосил бўлиши, б) нозик маъно қирралари билан фарқ қилувчи қурилишларнинг ҳосил бўлиши келтирилади (105-бет).

Йўл-йўлакай бўлса ҳам, фразеологик синонимларни фразеологик вариантлардан фарқлаш зарурияти Т. А. Бертагаев ва В. И. Зимин мақоласида ҳам айтиб ўтилади⁵. Фразеологик вариант деб ички грамматик ўзгаришга дучор бўлган ёки компоненти синоним сўз билан алмаштирилган иборага айтилади. Бу тўғри фикрда бир кичик нуқта аниқлик киритишни талаб қилади: ибора ҳақида эмас, иборанинг бир кўриниши ҳақида сўз юритиш дуруст эди.

⁴ Чернишева И. И. Явления синонимии и полисемии в фразеологии немецкого языка, «Иностранные языки в школе», 1960, № 6, стр. 102—106.

⁵ Бертагаев Т. А. и Зимин В. И. О синонимии фразеологических словосочетаний в современном русском языке, «Русский язык в школе», 1960, № 3, стр. 4.

Бевосита фразеологик вариантларнинг ўзига бағишланган махсус иш Г. И. Краморенко томонидан ёзилган⁶. Бу китобда автор лексик алмаштириш билан юзага келадиган вариантларни таҳлил қилади. От компонентни алмаштиришга асосланган вариантлар бир боб қилиб, феъл компонентни алмаштиришга асосланган вариантлар иккинчи боб қилиб тасвирланган. Биринчи тип вариантларни автор семантик-стилистик вариантлар деб, иккинчи тип вариантларни эса лексик-грамматик вариантлар деб атайди (38-бет).

Г. И. Краморенко бир иборанинг компонентларини алмаштириш билан туғиладиган қурилишларнигина вариант деб кўрсатади; бунда вариантлар структурада, лексик составда, маънода умумиятга эга бўлишини, фақат бир-икки компоненти ўзаро фарқ қилишини айтади (4-бет).

От компонентлар вариациясига бағишланган бобда алмашинувчи отлар ўзаро синоним бўлиши типик ҳолат экани, бундай синонимлар одатда стилистик синонимларга тўғри келиши таъкидланади (6-, 7-бетлар). Фразеологик вариантларнинг пайдо бўлиш манбалари сифатида диалектлар ва социал гуруҳланишлар (профессионал гуруҳланиш, жаргонлар) кўрсатилади (7—11-бетлар).

Алмашинувчи отлар ўзаро метонимик муносабатда бўлишини алоҳида пунктга ажратади, бунда асосан қисм билан бутун муносабатидаги алмашинувларни тасвирлайди (13-бет).

Учинчи пункт сифатида тематик яқинлиги бўлган отларнинг алмашинувчини беради (18-бет). Бундай алмашинувчи отлар ўзаро синоним эмас, балки яқин маъноли сўз бўлиши, алмаштириш иборанинг маъносига сезиларли ўзгартиш кiritмаслиги таъкидланади (19-бет).

Иккинчи, феъл компонентларнинг алмашинувига бағишланган бобда феъл вариациянинг икки кўриниши фарқланади: бир планли ва ҳар хил планли вариация. Биринчисида ўтимсиз феъллар ўзаро ёки ўтимли феъллар ўзаро алмаштирилади; иборанинг структураси, компонентларининг ўтимли-ўтимсизлиги, види ўзгармагани ҳолда, ҳаракатнинг объектив-субъектив характеристикаси турлича конкретлаштирилади (32-бет).

Ҳар хил планли вариацияда асосан ўтимли-ўтимсизлик ва вид маъносида ўзгариш юз беради, шу муносабат билан иборанинг қурилиши, субъект-объектга муносабат ҳам ўзгаради (33-бет).

⁶ Краморенко Г. И. Фразеологические варианты в идиоматике современного немецкого языка, Смоленск, 1961.

Алмаштириш имкониятини изоҳлашга интилиб, бундай вариацияга одатда образи унутилмаган, изоҳланадиган иборалар йўл қўйишини тўғри таъкидлайди. Афсуски, бу мазмунли тадқиқотнинг учинчи боби аввалги икки боб даражасида яхши таассурот қолдирмайди.

Фразеологик бирликларнинг вариантларини синоним иборалардан фарқлашга бағишланган махсус мақолалардан бири Р. Л. Ляндо томонидан эълон қилинган⁷. Мақола автори вариантлар масаласига турғун бирикмаларнинг ўзига хос тараққиёт йўлларида бири сифатида ёндашади. Иборанинг ички қурилишида юз берадиган лексик ва структурал ўзгаришлар икки хил натижага олиб келишини таъкидлайди: шу йўл билан ё бошқа-бошқа ибора (синонимлар) пайдо бўлади, ёки бир иборанинг вариантлари ҳосил этилади. Автор икки ҳодисани — фразеологик синонимларни ва бир иборанинг вариантларини — ўзаро кескин фарқлаш тарафдори бўлиб чиқади. Бу мақоланинг қиймати яна шундаки, унинг автори ўзигача бўлган манбаларни ҳолисона, тўлиқ ва тўғри баҳолайди. Бошқа авторлар фикридаги умумий ва фарқли ўринларни таъкидлаб, фразеологик синонимлардан фразеологик вариантларни фарқлаб олишда қуйидаги тўққиз нуқтадан ёндашув кераклигини айтади ва ҳар бир пунктни алоҳида-алоҳида мисоллар билан намойиш қилади: 1) лексик составнинг қисман бир хил бўлиши, 2) келиб чиқиш йўли, 3) семантик характеристика, 4) эмоционал бўёқ, 5) стилистик характеристика, 6) бири ўрнида иккинчисини ишлатиш, 7) образлилик, 8) изоҳланиш даражаси (степень мотивированности), 9) грамматик қурилишнинг бир хиллиги (общность).

Тасвирдан сўнгги хулосаларда вариантларни синонимлардан фарқловчи белги сифатида қуйидагилар саналади: 1) айти бир тушунчага тенг келиш, 2) эмоционаллик даражасида тенг келиш, 3) функционал стилларда ишлатилиши бир хил бўлиш, 4) истаган контекстда бири ўрнида иккинчисини ишлатиш мумкинлиги, 5) камида бир компонентнинг айти бир сўз бўлиши (охирги белги номер қўйилмай келтирилган; кейинги иккитаси энг муҳим белгилар деб таъкидланган).

Мажбурий бўлмаган, аммо вариантларни таниб олишда ёрдам берадиган белгилар деб қуйидагилар саналган: 1) бир иборанинг деформацияси натижасида туғилиш ва қисман

⁷ Ляндо Р. Л. К вопросу об отличии вариантов фразеологических единиц от синонимичных фразеологизмов в современном французском языке. «Ученые записки Московского гос. пед. института им. В. И. Ленина», Вопросы французской филологии, М., 1962, стр. 258—283.

бошқа-бошқа ибораларнинг тўлиқ тенглашуви ҳамда ўхшаб кетуви натижасида туғилиш, 2) бир хил грамматик қурилишли бўлиши (грамматик қурилиши ҳар хил бўлиши ҳам мумкин), 3) аynи бир ёки яқин образнинг мавжудлиги, 4) изоҳланиш даражасининг бир хиллиги (вариантланишнинг баъзи кўринишларида изоҳланиш даражаси ҳар хил бўлиши ҳам мумкин).

Вариантларни таърифлашда яна бир нуқта қўшиб кетилган: нутқда оз-кўп ишлатилиши жиҳатдан ҳам фарқли бўлиши мумкин дейилади.

Бизнингча, бир манбадан ўсиб чиқиш, бир образга асосланишни асосий, мажбурий белгилар қаторига қўшиш лозим эди. Автор мажбурий деб санаган белгилардан баъзиси фразеологик синонимларга ҳам хос бўлиши мумкин. Шундай ҳолатни, масалан, аynи бир тушунчани (маънони) англатиш белгисиди, бир хил эмоционал-бўёқли бўлиш белгисиди, нутқ кўринишларида ишлатилиш белгисиди, умумий компонентнинг мавжуд бўлиши белгисиди кўрамиз. Демак, асли буларнинг ўрни — автор иккинчи группа деб санаган белгилар қаторида.

Ўзигача ёзилган манбаларда мавжуд ва ўзи ҳам 267-бетда йўл-йўлакай тилга олган бир ҳодиса белгилар қаторида саналмаган. Бу ўринда лексик алмаштиришлар ўзаро қандай маъно муносабатидаги сўзлар бўлиши масаласини кўзда тутишимиз.

Хусусий эътирозлар тарзида қуйидагиларни айтиб ўтишни зарур деб топдик. Вариантлар ҳар хил ибораларнинг ўзаро яқинлашуви йўли билан туғилишига, ҳар ҳолда, ишончсизлик билан қараймиз (268-бет). Икки ибора ҳар қанча яқинлашганда ҳам, бир ибора ҳолатига ўтмайди деб ўйлаймиз. Иборалар сохта этимология асосида яқинлашадими, асосида ётган образнинг сўниши натижасида яқинлашадими, барибир, бошқа-бошқа иборалигича қолади. Контаминация асосида туғилган ҳолатнигина ўзига асос бўлган ибораларга нисбатан вариант деб қарашда озми-кўпми асос бор. Аммо биз контаминация вариантнинг эмас, синонимнинг пайдо бўлишига олиб келади деб ўйлаймиз. Чунки аynи бир қурилиш бир вақтда иккита иборанинг варианты бўла олмайди. Кўрииб турибдики, мақола авторининг А. П. Хазанович фикрига эътирози асосли эмас (269-бет).

Синонимлар аynи бир тушунчани ҳам, яқин тушунчаларни ҳам англатиши ҳақидаги тезисига қўшилмаймиз (269-бет). Вариантларнинг ўзаро маънода мутлақо фарқ қилмаслиги ҳақидаги фикр ҳам ўзбек тили материалида тасдиқланмайди (269-бет). Автор вариантларнинг яна бошқа жиҳатларда

ҳам ўзаро мутлақо фарқ қилмаслигини шарт қилиб қўяди. Маъно қиррасида, эмоционаллигида, нутқий хосланишида фарқ мавжуд бўлмайди десак, вариантлашдан мақсад нима? Вариантлаш туфайли нимагадир интиламиз, нимагадир эришамиз. Иборанинг ўзгартириб бўладиган томони, ўзгартириб бўлмайдиган томони бор. Юқоридаги фарқланишлар иборанинг асосан лексик таркибини ўзгартиш билан эришиш мумкин бўлган ҳодисалардир.

Адабиётларда, шу жумладан таҳлил қилинаётган мақолада ҳам, бирор компонентнинг синоним билан ёки яқин маъноли сўз билан алмашинуви таъкидланади. Алмаштиришга йўл қўйиш бу компонентнинг лексик мустақиллигини қисман бўлса-да тан олишга, уни ибора таркибидаги жонли, ҳаёт ҳужайра деб қарашга тенг. Алмаштирувчи сўз синоним бўлса, уни ишлатиш билан звалги синонимда йўқ нимадир ибора структурасига киритамиз. (синонимлар эмас, дублетлар алмашсанина, ҳеч нима ўзгартирилмайди, тилда эса бундай дублет санокли бўлади; ибора компонентини алмаштириш эса кўп). Агар алмаштирувчи сўз яқин маъноли сўз бўлса, иборанинг маъносига бирор семантик қирра албатта қўшилади. Алмашинувчи сўзлар, хоҳ улар ўзаро синоним бўлсин, хоҳ яқин маъноли сўзлар бўлсин, иборанинг компоненти сифатида семантик, экспрессив-стилистик ва бошқа фарқларини йўқотадиган дейиш мавҳум тафаккур маҳсули. Агар тил фактларининг ўзига суянсак, ўрганилаётган ҳодисанинг нутқдаги мавқеи ва вазифаларини бевосита кўзатсак, юқоридаги назарий хулосадан воз кечишга тўғри келади.

Хуллас, қандайдир эҳтиёж, талаб борки, фразеологик birlikларда вариация юз беради. Маълум талаб, эҳтиёжни қондириш учун амалга ошириладиган тил операцияси кўзлангандан бошқа ҳодиса ва ҳолатларнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келиши мумкин.

Вариантларни, албатта, умумий планда (умумтил ҳодисаси сифатида) ҳам, хусусий планда (индивидуал нутқ ҳодисаси сифатида) ҳам ўрганиш лозим. Бу икки ҳодисани фарқлаш вариантларнинг туғилиш сабабларини тўғри баҳолашга хизмат қилади.

Қисқа бўлса-да, фразеологик вариантлар масаласи В. Т. Шкляров мақоласида ҳам ёритилган⁸. Автор фразеологик вариант деб асосида ягона семантик образ ётувчи, бир-бирдан грамматик формаси билан ёки баъзи компонентлари

⁸ Шкляров В. Т. О фразеологических синонимах в русском языке. «Труды кафедр русского языка вузов Восточной Сибири и Дальнего Востока». Иркутск, 1962, стр. 123, 124.

билан фарқланиб турувчи қурилишларни тушунади. Бу икки белгидан иккинчисининг тўла қонли эмаслигини авторнинг ўзиёқ тан олган. Грамматик формада фарқланишнинг қайси типларини вариантлар деб қараш аниқ айтилмаган. Грамматик форма ўзгаришининг ҳар бир кўринишини вариант деб бўлмаслиги шубҳасиз. Демак, бу белгида мустаҳкам асос йўқ.

«Синоним вариантлар» терминини ишлатиш билан яна аввалги баъзи авторларнинг йўлига тушиб қолган. «Голос» сўзи қатнашган уч қурилишни уч ибора дейишда шу сўзнинг лексик маъносидангина келиб чиқиш ҳам тўғри бўлмаган (буларда «голос» сўзи уч маънода қатнашган дейиш ҳам қийин). Юқорироқда: «Асосида бешка-бешка образ ётади», — деб берган тезисига асосланиш, тўлиқ бўлмаса ҳам, тўғри бўлади.

С. Н. Савицкая мақоласида вариантланиш қандайдир тескари баҳоланган⁹. Ҳаттача ёнган авторлар ибора қурилишидаги лексик, грамматик ўзгаришлар фразеологик бирликлардаги турғунлик хусусиятини йўққа чиқармаслигини, бундай ўзгаришлар шу турғунлик қолипи доирасида, шу турғунликнинг ичида ўз беришини алоҳида таъкидлаб ўтишига қарамай, С. Н. Савицкая юқоридагича ўзгаришларни турғунликнинг емирилиши, бузилиши деб тушунади, бундай ўзгаришларни истисно, чекиниш деб тақдим этади (40-бет). Бу хулосани фақат модал ибораларни ўрганиш асосида чиқариш бир томонламаликка олиб келган. Ҳақиқатда, модал иборалар қурилишида ўзгаришлар бешка туркумга тўғри келувчи ибораларга нисбатан оз ва чекланган бўлади. Аммо шунда ҳам истисно ҳақида гапириш ўзини оқламайди.

Автор санаган пунктлар ҳам вариантланиш жиҳатдан тенг моҳиятли эмас. Масалан, майл, замон, шахс-сонда ўзгаришнинг вариант даражасига кўтариш жуда шартли (41-, 42-бетлар).

Вариантланишни бевосита иборанинг ўзига эмас, кўпинча эркин бирикмалик даврига боғлаш, ўша давр хусусияти, қолдиги деб қараш ҳам асосли бўлмаса керак (44-бет). Қурилишининг (айниқса лексик таркибининг) ўзгаришига йўл қўйиши фразеологик бирликни сўзга тенглаштириб бўлмаслигини кўрсатади дейишда автор ҳақли, албатта (44-бет).

Фразеологик вариантларга Н. А. Кирсанованинг мақола-

⁹ Савицкая С. Н. Об устойчивости фразеологических единиц (на материале английского языка), «Вопросы теории английского и немецкого языков», Киевский институт народного хозяйства, Киев, 1962, стр. 40—45.

сида ҳам анча ўрин ажратилган¹⁰. Автор ўз фикрини тескарироқ бошлайди: иборанинг вариантыни айрим компонентларининг лексик ва грамматик вариантлари билан фарқланувчи фразеологик бирликлар деб тушунтиради (96-бет). Аввало, вариант терминини компонентларга нисбатан ишлатиш ноўрин бўлган. Иккинчидан, алмашинувчи сўзларни ўзаро вариантлар дейиш кўпинча хато чиқади ҳам (агар алмашинувчилар вариантлар бўлса, улар бир сўзнинг икки шаклига тенг келиши керак; ҳақиқатда эса автор синоним ёки синоним бўлмаган икки сўзнинг ибора таркибида алмашинувига мисоллар беради).

Вариациянинг кўринишларини санашда мутаносиблик бузилган: лексик вариантларнинг турлари берилган-у, уларни бирлаштирувчи термин («лексик вариантлар») ишлатилмаган (бу терминни автор ўз «Тезислар»ида келтирган). Лексик вариацияда алмашинувчи қисмининг стилистик бўёқли ёки шундай бўёқсиз бўлишидан келиб чиқилган, алмашинувчи сўзлар ўзаро қандай маъно муносабатида бўлиши эса аҳамиятсиз қолдирилган.

Алмашинувчи сўзларнинг стилистик бўёғи жиҳатдан ўзаро фарқли бўла олишини таъкидлаган, демак, фразеологик вариантларнинг стилистик бўёқда фарқлана олишини тан олган. Бу мақтовга лойиқ. Аммо биринчи планга шуни эмас, алмашинувчи сўзларнинг маъно муносабатини чиқариш дурст бўлар эди.

Грамматик вариантланишлар учун саналган пунктлар рус тилининг грамматик тузумига мос тушади. Лекин «в» пунктида мисоллар тўғри келтирилмаган: саналган уч мисолнинг охиригисигина келишик формаларида фарқланиш туфайли ҳосил бўлган, қолган икки мисолда асли предлогдан келиб чиқиб фикр юритиш лозим эди.

Н. М. Шанский дарслигида фразеологик вариантларга махсус параграф ажратилган¹¹. Бу манбада вариантлар «фразеологик бирликларнинг лексик-грамматик ўзгаришларга учраган кўринишлари» деб таърифланади. Вариантлар учун иккита шарт келтирилади: а) маънода тенг келиш, б) семантик туташлик даражасида тенг келиш.

¹⁰ Қирсанова Н. А. О некоторых семантических признаках фразеологических единиц (к вопросу о многозначности и синонимике в сфере фразеологии), «Проблемы фразеологии. Исследования и материалы», Изд-во «Наука», М.—Л., 1964, стр. 96—100. Шундан илгари бу докладнинг тезислари эълон қилинган эди: «Проблемы фразеологии и задачи составления фразеологического словаря русского языка. Тезисы», Л., 1961, стр. 18—21.

¹¹ Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка, Изд-во «Просвещение», М., 1964, стр. 190, 191.

Бу икки шарт етарли эмас, албатта. Чунки маънода тенг келмайдиган вариантлар ҳам учрайди. Бундай вариантлар айна бир маънони англатади; аммо маъно қиррасида озми-кўпми фарқ ҳам қилади. Бундай ҳолат айнақса лексик вариантга хос.

Семантик туташлик ҳам вариантларда бир хил бўлавермайди. Бу белгида фразеологик бирликларнинг маъно типлари кўзда тутилган, албатта. Авторнинг ўзи санаган вариантланиш типларидан тўлиқ ва эллиптик вариантларда семантик туташлик иккинчисида биринчи тур вариантдагидан кучли бўлиши шубҳасиз.

Вариантларнинг ўзаро нимада фарқ қилишини Н. М. Шанский жуда қисқа, лекин тўғри ва баъзи авторлардагидан кўра тўлиқ кўрсатади. Фарқланишни дастлаб уч жиҳатдан белгилайди: лексик составда, структурада, стилистик бўёқда. Сўнг грамматик тобе сўзнинг морфологик формасида фарқланишга, аниқловчи вазифасида бошқа-бошқа сўз келиши билан фарқланишга, тўлиқ ва қисқарган ҳолда ишлатилиш асосидаги фарқланишга мисоллар беради (охирги турда стилистик фарқланиш ҳам содир бўлишини таъкидлаб ўтади). Стилистик фарқланишнинг бошқа турга тобе ҳолатда тасвирланиши ижобий бўлмаган, албатта.

А. М. Бабкин ҳам¹² фразеологик вариантларнинг баъзи турларини тилга олади-ю, аммо «фразеологик вариант» терминини ишлатмайди, «бир неча фразеологизм» деб атаб, ноаниқликка йўл қўяди. «Бир неча фразеологизм» деб атаган ҳодисасига қарата «маънода мос келиш» (смысловое совпадение) таъбирини, фразеологик синонимларга қарата «маънода ўхшаш, яқин» («сходные в смысловом отношении») таъбирини ишлатади (37-, 38-бетлар). Бу формулировкалар ҳам ноаниқ, бир томонлама чиққан.

Алмашинувчи компонентларнинг (демак, шулар қатнашадиган вариантларнинг) стилистик жиҳатдан нейтрал бўлиши ёки нейтрал бўлмаслигини таъкидлаганда автор бу тил ҳодисаларини объектив ва тўғри баҳолагани кўринади.

Фразеологик синонимияни фразеологик вариантлардан ажратиш масаласи ёритилган энг сўнгги манбалардан бири «Фразеология масалаларига бағишланган IX координацион кенгаш» докладларининг тезисларидир¹³. Бу манбадаги иккита доклад тезислари фразеологик вариант масаласига ба-

¹² Бабкин А. М. Лексикографическая разработка русской фразеологии, Изд-во «Наука», М.—Л., 1964, стр. 37.

¹³ «IX координационное совещание по вопросам фразеологии. Тезисы докладов», Баку, 1964.

гишланган. А. А. Такиашвилининг доклади гарчанд «Фразеологик синонимия» деб номланган бўлса ҳам, ҳақиқатда фразеологик вариант устида сўз юритилади. Бу доклад тезисларидаги учинчи пункт диққатга сазовор. Унда алмашинувчи сўзларнинг ўзаро синоним бўлиши (бу ўз ичида «тўлиқ ёки тўлиқсиз синоним» деб ҳам ажратилган, аммо бунисига қўшилмаймиз), баъзангина контекстуал синоним бўлиши айтилади. Синоним билан алмаштириш туфайлигина фразеологизмнинг маъносини сақлаб қолинади деб уқтириб ўтади.

Луғатга мустақил бирлик сифатида киритиш тарафдори эканини айтиш муносабати билан фразеологик вариантларни баҳолашда бир неча янги нуқталарни санаб кўрсатади: вариантлар ҳар хил диалектлар материали бўлмаслиги, тил тараққиётининг ҳар хил босқичига ҳос қурилиш бўлмаслиги, калькалар бўлмаслиги, хато (ноўрин) алмаштиришнинг натижаси бўлмаслиги дегим дейди.

Ю. Ю. Аваллиани, Л. И. Ройзензоннинг доклади синоним ибораларни бир иборанинг вариантларидан фарқ қилишга бағишланган. Авторларнинг фикрича, фразеологик бирлик қурилишидаги ўзгариш катта бўладими, кичик бўладими, бундан қатъи назар, фразеологик бирлик асосидаги (внутренний) образ ўзга бўлиб қолмаса, шундагина фразеологик вариант ҳақида гапириш мумкин. Бу фикр тўғри. Аммо авторлар вариантликдан ташқарига чиқади деб кўрсатган баъзи ўзгаришларга қўшилиб бўлмайди. Масалан, нисбат ясалиши ва шунга боғлиқ ҳолда ҳаракатнинг объектга йўналишида ўзгариш юз беришини ибора асосидаги образни ўзга қилиб қўяди дейиш ўзбек тили фактларида тасдиқланмайди. Тезис авторлари ҳам асли шундай грамматик форма ясалишини эмас, балки узук-юлук мисолларни кўзда тутиб фикр юритгандек кўринади. Янги маъноли ҳолатнинг юз бериши сўзлардаги нисбат ясалишида ҳам баъзан учрайди. Аммо буларда янги маъно нисбат ясалиши туфайли эмас, маълум семантик силжиш, ўзгариш билан воқе бўлади.

Туркий тиллар материалида, шу жумладан ўзбек тили материалида фразеологик вариация деярли ўрганилмаган. Ўзбек тили фразеологик бойлигида шундай ҳодисанинг борлиги аллақачон сезилган, алоҳида таъкидланган-у, аммо «фразеологик вариант» тушунчаси ва термини киритилмаган¹⁴. Грамматик вариантларни ўрганишга бағишланган ма-

¹⁴ Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик birlikларнинг асосий грамматик хусусиятлари. Кандидатлик диссертацияси. М., 1952, 83-, 84-бетлар; шу автор, Фразеологик birlikларнинг асосий маъно турлари. ЎзФА нашриёти, Тошкент, 1955, 14-, 15-бетлар.

қолалар ҳам эълон қилинган, лекин буларда ҳам «вариант» термини ишлатилмаган¹⁵. Фақат авторнинг сўнгги ишларидан бирида бу тушунча ва термин берилган, шунда ҳам мисоллар лексик вариантларгагина келтирилган¹⁶.

* * *

Қўлингиздаги ишда фразеологик вариантлар учун белги қилиб қуйидагилар олинди:

1) Вариантлар деб қаралувчи қурилишлар турли-туман лексик, грамматик ўзгартишлар туфайли бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, барчаси бир манбага, бир асосга бирлашуви лозим.

2) Вариантлар деб қаралувчи қурилишлар асосида аини бир образ ётиши лозим (бу образнинг вариантларга кўра сўниш-сўнмаслигидан, қай даражада ўқилишидан қатъи назар).

3) Вариантлар деб қаралувчи қурилишлар аини бир маънони англатиши лозим (улар ўзаро маънонинг кучли-кучсизлигида, итқий, стилистик белгиларида фарқ қилиши мумкин).

4) Ўзаро ўсиб чиққан вариантлар қурилишида умумий лексик компонент бўлиши шарт (икки ва ундан ортиқ иборанинг қурилишида умумий лексик компонентнинг мавжуд бўла олишидан қатъи назар).

Хуллас, вариантланиш туфайли бир ибора бошқа бир иборага айланмайди, бир иборага хос образ бирлиги, маъно бирлиги сақланади. Вариантланиш туфайли юз берадиган ўзгаришлар ибораларга хос яхлитликни емирмайди, парчаламайди, балки иборага хос яхлитлик доирасида, шу яхлитлик йўл қўйган даражада воқе бўлади. Акс ҳолда ё ибора йўққа чиқади, ёки бошқа бир ибора барно қилинади.

Қуйида фразеологик вариация асосан икки нуқтаи назардан ўрганилди.

I. Вариантланишнинг миқёси ва миқдори.

II. Вариантланишнинг турлари ва хиллари.

¹⁵ Раҳматуллаев Ш. Об одной особенности грамматической структуры фразеологических единиц в современном узбекском языке. «Труды СамГУ», Вопросы фразеологии, новая серия, вып. 106, Самарканд, 1961, стр. 86—98; его же, О преобразовании грамматического строения у именных фразеологических единиц. «Научные труды ТашГУ им. В. И. Ленина», новая серия, вып. 211, филологические науки, книга 24, Ташкент, 1963, стр. 225—230.

¹⁶ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 140-бет.

I. Вариантланишнинг миқёси ва миқдори

Вариантланиш — ўзбек тилидаги фразеологик бирликларда жуда кенг тарқалган ҳодиса. Автор тузган луғатга киритилган ибораларнинг ўндан олти қисми кўп вариантли. Луғатда қарийб мингта ибора, демак, шунча изоҳ мақолачаси берилган. Булардан ташқари, луғатда 1300 га яқин ҳавола мақолачаси ҳам бор. Булар биргаликда луғатга киритилган иборалардаги вариантларнинг умумий миқдорини ташкил қилади.

Иборалар иккитадан тортиб ўн биттагача вариантли бўлиши мумкин. Энг кўпи — икки вариантли иборалар (340 фразеологик маънода шундай). Уч вариантли иборалар ҳам кўп (150 фразеологик маънода шундай). Вариантларнинг миқдори орта борган сари, бундай ибораларнинг миқдори камая боради. Тўрт вариантлилар 63 та, беш вариантлилар 36 та, олти вариантлилар 18 та, етти вариантлилар 11 та, саккиз вариантлилар 3 та, тўққиз вариантлилар 3 та, ўн вариантлилар 3 та, ўн бир вариантли ибора битта.

Асли кўп вариантлилик луғатга киритилган мингга яқин иборанинг 582 тасига хос. Юқоридаги ҳисоб бўйича вариантланиш 618 та. Миқдорнинг ортиши (96 таси) кўп маънолиликл туфайли содир бўлган. Чунки полисемантик иборада унинг маънолари турлича вариантланиши мумкин. Бу ҳақда ишимизнинг фразеологик полисемияга бағишланган қисмида маълумот берилган.

II. Вариантланишнинг турлари ва хиллари

Кўп вариантли ибораларда (фразеологик маъноларда) бир вариант бош вариант деб белгиланади, бошқа вариантлар шу бош вариантнинг турлича ўзгариши натижасида ҳосил бўлади. Бош, асосий вариант тилда қандай яшаса, бошқа вариантлар ҳам шундай яшайди. Демак, бош вариант ҳам, бошқа вариантлар ҳам умумтил ҳодисасидир¹⁷.

Вариантларни қиёслаб ўрганиш уларнинг тур ва хиллари кўп эканини кўрсатади. Буларнинг барчаси икки катта гурпага бирлашади:

А. Лексик вариантлар.

Б. Грамматик вариантлар.

Лексик вариантлар ибора таркибидаги сўз-компонентнинг

¹⁷ Умумтилга хос вариантлардан ташқари, индивидуал нутққа хос вариантлар ҳам мавжуд. Кейинги хил вариантлар катта бир илмий-текшириш ишининг объекти бўла олади. Бундай ҳодисаларни тасвирлашдан ҳозирча тийилдик.

ўзгариши билан, грамматик вариантлар эса ибора таркибининг грамматик ўзгариши билан юзага келади.

Баъзан айти вақтда ҳам лексик таркиб, ҳам грамматик таркиб ўзгаради. Бундай ўзгариш билан туғилган вариант лексик-грамматик вариант деб юритилади. Бу тур юқоридаги икки турнинг хусусиятларини бирлаштиради.

Вариантларнинг бу уч туридан ўзбек тилида энг кўпи грамматик вариантлардир (барча вариантларнинг 55 процентига тўғри келади). Лексик вариантлар ҳам жуда кўп (барча вариантларнинг қарийб 42 процентини ташкил қилади). Лексик-грамматик вариантлар, кўринадики, жуда оз (барча вариантларнинг уч процентидан ортиқроқ қисмига тўғри келади).

Юқоридаги уч ҳодиса бир иборанинг вариантланишида турли-туман комбинация ҳосил этиб келади ҳам.

А. Лексик вариантли иборалар

Лексик вариантлар ибора лексик таркибидаги ўзгаришнинг характерига қараб уч турли бўлади:

1) Сўз алмаштириш билан юзага келадиган тури (лексик алмаштириш).

2) Сўз қўшиш билан юзага келадиган тури (лексик қўшиш).

3) Сўз ташлаш билан юзага келадиган тури (лексик ташлаш).

Лексик вариантларнинг бу турлари якка-якка келиши ёки ҳар хил комбинацияда келиши мумкин. Бундан қатъи назар, иборанинг неча вариантли экани ҳам ҳисобга олиниши керак.

А) ИККИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Лексик вариантланишнинг бир тури қатнашадиган кўринишлари:

1) Сўз алмаштириш билан юзага келадиган вариантлар (63 та). Бунинг бир неча кўриниши бор: сўз билан сўз алмашади, бир сўзнинг вариантлари алмашади. Кейинги ҳодиса жуда оз учрайди.

1] Сўз билан сўз алмашинувга асосланган вариантлар (59 та). Бунинг ўзи икки турли: бир компонент алмашади ёки биттадан ортиқ компонент алмашади.

(1) Бир компонент алмашганида (57 та):

[1] Кўпинча бир туркум сўзлари алмашади. Алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним бўлиши ёки яқин маъноли сўзлар бўлиши мумкин:

а) От туркумига мансуб сўзлар алмашади (миқдор жиҳатдан булар биринчи ўринда туради — 35 та). Бунда алмашинувчи отлар ўзаро:

а) Синоним бўлади (28 та):

(б) Бу икки сўз бош маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади (22 та). Бунда алмашинувчи синонимлар ўзаро:

[а] Маънода фарқ қилади (12 та). Бундай синонимлар олатда идеографик синонимлар деб юритилади:

а. Кўнгил сўзи юрак сўзи билан алмашади (кўнгил сўзида маъно мавҳум): кўнгл(и) гаш тортди ва юраг(и) гаш тортди; кўнгл(и)га қўл солмоқ ва юраг(и)га қўл солмоқ; кўнгл(и)да кир(и) йўқ ва юраг(и)да кир(и) йўқ.

б. Дил сўзи кўнгил сўзи билан алмашади (дил сўзида маъно мавҳумроқ); содда дил ва содда кўнгил; содда диллик ва содда кўнгиллик.

в. Зарар сўзи зиён сўзи билан алмашади (зарар сўзи асосан моддий йўқотишни, зиён сўзи эса маънавий йўқотишни англатишида ишлатилади): зарар кўрмоқ ва зиён кўрмоқ; зарар(и) тегди ва зиён(и) тегди; зарар етказмоқ ва зиён етказмоқ.

г. Тараф сўзи томон сўзи билан алмашади (тароф сўзининг маъносида «кўп томоннинг бири» қирраси бор): тўрт тароф(и) қибла ва тўрт томон(и) қибла.

д. Дунё сўзи олам сўзи билан алмашади (дунё сўзининг маъно ҳажми олам сўзиникидан тор): дунёдан кетмоқ ва оламдан кетмоқ.

е. Таг сўзи ост сўзи билан алмашади (таг сўзида «бирор нарсаннинг ички томондан туби», ост сўзида эса «бирор нарсаннинг ташқи томондан туби» қирраси устун); кўз тагига олмақ ва кўз остига олмақ.

ж. Мижжа сўзи киирик сўзи билан алмашади (тожик тилида «киирик»ни англатувчи мижжа сўзи ўзбек тилида маъно тараққеватига мураб, кўллик пардасининг киирик ўрнатишган қисми» маъносига ўтган; ибора таркибиде «киирик» маъноси билан сақланган; демак, бу икки сўзни ҳозирги ўзбек адабий тилида синонимлар дейиш анча шартли бўлиб қолган): мижжа қоқмаслик ва киирик қоқмаслик.

[б] Нутқий, стилистик белгисиде фарқ қилади (8 та). Бундай синонимлар стиль синонимлари ва стилистик синонимлар деб юритилади:

а. Умумнутқ сўзи (демак, нейтрал стилистик бўёқли сўз) сўзлашув нутқиға хосланган сўз билан алмашади. Бунда:

сўзлашув нутқиға хосланган сўз салбий стилистик бўёқли бўлади: юз(и) чидамади ва бет(и) чидамади;

сўзлашув нутқиға хосланган сўз нейтрал стилистик бўёқли бўлади: ўрниға келтирмоқ ва жойиға келтирмоқ.

б. Сўзлашув нутқиға хосланган сўз умумнутқ сўзи билан алмашади. Қуйидаги мисолда ҳар икки синоним нейтрал стилистик бўёқли: отимни бошқа қўяман! ва номимни бошқа қўяман!

Мана бу мисолда эса биринчи синоним салбий стилистик бўёқли, иккинчиси эса нейтрал стилистик бўёқли: бет(и) чидайди?! ва юз(и) чидайди?!

в. Умумнутқ сўзи расмий нутққа хосланган сўз билан алмашади (ҳар икки синоним нейтрал стилистик бўёқли): бўйн(и)ға тушмоқ ва зимма(си)ға тушмоқ.

г. Бадний нутққа хосланган сўз умумнутқ сўзи билан алмашади. Қуйидаги мисолда ҳар икки синоним нейтрал стилистик бўёқли: ўйға чўммоқ ва ўйға ботмоқ.

Мана бу мисолда биринчи синоним ижобий стилистик бўёқли, иккинчиси эса нейтрал стилистик бўёқли: очиқ чехра билан ва очиқ юз билан.

д. Ҳар икки сўз умумнутққа хос бўлади, аммо биттаси ҳозирги ўзбек тилида йўқ эски маъноси билан қатнашади: анқонинг тухуми ва анқонинг уруғи (уруғ сўзи «тухум» маъноси билан қатнашган).

[в] Ҳам маънода, ҳам нутқий белгисиде фарқ қилади. Масалан, қуйидаги мисолда алмашинувчи юрак ва қалб синонимларидан иккинчисининг маъноси мавҳум; биринчи синоним умумнутқ сўзи, иккинчи синоним эса бадний нутққа хосланган сўз: юраг(и)дан сидириб ташламоқ ва қалб(и)дан сидириб ташламоқ.

(б) Бу икки сўздан бири бош маъносида, иккинчиси ясама маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади (5 та). Бунда алмашинувчи синонимлар:

[а] Маънода фарқ қилади (2 та):

а. Бош сўзининг ясама маъноларидан бири чекка сўзи билан алмашади (иккинчи синонимнинг маъносида «ён томондан» қирраси бор): бир бошдан ва бир чеккадан.

б. Қўл сўзининг ясама маъноларидан бири бармоқ сўзи билан алмашади (биринчисиде қисм маъносига бутун маъноси ҳам қотишиб туради): қўл(и)ни бигиз қилмоқ ва бармоғ(и)ни бигиз қилмоқ.

[б] Нутқий белгисиде фарқ қилади (3 та). Қуйидаги мисолларда кўз сўзининг ясама маъноларидан бири назар сўзи билан ва аксинча алмашади (назар сўзи расмий нутққа хосланган, кўз сўзининг маъноси эса умумнутққа хос): кўз(и) тушди ва назар(и) тушди; кўзда тутмоқ ва назарда тутмоқ; назар солмоқ ва кўз солмоқ.

(в) Ҳар икки сўз ясама маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади: **мия(си)га келмоқ** ва **бош(и)га келмоқ**. Бу синонимлар нутқий ва стилистик белгисида фарқ қилмайди. Маънода фарқланиш ҳам деярли сезиларсиз (биринчисида «ақлий»лик бевосита, очиқроқ ифодаланади).

б) Яқин маъноли сўзлар алмашади (7 та). Бу сўзлар:

(а) Бош маъноларида қатнашади ва ўзаро:

[а] Нутқий, стилистик белгисида фарқ қилмайди (4 та):

а. Гап сўзи сўз билан алмашади: **гап қистирмоқ** ва **сўз қистирмоқ** (бу икки сўз ясама маъноларида синонимия ҳосил этади; аммо бу ўринда улар бош маънолари билан қатнашаётир).

б. Уй сўзи фикр сўзи билан алмашади: **уйга толмоқ** ва **фикрга толмоқ**.

в. Толқон сўзи сўк сўзи билан алмашади: **оғз(и)га толқон солмоқ** ва **оғз(и)га сўк солмоқ**.

г. Ноғора сўзи чилдирма сўзи билан алмашади: **ноғора(си)га ўйнамоқ** ва **чилдирма(си)га ўйнамоқ**.

[б] Нутқий, стилистик белгисида фарқ қилади (2 та):

а. Сўзлашув нутқида хосланган сўз расмий нутққа хосланган сўз билан алмашади: **халақит бермоқ** ва **халал бермоқ**.

б. Эски маъноси билан қатнашган сўз ҳозирги маъноси билан қатнашган сўзга алмашади: **бир пуллик** ва **бир чақалик**. Бу ерда **пул** сўзи «оқча» маъносида эмас, балки энг кичик чақа («ярим тийин»лик) маъносида келади. Бундай маъно ҳозирги ўзбек тили учун эски маънодир.

(б) Бири ясама маъносида, иккинчиси эса бош маъносида қатнашади: **ерга урмоқ** ва **пастга урмоқ** (ер сўзи ясама маъноларидан бирида қелган, 1959 йил луғатида бу маъно иккинчи маъно деб берилган).

б) Сифат туркумига мансуб сўзлар алмашади. Бу жуда оз учрайди. Қуйидаги мисолда яқин маъноли сўзлар алмашиб, улар нутқий, стилистик белгида фарқ қилмайди: **кайф(и) чоғ** ва **кайф(и) хуш**.

в) Сон туркумига мансуб сўзлар алмашади. Бу ҳам жуда оз. Қуйидаги мисолда яқин миқдорни англатувчи сонлар алмашиб, улар нутқий, стилистик белгида фарқ қилмайди: **икки эллик** ва **тўрт эллик**.

г) Феъл туркумига мансуб сўзлар алмашади. Булар миқдор жиҳатдан иккинчи ўринда туради (15 та). Бунда алмашинувчи сўзлар ўзаро:

а] Синоним бўлади (5 та):

(а) Бу икки сўз бош маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади. Бунда алмашинувчи синонимлар ўзаро:

[а] Маънода фарқ қилади: **икки оёғ(и)ни бир этикка суқ-**

моқ ва икки оёғ(и)ни бир этикка тикмоқ (суқмоқ феълида «зарб билан» қирраси бор).

[б] Нутқий, стилистик белгисида фарқ қилади:

а. Умумнутқ сўзи сўзлашув нутқиға хосланган сўз билан алмашади: қилдан қийиқ қидирмоқ ва қилдан қийиқ ахтармоқ (бундай алмаштириш туфайли аллитерацияға қисман футур етади).

б. Архаик маъноси билан қатнашган сўз (бу маъносида сўзлашув нутқиға хосланган деб қараш мумкин) замонавий маъносида қатнашган сўз билан алмашади (кейинги сўз умумнутқники бўлади): кун(и) битди ва кун(и) тугади.

(б) Бири бош маъносида, иккинчиси ясама маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади. Қуйидаги мисолда биринчи сўз сўзлашув нутқиға хосланган, иккинчиси эса умумнутқники: жин(и) суймайди ва жин(и) севмайди.

(в) Ҳар иккиси ясама маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади: баҳр(и)дан ўтмоқ ва баҳр(и)дан кечмоқ (бу сўзлар «отказаться» маъноси билан қатнашаётир).

[б] Яқин маъноли сўзлар алмашади (II та). Бу сўзлар:

(а) Бош маъносида қатнашади ва ўзаро нутқий, стилистик белгида фарқ қилмайди:

[а] Урмоқ сўзи билан қўймоқ сўзи алмашади: оёғ(и)га бош урмоқ ва оёғ(и)га бош қўймоқ.

[б] Шўнғимоқ сўзи билан кириб кетмоқ сўзи алмашади: бош(и) билан шўнғимоқ ва бош(и) билан кириб кетмоқ.

[в] Босмоқ сўзи билан урмоқ сўзи алмашади: темирни қизигида босмоқ ва темирни қизигида урмоқ.

[г] Етмоқ сўзи билан тегмоқ сўзи алмашади: бош(и) ёстиққа етганда ва бош(и) ёстиққа текканда.

[д] Солмоқ сўзи билан ташламоқ сўзи алмашади: кўз(и)га чўп солмоқ ва кўз(и)га чўп ташламоқ.

[е] Ютмоқ сўзи билан солмоқ сўзи алмашади: ич(и)га ютмоқ ва ич(и)га солмоқ.

[ж] Урмоқ сўзи билан қоқмоқ сўзи алмашади: оғз(и)га урмоқ ва оғз(и)га қоқмоқ.

(б) Бири бош маъносида, иккинчиси ясама маъносида қатнашади: қора терга ботмоқ ва қора терга тушмоқ.

(в) Ҳар иккиси кўчма маъносида қатнашади: лаб(и)га учуқ тошади ва лаб(и)га учуқ чиқади.

д) Равиш туркумиға мансуб сўзлар алмашади. Булар жуда оз. Қуйидаги мисолда умумнутққа хос синонимлар алмашиб, улардан биринчиси оддий сўз: подадан олдин чанг чиқармоқ ва подадан аввал чанг чиқармоқ.

е) Тасвирий сўзлар алмашади. Бу ҳам жуда оз. Қуйидаги мисолда яқин маъноли сўзлар алмашиб, улар нутқий, сти-

стистик белгида фарқ қилмайди: юраг(и) шув этиб кетди ва юраг(и) шиф этиб кетди.

[2] Баъзан бошқа-бошқа туркум сўзларининг ўзаро алмашинуви ҳам учрайди. Қуйидаги мисолда олмош билан сон сўз алмашган: у ёқда турсин ва бир ёқда турсин (кейингиси оз ишлатилади).

(2) Бирдан ортиқ компонент алмашади. Бундай ҳолат жуда оз учрайди. Қуйидаги мисолда алмашинувчиларнинг биринчиси ўзаро яқин маъноли сўзлар бўлиб, шулардан биринчиси оз ишлатилади; алмашинувчиларнинг иккинчиси ўзаро синонимлар бўлиб, шуларнинг биринчиси умумнутқ сўзи ва стилистик бўёғи нейтрал, иккинчиси эса шундай ишлатилишида сўзлашув нутқига хосланган ва салбий стилистик бўёқли: «Бўрк ол», — деса (...), бош олмоқ ва «Дўппи ол», — деса (...), калла олмоқ.

Мана бу мисолда алмашинувчиларнинг биринчиси синоним равишлар бўлиб, нутқий, стилистик белгида ўзаро фарқ қилмайди, алмашинувчиларнинг иккинчиси шу маъноларида синонимия ҳосил этувчи феъллар бўлиб, биринчисида стилистик бўёқ салбий: тўйдан илгари ногора қоқмоқ ва тўйдан олдин ногора чалмоқ.

2) Бир сўз фонетик вариантларининг алмашинувиغا асосланган фразеологик вариантлар. Булар жуда оз:

[1] Ваҳима билан ваҳм алмашади: ваҳима босди ва ваҳм босди.

[2] Луғатларда икки сўз деб берилган зиёд билан зиёда, бардош билан дош ҳам ўзбек тилида вариантлар деб уқилади: ҳаддан зиёд ва ҳаддан зиёда; бардош бермоқ ва дош бермоқ.

2) Сўз қўшиш билан юзага келадиган вариантлар (7 та). Бунда:

1) Бир сўз қўшилади. Натижада:

(1) Иборанинг бир компоненти жуфт сўзга айланади (3 та): икки шингил ва бир-икки шингил; тўрт оғиз ва уч-тўрт оғиз; эс(и)ни танимоқ ва эс-хуш(и)ни танимоқ. Кўринадики, иборанинг соң компоненти ёки от компоненти жуфт сўзга айланади.

(2) Иборанинг бир компоненти такрорий сўзга айланади (2 та): жон демоқ ва жон-жон демоқ; жон деб ва жон-жон деб. Кўринадики, бундай ўзгариш от компонентда содир бўлади.

(3) Иборанинг компоненти биттага ортади. Бундай сўз қўшиш ижобий ҳолат эмас. Масалан, кўз(и) уйқуга кетибди тарзида ишлатиш ортиқча тасвирийликка олиб келади. Бу иборанинг асосий варианты ҳозир кўз(и) кетибди варианты.

Гарчанд тарихан уч компонентли ҳолат бирламчи бўлса-да, ҳозир гўё иккиламчи вазиятга тушиб қолган.

2] Икки сўз қўшилади. Бу жуда оз учрайди. Қуйидаги мисолда ибора таркибига икки сўз қўшилган, булардан бири янги киритилган, иккинчиси бор компонентни такрорлаш билан қўшилган: **бир шингил ва бир шингил-ярим шингил.**

3) Сўз ташлаш билан юзага келадиган вариантлар (12 та). Бунда:

1] Бир сўз ташланади. Натижада:

(1) Иборанинг компонентлари биттага камаяди. Бунда:

[1] Икки компонентли иборادا бир сўзга тенг вариант ҳосил бўлади:

а) Бирикмага тенг ҳолат якка сўзга тенг ҳолатга ўтади: турмушга чиқмоқ ва **чиқмоқ**; эрга тегмоқ ва **тегмоқ**; эрга бермоқ ва **бермоқ**.

б) Йиғиқ гапга тенг ҳолат якка сўзга тенг ҳолатга ўтади: жони узилди ва **узилмоқ**.

[2] Иккитадан ортиқ компонентли ибораларда:

а) Изоҳловчи бўлак ташланади: ўз(и)ни ўз(и) еб қўймоқ ва **ўз(и)ни еб қўймоқ**.

б) Сифатловчи бўлак ташланади: дарёдан бир томчи ва **дарёдан томчи**.

в) Тўлдирувчи бўлак ташланади: дунёдан тоқ ўтмоқ ва **тоқ ўтмоқ**.

г) Қаралмиш бўлиб келган компонент ташланади: калава(си)нинг учини йўқотмоқ ва **калава(си)ни йўқотмоқ**.

д) Эргаш гапга тенг қисмининг кесим бўлаги ташланади, натижада содда ёйиқ бирикмага тенг ҳолат юзага келади: тоғни урса — **толқон қиладиган ва тоғни толқон қиладиган**.

(2) Ибора компонентларидан бири жуфт сўз ҳолатидан содда сўз ҳолатига ўтади (демак, ибора компонентларининг миқдори ва иборанинг грамматик қурилиши ўзгармайди): **йўл-йўриқ кўрсатмоқ ва йўл кўрсатмоқ**.

(3) Ибора компонентларидан бири такрорий сўз ҳолатидан содда сўз ҳолатига ўтади (бунда ҳам ибора компонентларининг миқдори ва иборанинг грамматик қурилиши ўзгармайди): **ўйлаб-ўйлаб, ўй(и)га етолмаслик ва ўйлаб, ўй(и)га етолмаслик**.

2] Иккита сўз ташланади. Бу жуда оз учрайди. Қуйидаги мисолда иборанинг тўлдирувчи ва унинг сифатловчи бўлаги биргаликда ташланган, натижада ёйиқ бирикмага тенг ҳолат бир сўзга тенг ҳолатга ўтган: **бир чўқишда қочирмоқ ва қочирмоқ**.

2. Лексик вариантланишнинг бир неча тури қатнашадиган кўринишлари (2 та):

1) Вариант айна вақтда ҳам сўз алмаштириш билан, ҳам сўз қўшиш билан юзага келади. Қуйидаги мисолда алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним бўлиб, улардан иккинчиси нутқда оз ишлатилади: **тўн(и)ни тескари кийиб олмоқ** ва **тери тўн(и)ни терс кийиб олмоқ**.

2) Вариант айна вақтда ҳам сўз алмаштириш билан, ҳам сўз ташлаш билан юзага келади. Қуйидаги мисолда алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним бўлиб, биринчиси умумнутқ сўзи ва стилистик бўёғи нейтрал, иккинчиси эса бадий нутққа хосланган сўз ва ижобий стилистик бўёқли: **кўкраг(и) тоғдай кўтарилди** ва **кўкс(и) кўтарилди**. Бу мисолда ҳол бўлакка тенг келувчи компонент ташланган.

Б) УЧ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Вариантларнинг барчаси бир хил вариантланиш натижасида юзага келади (19 та):

1) Сўз алмаштириш билан юзага келадиган вариантлар (14 та):

П] Сўз билан сўз алмашинувига асосланган вариантлар (13 та):

[1] Айна бир компонент алмашади (12 та):

а) От туркумига мансуб сўзлар алмашади (7 та). Бунда алмашинувчи сўзлар:

а] Ҳар уч вариантда ўзаро синоним бўлади:

(а) Бу сўзлар бош маъносиде синонимия ҳосил этиб алмашади:

[а] Маънода фарқ қилади-ю, нутқий, стилистик белгида фарқ қилмайди: **ён(и)ни олмоқ** ва **тараф(и)ни олмоқ** ва **томон(и)ни олмоқ**. Тараф ва томон синонимларининг маъно фарқини юқорироқда айтган эдик. Буларга нисбатан ён синонимида «горизонтал»лик қирраси бор.

[б] Ҳам маънода, ҳам нутқий, стилистик белгида фарқ қилади: **юраг(и)га ваҳима солмоқ** ва **кўнгл(и)га ваҳима солмоқ** ва **қалб(и)га ваҳима солмоқ**. Бу синонимларнинг маъно фарқлари ва нутқий, стилистик белгилари юқорироқда таъкидланган эди.

(б) Бир сўз ясама маъносиде, қолган икки сўз бош маъносиде синонимия ҳосил этиб алмашади. Қуйидаги мисолда синонимлар маънода деярли фарқ қилмайди; биринчи синоним умумнутқ сўзи, иккинчиси расмий нутққа хосланган, учинчиси эса бадий нутққа хосланган сўзлар (охиргисиде ижобий стилистик бўёқ бор): **кўз ташламоқ** ва **назар ташламоқ** ва **нигоҳ ташламоқ**.

в) Бир сўз бош маъносиде, қолган иккитаси ясама маъно-

сида синонимия ҳосил этиб алмашади. Қуйидаги мисолда синонимлар маънода, нутқий, стилистик белгида қисман фарқ қилади: **ақл(и)ни емоқ** ва **мия(си)ни емоқ** ва **эс(и)ни емоқ**. Биринчи синоним расмий нутққа хосланган, кейингилари сўзлашув нутқиға хосланган сўзлар. Иккинчисида салбий стилистик бўёқ бор.

(г) Ҳар уч сўз ясама маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади. Қуйидаги мисолда синонимлар маънода фарқ қилмайди: биринчи, иккинчи синоним умумнутқиники, учинчиси сўзлашув нутқиға хосланган: **гап(и)да турмоқ I** ва **сўз(и)да турмоқ I** ва **лафз(и)да турмоқ**.

б) Биринчи, иккинчи вариантда ўзаро синоним, учинчиси эса булар билан яқин маъноли сўз бўлади:

(а) Бу сўзлар бош маъносида қатнашиб алмашади: **бўйн(и)дан соқит қилмоқ** ва **гардан(и)дан соқит қилмоқ** ва **бош(и)дан соқит қилмоқ** (иккинчи синоним сўзлашув нутқиға хосланган).

(б) Синонимлар ясама маъносида, яқин маъноли сўз эса бош маъносида қатнашиб алмашади: **сўз(и)ни қайтармоқ** ва **гап(и)ни қайтармоқ** ва **илтимос(и)ни қайтармоқ** (яқин маъноли сўз расмий нутққа хосланган).

б) Сон туркумига мансуб сўзлар алмашади (2 та). Бунда:

(а) **Бир** сўзи ундан ясалган **бирон**, **бирор** сўзлари билан алмашади. Кейинги икки сўз аввалгисидан маънода фарқ қилади: **бир оғиз** ва **бирон оғиз** ва **бирор оғиз**.

(б) Нисбатан йирик миқдорни англатувчи сонлар алмашади: **эллик оғиз** ва **юз оғиз** ва **ун оғиз**.

в) Феъл туркумига мансуб сўзлар алмашади (3 та). Алмашинувчи сўзлар ўзаро:

а) Синоним бўлади:

(а) Ҳар уч сўз бош маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади: **дўппи(си)ни осмонга отмоқ** ва **дўппи(си)ни осмонга ирғитмоқ** ва **дўппи(си)ни осмонга ташламоқ**. Бу синонимлардан иккинчисининг маъносида «кучли зарб билан» қирраси бор, бунда ҳаракатнинг бир неча марта бўлиши ҳам кўзда тутилади. Бу сўз қолган икки синонимига нисбатан оз ишлатилади.

(б) Бир сўз кўчма маъносида, қолган иккиси бош маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади: **соя(си)га кўрпача солмоқ** ва **соя(си)га кўрпача ёзмоқ** ва **соя(си)га кўрпача тўшмоқ**. Синонимлар ўзаро нутқда ишлатилиши жиҳатдан фарқ қилади: кейинги икки сўз нутқда оз ишлатилади.

б) Яқин маъноли бўлади: **юз(и)га оёқ қўймоқ** ва **юз(и)га оёқ босмоқ** ва **юз(и)га оёқ тирамоқ**. Бу сўзлар нутқий, стилистик белгида фарқ қилмайди.

[2] Ҳар гал бошқа-бошқа компонент алмашади. Айни бир компонент алмашганда вариантларни ўзаро бевосита боғлаш, бири иккинчисининг ўзгариши билан юзага келган дейиш мумкин. Ҳар гал бошқа-бошқа компонент алмашганида эса кейинги икки вариантнинг ҳар бири бевосита биринчи вариантга нисбат берилиши керак (Вариантларнинг миқдори учтадан ортса, уларнинг ўзаро боғланиши яна ҳам мураккаб бўлади. Бундай ҳолатлар қуйироқда намойиш қилинади). Мана бу мисолда иккинчи вариант биринчи вариантдаги иккинчи компонентни алмаштириш билан, учинчи вариант эса биринчи вариантдаги биринчи компонентни алмаштириш билан юзага келган: таъб(и) хира ва таъб(и) намозшом ва табиат(и) хира. Алмаштирувчи биринчи компонентлар ўзаро синоним, алмаштирувчи иккинчи компонентлар эса ўзаро яқин маъноли сўзлар. Синонимия биринчи сўзнинг (таъб) бош маъноси билан иккинчи сўзнинг (табиат) ясама маъноси орасида. Яқин маъноли сўзларнинг биринчиси (хира) бош маъносида, иккинчиси (намозшом) эса ясама маъносида қатнашган (кейинги сўзнинг бу маъноси сўзлашув нутқида хосланган).

2] Бир сўз фонетик вариантларининг алмаштирувига асосланган фразеологик вариантлар. Бундай вариант жуда оз: дақёнусдан қолган ва даққиюнусдан қолган ва доқиюнусдан қолган. Булардан биринчи вариант фақат луғатлардагина келтирилади, бу вариант биз кўзатган бадиий асар текстларида ҳеч учрамади.

2) Сўз қўшиш билан юзага келадиган вариантлар. Бу уч вариантли ибораларда жуда оз. Қуйидаги мисолда кейинги икки вариант биринчи вариантга сўз қўшиш билан ҳосил бўлади: икки оғиз ва бир-икки оғиз ва икки-уч оғиз. Кўринадики, сўз қўшиш натижасида иборанинг сон сўз билан ифодаланган компоненти содда сўз ҳолатидан жуфт сўз ҳолатига ўтади.

3) Сўз ташлаш билан юзага келадиган вариантлар (3 та). Бунинг кўринишлари:

а) Сўз ташлаш натижасида иборанинг жуфт сўзга тенг компоненти содда сўзга тенг ҳолатга ўтади: эс-ҳуш(и)ни олиб қўймоқ ва эс(и)ни олиб қўймоқ ва ҳуш(и)ни олиб қўймоқ; ич-эт(и)ни емоқ ва ич(и)ни емоқ ва эт(и)ни емоқ. Кўринадики, кейинги икки вариант биринчи вариантнинг ўзгариши билан пайдо бўлган; бунда иборанинг грамматик қурилиши ўзгармаган.

б) Сўз ташлаш натижасида ибора компонентларининг миқдори озаяди, иборанинг грамматик қурилиши ҳам соддалашади: етти ухлаб, туш(и)да ҳам кўрмаслик ва ухлаб,

туш(и)да ҳам кўрмаслик ва туш(и)да ҳам кўрмаслик. Бунда иккинчи вариант биринчи вариантдан, учинчи вариант иккинчи вариантдан ўсиб чиққан (ибора таркибидаги вергулли қисм аввал якка сўз ҳолатига келтирилган, сўнгра умуман туширилган).

2. Вариантлар ҳар хил вариантланиш натижасида юзага келади (5 та):

1) Вариантлардан бири сўз алмаштириш билан, иккинчиси эса сўз қўшиш билан юзага келади. Қуйидаги мисолда иккинчи, учинчи вариантлар биринчи вариантдан ўсиб чиққан (иккинчи вариант сўз қўшиш билан, учинчи вариант эса сўз алмаштириш билан ҳосил қилинган): донг(и) кетди ва донг(и) доғистон кетди ва доврӯғ(и) кетди. Бунда синонимлар маънода фарқ қилади: доврӯқ сўзининг маъносида «овоза» қирраси, донг сўзининг маъносида эса «шўхрат» қирраси кучли. Бундан қатъи назар, агар халқ оғзаки ижодиётига мансуб донг(и) доғистон кетди вариантыни бош вариант деб олсак, сўз қўшиш ҳақида эмас, балки сўз ташлаш ҳақида гапириш лозим бўлади.

2) Вариантлардан бири сўз алмаштириш билан, иккинчиси сўз ташлаш билан юзага келади. Бунда алмашинувчи сўзлар ўзаро:

1) Синоним бўлади:

(1) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчисидан сўз ташлаш билан пайдо бўлган, учинчи вариант эса иккинчи вариантдан сўз алмаштириш билан туғилган; алмашинувчи сўзлар ясама маъносида синонимия ҳосил қилади: сўз(и)да қаттиқ турмоқ ва сўз(и)да турмоқ II ва гап(и)да турмоқ II. Кўринадики, маънони кучайтириш учун хизмат қилувчи сўз ташланган.

(2) Қуйидаги мисолда кейинги икки вариант биринчисидан ўсиб чиққан: юраг(и) дов бермади ва юраг(и) довламай ва дов беролмай. Иккинчи вариант биринчи вариантнинг иборага тенг қисмини (дов бермаслик) синоним сўз билан алмаштириш натижасида юзага келган. Учинчи вариант биринчи вариантдаги эга бўлакка тўғри келувчи сўзни ташлаш билан ҳосил қилинган, бунда гапга тенг ҳолат бирикмага тенг ҳолатга ўтган.

2) Яқин маъноли сўзлар бўлади:

(1) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчисидан сўз ташлаш билан, учинчи вариант иккинчисидан сўз алмаштириш билан ўсиб чиққан: ўлганнинг устига чиқиб тепмоқ ва ўлганнинг устига тепмоқ ва ўлганнинг устига кўммоқ. Ташланган компонент — иккинчи даражали ҳаракатни англатувчи сўз. Агар иккинчи вариант бўлмаганида эди, учинчи ва-

риант пайдо бўлмас эди. Умуман, учинчи вариант ижобий чиқмаган: мантиққа тўғри келмайди, ибора асосида ётган образни бузади.

(2) Қуйидаги мисолда кейинги икки вариант биринчисидан ўсиб чиққан. Иккинчи вариант сўз алмаштириш билан, учинчи вариант эса бир неча сўзни (ибора таркибида вергул билан ажратилган қисмни) ташлаш билан ҳосил қилинган: **отдан тушса(...)** ҳам, **эгардан тушмаслик ва отдан тушса(...)** ҳам, **узангидан тушмаслик ва эгардан тушмаслик**. Қисм ташлаш билан иборанинг қурилиши анча соддалашган.

В) ТУРТ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Лексик вариантланишнинг бир тури қатнашадиган кўринишлари (3 та). Қуйидаги мисолларда вариантланиш лексик алмаштириш билан юзага келади. Бунда от туркумига мансуб сўзлар алмашади ва улар ўзаро:

1) **Синоним бўлади:**

а) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчи вариантдаги биринчи компонентни, учинчи вариант иккинчи вариантдаги учинчи компонентни, тўртинчи вариант учинчи вариантдаги биринчи компонентни алмаштириш билан ҳосил қилинган: **гап(лари) бир жойдан чиқди ва сўз(лари) бир жойдан чиқди ва сўз(лари) бир ердан чиқди ва фикр(лари) бир ердан чиқди**. Бунда гап, сўз синонимлари ясама маъноси билан қатнашаётир.

б) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчи вариантдаги учинчи компонентни, учинчи вариант биринчи вариантдаги биринчи компонентни, тўртинчи вариант учинчи вариантдаги учинчи компонентни алмаштириш билан ҳосил қилинган: **гапни бир жойга қўймоқ ва гапни бир ерга қўймоқ ва маслаҳатни бир жойга қўймоқ ва маслаҳатни бир ерга қўймоқ**. Синонимлардан гап сўзи ясама маъносида қатнашаётир.

2) Баъзи вариантларда синонимлар, баъзи вариантларда яқин маъноли сўзлар алмашади. Қуйидаги мисолда биринчи ва иккинчи вариантларда, биринчи ва учинчи вариантларда яқин маъноли сўзлар, иккинчи ва учинчи вариантларда синонимлар алмашади: **бош(и)да ёнғоқ чақмоқ ва бош(и)да данак чақмоқ ва бош(и)да тош чақмоқ ва мия(си)да данак чақмоқ**. Яқин маъноли сўзларни алмаштириш маънони қучайтиришга хизмат қилади (**ёнғоқ — данак — тош**). Синонимлардан **бош** сўзи ясама маъносида қатнашади.

2. Баъзисида лексик вариантланишнинг бир тури, баъзисида бир неча тури қатнашадиган кўринишлари. Қуйидаги

мисолда иккинчи, учинчи вариантлар лексик алмаштириш билан, тўртинчи вариант эса ҳам лексик қўшиш, ҳам лексик алмаштириш билан ҳосил қилинган: **бағр(и) қон** ва **дил(и) қон** ва **юраг(и) қон** ва **юрак-бағр(и) хун**. Бунда кейинги уч вариант биринчи вариантни ўзгартиш билан юзага келган. Алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним бўлиб, **хун** сўзи жуда оз ишлатилади. **Юрак** сўзига нисбатан **дил**, **бағир** сўзларининг маъноси мавҳумроқ. **Бағир** сўзи бу сўзлар билан ясама маъносида синонимия ҳосил этиб алмашади.

Г) БЕШ ВАРИАНТЛИ ИБОРА

Беш вариантлилар орасида фақат лексик вариантланиш мавжуд бўлган иборалар жуда оз: **ич(и)ни мушук таталаяпти** ва **ич(и)ни ола мушук тирнаяпти** ва **ич(и)ни ит таталади** ва **ич(и)ни ит тирнади** ва **ич(и)ни бир нима тирнай бошлади**. Бу мисолда:

1) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги феъл-компонентни алмаштириш ва янги сўз қўшиш билан ҳосил қилинган. Алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним. Қўшилган сўз сифат туркумига мансуб, белги маъносини қўшади.

2) Учинчи вариант биринчи вариантдаги иккинчи компонентни яқин маъноли сўзга алмаштириш билан ҳосил қилинган. Бундай алмаштириш (**мушук — ит**) аллитерацияни кучайтиради.

3) Тўртинчи вариант учинчи вариантдаги феъл-компонентни алмаштириш билан ҳосил қилинган. Бу феълларнинг ўзаро синоним эканлиги юқорида айтилди.

4) Бешинчи вариант иккинчи вариантдаги аниқловчи-аниқланмишга тенг бирикмани олмошга алмаштириш билан ҳосил қилинган, бу билан маъно яна ҳам мавҳумлашган, ноаниқлашган.

Д) ОЛТИ ВАРИАНТЛИ ИБОРА

Бундай ибора ҳам жуда оз: **кўнгл(и) тоза** ва **юраг(и) тоза** ва **кўнгл(и) пок** ва **юраг(и) пок** ва **юраг(и) соф** ва **қалб(и) пок**. Бунда:

1) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги биринчи компонентни синонимига алмаштириш билан ҳосил қилинган. **Кўнгил** сўзининг маъноси **юрак** сўзининг маъносидан мавҳум.

2) Учинчи вариант биринчи вариантдаги иккинчи компонентни синонимига алмаштириш билан ҳосил қилинган. **Пок** сўзида маъно кучлироқ ва бу сўз бадий нутққа хосланган.

3) Тўртинчи вариант иккинчи вариантдаги иккинчи ком-

понентни синонимига алмаштириш билан ҳосил қилинган. Покиза сўзининг тоза сўзига нисбати пок сўзиники сингари.

4) Бешинчи вариант иккинчи вариантдаги иккинчи компонентни синонимга алмаштириш билан ҳосил қилинган. Соф сўзининг маъносида «бошқа нарса аралашмаган» қирраси бор; бу сўзда расмий нутққа хосланганлик белгиси ҳам бор.

5) Олтинчи вариант учинчи вариантдаги биринчи компонентни синонимига алмаштириш билан ҳосил қилинган. Қалб сўзининг маъноси кўнгил сўзининг маъносидан бир оз мавҳум. Қалб сўзида бадий нутққа хосланганлик белгиси ҳам бор.

Б. Грамматик вариантли иборалар

Лексик вариантланиш ҳар гал индивидуал бўлади. Шу сабабли лексик вариантланишнинг барчасини бирма-бир санаб чиқишга тўғри келади.

Грамматик вариантларда эса, ҳар ҳолда, жумлаштириш имконияти бор. Умумий миқдори лексик вариантланишлардан кўп бўлса ҳам, вариантланиш турлари жиҳатдан грамматик вариантланиш лексик вариантланиш билан деярли бир хил.

Иборода юз берадиган ҳар қандай грамматик ўзгаришни грамматик вариантланиш деб қараш тўғри эмас, албатта. Иборанинг ташқи қурилишига (иборани контекстга сингдириш билан) боғлиқ грамматик ўзгаришлар вариантланиш деб қаралмайди. Масалан, исм иборанинг контекстда қараткич бўлак билан боғланиши туфайли эгаллик олиши, бирор сўз билан боғланиши туфайли келишикларда ўзгариши, феъл иборанинг контекстда тусловчи, эгаллик аффиксини олиб ўзгариши, майл, замон ясовчиларни олиб ўзгариши шулар жумласидандир.

Юқорида саналгани каби грамматик ўзгаришларда бирор чегараланиш мавжуд бўлсагина, бундай грамматик ўзгаришни вариантланиш деб қараш мумкин. Масалан, феъл иборалар бўлишли ва бўлишсиз аспектларда келиши жиҳатдан бир хил эмас. Кўпчилик феъл иборалар мавжудлик категориясининг бу ҳар икки аспектида келади. Бир қисм феъл иборалар эса ё бўлишли аспектда, ёки бўлишсиз аспектда ишлатилади. Бир аспектидагина ишлатиладиган ибора маълум шарт-шароитда иккинчи аспект формасида келиши мумкин. Ана шундай ҳолатлар грамматик вариантланиш деб олинishi керак.

Иборанинг ички қурилишида (иборанинг контекст билан алоқадор бўлмаган қисмларида) содир бўладиган грамматик ўзгаришлар грамматик вариантланиш деб қаралиши

лозим. Масалан, ибораларда қаратма ясалиши ва шу билан боғлиқ ҳолда юз берадиган грамматик ўзгаришлар, компонентларнинг ўрин алмашинуви ва шу билан боғлиқ ҳолда юз берадиган грамматик ўзгаришлар шулар жумласидандир.

Грамматик вариантланишнинг тўрт тури мавжуд:

- 1) Грамматик алмаштириш.
- 2) Грамматик қўшиш.
- 3) Грамматик ташлаш.
- 4) Тартиб.

Аввалги уч пункт лексик вариантлардаги ҳодисаларнинг грамматик вариантлардаги кўринишларидир. Шулар қаторига битта янги пунктгина қўшилади. Тартиб, бир томондан, сўз-компонентлар билан, иккинчи томондан, маълум грамматик ўзгаришлар билан боғлиқ ҳодиса. Лекин бунда грамматик фактор устун: сўз ўзгармайди, фақат ўрин алмашади; аммо шундай жараёнда грамматик ўзгариш албатта юз беради. Шу сабабли тартиб, грамматик вариантланишга олиб келади.

А) ИККИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Грамматик вариантланишнинг бир тури қатнашадиган кўринишлари:

1) Грамматик алмаштириш билан юзага келадиган вариантлар (29 та). Бунинг ўзи икки хил: фақат битта грамматик кўрсаткич алмашади ёки биттадан ортиқ грамматик кўрсаткич алмашади:

1) Грамматик алмашинув бир босқичли бўлади. Бунда алмашинув:

(1) Синонимик бўлади:

а) ...й билан ...дан алмашади; санамай «саккиз» демоқ ва санамасдан «саккиз» демоқ;

б) ...с билан ...йдиган алмашади: кўз илғамас ва кўз илғамайдиган;

в) ...гани билан ...ишга алмашади: ўтиргани жой тополмаслик ва ўтиришга жой тополмаслик; ўтқазгани жой тополмаслик ва ўтқазинишга жой тополмаслик;

г) ...гани билан ...рга алмашади: ўз(и)ни қўйгани жой тополмаслик ва ўз(и)ни қўйрга жой тополмаслик;

д) ...са билан ...ган+да алмашади: «гаҳ» деса(...), қўлга қўнадиган қилиб олмоқ ва «гаҳ» деганда қўлга қўнадиган қилиб олмоқ; бош(и)га қилич келса ҳам ва бош(и)га қилич келганда ҳам;

е) ...га аффикси билан кўмакчисига алмашади: қўйн(и)ни пуч ёнғоққа тўлдирмоқ ва қўйн(и)ни пуч ёнғоқ билан тўлдирмоқ.

(2) Аффиксли форма ва аффиксиз форма бўлади; бундай алмаштириш грамматик маъно ва ҳолатни ўзгартирмайди:

а) аффиксли форма аффиксиз формага алмашади: жон(и)нинг борича ва жон(и) борича;

б) аффиксиз форма аффиксли формага алмашади:

а) тушум келишигидаги сўзда юз беради: кўнгил очмоқ ва кўнгилни очмоқ; сўз олмоқ ва сўзни ... олмоқ;

б) қаратқич келишигидаги сўзда юз беради: хамир учидан патир ва хамирнинг учидан патир.

(3) Аффиксли форма ва ноль форма бўлади; бундай алмаштириш грамматик маънони ўзгартиради. Қуйидаги мисолда ...ма аффикси ноль формага алмашади, аммо бунинг эвази иборанинг қурилишида эмас, ибора боғланадиган контекстда ўз аксини топади: «чурқ» этмаслик ва «чурқ» этиб («гапирмаслик»).

(4) Аффиксининг фонетик варианты алмашади:

а) ...дай билан ...дек алмашади: хамирдан қил суғургандай ва хамирдан қил суғургандек (кейингиси оз ишлатилади, расмий нутққа хосланганлик ҳам бор);

б) ...тир билан ...т алмашади: кўз югуртирмоқ ва кўз югуртмоқ (кейингиси оз ишлатилади, суғбий туюлади ҳам).

(5) Бир келишик аффикси бошқа бир келишик аффиксига алмашади. Бунда грамматик маъно ўзгаради-ю, грамматик қурилиш ўзгармайди:

а) ...дан билан ...га алмашади: она сут(и) оғз(и)дан келди ва она сут(и) оғз(и)га келди;

б) ...га билан ...да алмашади: ўз ёғ(и)га ўз(и) қовурилмоқ ва ўз ёғ(и)да ўз(и) қовурилмоқ.

б) Аниқлик майлини гавдалантирувчи замон ясовчи ҳамда тусловчи аффикс (...ади) буйруқ майлини гавдалантирувчи тусловчи аффикс (...син) билан алмашади: ким билади ва ким билсин.

(7) Грамматик алмаштиришлар қаторига шартли равишда қўшиш мумкин бўлган яна бир ҳолат мавжуд. Бунда феъл иборанинг бир функционал формаси вариант сифатида ажратилади. Бундай ажратишга асос худди шундай формада омонимиянинг юз беришидир: бош(и)ни емоқ ва бош(и)ни еб I (шу иборадан ўсиб чиққан бош(и)ни еб II ибораси бор); енг шимармоқ ва енг шимариб I (шу иборадан ўсиб чиққан енг шимариб II ибораси бор); тери(си)га сиғмай кетмоқ ва тери(си)га сиғмай I (шу иборадан ўсиб чиққан тери(си)га сиғмай II ибораси бор).

2] Грамматик алмашинув икки босқичли бўлади. Бунда ёрдамчи феъл компонент алмашади; шу билан боғлиқ ҳолда бошқа бир компонентнинг келишик формаси ҳам ўзгаради.

Бундай алмаштиришлар натижасида гапга тенг қурилиш бирикмага тенг қурилишга ўтади. Бўл ёрдамчиси қатнашадиган қурилиш гапга тенг, от компонент эса бош келишида бўлади. Қил ёрдамчиси қатнашадиган қурилиш бирикмага тенг, от компонент эса тушум келишида бўлади (6 та): димоғ(и) чоғ бўлди ва димоғ(и)ни чоғ қилмоқ; тил(и) қисик бўлди ва тил(и)ни қисик қилмоқ; кўл(и) баланд бўлди ва кўл(и)ни баланд қилмоқ; юраг(и) така-пука бўлди ва юраг(и)ни така-пука қилмоқ; юз(и) ёруғ бўлди ва юз(и)ни ёруғ қилмоқ; кўз(и) кўр, қулоғ(и) кар бўлди ва кўз(и)ни кўр, қулоғ(и)ни кар қилмоқ.

2) Грамматик қўшиш билан юзага келадиган вариантлар (31 та):

1] Эгалик аффиксини қўшиш билан (8 та): кўлдан кетмоқ ва кўл (и) дан кетмоқ; бошдан оёк ва бошидан оёк; жон бор ва жони бор II каби.

2] Қаратма аффиксини қўшиш билан (14 та):

а) Орттирма қаратманинг аффикси қўшилади (13 та). Бунда бирикмага тенг ҳолат сақланади, феъл иборанинг ўтимли-ўтимсизлиги ўзгаради:

а) Ўтимсиз феъл компонентга орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан ибора ўтимлига айлантирилади (11 та): чиппакка чиқмоқ ва чиппакка чиқармоқ; ҳолдан тоймоқ ва ҳолдан тойдирмоқ; ерда қолмоқ ва ерда қолдирмоқ; зое кетмоқ ва зое кетказмоқ каби.

б) Ўтимли феъл компонентга орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан ибора ўтимлига айлантирилади: ер тишламоқ ва ер тишлатмоқ; ёқа(си)ни ушламоқ ва ёқа(си)ни ушлатмоқ каби. Биринчи вариантда феъл компонентнинг бошқаруви иборанинг ўзи доирасида реаллашади (воситасиз тўлдирувчи иборанинг ўз компоненти), шу сабабли бундай қурилиш ўтимсиз бўлади. Орттирма қаратманинг аффиксини ўзимизга айлантиради.

б) Мажҳул қаратманинг аффикси қўшилади. Бу жуда оз. Қуйидаги мисолда қаратма аффиксининг қўшилиши бирикмага тенг ҳолатни ўзгартирмайди, ўтимли ибора ўтимсизлашади холос: қарши олмоқ ва қарши олинди.

3] Ҳаракатнинг кучсиз, нормал ҳолатга етмаганлиги маъносини билдирувчи аффиксини қўшиш билан (2 та): ўпка(си) тўлди ва ўпка(си) тўлишди; кўнгл(и) бўшади ва кўнгл(и) бўшади.

4] ...ли ясовчисини қўшиш билан. Бунда ...ли аффикси факультатив вазиятда бўлади: уни қўшиш ҳам, қўшмаслик ҳам мумкин. Шу сабабли том маънода сўз ясовчи вазифасини ўтамайди (бу аффикс билан ишлатгандан кўра аффиксиз

ишлатиш мақбул ҳисобланади): қаттиқ қўл ва қаттиқ қўлли¹⁸.

5] Боғловчи, юклама қўшиш билан: «лом-мим» демай I ва «лом»-у «мим» демай; турган гап II ва турган гапки; ер-кўкка ишонмаслик ва ерга ҳам, кўкка ҳам ишонмаслик.

3) Грамматик ташлаш билан юзага келадиган вариантлар (25 та). Бу ҳодиса аввалги пункт ҳодисасининг ўзи. Фарқ шундаки, бирида бош вариант деб олинган қурилиш кейингисидан иккиламчи вариант деб қаралади. Буни белгилашда иборанинг нутқда ишлатилиши ўлчов қилиб олинади.

Грамматик ташлашнинг кўринишлари:

1] Эгалик аффикси ташланади (23 та):

а) эгалик бир компонентда қатнашадиган ибораларда: кўз(и) илинди ва кўз илинди; юрат(и) бетламади ва юрак бетламади; дўппи(си)ни яримта қилиб ва дўппини яримта қилиб; обрўй(и) баланд ва обрўй[й] баланд каби;

б) эгалик икки компонентда қатнашадиган ибораларда: кўз(и) кўз(и)га тушди ва кўз кўзга тушди; мия(си)ни қоқиб, кўл(и)га бермоқ ва мияни қоқиб, кўлга бермоқ каби.

2] Қаратма аффикси ташланади (2 та). Қуйидаги мисолларда орттирма қаратманинг аффикси ташланади, натижада ўтимли ибора ўтимсизга айланади: йўқни йўндирмоқ ва йўқни йўна(миз)ми?!; парвой(и)га келтирмаслик ва парвой(и)га келмаслик.

4) Компонентларининг тартибини ўзгартиш билан юзага келадиган вариантлар (6 та). Бунинг икки кўриниши бор:

1] Иборанинг қурилиши айнан сақланади (3 та):

а) бир хил грамматик шаклдаги компонентлар ўрин алмашади: боғдан келса, тоғдан келмоқ ва тоғдан келса, боғдан келмоқ;

б) компонентларининг грамматик шаклланиши, демак, иборанинг грамматик қолипи ўз ўрнида сақланади, сўз негизлари эса ўрин алмашади: ипидан игнасигача ва игнасидан ипигача;

в) грамматик қолип сақланган ҳолда яқка сўз эмас, бирикма ўрин алмашади: жон олиб, жон бермоқ ва жон бериб, жон олмоқ (кейинги вариантда мантиққа зидлик бор).

2] Иборанинг қурилиши ўзгаради (3 та). Бунда тартиб ўзгариши иборани синтактик вазифага мослаш талаби билан воқе бўлади. Шу билан бирга иборанинг грамматик табиати ҳам жиддий ўзгаради. Бундай тартиб ўзгариши одатда феъл ибораларда учрайди. Тартиб ўзгариши сабабли биринчи

¹⁸ Бу ҳақда қarang: «Научные труды ТашГУ им. В. И. Ленина», вып. 211, Языкознание, Ташкент, 1963, стр. 229.

ўринга ҳаракат идеяси эмас, предмет идеяси чиқиб қолади: кўнгил бермоқ ва берган кўнгил; жавоб бермоқ ва берган жавоб; кўнгл(и)га ғашлик тушди ва кўнгл(и)га тушган ғашлик. Биринчи, иккинчи мисолда тўлдирувчи + бошқарувчи муносабати сифатловчи + сифатланмиш муносабатига ўтади. Учинчи мисолда эга + кесим муносабати сифатловчи + сифатланмиш муносабатига ўтади.

Юқоридагича семантик-грамматик ўзгаришлар икки иборанинг яратилишига олиб келмайди. Тилда берган кўнгил, кўнгл(и)га тушган ғашлик каби ўз бошига мустақил иборалар йўқ. Булар ўзига асос бўлган кўнгил бермоқ, кўнгл(и)га ғашлик тушди ибораларининг бир кўриниши ҳолатидадир.

2. Грамматик вариантланишнинг бир неча тури қатнашадиган кўринишлари (72 та):

1) Вариант айти вақтда ҳам грамматик алмаштириш, ҳам грамматик қўшилиш билан юзата келади (47 та). Бундай вариантланиш:

1] Қаратма ясалиши билан борлик ҳолда содир бўлади: қаратма аффикси қўшилиши билан келишик алмашади (36 та):

а) Орттирма қаратма ясалиши билан ўтимсиз феъл-компонент ўтимлига айланади, гапга тенг қурилиш бирикмага тенг қурилишга (эга + кесим муносабати воситасиз тўлдирувчи + бошқарувчи муносабатига) ўтади (23 та). Бунда воситасиз тўлдирувчи:

а] ...ни аффиксини олган ҳолда келади (20 та). Бунда келишиккача эгалик аффикси қўшилган бўлади: хўрлиг(и) келди ва хўрлиг(и)ни келтирмоқ; сазо(си) ўлмади ва сазо(си)ни ўлдирмаслик; юз(и) ерга қаради ва юз(и)ни ерга қаратмоқ каби;

б] ...ни аффиксини олмаган ҳолда келади (3 та). Бундай ҳолат келишиккача эгалик аффикси қўшилмаган бўлсагина юз беради: доғ тушди ва доғ туширмоқ; халал етди ва халал етказмоқ каби.

б) Мажҳул қаратма ясалиши билан ўтимли феъл-компонент ўтимсизлашади, бирикмага тенг қурилиш гапга тенг қурилишга (воситасиз тўлдирувчи + бошқарувчи муносабати эга + кесим муносабатига) ўтади (13 та). Бунда воситасиз тўлдирувчи:

а] ...ни аффиксини олган ҳолда бўлади, келишиккача эгалик аффикси қўшилиб келади (12 та): кўнгл(и)ни бузмоқ ва кўнгл(и) бузилди; олдини олмоқ ва олди олинди; кўз(и)-ни мошдек очмоқ ва кўз(и) мошдек очилди;

б] ...ни аффиксини олмаган ҳолда бўлади, келишиккача

эгаллик аффикси қўшилиб келмайди: тил тегизмоқ ва тил тегизилди.

2] Эгаллик аффикси билан ишлатиш сабабли юзага келади: эгаллик аффиксини қўшиш билан келишик формаси (аффиксиз форма аффиксли формага) алмашади (9 та). Бундай ўзгариш:

а) тушум келишигидаги сўз-компонентда воқе бўлади (7 та): дам олмоқ ва дам(и)ни олмоқ; жон куйдириб ва жон(и)ни куйдириб каби;

б) қаратқич келишигидаги сўз-компонентда воқе бўлади: кўз қирини ташламоқ ва кўз(и)нинг қирини ташламоқ; кўз қорачиг(и) ва кўз(и)нинг қорачиги.

3] Ёрдамчи феълни алмаштириш билан юзага келади. Бундай алмаштириш натижасида иборанинг ёрдамчигача бўлган қисмига ...лик аффиксини қўшиш талаби туғилади. Қуйидаги мисолда иборанинг грамматик қурилиши ўзгармайди, вариантлар маънонинг актив-пассивлигида фарқ қилади: қаттиқ қўл бўлмоқ ва қаттиқ қўллик қилмоқ.

4] Бўлишли аспекти бўлишсиз аспектга ва аксинча алмаштириш билан юзага келади. Бундай алмаштириш натижасида ибора таркибига юклама қўшиш (киритиш) талаби туғилади: елка(си)нинг чуқури кўрсин! ва елка(си)нинг чуқури ҳам кўрмасин!; бел(и) оғримайди ва бел(и) оғрийдими?!

2) Вариант айна вақтда ҳам грамматик ташлаш, ҳам грамматик алмаштириш билан юзага келади (13 та). Бундай вариантланиш эгаллик аффиксини ташлаш билан боғлиқ ҳолда содир бўлади: эгалликни ташлаш келишикда бирор ўзгаришнинг юз беришига олиб келади:

1] Аффикели форма аффиксиз формага алмашади (12 та). Бундай ўзгариш:

а) тушум келишигидаги сўз-компонентда воқе бўлади (10 та): кўнгл(и)ни овламоқ ва кўнгли овламоқ; кўз(и)ни узмаслик ва кўз узмаслик; бош(и)ни олиб ва бош олиб каби;

б) қаратқич келишигидаги сўз-компонентда воқе бўлади (2 та): оғз(и)нинг таноби қочди ва оғиз таноби қочиб; калава(си)нинг учини топмоқ ва калава учини топмоқ (кейинги вариантлар жуда оз ишлатилади, сунъийроқ туюлади ҳам).

2] Бош келишик (ноль форма) тушум келишигининг аффиксиз формасига алмашади. Натижада гапга тенг ҳолат (эга + кесим муносабати) бирикмага тенг ҳолатга (воситасиз тўлдирувчи + бошқарувчи муносабатига) ўтади: кўз(и) ёриди ва кўз ёрмоқ. Бундай ўзгаришлар билан ҳосил қилинган вариант (кўз ёрмоқ) сунъий чиққан, уни истисно деб баҳолаш тўғри.

3) Вариант айни вақтда ҳам грамматик ташлаш, ҳам грамматик қўшиш билан юзага келади. Бундай вариантланиш белги англлатувчи ибораларда воқе бўлади. Бунда эгалик аффикси ташланади ва белги маъносини англлатувчи иборага ...лик аффикси қўшиш билан шу иборанинг субстантив формаси ҳосил қилинади: тил(и) қисик ва тил қисиклик.

4) Вариант айни вақтда ҳам тартиб ўзгартиш, ҳам грамматик қўшиш билан юзага келади (3 та). Бундай вариантланиш исм ибораларга хос. Компонентлардаги тартиб ўзгариши сифатловчи + сифатланмиш муносабатини эга + кесим муносабатига айлантиради. Эга + кесим муносабатига тенг қурилишда эгалик аффиксини ишлатиш талаби туғилади: оқ кўнгил ва кўнгл(и) оқ; очик кўнгил ва кўнгл(и) очик; тош юрак ва юрак(и) тош.

5) Вариант айни вақтда ҳам тартиб ўзгартиш, ҳам грамматик ташлаш билан юзага келади (3 та). Бу юқоридаги пунктнинг ўзгичаси. Фарқи шуки, аввалги пунктда бош вариант деб сифатловчи + сифатланмиш муносабатига тенг қурилиш танланган, бунисида, аксинча, эга + кесим муносабатига тенг қурилиш танланган: кўнгл(и) юмшоқ ва юмшоқ кўнгил; қўл(и) очик ва очик қўл; меҳр(и) тош ва тош меҳр (энг сўнги вариант оз ишлатилади, сўнгий туюлади ҳам).

6) Вариант айни вақтда ҳам грамматик ташлаш, ҳам грамматик алмаштириш, ҳам грамматик қўшиш билан юзага келади (3 та):

а) Феъл иборада гапга тенг қурилиш бирикмага тенг қурилишга (эга + кесим муносабати воситасиз тўлдирувчи + бошқарувчи муносабатига) ўтади. Бунда биринчи вариантдаги эгалик аффикси ташланади, иккинчи вариантга орттирма қаратманинг аффикси қўшилади, натижада биринчи вариантдаги от компонентнинг бош келишиги (ноль форма) иккинчи вариантда тушум келишигининг аффиксиз формасига алмашади: донг(и) чиқди ва донг чиқармоқ; ном(и) чиқди ва ном чиқармоқ.

б) Белги маъносини англлатувчи иборада гапга тенг қурилиш бирикмага тенг қурилишга (эга + кесим муносабати қаратқич + қаралмиш муносабатига) ўтади. Бунда биринчи вариантдаги эгалик аффикси ташланади, от компонентнинг бош келишиги (ноль форма) қаратқич келишигининг аффиксиз формасига алмашади, шу муносабат билан иккинчи компонентга эгалик аффикси қўшилади, эгалик аффиксидан олдин эса ...лик аффикси (субстантив форма ясовчиси) қўшилади: кўнгл(и) қора ва кўнгил қоралиги билан.

Б) УЧ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Вариантларнинг барчаси бир хил вариантланиш натижасида юзага келади (6 та):

1) Грамматик алмаштириш билан юзага келади:

а) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчи вариантдаги ...ди туловчиси ўрнига ...диган сифатдош ясовчисини келтириш билан, учинчи вариант эса иккинчи вариантдаги ...диган сифатдош ясовчиси ўрнига ...с сифатдош ясовчисини келтириш билан ҳосил қилинган: сирка(си) сув кўтармайди ва сирка(си) сув кўтармайдиган ва сирка(си) сув кўтармас.

б) Қуйидаги мисолда иккинчи, учинчи вариант биринчи вариантдан ўсиб чиққан: сичқоннинг ини минг танга бўлди ва сичқоннинг иниси минг танга қилиб юбормоқ ва сичқон иниси минг танга бўлиб кетди.

Иккинчи вариант ёрдамчи феълни алмаштириш билан ҳосил қилинган, бундай алмаштириш келишикда ўзгаришга ҳам олиб келган: бош келишикдаги (ноль формадаги) от компонент тушум келишигидаги отга айланган (эга + қесим муносабати воситасиз тўлдирувчи + бошқарувчи муносабатига ўтган). Учинчи вариант биринчи вариантдаги от компонентнинг қаратқич келишиги формасини ўзгартиш билан ҳосил қилинган: аффиксли форма аффиксиз формага алмашган.

2) Грамматик қўшиш билан юзага келади:

а) Қуйидаги мисолларда иккинчи вариант биринчи вариантдаги феъл компонентга орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган, учинчи вариант эса биринчи вариантдаги от компонентга эгалик аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: издан чиқмоқ ва издан чиқармоқ ва изидан чиқмоқ; авжга минмоқ ва авжга миндирмоқ ва авжга минмоқ.

б) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчи вариантдаги жуфт сўз компонентга боғловчи киритиш ва эгалик аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган, учинчи вариант биринчи вариантдаги жуфт сўзни боғловчи вазифасидаги билан ёрдамида уюшиқ сўзларга айлантириш орқали ҳосил қилинган: оқ-қорани ажратмоқ ва оқ-у қорасини ажратмоқ ва оқ билан қорани ажратмоқ.

3) Грамматик ташлаш билан юзага келади. Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчи вариантдаги ёрдамчи феълни ташлаш билан, учинчи вариант эса биринчи вариантдаги ...гудай бўл- қисмини ташлаш билан ҳосил қилинган: ичаг(и) узилгудай бўлиб ва ичаг(и) узилгудай ва ичаг(и) узилиб.

2. Вариантлар ҳар хил вариантланиш натижасида юзага келади (32 та). Бунда иккинчи, учинчи вариантнинг:

1) Ҳар иккисидан вариантланишнинг биттадан тури қатнашади:

1] Вариантлардан бири грамматик алмаштириш билан, яна бири грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади:

а) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги от компонент келишик формасини (аффиксиз формани аффиксли формага) алмаштириш билан, учинчи вариант иккинчи вариантдаги от компонентга эгалик аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади: **хаёл сурмоқ** ва **хаёлни сурмоқ** ва **хаёлини сурмоқ**; **қўл силтамоқ** ва **қўлни силтамоқ** ва **қўл(и)ни силтамоқ**.

б) Иккинчи вариант биринчи вариантни ...иб формаси ўрнига ...ганча формасига киритиш билан, учинчи вариант эса феъл компонентга ҳаракатнинг микдорий белгисини ифодаловчи аффиксни қўшиш билан ҳосил қилинади: **икки букилиб** ва **икки букилганча** ва **икки букланиб**.

в) Иккинчи вариант биринчи вариант охиридаги аффиксни фонетик вариантга алмаштириш билан, учинчи вариант эса ёрдамчи феъл қўшиш билан ҳосил қилинади: **томдан тараша тушгандай** ва **томдан тараша тушгандек** ва **томдан тараша тушгандек қилиб**.

2] Вариантлардан бири грамматик алмаштириш, яна бири грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади:

а) Иккинчи вариант биринчи вариантни бўлишсиз формадан бўлишли формага айлантириш билан, учинчи вариант эса эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: **кўнгл(и) бўлмади** ва **кўнгл(и) бўлди?!** ва **кўнгил бўлмади**; **тил(и) бормади** ва **тил(и) боради?!** ва **тил бормади**.

б) Иккинчи вариант биринчи вариантни бўлишли формадан бўлишсиз формага айлантириш билан, учинчи вариант эса эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: **оғз(и)га қараб** ва **оғз(и)га қарамай** ва **оғизга қараб**.

в) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги тўсловчинини ...диган сифатдош ясовчисига алмаштириш билан, учинчи вариант эса эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинади: **ора(лари)дан қил ҳам ўтмайди** ва **ора(лари)дан қил ҳам ўтмайдиган** ва **орадан қил ҳам ўтмайди**.

г) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги ёрдамчи феълни алмаштириш ва шу сабабли от компонент келишигини ҳам алмаштириш (бош келишкни тушум келишигига алмаштириш) билан, учинчи вариант эса иккинчи вариантдан эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: **тоқат(и) тоқ бўлди** ва **тоқат(и)ни тоқ қилмоқ** ва **тоқатни тоқ қилмоқ**.

д) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан, учинчи вариант иккинчи вариантдаги от компонентнинг келишик формасини (аффиксли формани аф-

фиксиз формага) алмаштириш билан ҳосил қилинган: кўн-
л(и)ни узмоқ ва кўнгилни узмоқ ва кўнгил узмоқ; кўз(и)ни
бўямоқ ва кўзни бўямоқ ва кўз бўямоқ (иккинчи вариант-
ларда сунъийлик сезилиб туради).

3) Вариантлардан бири грамматик ташлаш, яна бири
грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади. Қуйидаги мисолда
иккинчи вариант биринчи вариантдаги юкламани ташлаш би-
лан, учинчи вариант эса биринчи вариантдаги сон компонент-
га ...ала форма ясовчисини қўшиш билан ҳосил қилинган:
икки дунёда ҳам ва икки дунёда ва иккала дунёда ҳам (охир-
ги вариант сунъийроқ).

4) Вариантлардан бири тартиб ўзгартиш билан, яна бири
грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинади. Қуйидаги ми-
солда иккинчи вариант биринчи вариантдаги от компонентлар
негизини ўрин алмаштириш билан, учинчи вариант иккинчи
вариантдаги боғловчи вазифасида келган кўмакчини худди
шу вазифани бажарувчи юкламага алмаштириш билан ҳо-
сил қилинган: ер билан осмонча ва осмон билан ерча ва ос-
мон-у ерча.

2) Биринчи вариантларнинг бир тури, яна биринчи ва-
риантларнинг бир неча тури қатнашади:

а) Иккинчи вариант биринчи вариантни бўлишли аспект-
дан бўлишсиз аспектга айлантириш билан, учинчи вариант
иккинчи вариантнинг от компонентидаги эгалик аффиксини
ташлаш ва тушум келишигининг аффиксли формасини аф-
фиксиз формасига алмаштириш билан ҳосил қилинган:
кўз(и)ни олмоқ ва кўз(и)ни олмаслик ва кўз олмаслик.

б) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги ёрдамчи феъл-
ни алмаштириш, шунинг натижаси сифатида от компонент
бош келишигини тушум келишигига алмаштириш билан,
учинчи вариант биринчи вариантдаги от компонент бош ке-
лишигини қаратқич келишигига ва тусловчини сифатдош
ясовчига алмаштириш, сўнг эгалик аффикси қўшиш билан
ҳосил қилинган: тил(и) узун бўлди ва тил(и)ни узун қилмоқ
ва тил(и)нинг узун бўлгани.

в) Иккинчи вариант биринчи вариант феъл компонентида
орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш, шу билан бир
вақтда от компонент бош келишигини тушум келишигига ал-
маштириш билан, учинчи вариант эса иккинчи вариантдаги
эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: руҳ(и)
тушди ва руҳ(и)ни туширмоқ ва руҳни тушириб; кўнгл(и)
совиди ва кўнгл(и)ни совитмоқ ва кўнгилни совитмоқ.

г) Иккинчи вариант биринчи вариант феъл компонентида
мажҳул қаратманинг аффиксини қўшиш, шу билан бир вақт-
да от компонент тушум келишигини бош келишикка алмаш-

тириш билан, учинчи вариант эса эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: **обрўй(и)ни тўкмоқ** ва **обрўй(и) тўкилди** ва **обрўни тўкмоқ**; **ора(лари)ни бузмоқ** ва **ора(лари) бузилди** ва **орани бузмоқ**.

д) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан, учинчи вариант иккинчи вариантдаги от компонент бош келишигини қаратқич келишигининг аффиксиз формасига алмаштириш, сифат компонентга субстантив форма ясовчи ...лик аффиксини ҳамда эгалик аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: **юз(и) ёруғ** ва **юз ёруғ** ва **юз ёруғлиг(и)**.

Мана бу мисол ҳам юқоридагининг ўзгинаси. Аммо учинчи вариант иккинчи вариантдан эмас, балки биринчи вариантдан ўсиб чиққан: **кўнгл(и) тўқ** ва **кўнглил тўқ** ва **кўнгл(и) тўқлиги**.

е) Иккинчи вариант биринчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш ва тушум келишигининг аффиксли формасини аффиксиз формасига алмаштириш билан, учинчи вариант иккинчи вариант компонентларини ўрин алмаштириш билан ҳосил қилинган (кейинги ўзгаришда феъл компонент сифатловчи вазифасига мос формасига — сифатдош формасига киради): **жазо(си)ни бермоқ** ва **жазо бермоқ** ва **берган жазо**.

ж) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш ва феъл компонентга орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант биринчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: **авжига чиқмоқ** ва **авжга чиқармоқ** ва **авжга чиқмоқ**.

з) Иккинчи вариант биринчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш ва бош келишикни тушум келишигининг аффиксиз формасига алмаштириш, феъл компонентга орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант иккинчи вариантни равишдош формасига киритиш билан ҳосил қилинган (равишдош формасидаги вариант бошқа бир ибора билан омоним ҳолатида): **жон(и) куйди** ва **жон куйдирмоқ** ва **жон куйдириб I**.

3) Ҳар иккисиде вариантланишнинг бир неча тури қатнашади:

а) Иккинчи вариант биринчи вариант от компоненти тушум келишигини бош келишикка алмаштириш ва феъл компонентига мажхул қаратма аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант иккинчи вариант от компонентининг бош келишигини қаратқич келишигига, феъл компонентидаги тусловчини ҳаракат номи ясовчига алмаштириш, сўнгра эгалик аффиксини

қўшиш билан ҳосил қилинган: чехра(си)ни очмоқ I ва чехра(си) очилди ва чехра(си)нинг очилиб кетиши.

б) Иккинчи вариант биринчи вариантдан юқоридаги пунктда тасвирланган йўл билан, учинчи вариант эса биринчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш ва тушум келишигининг аффиксли формасини аффиксиз формасига алмаштириш, иборани ...увчи формасига киритиш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и)ни кўтармоқ ва кўнгл(и) кўтарилди ва кўнгил кўтарувчи.

в) Иккинчи вариант биринчи вариант от компоненти бош келишигини тушум келишигига алмаштириш ва феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант эса биринчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш ва феъл компонентдаги тусловчини ...диган сифатдош ясовчисига алмаштириш билан ҳосил қилинган: мия(си) ачиди ва мия(си)ни ачитмоқ ва мия ачидиган.

г) Иккинчи вариант юқоридаги пунктда тасвирланган йўл билан, учинчи вариант эса биринчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш, бош келишигини қаратқич келишигининг аффиксиз формасига алмаштириш, феъл компонентда тусловчини ҳаракат номи ясовчи аффиксга алмаштириш, сўнгра эгалик аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и) ўсди ва кўнгл(и)ни ўстирмоқ ва кўнгил ўсиши.

д) Иккинчи вариант биринчи вариант от компонентига эгалик аффиксини қўшиш, тушум келишигининг аффиксиз формасини аффиксли формасига алмаштириш билан, учинчи вариант эса биринчи вариантдан компонентлар тартибини ўзгартиш, сўнгра эгалик аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: сўз бермоқ II ва сўз(и)ни бермоқ ва берган сўз(и); кун кўрмоқ ва кун(и)ни кўрмоқ ва кўрган кун(и).

в) ТҲРТ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Вариантларнинг барчаси бир хил вариантланиш натижасида юзага келади. Қуйидаги мисолда ҳар уч вариант грамматик қўшиш асосида: иккинчи вариант биринчи вариант феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини, учинчи вариант биринчи вариант от компонентига эгалик аффиксини, тўртинчи вариант иккинчи вариант от компонентига эгалик аффиксини қўшиш асосида ҳосил қилинган: қўлдан чиқмоқ I ва қўлдан чиқармоқ I ва қўл(и)дан чиқмоқ ва қўл(и)дан чиқармоқ.

2. Вариантлар ҳар хил вариантланиш натижасида юзага келади (10 та):

1) Учаласида вариантланишнинг биттадан тури қатнашади:

а) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги от компонент бош келишигини жўналиш келишигига алмаштириши билан, учинчи вариант иккинчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш билан, тўртинчи вариант учинчи вариант от компонентидаги жўналиш келишигининг аффиксли формасини аффиксиз формасига алмаштириш билан ҳосил қилинган: буй(и) етди ва буйига етмоқ ва буйга етмоқ ва буй етмоқ.

б) Иккинчи вариант биринчи вариантни бўлишли аспектдан бўлишсиз аспектга айлантириш билан, учинчи вариант биринчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш билан, тўртинчи вариант эса иккинчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: оғз(и)га олмоқ ва оғз(и)га олмаслик II ва оғизга олмоқ ва оғизга олмаслик II.

в) Иккинчи вариант биринчи вариант феъл компонентида эгалик аффиксини киритиш билан, учинчи вариант биринчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш билан, тўртинчи вариант учинчи вариант феъл компонентида эгалик аффиксини киритиш билан ҳосил қилинган: қўл(и)дан келганча ва қўл(и)дан келганича ва қўлдан келганча ва қўлдан келганича.

2) Бирида вариантланишнинг бир тури, бирида эса бир неча тури қатнашади:

а) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги ёрдамчи феълни алмаштириш билан, учинчи вариант иккинчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан, тўртинчи вариант иккинчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини, чиқиш келишигини ташлаб, сўз тартибини ўзгартиб, бу икки сўзни тожикча изофа билан боғлаб ҳосил қилинган: жон(и)дан безор бўлмоқ ва жон(и)дан безор қилмоқ ва жондан безор қилмоқ ва безори жон қилмоқ.

б) Иккинчи вариант биринчи вариант от компонентидаги тушум келишигининг аффиксиз формасини бош келишикка (ноль формага) алмаштириш ва феъл компонентида мажхул қаратма аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант биринчи вариант от компонентидаги тушум келишигининг аффиксиз формасини аффиксли формасига алмаштириш билан, тўртинчи вариант биринчи вариантни бўлишсиз аспектга айлантириш билан ҳосил қилинган: сўз бермоқ I ва сўз берилди ва сўзни бермоқ ва сўз бермаслик II.

в) Иккинчи вариант биринчи вариантдан юқоридаги пунктда кўрсатилган йўл билан, учинчиси биринчи вариант феъл

компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, тўртинчи вариант иккинчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: **оғз(и)ни очмоқ I** ва **оғз(и) очилди** ва **оғз(и)ни очирмоқ** ва **оғиз очилибди**.

г) Иккинчи вариант биринчи вариант от компоненти бош келишигини тушум келишигига алмаштириш ва феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант биринчи вариант феъл компонентига ҳаракатнинг миқдорий белгисини ифодаловчи аффиксини қўшиш билан, тўртинчи вариант иккинчи вариант феъл компонентига юқоридаги аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: **тил(и) қичиди** ва **тил(и)ни қичитмоқ** ва **тил(и) қичишди** ва **тил(и)ни қичиштирмоқ**.

д) Иккинчи вариант биринчи вариант от компоненти бош келишигини (ноль формани) қаратқич келишигининг аффиксиз формасига алмаштириш ва сифат компонентга ...лик субстантив форма ясовчисини, эгалик аффиксини, келишик аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант иккинчи вариант от компонентида қаратқич келишигининг аффиксиз формасини аффиксли формасига алмаштириш билан, тўртинчи вариант иккинчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинган: **кўз(и) тирик** ва **кўз(и) тириклигида** ва **кўз(и)нинг тириклигида** ва **кўз тириклигида**.

е) Мана бу мисолда иккинчи, учинчи вариантлар худди юқоридаги пунктни қайтаради, тўртинчи вариант эса биринчи вариант от компоненти бош келишигини (ноль формани) қаратқич келишигининг аффиксиз формасига алмаштириш ва сифат компонентга эгалик аффиксини, келишик аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: **кўз(и) очик I** ва **кўз(и) очиклигида** ва **кўз(и)нинг очиклигида** ва **кўз(и) очигида**.

3) Ҳар бирида вариантланишнинг бир неча тури қатнашади. Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчи вариант от компоненти бош келишигини тушум келишигига алмаштириш ва феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант биринчи вариант от компонентига эгалик аффиксини ташлаш, бош келишикни (ноль формани) қаратқич келишигининг аффиксиз формасига алмаштириш ва феъл компонентда замон ясовчисини ҳаракат номи ясовчига алмаштириш билан (ҳаракат номи формасидан сўнг қўшилиши лозим бўлган эгалик аффиксини ишлатилмаган), тўртинчи вариант биринчи вариант от компонентига эгалик аффиксини ташлаш ва иборага ...лик аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: **кўнгл(и) қолди** ва **кўнгл(и)ни қолдирмоқ** ва **кўнгил қолиш** ва **кўнгил қолдиллик**.

Г) БЕШ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

а) Иккинчи вариант биринчи вариант феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант иккинчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш ва тушум келишигининг аффиксли формасини аффиксиз формасига алмаштириш билан, тўртинчи вариант иккинчи вариантдаги ёрдамчини ташлаш билан (бу ибора доим ёрдамчили ишлатилади, шу сабабли ёрдамчини ташлаш истисно вариант сифатида кўрсатилди), бешинчи вариант иккинчи вариант компонентларининг тартибини ўзгартириш ва шу муносабат билан тушум келишигини бош келишикка алмаштириш, феъл компонентни эса сифатдош формасига киритиш билан ҳосил қилинган: юраг(и)ни олиб қўймоқ ва юраг(и)ни олдириб қўймоқ ва юрак олдириб қўймоқ ва юрак олдирмоқ ва олдириб қўйган юраг(и).

б) Иккинчи вариант биринчи вариант от компоненти тушум келишигини бош келишикка алмаштириш ва феъл компонентига мажхул қаратма аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант биринчи вариант от компонентидаги эгалик аффиксини ташлаш ва тушум келишигининг аффиксли формасини аффиксиз формасига алмаштириш билан, тўртинчи вариант иккинчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан, бешинчи вариант биринчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан ҳосил қилинади: умид(и)ни узмоқ ва умид(и) узилди ва умид узмоқ ва умид узилди ва умидни узмоқ.

в) Иккинчи, учинчи, тўртинчи вариантлар худди юқоридаги пунктда кўрсатилган йўл билан, бешинчи вариант эса иккинчи вариант компонентларининг тартибини ўзгартириш ва шу сабабли феъл компонентда ...ди замон ясовчисини ...ган сифатдош ясовчисига алмаштириш билан ҳосил қилинган: кўз(и)ни очмоқ ва кўз(и) очилди ва кўз очмоқ ва кўз очилди ва очилган кўз(и).

Д) ОЛТИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Барча вариантларда вариантланишнинг биттадан тури қатнашади:

а) Иккинчи вариант биринчи вариант феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант иккинчи вариант феъл компонентига мажхул қаратма аффиксини қўшиш билан, тўртинчи вариант иккинчи вариант феъл компонентига орттирма қаратманинг бир аффиксини иккинчисига алмаштириш билан, бешинчи вариант тўртинчи вариант от компонентига эгалик аффиксини қўшиш билан,

олтинчи вариант тўртинчи вариант феъл компонентига мажҳул қаратма аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: қўлга кирмоқ ва қўлга киритмоқ ва қўлга киритилди ва қўлга киргизмоқ ва қўл(и)га киргизмоқ ва қўлга киргизилди.

б) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан, учинчи вариант биринчи вариантни бўлишли аспектга ва шарт майлига айлантириш билан, тўртинчи вариант учинчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан, бешинчи вариант биринчи вариантни, олтинчи вариант иккинчи вариантни бўлишли аспектга айлантириш ва сўроқ юкламасини қўшиш билан ҳосил қилинган: қўл(и) тегмади ва қўл тегмади ва қўл(и) тегса ва қўл тегса ва қўл(и) тегадими?! ва қўл тегибдими?!

в) Иккинчи вариант биринчи вариант от компоненти бош келишигини тушум келишигига алмаштириш ва феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, учинчи вариант биринчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан, тўртинчи вариант иккинчи вариантдаги эгалик аффиксини ташлаш билан, бешинчи вариант биринчи вариант от компоненти бош келишигини қараткич келишигига алмаштириш ва феъл компонентига ...ди аффиксини ...ган аффиксига алмаштириш, сўнгра эгалик аффиксини қўшиш билан, олтинчи вариант иккинчи вариант от компоненти тушум келишигини бош келишикка алмаштириш ва феъл компонентига мажҳул қаратма аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: обрўй(и) тушди ва обрўй(и)ни туширмоқ ва обрў тушди ва обрў[й]ни туширмоқ ва обрўй(и)нинг тушгани ва обрўй(и) туширилди.

г) Иккинчи вариант биринчи вариантни бўлишсиз аспектга айлантириш билан, учинчи вариант иккинчи вариант феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан, тўртинчи вариант биринчи вариант от компонентига эгалик аффиксини қўшиш ва тушум келишигининг аффиксиз формасини аффиксли формасига алмаштириш билан, бешинчи вариант тўртинчи вариантни бўлишсиз аспектга айлантириш билан, олтинчи вариант бешинчи вариант феъл компонентига орттирма қаратманинг аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинган: оғиз очмоқ ва оғиз очмаслик ва оғиз очирмаслик ва оғз(и)ни очмоқ II ва оғз(и)ни очмаслик ва оғз(и)ни очирмаслик.

В. Лексик-грамматик вариантли иборалар

Бунда вариантлар айни бир вақтда ҳам лексик, ҳам грамматик вариантланишнинг қатнашуви билан юзага келади (13 та). Бундай ҳолат асосан икки вариантли ибораларда (11 та), қисман уч вариантли ибораларда (2 та) мавжуд.

А) ИККИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Ҳзғариш сўз билан сўз, аффикс билан аффикс орасида бўлади (11 та):

1) Бир лексик компонент ўзгаради (8 та):

а) Вариантланишнинг бир тури қатнашади (3 та):

а] Алмашинади. Қуйидаги мисолда феъл компонент, шунингдек от компонентнинг келишиги алмашади:¹⁹ бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмоқ ва бургага аччиқ қилиб кўрпага ўт қўймоқ.

б] Қўшилади. Қуйидаги мисолда мустақил сўз ва боғловчи қўшиш билан иборанинг от компоненти жуфт сўзга айлантирилади: ақл(и)ни танимоқ ва ақл-у ҳуш(и)ни танимоқ.

в] Ташланади. Қуйидаги мисолда мустақил сўз ва боғловчи ташлаш билан иборанинг от компоненти содда сўзга айлантирилади: ақл-у ҳуш(и)ни йўқотмоқ ва ақл(и)ни йўқотмоқ.

б) Вариантланишнинг бошқа-бошқа тури қатнашади (5 та):

а] Лексик ташлаш ва грамматик алмаштириш қатнашади: юлдуз(и) юлдуз(и)га тўғри келди ва юлдуз(лари) тўғри келди; тегирмонга тушса, бутун чиқмоқ ва тегирмондан бутун чиқмоқ.

б] Лексик ташлаш ва грамматик қўшиш қатнашади: димоғ(и) шишиди ва шишиб кетган.

в] Лексик алмаштириш, грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш қатнашади: кўз(и) ола-кула бўлиб кетди ва кўз(и)нинг ола-куласи чиқиб кетди; юз(и)ни очиб юбормоқ ва бет(и) очилиб кетди.

2) Биттадан ортиқ лексик компонент ўзгаради (3 та):

а) Лексик алмаштириш, грамматик алмаштириш ва грамматик ташлаш қатнашади: «берди»сини айтгунча уриб ўлдирмоқ ва «Олло» дегунча уриб ўлдирмоқ.

б) Лексик ташлаш ва грамматик қўшиш қатнашади: иззати нафс(и)га тегмоқ ва тегиб кетмоқ.

в) Лексик ташлаш, грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш қатнашади: етти номус(и)ни ерга букмоқ ва номус(и) букилди.

2. Ҳзғариш сўзнинг, аффикснинг вариантлари орасида бўлади: игнадек ...ни туядек қилмоқ ва нинадай ...ни туядай қилмоқ.

¹⁹ Шу ергача ҳар бир ўзғаришни конкрет изоҳлаб келдик. Бундан кейин вариантланишнинг турини айтиш билан чекланамиз.

Б) УЧ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

а) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги феъл компонентни алмаштириш (лексик алмаштириш) ва бўлишсиз аспекти бўлишли аспектга айлантириш (грамматик алмаштириш) билан, учинчи вариант биринчи вариантдаги феъл компонентни ташлаш (лексик ташлаш) ва чиқиш келишигини ўрин-пайт келишигига алмаштириш (грамматик алмаштириш) билан ҳосил қилинган: **она сут(и) оғз(и)дан кетмаган** ва **она сут(и) оғз(и)дан анқиб турибди** ва **она сут(и) оғз(и)да**.

б) Иккинчи вариант биринчи вариантдаги сифат компонентни ташлаш (лексик ташлаш), ёрдамчи феълни алмаштириш (грамматик алмаштириш), ...дек аффиксини қўшиш (грамматик қўшиш) билан, учинчи вариант ҳам юқоридагича йўл билан ҳосил қилинган (кейингисидеа ...дек аффикси қўшилмаган): **юраг(и) қоқ ёрида ёзди** ва **юраг(и) ёрилгудек бўлди** ва **юраг(и) ёрилиб кетар эди**.

Г. Лексик вариантли ва грамматик вариантли иборалар

Вариантларидан баъзиси лексик вариантланиш натижасида, баъзиси грамматик вариантланиш натижасида туғилган иборалар анчагина (102 та). Бундай ҳолат уч вариантли иборалардан тортиб ўн вариантли ибораларгача мавжуд. Қуйидаги тасвирда лексик вариантни асосга сддик.

А) УЧ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Лексик вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган иборалар (28 та). Буларда:

1) Сўз билан сўз алмашади (27 та). Алмашинувчилар ўзаро:

1] Синоним бўлади (16 та). Грамматик вариант эса:

а) грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинади:

а] иккинчиси лексик вариант: **ер остидан** ва **ер тагидан** ва **ер ости** билан;

б] учинчиси лексик вариант: **кайф(и) чоғ бўлди** ва **кайф(и)ни чоғ қилмоқ** ва **кайф(и) хуш бўлди**; **таъб(и) тирриқ бўлди** ва **таъб(и)ни тирриқ қилмоқ** ва **табиат(и) тирриқ бўлди**; **кўнгл(и) хира бўлди** ва **кўнгл(и)ни хира қилмоқ** ва

дил(и)ни хира қилмоқ; ора очик бўлмоқ ва орани очик қилмоқ ва орани очди қилмоқ;

б) грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади:

а) иккинчиси лексик вариант: кўнгл(и) жойига тушди ва кўнгл(и) ўрнига тушди ва кўнгил жойига тушди; қўл(и) баланд келди ва қўл(и) юқори келди ва қўл баланд келганда;

б) учинчиси лексик вариант: юз(и)га солмоқ ва юзга солмоқ ва бет(и)га солмоқ; юраг(и)га қил сиғмайди ва юракка қил сиғмайди ва кўнгл(и)га қил сиғмайди; фикр(и)дан ўтказмоқ ва фикрдан ўтказмоқ ва фикрдан кечирмоқ;

в) грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади:

а) иккинчиси лексик вариант: қўл(и) калта ва қўл(и) қисқа ва қўл(и) қисқалиги; нафас(и) ич(и)га тушиб кетди ва дам(и) ич(и)га тушиб кетди ва дам(и)ни ич(и)га тушириб юбормоқ;

б) учинчиси лексик вариант: дам(и)ни кесмоқ I ва дам(и) кесилди ва нафас(и) кесилди; кўнгл(и)ни ғашламоқ ва кўнгл(и) ғашланди ва юраг(и) ғашланди;

г) грамматик алмаштириш ва грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади: алифни калтак деёлмаслик ва алифни таёқ деёлмаслик ва алифни таёқ демоқ;

д) тартиб ўзгартиш, грамматик ташлаш ва грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади (охиргиси факультатив): чехра(си) очик ва очик чехра[ли] ва очик юз[ли].

2] Яқин маъноли сўзлар бўлади (11 та). Грамматик вариант эса:

а) грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинади: тил(и) бир қарич бўлди ва тил(и)ни бир қарич қилмоқ ва тил(и)ни беш қарич қилмоқ;

б) грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади: бир оёғ(и) тўрда[-ю], бир оёғ(и) гўрда ва бир оёғ(и) ерда, бир оёғ(и) гўрда ва бир оёғ(и) ерда бўлса, бир оёғ(и) гўрда;

в) грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади: эти суягига ёпишган ва эти суякка ёпишган ва териси суягига ёпишган; юраг(и) орқа(си)га тортиб кетди ва юраг(и) орқага тортиб кетди ва юраг(и) орқа(си)га уриб кетди; тиш(и)ни тиш(и)га қўймоқ ва тишни тишга қўймоқ ва тиш(и)ни тиш(и)га босмоқ;

г) тартиб ўзгартиш билан ҳосил қилинади: бу қулоғ(и)дан кириб, у қулоғ(и)дан чиқиб кетмоқ ва у қулоғ(и)дан кириб, бу қулоғ(и)дан чиқиб кетмоқ ва бир қулоғ(и)дан кириб, иккинчи қулоғ(и)дан чиқиб кетмоқ;

д) грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади:

а) иккинчиси лексик вариант: юраг(и)ни ҳовучлаб ва юраг(и)ни чангаллаб ва юраг(и)ни ҳовучлаган(и)ча;

б) учинчиси лексик вариант: гап тегди II ва гап тегизмоқ ва сўз тегадиган бўлди; дамани кесмоқ II ва дами кесилди II ва дамани босмоқ;

е) тартиб ўзгартиш ва грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади: бағр(и) тош ва бағр(и) қаттиқ ва тош бағир (охиргиси оз ишлатилади, сунъий туюлади ҳам);

ж) тартиб ўзгартиш, грамматик қўшиш ва грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинади: тош отмоқ ва кесак отмоқ ва отилган тош.

2) Сўзнинг фонетик вариантлари алмашади. Қуйидаги мисолда учинчи вариант грамматик ташлаш ва грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: захр(и)ни сочмоқ ва захар(и)ни сочмоқ ва захар сочмоқ.

2. Лексик вариант лексик қўшиш натижасида туғилган иборалар (4 та). Бунда грамматик вариант:

1) грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинади: бош(и) иккита бўлди ва бош(и)ни иккита қилмоқ ва битта бош(и)ни иккита қилмоқ;

2) грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади: жигар(и)-дан урмоқ ва жигардан урмоқ ва жигар-бағр(и)дан урмоқ;

3) грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади: сабр коса(си) тўлди ва сабр коса(си)ни тўлдирмоқ ва сабр коса(си) тўлиб-тошди; юраг(и) чиқиб кетди ва юраг(и)ни чиқариб юбормоқ ва юрак-пураг(и) чиқиб кетди.

3. Лексик вариант лексик ташлаш натижасида туғилган иборалар. Қуйидаги мисолда иккинчи вариант грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: дўппи тор келди ва дўппи(си) тор келди ва тор келиб қолганда.

В) ТУРТ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Лексик вариантлар лексик алмаштириш натижасида туғилган иборалар (18 та). Бунда:

1) Сўз билан сўз алмашади (16 та):

1] Лексик вариант битта бўлади (6 та):

а) Алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним бўлади (5 та).

Грамматик вариантларнинг:

а] ҳар иккиси грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинади: кўкларга кўтариб ва кўкка кўтариб ва осмонларга кўтариб (лексик) ва осмонга кўтариб; кўкка кўтармоқ ва кўкларга кўтармоқ ва осмонга кўтармоқ (лексик) ва осмонларга кўтармоқ;

б) ҳар иккиси грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади: ўртага ташламоқ ва ўртасига ташламоқ ва ўртага ташланди ва ўртага отмоқ (лексик);

в) ҳар иккиси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади: гап(и)га кирмоқ ва гапга кирмоқ ва сўз(и)га кирмоқ (лексик) ва сўзга кирмоқ;

г) бири грамматик ташлаш билан, яна бири грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади: юраг(и)ни сиқмоқ ва юраг(и) сиқилди ва юраг(и) қисилди (лексик) ва юрак сиқилади.

б) Алмашинувчи сўзлар ўзаро яқин маъноли бўлади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант аффиксининг фонетик вариантларини алмаштириш билан ҳосил қилинган: сув қуйгандай ва сув қуйгандек ва сув сепгандай (лексик) ва сув сепгандек.

2) Лексик вариант иккита бўлади (10 та):

а) Алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним бўлади (9 та):

а) Битта компонент алмашади (8 та):

(а) Айни бир компонент алмашади (7 та). Бунда грамматик вариант:

[а] грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади: кўз олд(и)дан ўтмоқ ва кўз олд(и)дан ўтказмоқ ва кўз ўнг(и)дан ўтмоқ (лексик) ва кўз ўнг(и)дан ўтказмоқ (лексик);

[б] грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади: сўз(и)дан қайтмоқ ва сўздан қайтмоқ ва гапдан қайтмоқ (лексик) ва лафз(и)дан қайтмоқ (лексик);

[в] грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан ҳосил қилинади: кўнгл(и) оғриди ва кўнгл(и)ни оғритмоқ ва дил(и) оғриди (лексик) ва дил(и)ни оғритмоқ (лексик); дам(и) чиқмади ва дам(и)ни чиқармаслик ва нафас(и) чиқмади (лексик) ва нафас(и)ни чиқармаслик (лексик); бош(и) кўкка етди ва бош(и)ни кўкка етказмоқ ва бош(и) осмонга етди (лексик) ва бош(и)ни осмонга етказмоқ (лексик);

[г] грамматик ташлаш ва грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинади: кўнгл(и) тортди ва кўнгил тортар ва дил тортар (лексик) ва дил(и) тортган (лексик).

[д] тартиб ўзгартиш, грамматик ташлаш билан ҳосил қилинади: кўнгл(и) қаттиқ ва қаттиқ кўнгил ва тош кўнгил (лексик) ва кўнгл(и) тош (лексик).

(б) Бошқа-бошқа компонент алмашади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш билан, лексик вариант биринчисида сифат компонентни, иккинчисида от компонентни алмаштириш билан ҳосил қилинган: юз(и) шувут бўлди ва юз(и)ни шувут қилмоқ ва юз(и) шамгин бўлди (лексик) ва бет(и) шувут бўлди (лексик).

б) Иккита компонент алмашади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш билан, лексик вариантлар от ва сифат компонентларни бирданига алмаштириш билан ҳосил қилинган: дил(и) сиёҳ бўлди ва дил(и)ни сиёҳ қилмоқ ва кўнгл(и) қора бўлди (лексик) ва кўнгл(и)ни қора қилмоқ (лексик).

б) Алмашинувчи сўзлар ўзаро яқин маъноли сўзлар бўлади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан, лексик вариантлар айна бир компонентни алмаштириш билан ҳосил қилинган: эс(и) чиқиб кетди ва эс(и)ни чиқариб юбормоқ ва эсхона(си) чиқиб кетди (лексик) ва эсхона(си)ни чиқариб юбормоқ (лексик).

2) Сўзнинг вариантлари алмашади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик қўшиш билан, лексик вариантлар эса «пуч»ни «пучак»ка алмаштириш билан ҳосил қилинган: пучга чиқмоқ ва пучга чиқармоқ ва пучакка чиқмоқ ва пучакка чиқармоқ;

3) Лексик вариантларнинг бирида сўз билан сўз алмашади, яна бирида сўзнинг вариантлари алмашади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик қўшиш билан, биринчи лексик вариант сўзнинг вариантларини (қайси — қай), иккинчи лексик вариант сўзларни (юз — бет) алмаштириш билан ҳосил қилинган: қайси юз билан ва қай юз билан ва қайси юз(и) билан ва қайси бет билан.

2. Лексик вариантлар лексик қўшиш натижасида туғилган иборалар. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: «сан-ман»га бормоқ ва «сан»-у «ман»га бормоқ ва «сан-ман»гача бормоқ ва «сан-ман»гача етиб бормоқ (лексик).

3. Лексик вариантлар лексик ташлаш натижасида туғилган иборалар (6 та). Бунда:

1) Лексик вариант битта бўлади (3 та):

а) Такрорий сўзнинг иккинчи қиеми ташланади. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик алмаштириш билан, иккинчиси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: жон-пон(и) чиқиб кетди I ва жон-пон(и) чиқа ёзди ва жон(и) чиқиб кета ёзди (лексик) ва жон(и) чиқди III.

б) Мустақил сўз ташланади. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик ташлаш билан (буни фонетик ташлаш деб ҳам бўлади), иккинчиси грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: бир кун эмас-бир кун ва

бир кунмас-бир кун ва бир эмас-бир кун (лексик) ва бир кун бўлмаса-бир кун.

в) Мустақил сўз ўз кўмакчиси билан бирга ташланади. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлар грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: ер билан яксон бўлмоқ ва ер билан яксон қилмоқ ва ер билан яксон этмоқ ва яксон қилмоқ (лексик).

г) Икки мустақил сўздан таркиб топган қисм ташланади. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлар грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: кўргани кўз(и), отгани ўқ(и) йўқ ва кўргани кўз(и) йўқ (лексик) ва кўрарга кўз(и) йўқ ва кўришга кўз(и) йўқ.

2) Лексик вариант иккита бўлади (3 та):

а) Лексик вариантнинг бирида битта сўз, иккинчисида иккита сўз ташланади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант тартиб ўзгартиш билан ҳосил қилинган: аравани қуруқ олиб қочмоқ ва аравани олиб қочмоқ ва олиб қочмоқ ва қуруқ аравани олиб қочмоқ.

б) Лексик вариантнинг бирида сўз икки ўринда, иккинчисида эса бир ўринда ташланади (булар бошқа-бошқа сўз бўлади). Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: кечани кеча, кундузни кундуз демай ва кечани кеча, кундузни кундуз демаган ва кеча демай, кундуз демай ва кеча-кундуз демай.

в) Лексик вариантларнинг ҳар иккиси икки сўздан таркиб топган қисмни ташлаш билан ҳосил қилинади, бунда ҳар гал бошқа-бошқа қисм ташланади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант тартиб ўзгартиш билан ҳосил қилинган (бунда ҳам икки сўздан таркиб топган қисм ўрин алмаштирилган): айтган(и) — айтган, деган(и) — деган ва айтган(и) — айтган ва деган(и) — деган ва деган(и) — деган, айтган(и) — айтган.

4. Лексик вариантлардан бири лексик алмаштириш, иккинчиси лексик ташлаш натижасида туғилган иборалар. Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчи вариантдан грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан, учинчи вариант иккинчи вариантдан лексик алмаштириш билан, тўртинчи вариант биринчи вариантдан лексик ташлаш билан ҳосил қилинган: икки оёғ(и)ни бир этикка тиқмоқ I ва икки оёғ(и) бир этикка тиқилди ва икки оёғ(и) бир этикка суқилди ва оёғ(и)ни бир этикка тиқмоқ.

5. Лексик вариантлардан бири лексик қўшиш, иккинчиси лексик ташлаш натижасида туғилган иборалар. Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчисидан лексик қўшиш билан, учинчи вариант биринчисидан тартиб ўзгартиш билан,

тўртинчи вариант учинчисидан лексик ташлаш билан ҳосил қилинган: **бир жон-бир тан бўлмоқ** ва **бир жон бўлиб-бир тан бўлиб** ва **бир тан-бир жон бўлмоқ** ва **бир тан бўлиб**.

6. Лексик вариантлардан бири лексик алмаштириш, иккинчиси эса ҳам лексик алмаштириш, ҳам лексик қўшиш натижасида туғилган иборалар (2 та):

1) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчисидан лексик алмаштириш билан (синонимлар алмашади), учинчи вариант биринчисидан тартиб ўзгартиш билан, тўртинчи вариант учинчисидан лексик алмаштириш ҳамда лексик қўшиш билан ҳосил қилинган: **бош(и)ни қаёққа урмоқ** ва **бош(и)ни қаерга урмоқ** ва **қаёққа бош(и)ни урмоқ** ва **қайси тошга бош(и)ни урмоқ**.

2. Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчисидан грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, учинчи вариант иккинчисидан лексик қўшиш ҳамда лексик алмаштириш билан, тўртинчи вариант учинчисидан лексик алмаштириш билан ҳосил қилинган (яқин маъноли сўзлар алмашган): **ўтака(си)ни ёрмоқ** ва **ўтака(си) ёрилди** ва **ўтака(си) ўнга бўлинди** ва **ўтака(си) ўттиз иккига бўлинди** (лексик қўшиш ҳам, лексик алмаштириш ҳам аллитерацияга асосланади; кейинги алмаштиришда аллитерация кучли).

В) БЕШ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Лексик вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган иборалар (10 та). Бунда:

1) Лексик вариант битта бўлади (2 та):

а) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчисидан грамматик алмаштириш билан, учинчи вариант биринчисидан грамматик ташлаш билан, тўртинчи вариант учинчисидан грамматик қўшиш ҳамда грамматик алмаштириш билан, бешинчи вариант тўртинчи вариантдан лексик алмаштириш билан ҳосил қилинган (алмашинувчилар ўзаро синоним): **қўл(и) калта бўлди** ва **қўл(и)ни калта қилмоқ** ва **қўл калта бўлди** ва **қўл калталиқ қилди** ва **қўл қисқалиқ қилди**.

б) Қуйидаги мисолда иккинчи вариант биринчисидан грамматик алмаштириш билан, учинчи вариант иккинчисидан лексик алмаштириш билан (алмашинувчилар — яқин маъноли сўзлар), тўртинчи вариант иккинчисидан ва бешинчи вариант учинчисидан грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **кўнгл(и) тўқ бўлди** ва **кўнгл(и)ни тўқ қилмоқ** ва **кўнгл(и)ни тўқ тутмоқ** ва **кўнгилини тўқ қилмоқ** ва **кўнгилини тўқ тутмоқ**.

2) Лексик вариант иккита бўлади (5 та):

а) Алмашинувчи сўзлар синоним бўлади (4 та):

а) Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: кўз олд(и)га келмоқ ва кўз олд(и)га келтирмоқ ва кўз ўнг(и)га келмоқ ва кўз ўнг(и)га келтирмоқ ва кўз(и)нинг олдига келмоқ.

б) Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и)га сиғмаслик ва юраг(и)га сиғмаслик ва кўнгл(и)га сиғармиди?! ва юраг(и)га сиғармиди?! ва юракка сиғармиди?!

в) Қуйидаги мисолда грамматик вариантлар грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: мия(си) ғовлаб кетди ва мия(си)ни ғовлатиб юбормоқ ва бош(и) ғовлаб кетди ва калла(си) ғовлаб кетди ва бош(и)нинг ғовлаши.

г) Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик ташлаш ҳамда грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: сўз(и) ўтди ва сўз(и)ни ўтказмоқ ва гап(и) ўтди ва гап(и)ни ўтказмоқ ва сўз ўтмас.

б) Алмашинувчилар ўзаро яқин маъноли сўзлар бўлади. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири тартиб ўзгартириш билан, иккинчиси грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: астар-авра(си)ни ағдармоқ ва авра-астар(и)ни ағдармоқ ва авра-астар(и)ни очмоқ ва авра-астар(и) очилди ва астар-авра(си)ни очмоқ.

3) Лексик вариант учта бўлади (3 та):

а) Алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним бўлади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: аччиғ(и)дан тушмоқ ва жаҳл(и)дан тушмоқ ва жаҳлдан тушмоқ ва захр(и)дан тушмоқ ва ғазаб(и)дан тушмоқ.

б) Алмашинувчилар ўзаро яқин маъноли сўзлар бўлади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: кайф(и) учди ва кайф(и)ни учирмоқ ва капалаг(и) учди ва капалаг(и)ни учирмоқ ва кампираг(и)ни учирмоқ.

в) Алмашинувчилар иккита вариантда синонимлар, биттасида яқин маъноли сўзлар бўлади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: юраг(и) бўшади ва юраг(и)ни бўшатмоқ ва кўнгл(и) бўшади II ва кўнгл(и)ни бўшатмоқ ва ич(и)ни бўшатмоқ.

2. Лексик вариант лексик қўшиш натижасида туғилган иборалар (4 та). Бунда:

1) Лексик вариант битта бўлади (3 та):

а) Қўйидаги мисолда қўшиш от компонентнинг такрорий қисми ҳисобига бўлади; грамматик вариантлардан иккитаси грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, биттаси грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: **жон(и) чиқди II** ва **жон(и)ни чиқармоқ** ва **жон(и) чиқиб кетди** ва **жон-пон(и) чиқиб кетди II** ва **жон-пон(и)ни чиқариб юбормоқ**.

б) Қўйидаги мисолда мустақил сўз қўшилган; грамматик вариантлардан бири грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик ташлаш ҳамда грамматик алмаштириш билан, учинчиси грамматик ташлаш ҳамда тартиб ўзгартиш билан ҳосил қилинган: **кўз(и)ни юммоқ** ва **кўз(и) юмилди** ва **кўз юммоқ II** ва **юмилган кўз** ва **дунёдан кўз юммоқ**.

2) Лексик вариант иккита бўлади. Қўйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **тинка(си) қуриди** ва **тинка(си)ни қуритмоқ** ва **тинкани қуритмоқ** ва **тинка-мадор(и) қуриди** ва **тинка-мадор(и)ни қуритмоқ**.

3. Лексик вариант лексик ташлаш натижасида туғилган иборалар (2 та). Қўйидаги мисолларда лексик вариант иккитадан бўлиб:

1) грамматик вариантлар грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: «лом-мим» демаслик ва «лом-мим» деб ва «лом-мим» демай II ва «лом» демаслик ва «лом-мим»;

2) грамматик вариантлардан бири грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **етти ухлаб, туш(и)га кирмаслик** ва **етти ухлаб, туш(и)га ҳам кирмаслик** ва **етти ухлаб, тушга кирмаслик** ва **туш(и)га кирмаслик** ва **туш(и)га ҳам кирмаслик**.

4. Лексик вариантлар лексик алмаштириш натижасида ҳамда лексик қўшиш натижасида туғилган иборалар. Қўйидаги мисолда учта лексик вариант бор, шулардан биттаси лексик алмаштириш билан, иккитаси лексик қўшиш билан, грамматик вариант грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: **бурн(и)ни кўтармоқ** ва **бурн(и) кўтарилди** ва **бурн(и)ни бир қарич кўтармоқ** ва **бурн(и)ни осмонга кўтармоқ** ва **димоғ(и) кўтарилди**.

5. Лексик вариантлар лексик алмаштириш натижасида ва лексик ташлаш натижасида туғилган иборалар (2 та):

1) Қўйидаги мисолда грамматик вариантлар грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **қўл(и)ни ювиб, қўлтиғ(и)га урмоқ** ва **қўлни ювиб, қўлтиққа урмоқ** ва **қўл(и)ни ювиб,**

қўлтиғ(и)га артмоқ ва қўлни ювиб, қўлтиққа артмоқ ва қўл(и)ни қўлтиғ(и)га урмоқ.

2) Қуйидаги мисолда лексик вариантларнинг биттаси лексик алмаштириш билан, иккитаси лексик ташлаш билан, грамматик вариант эса грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: бош(лари) бир жойга қовушди ва бош(лари)ни бир жойга қовуштирмоқ ва бош(лари)ни бир ерга бирлаштирмоқ ва бош(лари)ни қовуштирмоқ II ва бош(лари)ни бириктирмоқ II.

6. Лексик вариантлар лексик қўшиш натижасида ва лексик ташлаш натижасида туғилган иборалар (2 та):

1) Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик ташлаш билан, иккинчиси грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: чизган чизиг(и)дан чиқмаслик ва чизиг(и)дан чиқмаслик ва чизиг(и)дан четга чиқмаслик ва чизикдан чиқмаслик ва чизган чизиг(и)дан чиқиш.

2) Қуйидаги мисолда лексик вариантлардан иккитаси лексик қўшиш билан, биттаси лексик ташлаш билан, грамматик вариант эса грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: баҳр(и)ни очмоқ ва баҳр(и) очилди ва баҳри дил(и)ни очмоқ ва баҳри дил(и) очилди ва дил(и) очилди.

Г) ОЛТИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Лексик вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган иборалар (6 та). Бунда:

1) Лексик вариант иккита бўлади (3 та):

а) Қуйидаги мисолда грамматик вариантлар грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: кўздан кечирмоқ ва кўздан ўтказмоқ ва кўз(и)дан кечирмоқ ва кўз(и)дан ўтказмоқ ва назардан ўтказмоқ ва назар(и)дан ўтказмоқ.

б) Қуйидаги мисолларда грамматик вариантлардан бири грамматик қўшиш билан, иккитаси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: хаёл(и)дан ўтмоқ ва хаёл(и)дан ўтказмоқ ва хаёлдан ўтказмоқ ва хаёл(и)дан кечмоқ ва хаёл(и)дан кечирмоқ ва хаёлдан кечирмоқ; ёд(и)дан кўтармоқ ва ёд(и)дан кўтарилмоқ ва ёддан кўтарилмоқ ва хаёл(и)дан кўтарилмоқ ва эс(и)дан кўтарилмоқ ва эсдан кўтарилмоқ.

2) Лексик вариант тўртта бўлади (3 та):

а) Қуйидаги мисолда алмашинувчи сўзлар синоним; грамматик вариант грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: таъб(и) хира бўлди ва таъб(и)ни хира қилмоқ ва таъб(и) кир бўлди ва таъб(и)ни кир қилмоқ ва табиат(и) хира бўлди ва табиат(и)ни хира қилмоқ.

б) Қуйидаги мисолда алмашинувчилар — яқин маъноли сўзлар; грамматик вариант грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: **бир пул бўлди** ва **бир пул қилмоқ** ва **уч пул бўлди** ва **уч пул қилмоқ** ва **бир тийин бўлди** ва **бир пақир бўлди**.

в) Қуйидаги мисолда алмашинувчилар иккита вариантда синоним, иккита вариантда яқин маъноли сўзлар; грамматик вариант грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: **юраг(и)ни очмоқ** ва **юраг(и) очилди** ва **кўнгл(и)ни очмоқ** II ва **кўнгл(и)ни ёрмоқ** ва **юраг(и)ни ёрмоқ** II ва **қалб(и)ни очмоқ**.

2. Лексик вариант лексик қўшиш натижасида туғилган иборалар. Қуйидаги мисолда лексик вариант лексик қўшиш билан, грамматик вариантлардан иккитаси грамматик алмаштириш билан, биттаси грамматик алмаштириш ҳамда грамматик ташлаш билан, биттаси тартиб ўзгартиш ҳамда грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **кўз(и) тўрт бўлди** ва **кўз(и)ни тўрт қилмоқ** ва **кўзлар тўрт бўлди** ва **кўз(и) тўрт бўлиб** ва **икки кўз(и) тўрт бўлиб** ва **тўрт кўз бўлиб**.

3. Лексик вариантлардан иккитаси лексик алмаштириш натижасида, биттаси лексик қўшиш натижасида туғилган иборалар. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: **етти ўлчаб**, **бир кесмоқ** ва **етти ўлчаб**, **битта кесмоқ** ва **етти ўлча**, **бир кес** ва **қирқ ўлчаб**, **бир кесмоқ** ва **қирқ марта ўлчаб**, **бир марта кесмоқ** ва **минг ўлчаб**, **бир кесмоқ**.

4. Лексик вариантлардан бири лексик алмаштириш, иккинчиси лексик қўшиш, учинчиси лексик ташлаш натижасида туғилган иборалар. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик алмаштириш билан, иккинчиси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **бош(и)дан ошиб ётмоқ** ва **бош(и)дан ошиб кетмоқ** ва **бош(и)дан ортиб ётмоқ** ва **бош(и)дан ошиб-тошиб ётмоқ** ва **бошдан ошиб ётмоқ** ва **ошиб-тошиб ётмоқ**.

Д) ЕТТИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Лексик вариантлар лексик алмаштириш натижасида туғилган иборалар (3 та):

1) Лексик вариант иккита бўлади (2 та):

а) Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик қўшиш билан, учтаси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **эс(и)га тушмоқ** ва **эс(и)га туширмоқ** ва

эсга тушмоқ ва эсга туширмоқ ва ёд(и)га тушмоқ ва ёд(и)га туширмоқ ва ёдга тушмоқ.

б) Қуйидаги мисолда грамматик вариантлардан бири грамматик алмаштириш, грамматик ташлаш ҳамда грамматик қўшиш билан, иккинчиси грамматик қўшиш билан, яна иккитаси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и) ёришди ва кўнгл(и)ни ёритмоқ ва кўнгл(и)ни ёриштирмоқ ва кўнгилни ёритмоқ ва юраг(и) ёришди ва дил(и) ёришди ва дил(и) ёриди.

2) Лексик вариант учта бўлади. Қуйидаги мисолда грамматик вариантлар грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: ер тагида илон қимирласа, билмоқ ва ер остида илон қимирласа, билмоқ ва ернинг тагида илон қимирласа, билмоқ ва ер тагида илон қимирлаганини билмоқ ва ернинг тагида илон қимирлаганини билмоқ ва ер тагида илон қимирласа, сезмоқ ва ер остида илон қимирласа, сезмоқ.

2. Лексик вариантлардан баъзиси лексик алмаштириш, баъзиси лексик қўшиш натижасида туғилган иборалар. Қуйидаги мисолда лексик вариантлардан тўрттаси лексик алмаштириш билан, биттаси лексик қўшиш билан, грамматик вариант эса грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: севинч(и) ич(и)га сиғмайди ва севинч(и) юраг(и)га сиғмайди ва севинч(и)ни юраг(и)га сиғдиrolмаслик ва севинч-қувонч(и) ич(и)га сиғмайди ва хурсандлиг(и) ич(и)га сиғмайди ва шодлиг(и) ич(и)га сиғмайди ва қувонч(и) ич(и)га сиғмайди.

Е) САККИЗ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги ибораларнинг олтигадан лексик варианты бўлиб:

1) ҳаммаси лексик алмаштириш натижасида туғилган, грамматик вариант эса грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: аччиғ(и) келди ва аччиғ(и)ни келтирмоқ ва жаҳл(и) келди ва жаҳл(и)ни келтирмоқ ва қаҳр(и) келди ва қаҳр(и)ни келтирмоқ ва ғазаб(и) келди ва ғазаб(и)ни келтирмоқ;

2) учтаси лексик алмаштириш, иккитаси лексик қўшиш, биттаси лексик ташлаш натижасида туғилган, грамматик вариант эса грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: юраг(и)ни эзмоқ ва юраг(и) эзилди ва юрак-бағр(и)ни эзмоқ ва юрак-бағр(и) эзилди ва кўнгл(и)ни эзмоқ ва кўнгл(и) эзилди ва жигар-бағр(и) эзилди ва бағр(и)ни эзмоқ.

Ж) ТУҚҚИЗ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги мисолда тўрт вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган, грамматик вариантлардан иккитаси грамматик қўшиш билан, иккитаси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и)дан ўтмоқ ва кўнгл(и)дан ўтказмоқ ва дил(и)дан ўтмоқ ва дил(и)дан ўтказмоқ ва дил(и)дан кечмоқ ва кўнгл(и)дан кечмоқ ва кўнгл(и)дан кечирмоқ ва кўнгилдан кечирмоқ ва кўнгилдан ўтказмоқ.

3) УН ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги мисолда тўртта вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган, грамматик вариантлардан бири грамматик қўшиш билан, тўрттаси грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: эс(и)дан чиқмоқ ва эс(и)дан чиқармоқ ва эсдан чиқмоқ ва эсдан чиқармоқ ва ёд(и)дан чиқмоқ ва ёд(и)дан чиқармоқ ва ёддан чиқмоқ ва ёддан чиқармоқ ва хотир(и)дан чиқмоқ ва хотирдан чиқармоқ.

Д. Лексик вариантли ва лексик-грамматик вариантли иборалар (10 та)

А) УЧ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Бундай ибораларда лексик вариант лексик алмаштириш натижасида туғилади. Бунда алмашинувчилар:

1. Синоним бўлади:

1) Қуйидаги мисолда лексик-грамматик вариант лексик алмаштириш ҳамда грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: юраг(и)ни тирнамоқ ва дил(и)ни тирнамоқ ва юракни тимдаламоқ.

2) Қуйидаги мисолда лексик-грамматик вариант лексик қўшиш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: хаёлга чўммоқ ва хаёл дарёсига чўммоқ ва хаёлга ботмоқ.

2. Яқин маъноли сўзлар бўлади:

1) Қуйидаги мисолда бир компонент алмашади; лексик-грамматик вариант эса лексик қўшишлар ҳамда тартиб ўзгартиш билан ҳосил қилинган: осмонга учса(...) — оёғ(и)дан, ерга кирса(...) — қулоғ(и)дан тортмоқ ва осмонга чиқса(...) — оёғ(и)дан, ерга кирса(...) — қулоғ(и)дан тортмоқ ва ерга кирса(...) — қулоғ(и)дан тартиб чиқармоқ, осмонга чиқса(...) — оёғ(и)дан тартиб туширмоқ.

2) Қуйидаги мисолда бир неча компонент алмашади;

лексик-грамматик вариант эса лексик алмаштириш ҳамда грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган (бунда ҳам бир неча компонент алмашади): дунёни сув босса, тўпиғ(и)га чиқмаслик ва дунёни сув олиб кетса, тўпиғ(и)дан келмаслик ва дунёни сел олса, тўпиғ(и)га чиқмаслик.

Б) ТҲРТ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Қуйидаги мисолда иккита вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган; лексик-грамматик вариант эса лексик қўшиш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: гап қайтармоқ ва сўз қайтармоқ ва гап(и)га гап қайтармоқ ва сўз(и)га сўз қайтармоқ.

2. Қуйидаги мисолда иккита лексик вариантнинг бири лексик алмаштириш, иккинчиси лексик ташлаш натижасида туғилган; лексик-грамматик вариант эса лексик ташлаш ҳамда грамматик қўшиш билан грамматик ташлаш натижасида юзага келган: истара(си) иссиқ ва юлдуз(и) иссиқ ва иссиқ ва истарали.

В) БЕШ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

1. Қуйидаги мисолда учта вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган; лексик-грамматик вариант эса лексик ташлаш ҳамда грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: дам(и)ни ич(и)га ютмоқ ва дам(и)ни ютмоқ ва нафас(и)ни ич(и)га ютмоқ ва дам(и)ни ич(и)га олмоқ ва нафас(и)ни ич(и)га олмоқ.

2. Қуйидаги мисолда тўртинчи вариант лексик вариант бўлиб, лексик қўшиш ҳамда лексик алмаштириш натижасида туғилган; уч лексик-грамматик вариантдан иккитаси лексик қўшиш ҳамда грамматик қўшиш билан, биттаси лексик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: пичоқ суякка етди ва пичоқ суяк-суяг(и)га етди ва пичоқ бориб суяг(и)га етди ва пичоқ суякка бориб тақалди ва пичоқ суяг(и)га тақалди.

Г) ОЛТИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги мисолда вариантлардан тўрттаси лексик алмаштириш натижасида туғилган (иккитасида бир компонент, яна иккитасида бошқа бир компонент алмашган; алмашинувчилар ўзаро яқин маъноли сўзлар), лексик-грамматик вариант лексик алмаштириш ҳамда грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: бир кесак билан икки қуённи урмоқ

ва бир кесак билан икки қушни урмоқ ва бир кесак билан икки қарғани урмоқ ва бир ўқ билан икки қуённи урмоқ ва бир ўқ билан икки қушни урмоқ ва бир ўқ билан икки нишонга урмоқ.

Е. Грамматик вариантли ва лексик-грамматик вариантли иборалар (8 та)

А) УЧ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР (7 та)

1. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш натижасида туғилган, лексик-грамматик вариант эса лексик ташлаш, грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: **илон пўст ташлайди** ва **илон пўст ташлайдиган** ва **пўст ташлатадиган**.

2. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик қўшиш натижасида туғилган, лексик-грамматик вариант эса лексик алмаштириш ва грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: **пашшадан фил ясамоқ** ва **пашшани фил қилмоқ** ва **пашшасини фил қилмоқ**.

3. Қуйидаги мисолларда грамматик вариант грамматик ташлаш натижасида туғилган, лексик-грамматик вариант эса:

1) лексик алмаштириш ва грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: **эс(и)да қолмоқ** ва **эсда қолмоқ** ва **ёдда қолдирмоқ**;

2) лексик қўшиш (иккита) ва грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: **бош(и) оққан** ва **бош оққан** ва **бош(и) қаёққа оғса, ўша**.

4. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик ташлаш ҳамда грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **кулини кўкка совурмоқ** ва **кули кўкка совурилди** ва **кўкка совурмоқ II**.

5. Қуйидаги мисолда грамматик вариант тартиб ўзгартиш ҳамда грамматик алмаштириш натижасида туғилган, лексик-грамматик вариант эса лексик ташлаш ҳамда грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **бош(и) чиқмади** ва **чиқмаган бош(и)** ва **чиқмайди**.

6. Қуйидаги мисолда грамматик вариант тартиб ўзгартиш ҳамда грамматик қўшиш натижасида туғилган, лексик-грамматик вариант эса лексик алмаштириш, грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: **азоб чекмоқ** ва **азоб(и)ни тортмоқ** ва **тортган азоб(и)**.

Б) ТҮРТ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги мисолда грамматик вариант бир неча босқичли грамматик алмаштириш натижасида туғилган, лексик-грамматик вариантлардан бири лексик ташлаш ҳамда грамматик алмаштириш билан, иккинчиси лексик ташлаш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: **юраг(и) тарс ёрилиб кета ёзди ва юраг(и) тарс ёрилгудай бўлди ва юраг(и) ёрилиб кетай деди ва юраг(и) ёрилгудай бўлиб кетди.**

Ж. Лексик вариантли, грамматик вариантли ва лексик-грамматик вариантли иборалар

Бундай вариантланишли иборалар у қадар кўп бўлмай (14 та), тўрт вариантли иборалардан тўртиб ўн бир вариантли иборалар орасида учрайди.

А) ТҮРТ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР (3 та)

1. Лексик вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган иборалар (2 та). Қуйидаги мисолларда алмашинувчи сўзлар ўзаро синоним. Буларда:

1) грамматик вариант грамматик алмаштириш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: **қайси шамол учирди?! ва қандай шамол учирди?! ва қандай шамоллар учирди?! ва қандоққина шамол учирди?!**

2) грамматик вариант грамматик алмаштириш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик ташлаш, лексик алмаштириш ҳамда грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: **бир сўз(и) иккита бўлмади ва бир сўз(и)ни иккита қилмаслик ва гап(и)ни иккита қилмоқ ва сўз(и)ни икки қилмоқ.**

2. Лексик вариант лексик қўшиш натижасида туғилган қуйидаги иборада грамматик вариант грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик ташлаш ҳамда грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: **юраг(и) кенг ва юраг(и) кенглиги ва юраг(и) дарёдай кенг ва юраг(и) дарё.**

Б) БЕШ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР (3 та)

1. Лексик варианты битта иборалар. Қуйидаги мисолда лексик вариант лексик қўшиш натижасида туғилган. Грамматик вариантлардан бири грамматик алмаштириш билан, иккинчи-

си грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик қўшиш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: тер тўкмоқ ва тер(и) тўкилди ва пешана тери тўкмоқ ва пешана тер(и) тўкилди ва тер тўкиб II.

2. Лексик варианты иккита иборалар (2 та). Бунда:

1) Лексик вариантлар лексик алмаштириш натижасида туғилади. Қуйидаги мисолда лексик вариантлардан бири синонимларни алмаштириш билан, иккинчиси яқин маъноли сўзларни алмаштириш билан ҳосил қилинган (ҳар иккисидан иккитадан компонент алмашган). Грамматик вариант грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган (кейинги вариантда лексик ҳамда грамматик ўзгариш икки ўринда юз беради): етти яшардан етмиш яшаргача ва етти яшаридан етмиш яшаригача ва етти ёшдан етмиш ёшгача ва олти яшардан олтмиш яшаргача ва саккиз ёшидан саксон ёшигача (кўринадики, лексик алмаштиришларда аллитерацияга риоя қилинади: бирлик сон ва шундан ясалган ўнлик сон ишлатилади).

2) Лексик вариантлардан бири лексик алмаштириш натижасида, иккинчиси лексик ташлаш натижасида туғилади. Қуйидаги мисолда грамматик вариант грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариант лексик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: фиғон(и) фалакка чиқди ва фиғон(и)ни фалакка чиқармоқ ва фиғон(и) фалакка кўтарилди ва фиғон(и) фалакка етди ва фиғон(и) чиқди.

В) ОЛТИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги мисолда уч вариант лексик вариант бўлиб, биринчиси лексик қўшиш натижасида, иккинчиси лексик алмаштириш ҳамда лексик қўшиш натижасида, учинчиси эса лексик алмаштириш натижасида туғилган. Грамматик вариант грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик алмаштириш, грамматик алмаштириш ҳамда тартиб ўзгартиш билан ҳосил қилинган: бош(и)ни букмоқ ва бош(и) букилди ва бош(и)ни ерга букмоқ ва бош(и)ни қуйи эгмоқ ва эгилган бош(и) ва бош(и)ни ҳам қилмоқ.

Г) ЕТТИ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР (4 та)

1. Лексик вариант битта бўлади (2 та):

1) Қуйидаги мисолда лексик вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган; учта грамматик вариантнинг биттаси грамматик қўшиш ҳамда грамматик ташлаш билан, иккинчиси тартиб ўзгартиш, грамматик қўшиш ҳамда грамматик ташлаш билан, учинчиси тартиб ўзгартиш ҳамда грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган; иккита лексик-грамматик вариантнинг биттаси лексик қўшиш ҳамда грамматик алмаштириш билан, иккинчиси лексик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и) хира ва кўнгил хиралик ва хира кўнгил билан ва кўнгл(и)нинг бир чеккаси хира ва юраг(и) хира ва хира юрак ва дил(и) хиралик.

2) Қуйидаги мисолда лексик вариант лексик алмаштириш натижасида туғилган (яқин маъноли сўзлар алмаштирилган); тўртта грамматик вариантнинг иккитаси грамматик қўшиш билан, учинчиси грамматик алмаштириш ҳамда грамматик ташлаш билан, тўртинчиси грамматик қўшиш ҳамда грамматик алмаштириш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: оқ-қорани танимоқ ва оқ-у қорани танимоқ ва оқ-қорасини танимоқ ва оқ-у қорасини билмоқ ва оқ билан қорани билмоқ ва оқ-у қорани тушунмоқ ва оқ-у қорасига тушунмоқ.

2. Қуйидаги иборанинг тўртта лексик варианты бўлиб, булар лексик алмаштириш натижасида туғилган (алмаштинувчилар синоним). Грамматик вариант грамматик алмаштириш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик қўшиш ҳамда грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и) ғаш бўлди ва кўнгл(и)ни ғаш қилмоқ ва юраг(и) ғаш бўлди ва юраг(и)ни ғаш қилмоқ ва юраг(и)нинг бир чеккаси ғаш бўлди ва дил(и) ғаш бўлди ва дил(и)ни ғаш қилмоқ.

Қуйидаги мисолда вариантлардан тўрттаси лексик алмаштириш натижасида туғилган (учтасида бир компонент, биттасида икки компонент алмашади; икки вариантда алмаштинувчилар синоним, яна иккисиди яқин маъноли сўзлар); қолган икки вариантнинг биттаси лексик-грамматик вариант бўлиб, лексик ташлаш ҳамда грамматик ташлаш билан, иккинчиси грамматик вариант бўлиб, грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: тирноқ орасидан кир изламоқ ва тирноқ остидан кир изламоқ ва тирноқ орасидан кир қидирмоқ ва тирноқ тагидан кир қидирмоқ ва тирноқ орасидан кир ковламоқ ва тирноқдан кир изламоқ ва тирноғ(и)дан кир изламоқ.

Д) САККИЗ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги мисолда вариантларнинг иккитаси лексик, тўрттаси грамматик ва биттаси лексик-грамматик. Лексик вариантлардан бири лексик қўшиш натижасида, иккинчиси лексик ташлаш натижасида туғилган. Грамматик вариантлардан иккитаси грамматик алмаштириш билан, биттаси грамматик қўшиш билан, яна биттаси грамматик ташлаш ҳамда грамматик алмаштириш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик қўшиш ҳамда грамматик ташлаш билан ҳосил қилинган: оёғ(и)ни тираб олмоқ ва оёғ(и)ни тираб турмоқ ва оёғ(и)ни тираб туриб олмоқ ва оёғ(и)ни ерга тирамоқ ва икки оёғ(и)ни тираб олмоқ ва оёқ тирамоқ ва оёқни тирамоқ ва туриб олмоқ.

Е) ТУҚҚИЗ ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги мисолда вариантларнинг учтаси лексик, тўрттаси грамматик, биттаси лексик-грамматик. Лексик вариантлар лексик алмаштириш натижасида туғилган (синонимлар алмаштирилган). Грамматик вариантлардан иккитаси тартиб ўзгартиш билан, биттаси грамматик ташлаш, грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, яна биттаси грамматик ташлаш ҳамда грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик қўшиш ҳамда грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и) ғаш ва кўнгл(и)нинг бир чеккаси ғаш ва кўнгил ғашлиги ва ғаш кўнгл(и) ва юраг(и) ғаш ва юраг(и)нинг бир чеккаси ғаш ва юрак ғаши ва дил(и) ғаш ва ғаш дил(и).

Ж) УН ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР (2 та)

1. Қуйидаги мисолда вариантларнинг учтаси лексик, бештаси грамматик, биттаси лексик-грамматик. Лексик вариантлар лексик ташлаш натижасида туғилган. Грамматик вариантлардан иккитаси грамматик алмаштириш билан, иккитаси грамматик ташлаш билан, биттаси грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариант эса лексик алмаштириш ҳамда грамматик алмаштириш билан ҳосил қилинган: ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмаслик ва ер ёрилмади-ю, кириб кетмаслик ва ер ёрилмади, ерга кириб кетмаслик ва ер ёрилмади-ю, ерга кирмаслик ва ер ёрилмади, ерга кириб кетса(...) ва ер ёрилмадики, кириб

йўқолса(...) ва ер ёрилса-ю, ерга кириб кетса(...) ва ер ёрилса-ю, кириб кетса(...) ва ер ёрилса, ерга киргудай бўлмоқ ва ер ёрилса, киргудай бўлмоқ.

2. Қуйидаги мисолда вариантлардан тўрттаси лексик, биттаси грамматик, тўрттаси лексик-грамматик. Лексик вариантларнинг учтаси лексик алмаштириш, биттаси лексик ташлаш натижасида туғилган. Грамматик вариант грамматик алмаштириш билан, лексик-грамматик вариантлардан иккитаси лексик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, биттаси лексик алмаштириш ҳамда грамматик ташлаш билан, яна биттаси лексик қўшиш, грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: тепа соч(и) тик бўлиб кетди ва тепа соч(и)ни тик қилиб юбормоқ ва тепа соч(и) тикка бўлди ва тепа соч(и) тик турди ва тепа соч(и) тикка турди ва тепа соч(и) тиккайдди ва соч(и) тикка бўлди ва соч(и) типпа-тик бўлди ва соч(и) тикка туриб кетди ва сочлар(и) тикка-тикка бўлиб кетди.

3) УН БИР ВАРИАНТЛИ ИБОРАЛАР

Қуйидаги мисолда вариантларнинг иккитаси лексик, тўрттаси грамматик, тўрттаси эса лексик-грамматик. Лексик вариантлардан бири лексик алмаштириш натижасида, иккинчиси лексик ташлаш натижасида туғилган. Грамматик вариантлардан учтаси грамматик ташлаш билан, биттаси грамматик алмаштириш ҳамда грамматик қўшиш билан, лексик-грамматик вариантлардан биттаси лексик ташлаш ҳамда грамматик ташлаш билан, биттаси лексик ташлаш ҳамда грамматик алмаштириш билан, биттаси лексик қўшиш ҳамда грамматик қўшиш билан, яна биттаси лексик алмаштириш, лексик қўшиш ҳамда грамматик қўшиш билан ҳосил қилинган: кўнгл(и)ни ёзмоқ ва кўнгл(и) ёзилди ва кўнгил ёзмоқ ва кўнгил(и)нинг чигилини ёзмоқ ва кўнгилнинг чигилини ёзмоқ ва юраг(и)ни ёзмоқ ва юраг(и)нинг чигили ёзилди ва юракнинг чигили ёзилди ва чигилни ёзмоқ ва чигили ёзилади ва ёзилмоқ.

Қисқа хулосалар

1. Вариантланиш ўзбек тили ибораларида жуда кенг тармоқ ёйган ҳодиса. Автор тузган луғатдаги ибораларнинг ўндан олти қисми кўп вариантли.

2. Иборалар иккитадан тортиб ўн биттагача вариантга эга бўлади. Вариантларнинг миқдори орта борган сари бундай

ибораларнинг миқдори камая боради (масалан, икки вариантли иборалар 340 та бўлгани ҳолда, ўн бир вариантли ибора битта).

3. Тортишувга олиб келадиган назарий масала фразеологик вариантларни фразеологик синонимлардан фарқлаш масаласи ҳисобланади. Биз вариантлар учун асосий белги сифатида бир манбадан ўсиб чиққанликни, асосида айни бир образ ётишини, таркибида умумий (айни) лексик компонентнинг қатнашувини олдик. Шуларни бошлаб берувчи яна бир белги бор, бу — айни бир маънони англатиши. Аммо бу белги фразеологик синонимларни аниқлашда хизмат қилувчи белгидир. Вариантлар учун эса айни бир маънони англатиш постулат, аксиома.

4. Фразеологик вариантлар дастлаб лексик вариантлар ва грамматик вариантлар деб фарқланади. Ибора таркибида мустақил сўз билан ифодаланган компонентни ўзгартириш натижасида ҳосил бўладиган вариантлар лексик вариант дейилади. Бунда сўз-компонент алмаштирилади, қўшилади, ташланади. Шунга кўра лексик вариантнинг уч тури фарқланади: лексик алмаштириш, лексик қўшиш, лексик ташлаш.

5. Грамматик ўзгартириш билан ҳосил бўладиган вариант грамматик вариант деб аталади. Бундай ўзгартириш асосан иборанинг ички грамматик қурилишида юз беради. Вариантланиш эса, худди лексик вариантланишда бўлганидек, грамматик алмаштириш, грамматик қўшиш ва грамматик ташлаш билан воқе бўлади. Шулар қаторига яна тўртинчи кўриниш — тартиб ўзгартиш ҳам қўшилади. Грамматик вариантланиш фразеологик маънога таъсир қилмайди.

6. Лексик вариантларнинг, шунингдек грамматик вариантларнинг юқорида саналган кўринишлари бир вариантнинг шаклланишида якка-якка келгани каби, турлича комбинацияланиб ҳам келади.

7. Айни бир вариантда лексик вариантланишнинг ёки грамматик вариантланишнинг биттадан ортиқ кўриниши қатнаша олади.

8. Бир вариантнинг шаклланишида лексик вариантланишнинг ҳамда грамматик вариантланишнинг кўриниши қатнашса, бундай вариант лексик-грамматик вариант деб юритилади.

9. Вариантлар ичида энг кўпи грамматик вариантлардир (барча вариантларнинг тахминан 55 процентига тўғри келади). Лексик вариантлар ҳам жуда кўп (барча вариантларнинг тахминан 41 процентига тўғри келади). Лексик-грамматик вариантлар эса буларга нисбатан жуда оз (барча вариантларнинг уч процентидан кўпроғига тўғри келади).

10. Кўп вариантли ибораларнинг барча вариантлари вариантланишнинг бир тури асосида юзага келиши ҳам, ҳар хил тури асосида юзага келиши ҳам мумкин.

11. Иборанинг семантик структурасига таъсир қила олувчи вариантланиш — лексик вариантланиш. Лексик ташлаш билан юзага келадиган баъзи эллиптик вариантлар ўзига асос бўлган вариантдан изоҳланиш даражасига кўра фарқланади: бундай эллиптик вариантда изоҳлаш имконияти камаяди, маънони шартли қабул қилиш кучаяди, демак, бундай вариантларда идиоматиклик кучлироқ бўлади. Лексик ўзгартишлар ичида лексик ташлаш миқдор жиҳатдан иккинчи ўринда туради.

12. Лексик қўшиш натижасида иборанинг семантикасида конкретликка томон силжиш юз беради, конкрет бир изоҳ нуқтаси, характеристика ортади. Лексик қўшиш лексик ўзгартишлар ичида энг оз учрайдиган туридир.

13. Энг мураккаб ҳодиса — лексик алмаштириш. Бунда сўз билан сўз алмашади (асосий ҳолат шу), сўзнинг вариантлари ўзаро алмашади. Кейинги хил алмашиниш эмоционал-стилистик фарқланишга олиб келиши мумкин.

14. Сўз билан сўз алмаштиришда булар ўзаро синоним бўлиши ёки яқин маъноли сўзлар бўлиши мумкин. Синонимлар алмашганда вариантлар асосан нутқий, стилистик белгида фарқлана олади. Алмашинувчи синонимларнинг маъно фарқлари вариантлар бўйича деярли сезилмайди, бўртиб турмайди. Демак, синонимлар алмашинуви стилистик вариантларнинг туғилишига олиб келади.

15. Яқин маъноли сўзлар алмашганида маъно вариантлари туғилади. Бунда, масалан, маъно кучаяди ёки кучсизлашади, маъно ҳажми кенгаяди ёки тараяди. Фарқлар бир маънонинг босқичланиши ҳисобига келиб чиқади. Иккита фразеологик маъно деб қаралувчи ҳолат юз беради, вариантлар эмас, иборалар ҳақида гапириш лозим.

16. Алмашинувчи сўзлар бир туркум сўзлари бўлади. Ҳар хил туркум сўзларининг алмашинуви истисно тарзида битта-яримта учрайди. Алмашинув кўпинча от компонентларда воқе бўлади. Иккинчи ўринда феъл компонент туради. Сифат, сон, равиш, тақлидий сўз билан ифодаланган компонентларнинг алмашинуви ҳам мавжуд.

17. Кўпинча битта компонент алмаштирилади, қўшилади, ташланади. Баъзан биттадан ортиқ компонентни алмаштириш, қўшиш, ташлаш ҳам учрайди. Иборанинг икки ўринда юз берадиган алмаштиришларда (қисман бир ўринда юз берадиган алмаштиришларда ҳам) сўзларнинг аллитерацияланиш имконияти ҳам ҳисобга олинади.

18. Кўп вариантли ибораларда ҳар хил вариантда бошқа-бошқа компонент алмашинуви мумкин. Шу сабабли баъзи вариантларнинг лексик таркибида ўзига асос вариант билан умумийлик бўлади, бошқа вариант ёки вариантлар билан лексик таркибда умумийлик йўқолиши мумкин. Бунда вариантларнинг бир-биридан ўсиб чиқиш тартибини ҳам ҳисобга олиш зарур. Кейинги вариантларнинг барчаси бош вариантга қиёсан олинмай, ҳар бири ўзи ўсиб чиққан вариантга қиёсан белгиланиши керак.

19. Полисемантик ибораларда вариантланиш имкониятини ҳар бир фразеологик маъно бўйича ўрганиб чиқиш ижобий натижага олиб келади. Шу нуқтадан ёндашув ҳам фразеологик маънонинг тилда мустақил бирлик сифатида яшашини тасдиқлайди. Чунки фразеологик маънолар вариантланиш имконияти жиҳатдан ҳам фарқ қила олади.



ФРАЗЕОЛОГИК АНТОНИМИЯ

Антонимия сўзларгагина эмас, ибораларга ҳам хос ҳодисадир. Аммо шу вақтгача адабиётларда антонимлар деб фақат сўзлар ўрганиб, баён қилиб келинмоқда¹. Ўзбек тилшунослигида ҳам антонимлар термини билан сўзлар орасидаги антонимия талқин қилиб келинди.

Антонимларнинг иборалар орасида ҳам борлиги антоним терминини кенгроқ тушунишни талаб қилади. Асли антоним деб ўзаро зид маънони англатувчи икки тил бирлиги тушунилади. Шунга кўра ҳодисанинг ўзини антонимия деб юритиш маъқул.

Агар антонимлар сўз бўлса, лексик антонимия деб²; ибора бўлса, фразеологик антонимия деб; сўз билан ибора бўлса, лексик-фразеологик антонимия деб аташ ўринли. Бу уч турдаги антонимия биргаликда луғавий антонимияни ташкил этади, бунда у грамматик антонимияга қарама-қарши қўйиб номланган бўлади.

Антонимликнинг ҳаммага маълум шартларини, шунингдек таснифи ва терминларини баён қилиш ортиқча³. Шу сабабли фразеологик антонимияни таҳлил этишга киришамиз.

¹ Фразеологик антонимия ҳақида фикр кўрилган бирорта ҳам иш бизга маълум эмас. Фақат бир кандидатлик диссертациясининг авторефератида бир-икки мисол бериш билан фразеологик антонимиянинг ҳам тилда мавжудлиги таъкидлаб ўтилган (З у л ь ф и г а р о в а Ф. И. Идиоматические выражения в персидском языке, Баку, 1964, стр. 10).

² Ўзбек тилининг лексик антонимлари асосан дарслик ҳажмида баён қилинган. Шу темани энг тўлиқ ёритган махсус мақола С. Усмонов томонидан ёзилган (қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журна-ли, 1958, 2-сон, 33—40-бетлар). Бу мақоланинг мазмуни сиқик тарзда шу авторнинг кейинги ишидан ўрин олди (қаранг: У с м о н о в С., Мир-з а е в М., Р а с у л о в И. Ўзбек тили, «Ўрта ва олий мактаб» давлат нашриёти, Тошкент, 1962, 31-, 32-бетлар).

³ Авторнинг антонимияга қарши қўйидаги дарсликда қисқача баён қилинган: Т у р с у н о в У., М у х т о р о в Ж., Р а ҳ м а т у л л а е в Ш. Ҳо-зирги ўзбек адабий тили, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 142—145-бетлар.

Фразеологик антонимияни қуйидаги нуқтаи назарлар бўйича ўрганиш мумкин:

- I. Иборалардаги полисемия ва фразеологик антонимия.
- II. Иборалардаги синонимия ва фразеологик антонимия.
- III. Фразеологик антонимия ва ибораларнинг лексик таркиби.
- IV. Фразеологик антонимия ва ибораларнинг «туркум»ланиши.
- V. Фразеологик антонимиянинг миқёси.
- VI. Лексик-фразеологик антонимия.

I. Иборалардаги полисемия ва фразеологик антонимия

Полисемия фразеологик birlikларда кенг тарқалган ҳодиса экани юқорида баён қилинди. Иборалардаги антонимияни ўрганишда ҳам (синонимияни ўрганишда бўлганидек) фразеологик birlikлардаги полисемия билан ҳисоблашиш зарур. Чунки антонимия ҳам тил birlikларининг маъно муносабати асосида туғилади. Шу сабабли моносемантик фразеологик birlikлар орасидаги антонимияда ибора билан ибора антонимияси мавжуд (асли шунда ҳам маънолар антонимияси ҳақида гапириш тўғри).

Антоним иборалардан бири ёки ҳар икки антоним ибора полисемантик бўлса, ҳар гал конкрет фразеологик маънони кўзда тутиб фикр юритиш шарт.

Юқоридаги нуқтаи назар антоним ибораларни тўртга группалаш лозим эканини кўрсатади:

A. Моносемантик иборалар орасидаги антонимия. Фразеологик антонимиянинг кўпи (тўртдан учи) шу типга мансуб. Бундай иборалар ортқча изоҳга муҳтож эмас, мисол келтириш кифоя: **сўз бермоқ II** \leftrightarrow **сўз олмақ II** каби.

B. Моносемантик ибора билан полисемантик иборанинг бир маъноси орасидаги антонимия. Бу тип иборалар фразеологик антонимларнинг тахминан еттидан бирини ташкил этади (мисол келтиришда полисемантик иборанинг антонимлик муносабати ҳосил этувчи маъносини араб рақами билан кўрсатилди, бунда автор ўзи тузган луғатга суянди)⁴: **кўз(и)га иссиқ кўринмоқ 2** \leftrightarrow **кўз(и)га совуқ кўринмоқ** каби.

⁴ Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати, «Фан» нашриёти, Тошкент, 1964.

В. Полисемантик ибораларнинг биттадан маъноси орасидаги антонимия. Бу тип фразеологик антонимлар оз:

дунёга келмоқ 1 ↔ дунёдан ўтмоқ 2,

хуш(и)ни йўқотмоқ 1 ↔ хуш(и) ўз(и)га келди 1 каби.

Г. Полисемантик ибораларнинг биттадан ортиқ маънолари орасидаги антонимия. Бу тип антонимия жуда оз:

яхши кўрмоқ 1 ↔ ёмон кўрмоқ 3,

яхши кўрмоқ 2 ↔ ёмон кўрмоқ 1,

яхши кўрмоқ 3 ↔ ёмон кўрмоқ 2.

«А» ва «Г» пунктларидаги мисоллар ибора билан ибора орасидаги антонимия бўлиб, бундай фразеологик бирликни яхлит кўзда тутиб антонимия ҳақида гапириш мумкин. «Б» ва «В» пунктларидаги мисоллар эса фразеологик маънони кўзда тутиб фикр юритишни талаб қилади. Асли барча пунктларда ҳам фразеологик маънолар орасидаги антонимияга эгамиз.

Хуллас, антонимлик муносабати ҳосил этиши жиҳатдан ёндашув ҳам кўрсатадики, тилда мустақил яшовчи реал birlik деб полисемантик иборада уни яхлитлагича эмас, балки ҳар гал конкрет бир фразеологик маънони тан олиш лозим (худди шу тезис сўз ва лексик маъно муносабатига ҳам айнан тааллуқли). Фразеологик антонимияни моносемия ҳамда полисемия нуқтаи назаридан таҳлил қилиш тилдаги семантик микросистемаларнинг (бу ўринда — антонимик системаларнинг) аъзолари сифатида асли умуман ибора эмас, балки фразеологик маъно қатнашувини тасдиқлайди.

II. Иборалардаги синонимия ва фразеологик антонимия

Синонимия ва антонимия параллел ҳодисалар бўлиб, бири иккинчисини инкор қилмайди, чекламайди. Шу сабабли ҳар бир антоним иборанинг ўз синоними бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, синоним иборалардан бирига антоним ибора бошқаларига ҳам антоним бўлади. Акс ҳолда бу ибораларни ўзаро синоним деб бўлмайди. «Демак, антонимлар синонимларнинг маъно фарқларини аниқлашда «ўлчов» каби хизмат қилиши мумкин»⁵.

Бундан ташқари, антонимларнинг синоними бор бўлиши

⁵ Усмонов С. Антонимлар, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 1958, 2-сон, 37-бет. Шу бетда автор лексик антонимларнинг синонимларга муносабати ҳар хил бўлишини ҳам айтиб ўтади. Аммо бу фикр ва унга келтирилган мисоллар авторнинг ҳақ эканига ўқувчини ишонтира олмайди.

антонимлик муносабатига киришувчи ибораларнинг миқдорини кўпайтиради.

Антоним иборалардан бири ёки ҳар иккиси синонимия ҳосил этиб туриши мумкин:

кўнгл(и) ёришди — кўнгл(и)ни ёритмоқ	←→	{ кўнгл(и) хира бўлди — кўнгл(и)ни хира қилмоқ, кўнгл(и)ни ғашламоқ — кўнгл(и) ғашланди;
кўнгл(и) тоза, оқ кўнгил — кўнгл(и) оқ	←→	{ ичи қора, кўнгл(и) қора;
обрўй(и)ни кўтармоқ — обрўй(и) кўтарилди, обрўй(и) ошди — обрўй(и)ни оширмоқ	←→	{ обрўй(и)ни тўкмоқ — обрўй(и) тўкилди, обрўй(и) тушди — обрўй(и)ни туширмоқ.

III. Фразеологик антонимия ва ибораларнинг лексик таркиби

Лексик антонимларда уларнинг шаклан (айтилиш ва ёзилишда) ҳар хил бўлиши таъкидланади. Антонимлар бошқа-бошқа сўз бўлиши лозим. Лексик антонимларнинг кўпиди ўзаклар ҳам, сўз ясовчи аффикслар ҳам бошқа-бошқа бўлади. Шу билан бирга ўзак морфемаси тенг келувчи, аммо сўз ясовчи морфемаси билан фарқ қилувчи лексик антонимлар ҳам анчагина (бундай ясовчи морфемалар ўзаро антоним бўлади).

Ибораларда уларнинг сўз-компонентига кўра фарқ қилишини кўзда тутиб фикр юритиш мумкин. Шу жиҳатдан фразеологик антонимлар дастлаб учга группаланади:

А. Барча компонентлари бошқа-бошқа сўз фразеологик антонимлар.

Б. Бирор компоненти бошқа-бошқа сўз фразеологик антонимлар.

В. Барча компонентлари айти шу сўзларнинг ўзи бўлган фразеологик антонимлар.

А. Барча компонентлари бошқа-бошқа сўз фразеологик антонимлар

Бу тип фразеологик антонимия у қадар кўп эмас. Бундай антоним ибораларнинг компоненти ҳам кўпинча антоним сўз-

лар бўлади. Бу тип фразеологик антонимларнинг кўринишлари:

1. Барча компонентлари ўз муқобили билан антоним сўз иборалар:

савол бермоқ \leftrightarrow жавоб қайтармоқ каби.

2. Бир компоненти ўз муқобили билан антоним, бошқа компоненти яқин маъноли сўз иборалар:

ерга урмоқ \leftrightarrow кўкка кўтармоқ,

ўз(и)дан кетмоқ \leftrightarrow ҳуш(и)га келмоқ 1 каби.

3. Бир компоненти ўз муқобилига антоним, бошқа компоненти маъно муносабати ҳосил этмайдиган иборалар:

истара(си) иссиқ \leftrightarrow сўхта(си) совуқ каби⁶.

4. Бир компоненти ўз муқобилига синоним, бошқа компоненти маъно муносабати ҳосил этмайдиган иборалар:

эс(и)дан чиқмоқ — эс(и)дан чиқармоқ \leftrightarrow хаёл(и)га келмоқ — хаёл(и)га келтирмоқ 2 каби.

5. Компонентлари ўз муқобили билан ҳеч қандай маъно муносабати ҳосил этмайдиган иборалар:

дунёга келмоқ 1 \leftrightarrow кўз(и)ни юммоқ — кўз(и) юмилди, кўнгл(и) озди 1 \leftrightarrow ўз(и)га келмоқ 1 каби.

Б. Бирор компоненти бошқа-бошқа сўз фразеологик антонимлар

Бу тип фразеологик антонимия анчагина. Бундай иборалардаги ўзаро муқобили бошқа-бошқа сўз компонентларнинг маъно муносабати ҳар хил:

1. Бундай компонентлар ўзаро антоним бўлади. Туркум жиҳатдан бу антоним сўзлар:

1) сифат бўлади (антоним муқобилларнинг кўпи шу туркумга мансуб):

кўнгл(и) юмшоқ — юмшоқ кўнгил \leftrightarrow кўнгл(и) қаттиқ — қаттиқ кўнгил,

юраг(и) кенг \leftrightarrow юраг(и) тор каби;

2) феъл бўлади (бундай компонентли иборалар анчагина):

руҳ(и)ни кўтармоқ — руҳ(и) кўтарилди \leftrightarrow руҳ(и) тушди — руҳ(и)ни туширмоқ,

⁶ Агар иккинчи ибора таркибида асли сўхта эмас, сохт сўзи қатнашади деб ҳукм чиқарсак, бу антонимик жуфтлик кейинги пункт мисолига айланади. Чунки бунда *истара* билан *сохт* ўзаро синонимик ҳолат қозонади (ҳар икки сўз ҳозирги ўзбек тилида мустақил ишлатилмайди; бу сўзлар тахминан «кўриниш» маъносини билдиради, биринчиси стилистик жиҳатдан қиёфа сўзига, иккинчиси эса турқ сўзига яқин туради).

сўз бермоқ I — сўз берилди \leftrightarrow сўз олмоқ I,
қўлга кирмоқ — қўлга киритмоқ \leftrightarrow қўлдан чиқмоқ I —
қўлдан чиқармоқ I каби;

3) бор, йўқ сўзлари бўлади (бу жуда оз):

кўнгл(и) бор I \leftrightarrow кўнгл(и) йўқ каби.

2. Бошқа-бошқа сўз компонентлар ўзаро антоним эмас, аммо уларнинг маъносида озми-кўпми зидланиш мавжуд бўлади. Бу тип ибораларда антонимлик худди шу бошқа-бошқа сўз компонентлар асосида юзага келади. Шу сабабли антоним иборалар фонида бундай бошқа-бошқа сўз компонентлар ҳам ўзаро антонимлар каби уқилади. Бу сўзларнинг маъно муносабатини синчиклаб ўргансак, уларнинг ўзаро антоним эмаслиги равшан бўлади. Ибораларнинг ўзаро антоним эканлиги таъсирида бундай компонентларни ҳам антонимлар деб атаб қўйиш мумкин холос.

Туркум жиҳатдан бундай компонентлар:

1) феъл бўлади (муқобил компонентларнинг кўпи шу туркумга мансуб):

кўнгл(и) ўсди — кўнгл(и)ни ўстирмоқ \leftrightarrow кўнгл(и) чўкди — кўнгл(и)ни чўктирмоқ,

қўлга кирмоқ \leftrightarrow қўлдан кетмоқ каби;

2) сифат бўлади (бундай муқобил компонентли иборалар оз):

кўнгл(и) бўш \leftrightarrow кўнгл(и) қаттиқ — қаттиқ кўнгил каби.

3. Бошқа-бошқа сўз компонентлар ўзаро ҳеч қандай маъно муносабати ҳосил этмайди. Фақат ибораларнинг антоним эканлиги бундай компонентларни ўзаро зид қўйишга олиб келади. Туркум жиҳатдан бундай муқобил компонентлар:

1) феъл бўлади (муқобил компонентларнинг кўпи шу туркумга мансуб):

кўнгл(и)ни кўтармоқ — кўнгл(и) кўтарилди \leftrightarrow кўнгл(и) чўкди — кўнгл(и)ни чўктирмоқ,

эрга тегмоқ \leftrightarrow эрдан чиқмоқ каби;

2) сифат бўлади (бу аввалгидан озроқ):

тил(и) узун \leftrightarrow тил(и) қисик,

юз(и) ёруғ \leftrightarrow юз(и) шувут каби (тил(и) узун бўлди — тил(и)ни узун қилмоқ \leftrightarrow тил(и) қисик бўлди — тил(и)ни қисик қилмоқ, юз(и) ёруғ бўлди — юз(и)ни ёруғ қилмоқ \leftrightarrow юз(и) шувут бўлди — юз(и)ни шувут қилмоқ антонимлари ҳам асли шу типга мансуб);

3) от бўлади (бундай муқобил компонентли антоним иборалар жуда оз):

турмушга чиқмоқ \leftrightarrow эрдан чиқмоқ каби.

4. Бир компоненти ўзаро айна шу сўз, иккинчи компоненти ўз муқобилига синоним, учинчи компоненти маъно муносабати ҳосил этмайдиган антоним иборалар ҳам бор:

кўнгл(и) жойига тушди \leftrightarrow юраг(и)га ғулғула тушди каби.

В. Барча компонентлари айна шу сўзларнинг ўзи бўлган фразеологик антонимлар

Бу тип фразеологик антонимлар жуда оз. Бундай антонимлар таркибида қатнашувчи сўзлар ўзаро зид бошқарув асосида боғланган бўлади:

эрга чиқмоқ \leftrightarrow эрдан чиқмоқ каби⁷.

IV. Фразеологик антонимия ва ибораларнинг „туркум“ ланиши

Ибораларни туркумлаш анча шартли тасниф. Шунга қарамай, фразеологик birlikларнинг бирор туркумга тўғри келиши ҳақида гапириш ортиқча бўлмайди.

Лексик антонимларнинг қайси туркум сўзлари орасида оз-кўп бўлиши аниқланган. Бу ўринда фразеологик антонимлардан чиқиб келиб фикр юритамиз. Фразеологик антонимлардаги ҳолат лексик антонимлардагидан фарқ қилади. Лексик антонимларнинг кўпи белги маъносини англатувчи сўзлар, асосан сифатлардир. Фразеологик антонимларда эса ҳаракат-ҳолат маъносини англатувчи иборалар кўп. Булар фразеологик антонимларнинг учдан иккисини ташкил қилади. Қолган фразеологик антонимлар белги маъносини англатувчи иборалар бўлиб, сифат туркумига тўғри келади (аввалги қисм мисолларини кузатиш).

Кўринадики, туркум нуқтан назардан лексик антонимлар билан фразеологик антонимлар тескари пропорционал ҳолатда.

V. Фразеологик антонимиянинг миқёси

Антонимия тил birlikларининг оз бир қисмигагина ҳос ҳодисадир. Бундай семантик микросистема ҳосил этиб туриш сўзларда ҳам, ибораларда ҳам у қадар кўп эмас.

Лексик антонимиянинг миқёси аниқланмаган. Қўлимиздаги фактик материалнинг кўрсатишича, қарийб юзта ибора-

⁷ Эрга чиқмоқ асли эрга тегмоқ ва турмушга чиқмоқ ибораларининг контаминацияси асосида пайдо бўлган.

дан иккитаси ўзаро антонимлик муносабати ҳосил этиб туради, демак, антонимия барча фразеологик бирликларнинг таъминан икки процентига хос ҳодиса.

Автор тузган луғатдаги антонимияга маъно ўлчови билан ёндашсак, 30 та антонимлик муносабати мавжудлигини кўра-миз. Антонимия ҳосил этувчи фразеологик маъноларнинг умумий миқдори 82 та бўлиб, булар 62 та антонимик жуфтлик ҳосил этиб туради. Миқдорнинг ортишига антонимия ҳосил этувчи фразеологик маъноларнинг синоними борлиги олиб келади.

VI. Лексик-фразеологик антонимия ҳақида

Лексик-фразеологик синонимияда бўлганидек, лексик-фразеологик антонимияни белгилашда ҳам жўнаш нуқтаси қилиб ибора танланиши керак. Ҳар бир иборани тилда унга антоним сўз бор-йўқлиги жиҳатдан махсус ўрганмадик. Чунки лексик-фразеологик антонимиянинг мавжудлигини кўрсатиш, табиатини аниқлаш учун антоним ибораларнинг маъно таърифини кузатиб хулоса чиқаришнинг ўзи kifoya. Автор тузган луғатда:

1. Ўзаро антоним ибораларнинг маъноси тасвирий йўл билан очилган, демак, бу ибораларга ҳозирги ўзбек тилида лексик антоним топилмайди. Антоним ибораларнинг учдан бирида шундай йўл тўтилган. Масалан, гап(и)да турмоқ I («аҳдини сақламоқ») \longleftrightarrow сўз(и)дан қайтмоқ («аҳдидан воз кечмоқ»), қўл(и) калта («чекланган имкониятга эга») \longleftrightarrow қўл(и) узун («ортиқ даражада имкониятга эга») ибораларида бўлгани каби.

Кўринадики, бундай антоним ибораларнинг маъносини яқка сўз билан очиб бўлмайди, демак, уларга антоним сўз топилмайди.

2. Ўзаро антоним иборалардан бирининг маъноси тасвирий йўл билан, иккинчисининг маъноси синоним сўз келтириш йўли билан очилган, демак, бу иборалардан бирига ҳозирги ўзбек тилида антоним бор.

Антоним ибораларнинг бу тури ҳам барча фразеологик антонимларнинг учдан бирига тўғри келади. Масалан, юз(и) ёруғ («уяладиган жойи йўқ») \longleftrightarrow юз(и) шувут («уятли») ибораларидаги каби.

Бу тип антоним ибораларнинг бирига лексик антоним мавжуд, шулар тилда лексик-фразеологик антонимия ҳосил этиб туради: юз(и) ёруғ \longleftrightarrow уятли каби.

3. Ўзаро антоним иборалардан ҳар бирининг маъноси си-

ноним сўз келтириш йўли билан очилган, демак, бу ибораларнинг ҳар иккисига ҳозирги ўзбек тилида антоним сўз мавжуд. Масалан, **феъл(и) кенг** («танти») \leftrightarrow **феъл(и) тор** («зиқна») ибораларида бўлгани каби. Бунда **феъл(и) кенг** \leftrightarrow **зиқна, феъл(и) тор** \leftrightarrow **танти** каби муносабатлар лексик-фразеологик антонимиядир.

Қисқа хулосалар

1. Антонимия ибораларга ҳам хос.

2. «Антоним» — маъноси ўзаро зид тил бирликларидан ҳар бирининг номи (шундай маъно муносабатидаги иккита birlik ўзаро антонимик жуфтлик ҳосил этиб туради). Шунга кўра ҳодисанинг ўзини **антонимия** термини билан аташ маъқул.

3. Сўзлардаги ҳодисани иборалардаги ҳодисадан фарқлаб аташ учун **лексик антонимия** ва **фразеологик антонимия** терминлари ишлатилади. Сўз билан ибора орасидаги бундай муносабат **лексик-фразеологик антонимия** деб юритилади.

4. Фразеологик антонимия (лексик антонимия ҳам) асли ибора билан ибора (сўз билан сўз) орасида эмас, фразеологик маъно билан фразеологик маъно (лексик маъно билан лексик маъно) орасида воқе бўлади.

5. Антоним иборанинг қанча синоними бўлса, антонимлик муносабатининг миқдори ҳам шунча орта боради.

6. Таркибидаги барча компонентлари бошқа-бошқа сўз фразеологик антонимлар у қадар кўп эмас. Булар шаклан ҳар хил лексик антонимларни эслатади.

Фразеологик антонимларнинг кўпи муқобил компонентлари ўзаро антоним сўз иборалардир. Булар айни бир ўзакли, аммо сўз ясовчилари ўзаро антоним бўладиган лексик антонимларни эслатади.

Биринчи хил ибораларда антонимия фразеологик birlikлар англатган маъно асосида белгиланади. Иккинчи хил ибораларда эса антонимия ҳам фразеологик birlikлар англатган маънога, ҳам антоним компонентларга суянади.

7. Фразеологик антонимларнинг кўпи феъл туркумига тўғри келади. Белги англатувчи иборалар орасидаги антонимия иккинчи ўринда туради. Лексик антонимияда бунинг аксини кўрамыз.

8. Фразеологик антонимия ўзбек тилидаги ибораларнинг икки процентинигина қамраб олувчи ҳодисадир. Бу миқдор лексик-фразеологик антонимия ҳисобига ортади холос.

ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМИЯ ВА ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМИҚЛИК

Ҳодисани тасвирлашга бошламай туриб баъзи энг зарур терминларни аниқлаб олиш лозим.

Омоним терминини сўзларга нисбатан ишлатиш традиция тусини олган. Бундан ташқари, **омоним** термини шундай ҳодисанинг конкрет бир кўринишини (омоформаларга зид қўйилувчи ҳодисани) аташ учун ҳам ишлатилади. Шу сабабли бу тил ҳодисасини атовчи умумий термин сифатида **омонимия** сўздан фойдаланган маъқул.

Омонимия — тил қурилишининг турли томонларига хос ҳодиса. Қўзга яққол ташланувчи ва миқдори энг кўп омонимия сўзлар орасидаги омонимиядир. Омонимиянинг бу тури лексик омонимия деб юритилади.

Луғат бойлигининг асосий қисмини сўзлар ташкил қилади. Фразеологик бирликлар ҳам луғат бойлигида сезиларли ўрин тутади. Шунга кўра **луғавий бирлик** деб сўзгина эмас, **ибора** ҳам кўрсатилиши лозим. Иборалар орасидаги омонимияни **фразеологик омонимия** деб аташ мумкин.

Ўз-ўзидан лексик омонимия ва фразеологик омонимия **луғавий омонимиянинг** (луғавий бирликлардаги омонимиянинг) икки кўринишидир.

Луғавий омонимиядан ташқари, грамматик кўрсаткичлар орасидаги омонимия ҳам мавжуд. Омонимиянинг бу тури **грамматик омонимия** деб юритилади.

Сўзнинг график ифодасини ҳам, талаффуз ифодасини ҳам **шакл** деб атасак ва бундай тушунишни **аффиксга** ҳам, **иборага** ҳам татбиқ этсак, омонимияни: «тил бирликларининг шаклан тенг келиш ҳодисаси» деб таърифлаш мумкин.

Қуйида луғавий омонимиянинг бир кўриниши — **фразеологик омонимия** ҳақидагина сўз боради¹.

¹ Авторнинг омонимияни қандай тушуниши қуйидаги дарсликда қисқача баён қилинган: Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 145-—150-бетлар.

Акад. В. В. Виноградов фразеологик бирликларнинг маъно турларига хос хусусиятларни санашда фразеологик бутунликлар ва фразеологик чатишмаларнинг ўзи каби эркин боғланма билан омонимик ҳолатда бўла олишини таъкидлайди². Акад. В. В. Виноградовнинг бу фикри дарслик ва қўлланмаларга ҳам киритилган³. Кўринадики, фразеологик бирлик билан эркин боғланма орасидаги омонимияга озми-кўпми эътибор берилган, аммо том маънодаги фразеологик омонимия, яъни ибораларнинг ўзи доирасидаги омонимия ўрганилмаган. Иборалар орасидаги омонимия авторнинг баъзи мақолаларида йўл-йўлакай таъкидлаб ўтилган эди⁴. Шу масалага эътибор берилган иш сифатида бизга С. Н. Савицкаянинг мақоласи маълум⁵.

С. Н. Савицкаянинг мақоласида инглиз тилидаги кўпчилик модал фразеологик бирликларнинг омонимга эга эканлиги таъкидланади ва анчагина фактик материал асосида анализ берилади. Мақола автори модал фразеологик бирликка икки хил омоним: биринчидан, сўзларнинг эркин боғланмаси, иккинчидан, модал маъно ифодаламайдиган фразеологик бирлик мавжуд бўла олишини айтади. Мисоллар асосан эркин боғланма ва ундан ўсиб чиққан ибора орасидаги омонимия учун келтирилган. Бир неча мисолда эса бири иккинчисидан ўсиб чиққан икки ибора (бирида модал маъно йўқ, иккинчиси модал ибора) орасидаги омонимия акс этган. Кўринадики, автор ўрганган объектнинг чекланганлиги (омонимиянинг фақат модал фразеологик бирликлар доирасида баён қилинганлиги) иборалар орасидаги омонимия тўғрисида кенгроқ гапирish учун имкон бермаган. Авторнинг хулосасидаги бир томонламалик ҳам шу туфайли содир бўлган.

У модал иборани эркин боғланмадан ёки модал бўлмаган иборадан фарқлашда конкрет бир контекст асосида иш кў-

² Труды комиссии по истории АН СССР, вып. 3, «А. А. Шахматов. Сборник статей и материалов», Изд-во АН СССР, М.—Л., 1947, стр. 350, 353.

³ Масалан, қаранг: Галкина-Федорук Е. М. Современный русский язык, Лексикология, Изд-во МГУ, М., 1954, стр. 149; «Ҳозирги замон ўзбек тили», УзФАН, Тошкент, 1947, 157-, 161-бетлар.

⁴ Масалан, қаранг: «Труды СамГУ», новая серия, вып. 106, Вопросы фразеологии, Самарканд, 1961, стр. 90.

⁵ Савицкая С. Н. Фразеологические единицы с модальным значением и омонимичные им сочетания слов в современном английском языке, «Вопросы теории английского и немецкого языков», Киевский институт народного хозяйства, Киев, 1962, стр. 51—60.

риш кераклигини, бунда ҳодисанинг семантик ва синтактик анализи ҳал этувчи роль ўйнашини таъкидлайди.

Инглиз тилининг табиати, айниқса модал фразеологик бирликларнигина ўрганиш нуқтаи назаридан синтактик анализ билангина чекланиш мумкиндир. Аммо ўзбек тилидаги фразеологик омонимияни белгилашда фақат синтактик анализ билан чекланиб бўлмайди.

Мисоллар анализидан, хулосадан кўриниб турибдики, С. Н. Савицкая ҳам синтактик томонни, ҳам конкрет бир контекстни таъкидлаш билан ҳодисанинг семантик томонини контекстуал ҳолатга ортиқ даражада боғлиқ қилиб қўяди. Агар ҳодисанинг табиатини асосан контекстуал ҳолат белгиласа, ҳали ибора тўлиқ шаклланиб етмаган бўлади, алоҳида, мустақил тил бирлиги — фразеологик бирлик ҳақида гапириб бўлмайди.

Шаклан тенг келувчи эркин боғланма ва фразеологик бирликни бир ерда группалаб тасвирлаш буларнинг шаклланиш манбаларини, эволюциясини кўрсатиш жиҳатдан тўғри бўлади. Аммо эркин боғланма билан ибора орасидаги шаклан тенгликни иборалар орасидаги шаклан тенгликдан ажратмаслик, буларни бир хил баҳолаб кетавериш зарарли. Чунки ибора билан ибора ўзаро бир поғонадаги, демак, қиймати тенг ҳодисадир. Эркин боғланма билан ибора эса бошқа-бошқа поғонадаги, демак, қиймати ҳар хил ҳодисалардир. Шаклан тенг келишнинг бу икки тури бошқа бир қанча белги ва хусусиятлари билан ҳам ўзаро фарқ қилади. Булар қуйида баён қилинган.

* * *

Омонимияни ибораларга боғлиқ ҳолда икки нуқтаи назардан ўрганиш мумкин:

I. Эркин боғланма билан ибора орасидаги омонимия нуқтаи назаридан.

II. Иборалар орасидаги омонимия нуқтаи назаридан.

Бу нуқтаи назарлар бири иккинчисини истисно қилмайди. Чунки ўзаро омоним ибораларнинг ҳар бири ўз навбатида эркин боғланма билан ҳам омонимия ҳосил этиши мумкин. Қайтариқдан қочиб қуйида омоним ибораларнинг эркин боғланмалар билан омонимик ҳолатига мисоллар келтирмадик.

Бу икки турли омонимиядан биринчиси кўп, албатта: эркин боғланма билан омонимик ҳолатда бўлиш барча ибораларнинг тахминан тўртдан бирига хос. Иборалар орасидаги омонимия барча ибораларнинг тахминан қирқдан бирига хос.

Юқорида таъкидланган икки турли омонимия моҳият жиҳатдан ҳам тенг эмас. Ибора билан эркин боғланма орасида-

ти омонимия тил бирлиги (луғавий бирлик) билан нутқ бирлиги орасидаги муносабатни акс эттиради. Кўринадикки, бунда омонимик ҳолат қиймати ҳар хил тил ҳодисалари орасида воқе бўлади. Ваҳолонки омонимия асли тенг қийматли тил ҳодисалари орасидаги муносабатга асосланади (масалан, морфемалар орасида, сўзлар орасида бўлгани каби).

Иборалар орасидаги омонимия эса тил бирликлари (луғавий бирликлар) орасидаги, демак, қиймати бир хил тил ҳодисалари орасидаги омонимиядир.

Омонимиянинг юқорида айтилган икки тури келиб чиқиш (пайдо бўлиш) сабабига кўра ҳам ўзаро фарқ қилади.

Эркин боғланма билан ибора орасидаги омонимияда булардан бири иккинчиси асосида пайдо бўлган, бири иккинчисидан ўсиб чиққан дейиш мумкин. Бунда гуё эркин боғланманинг маъно тараққиёти билан ибора юзага келади. Демак, бунда тарихан эркин боғланма ва ибора бир манбага бирлашади. Бундай омонимияни сўзларда лексик маъно тараққиёти йўли билан воқе бўладиган омонимияга ўхшатиш мумкин (аммо тенглаштириб бўлмайди, албатта). У ерда ҳам асли бир манбага (бир сўзга) бирлашувчи биттадан ортиқ маъно кейинги тараққиёти сабабли иккита тил бирлигига (иккита сўзга) айланади. Кўринадикки, эркин боғланма билан ибора орасидаги омонимия шаклан дуч келиш натижаси бўлмай, балки мазмунан ажралиш, мустақилланиш натижасидир.

Иборалар орасидаги омонимияда эса асли мустақил йўсинда шакланган, ҳар бири асосида бошқа-бошқа образ ётган, шунга кўра ўзаро боғланмаган маъноларни англатадиган иборалар шаклан дуч келиб қолади. Бундай иборалар шаклангина эмас, кўпол қилиб айтганда, мазмунан ҳам дуч келган бўлади. Чунки омоним иборалар англатган маъноларни тарихан ҳам бир манбага бирлаштириш, бир махражга келтириш мумкин эмас. Том маънодаги лексик омонимларда ҳам худди шундай ҳолни кўрамиз.

Маъно ва грамматик тараққиёт асосида бир иборадан иккинчисининг ўсиб чиқиши каби ҳодиса иборалар орасидаги омонимиянинг оз бир қисмигагина хос.

Юқорида айтилганлардан бу икки турли омонимиянинг ўзига хос яна бир белгиси келиб чиқади: омонимиянинг бу турлари нутқдаги мавқеи жиҳатдан ҳам фарқ қилади.

Нутқ кўп маъноли сўзнинг бир маъносини бошқаларидан ажратган ҳолда реаллаштириб бергани каби, омонимларни ҳам айириб, шулардан биттасини тушунишгагина имкон қолдиради. Бу тезисни фразеологик омонимиянинг юқоридаги икки турига бир хил татбиқ этиб бўлмайди.

Маълум бир контекстда ишлатилган ибора ўзи каби эр-

кин боғланмани тўла маънода истисно қилиб турмайди. Бунда эркин боғланмадан англашиладиган маъно иборанинг маъносига маълум даражада қотишиб туради, эркин боғланма иборага маълум даражада соя ташлаб туради.

Омоним ибора ишлатилган контекстда эса одатда бундай ибора ўз омонимини тўла маънода истисно қилиб туради. Чунки бундай иборалар бири иккинчисини эслатмайди. Айни вақтда иккинчисининг ҳам маъносини кўзда тутиш нутқнинг мазмунини бузиб юборади.

Хуллас, том маънодаги фразеологик омонимия иборалар орасидаги омонимиядир. Эркин боғланма билан ибора орасидаги бундай ҳолатни асли омонимия деб эмас, балки омонимиклик (омонимичность) деб аташ тўғрироқ бўлади. Шунга кўра қуйидагича терминларни ишлатдик:

фразеологик омонимия — иборалар орасида воқе бўладиган тури;

фразеологик омонимиклик — эркин боғланма билан ибора орасида воқе бўладиган тури⁶.

Айтиб ўтилган умумий мулоҳазалар бу икки турли омонимияни алоҳида-алоҳида ўрганиш лозим эканидан дарак беради.

Булардан ташқари, фразеологик омонимиянинг турларига жуда ўхшаш ҳодисалар — фразеологик паронимлар ва фразеологик параформаларни ҳам айрим тасвирладик.

I. Фразеологик омонимия

Фразеологик омонимияни қуйидаги нуқтаи назарлардан ўрганиш мумкин:

А. Фразеологик омонимиянинг миқёси. Омонимик қаторда ибораларнинг миқдори.

Б. Фразеологик омонимия ва ибораларнинг вариантланиши.

В. Фразеологик омонимиянинг турлари.

Г. Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлишида сўз-компонентларининг роли.

Д. Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлиш йўллари.

Е. Фразеологик омонимия ва ибораларнинг «туркум»ланиши.

⁶ Ю. Д. Апресян бундай муносабатни дурустроқ термин топа олмагани учунгина «омонимия» термини билан атаганини таъкидлайди («Ученые записки Первого Московского гос. пед. института иностранных языков», том XV, 1957, стр. 253).

А. Фразеологик омонимиянинг миқёси. Омонимик қаторда ибораларнинг миқдори

Лексик омонимиянинг миқёси билан қизиқилмаган, шу сабабли: «Ўзбек тилидаги сўзларнинг қанчаси омонимия ҳосил этади?»— деган сўроққа аниқ жавоб йўқ. 1959 йили нашр этилган «Ўзбекча-русча луғат»да 40000 дан ортиқ сўз тавсифланган. Ҳар бир бетга ўрта ҳисобда битта омоним тўғри келса, шу луғатнинг ўзида 600 дан ортиқ омоним кўрсатилган бўлади. Ўзбек тилидаги лексик омонимия бундан анча кўп, албатта: тахминан қирқта сўзнинг иккитаси ўзаро омоним ҳолатида бўлади. Худди шундай мутаносиблик ибораларда ҳам мавжуд. Аммо миқдор жиҳатдан иборалардаги омонимия сўзлардагидан ўн баробар оз, албатта. Бу — табиий: тилдаги сўзларнинг умумий миқдори ибораларнинг умумий миқдоридан юз баробардан ҳам кўп.

* *
*

Лексик омонимияда асосий ҳолат икки сўз орасидаги омонимиядир. Шу билан бирга лексик омонимия уч, тўрт ва ундан ортиқ сўз орасида ҳам анчагина учрайди.

Фразеологик омонимия эса асосан икки ибора орасида бўлади (қуйироқдаги пунктларда худди шундай омонимия тасвирланди). Мураккаб фразеологик омонимия иборанинг иккитадан ортиқ бўлиши ҳисобига эмас, балки икки иборанинг вариантлари ҳисобига туғилади. Иккитадан ортиқ иборанинг омонимия ҳосил этиши камдан-кам учрайди. Масалан, қуйидаги фразеологик омонимия уч ибора орасида воқе бўлади:

жон(и) чиқди I

жон(и) чиқди II (бунинг иккинчи таянч варианты: жон(и)-ни чиқармоқ; нотаянч вариантлари жон-пон(и) чиқиб кетди II — жон-пон(и)ни чиқариб юбормоқ);

жон(и) чиқди III (бунинг таянч варианты: жон-пон(и) чиқиб кетди I).

Бунда биринчи ибора ва иккинчи иборанинг таянч вариантларидан бири ҳамда учинчи иборанинг нотаянч вариантларидан бири ўзаро омоним бўлади.

Бу уч ибора яна иккинчи бир омонимик қаторни ҳам ҳосил этади:

жон-пон(и) чиқиб кетди I (жон(и) чиқди III иборасининг таянч варианты),

жон-пон(и) чиқиб кетди II (жон(и) чиқди II — жон(и)ни чиқармоқ иборасининг нотаянч варианты).

Б. Фразеологик омонимия ва ибораларнинг вариантланиши

Фразеологик омонимияни белгилашда иборалардаги кўп вариантлик ҳодисаси билан ҳисоблашиш лозим. Агар омоним ҳолатидаги иккита ибора бир вариантли бўлсагина, ибора билан ибора омонимияси ҳақида гапириш мумкин. Бундай иборалар (ёки шулардан биттаси) кўп вариантли бўлса, вариантлар омонимияси ҳақида гапиришга тўғри келади.

Фразеологик омонимияни ибораларнинг вариантланиши асосида тасниф қилиш фразеологик омонимиянинг турларини ўрганишга, бундай омонимиянинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганишга замин ҳозирлайди.

Ибораларнинг вариантланиши нуқтаи назаридан фразеологик омонимияни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ибора билан ибора орасидаги омонимия. Бунда ҳар икки ибора бир вариантли бўлади. Бундай омонимия у қадар кўп эмас:

- дам бермоқ I ва дам бермоқ II;
- жон бермоқ I ва жон бермоқ II;
- устидан чиқмоқ I ва устидан чиқмоқ II;
- ўнг келмоқ I ва ўнг келмоқ II;
- қўл бермоқ I ва қўл бермоқ II;
- қўл кўтармоқ I ва қўл кўтармоқ II каби.

2. Ибора билан бошқа бир иборанинг таянч варианты орасидаги омонимия. Бунда ибораларнинг биттаси бир вариантли, иккинчиси эса кўп вариантли бўлади, кўп вариантли иборанинг таянч варианты билан биринчи ибора ўзаро омоним бўлади, нотаянч вариантыда эса омонимия йўқолади. Бундай омонимия ҳам оз:

- бош(и)га кўтармоқ I (нотаянч варианты: бошга кўтармоқ) ва бош(и)га кўтармоқ II;
- кўз(и)га кўринмаслик I ва кўз(и)га кўринмаслик II (нотаянч вариантлари: кўз[(и)]га кўринармиди!?!; кўз(и)га оқ-у қора кўринмаслик; кўзга кўринмаслик II);
- кўз(и) очиқ I (нотаянч вариантлари: кўз(и)[нинг] очиқлигида; кўз(и) очиғида) ва кўз(и) очиқ II;
- сўз олмоқ I (нотаянч варианты: сўзни ... олмоқ) ва сўз олмоқ II.

3. Ибора билан таянч варианты иккита иборанинг шундай вариантларидан бири орасидаги омонимия. Бунда ибораларнинг бирида таянч вариант иккита бўлади, шулардан биттаси омонимия ҳосил этади. Бундай омонимия ҳам оз:

- гап тегди I ва гап тегди II — гап тегизмоқ;
- жон(и) бор I ва жони бор II — жон бор;

ичаг(и)ни узмоқ — ичаг(и) узилди I ва ичаг(и) узилди II;
оғз(и)га олмаслик I ва оғз(и)га олмоқ — оғз(и)га олмас-
лик II;

сўз бермоқ I — сўз берилди (нотаянч вариантлари: сўз бе-
рилсин; сўзни бермоқ; сўз бермаслик II) ва сўз бермоқ II
(нотаянч вариантлари: сўз(и)ни бермоқ; берган сўз(и);

чехра(си)ни очмоқ I—чехра(си) очилди (нотаянч вариан-
ти: чехра(си)нинг очилиб кетиши) ва чехра(си)ни очмоқ II.

4. Ибораларнинг таянч вариантлари орасидаги омонимия.
Бунда ҳар икки ибора кўп вариантли бўлади, омонимия шу-
ларнинг таянч вариантлари орасидагина кўринади, нотаянч
вариантларида эса бу иборалар омонимия ҳосил этмайди.
Бундай омонимлар жуда оз:

турган гап I (нотаянч варианты: турган гап эди) ва тур-
ган гап II (нотаянч варианты: турган гапки...).

5. Таянч варианты иккитадан ибораларнинг ҳар икки таянч
вариантлари орасидаги омонимия. Бундай омонимия ҳам жу-
да оз:

қўлдан чиқмоқ I — қўлдан чиқармоқ I ва қўлдан чиқмоқ
II — қўлдан чиқармоқ II.

Қуйидаги иборалар ҳам таянч вариантларида омонимия
ҳосил этади, аммо нотаянч вариантларида омонимия йўқо-
лади:

дам(и)ни кесмоқ I — дам(и) кесилди I (нотаянч варианты:
нафас(и) кесилди) ва дамини кесмоқ II — дами кесилди II
(нотаянч варианты: дамини босмоқ).

6. Икки иборанинг ҳам таянч вариантлари, ҳам нотаянч
вариантлари орасидаги омонимия. Бундай омонимия ҳам жу-
да оз:

юз ўгирмоқ I ва юз ўгирмоқ II (таянч вариантлар) ҳамда
юз(и)ни ўгирмоқ I ва юз(и)ни ўгирмоқ II (нотаянч вариант-
лар; иккинчи иборанинг яна қуйидагича нотаянч вариантла-
ри ҳам бор: юз(и)ни терс ўгирмоқ; юзни терс бурмоқ).

Қуйидаги биринчи иборанинг таянч варианты иккинчи
иборанинг таянч вариантларидан бири билан, шунингдек би-
ринчи иборанинг нотаянч варианты иккинчи иборанинг нота-
янч варианты билан омонимия ҳосил этади:

оғз(и)га олмаслик I ва оғз(и)га олмаслик II (иккинчи
иборанинг яна бир таянч варианты бор: оғз(и)га олмоқ) ҳам-
да оғизга олмаслик I ва оғизга олмаслик II (нотаянч ва-
риантлар).

7. Ибора билан иккинчи бир иборанинг нотаянч варианты
орасидаги омонимия. Бундай омонимия анчагина:

бел боғлашмоқ I ва бел боғлашмоқ II (таянч варианты: бел боғламоқ);

бош(и)ни еб II ва бош(и)ни еб I (таянч варианты: бош(и)ни емоқ);

жавоб(и)ни бермоқ I ва жавоб(и)ни бермоқ II (таянч варианты: жавоб бермоқ);

зўр бериб II ва зўр бериб I (таянч варианты: зўр бермоқ);

из(и)га тушмоқ I ва изига тушмоқ II (таянч варианты: изга тушмоқ);

кўз юммоқ I ва кўз юммоқ II (таянч вариантлари: кўз(и)-ни юммоқ — кўз(и) юмилди);

кўкка совурмоқ I ва кўкка совурмоқ II (таянч вариантлари: кулини кўкка совурмоқ — кули кўкка совурилди);

кўнгл(и)ни очмоқ I — кўнгл(и) очилди ва кўнгл(и)ни очмоқ II (таянч вариантлари: юраг(и)ни очмоқ — юраг(и) очилди);

тери(си)га сиғмай II ва тери(си)га сиғмай I (таянч варианты: тери(си)га сиғмай кетмоқ);

юраг(и)ни ёрмоқ I — юраг(и) ёрилди ва юраг(и)ни ёрмоқ II (таянч вариантлари: юраг(и)ни очмоқ — юраг(и) очилди);

ўз(и)га олмоқ I ва ўз(и)га олмоқ II (таянч варианты: зимма(си)га олмоқ).

8. Бир иборанинг таянч варианты билан иккинчи иборанинг нотаянч варианты орасидаги омонимия. Бундай омонимия ҳам анчагина:

бош(лари)ни қовуштирмоқ I (нотаянч вариантлари: бош(лари)ни бириктирмоқ I; бош(лари)ни қўшмоқ) ва бош(лари)ни қовуштирмоқ II (таянч вариантлари: (бош(лари) бир жойга қовушди — бош(лари)ни бир жойга қовуштирмоқ);

гап(и)да турмоқ I (нотаянч варианты: сўз(и)да турмоқ I; лафз(и)да турмоқ) ва гап(и)да турмоқ II (таянч варианты: сўз(и)да қаттиқ турмоқ);

енг шимариб II (нотаянч варианты: енг(и)ни шимариб) ва енг шимариб I (таянч варианты: енг шимармоқ);

жон куйдириб II (нотаянч варианты: жон(и)ни куйдириб) ва жон куйдириб I (таянч вариантлари: жон(и) куйди — жон(и)ни куйдирмоқ);

жон-пон(и) чиқиб кетди I (нотаянч вариантлари: жон-пон(и) чиқа ёзди; жон(и) чиқиб кета ёзди; жон(и) чиқди III) ва жон-пон(и) чиқиб кетди II (таянч вариантлари: жон(и) чиқди II — жон(и)ни чиқармоқ);

икки оёғ(и)ни бир этикка тикмоқ I — икки оёғ(и) бир этикка тикилди (нотаянч варианты: оёғ(и)ни бир этикка тикмоқ) ва

икки оёғ(и)ни бир этикка тикмоқ II (таянч варианты: икки оёғ(и)ни бир этикка суқмоқ);

кўнгл(и) бўшади I (нотаянч варианты: кўнгл(и) бўшашди) ва кўнгл(и) бўшади II (таянч варианты: юраг(и) бўшади);

оғз(и)ни очмоқ I — оғз(и) очилди (нотаянч вариантлари: оғз(и)ни очирмоқ; оғиз очилибди) ва оғз(и)ни очмоқ II (таянч варианты: оғиз очмоқ);

сўз бермаслик I (нотаянч вариантлари: сўз бера(ди)ми?!; сўз(и)ни бермаслик; гап бермаслик) ва сўз бермаслик II (таянч вариантлари: сўз бермоқ I — сўз берилди);

эс(и) кетди I (нотаянч варианты: эс(и) кетиб I) ва эс(и) кетди II (таянч варианты: эс(и) оғиб кетди).

9. Икки иборанинг нотаянч вариантлари орасидаги омонимия. Бундай омонимия у қадар кўп эмас:

бош(лари)ни бириктирмоқ I (таянч варианты: бош(лари)ни қовуштирмоқ I) ва бош(лари)ни бириктирмоқ II (таянч вариантлари: бош(лари) бир жойга қовушди — бош(лари)ни бир жойга қовуштирмоқ);

кўзга кўринмаслик I (таянч варианты: кўзга кўринмоқ) ва кўзга кўринмаслик II (таянч варианты: кўз(и)га кўринмаслик);

сўз(и)да турмоқ I (таянч варианты: гап(и)да турмоқ I) ва сўз(и)да турмоқ II (таянч варианты: сўз(и)да қаттиқ турмоқ);

ўтиб кетмоқ I (таянч варианты: дунёдан ўтмоқ) ва ўтиб кетмоқ II (таянч варианты: жон-жон(и)дан ўтиб кетмоқ).

Юқоридаги пунктларнинг биринчисида ибора билан ибора орасидаги омонимия, 2-, 3-, 7- пунктларда ибора билан бошқа иборанинг варианты орасидаги омонимия, қолган пунктларда эса ибораларнинг вариантлари орасидаги омонимия тасвирланди. Булар ичида миқдор жиҳатдан ҳам энг кўпи охириги типдир.

В. Фразеологик омонимиянинг турлари

Омонимиянинг турлари икки нуқтаи назардан белгиланади:

I) Айтилиши ва ёзилишида тенг келиши ёки шулардан биридагина тенг келиши нуқтаи назаридан.

II) Барча шаклларида тенг келиши ёки баъзи шаклларидагина тенг келиши нуқтаи назаридан.

Бу икки ёндашув ягона классификацияга бирлашмайди ва бири иккинчисини истисно қилмайди. Биринчи тасниф асосида тўлиқ омонимия ва тўлиқсиз омонимия, иккинчи тасниф асосида эса омонимлар ва омоформалар белгиланади.

I) Фразеологик омофонлар

Фразеологик омонимия тўлиқ омонимия бўлиб, тўлиқсиз омонимия битта-яримта учрайди. Ибораларда омографлар бўлмайди. Омофонлар ҳам йўқ деярли.

Лексик омофонлар асли бошқа-бошқа товушнинг (шу асосда бошқа-бошқа ҳарф билан кўрсатилувчи товушларнинг) бир хил талаффуз қилиниши билан юзага келади. Фразеологик омофонлар ҳам худди шу ҳодисанинг — лексик омофонларнинг ўзи асосида содир бўлади: лексик омофонлар икки иборанинг компоненти сифатида қатнашиб, фразеологик омофонларнинг туғилишига олиб келади.

Фразеологик омофонларга мисол қилиб **хуш(и)га келмоқ** ва **хуш(и)га келмоқ** ибораларини кўрсатиш мумкин. Бу икки иборада омофонлик улардаги биринчи компонентлар — **хуш** ва **хуш** сўзлари — асосида содир бўлади. Бу икки сўз талаффузда кўпинча фарқ қилинмайди. Шундай фарқ қилмаслик таъсирида хато ёзиб юбориш юз беради. Бу иборалардан биринчисини тўрт авторда учратдик: 1) Мирмуҳсин, «Жамила», 59-бет; 2) И. Раҳим, «Ихлос», 44-бет; 3) П. Турсун, «Ўқитувчи», 155-бет; 4) Р. Файзий, «Чўлга баҳор келди», «Кишиларимиз қиссаси» тўплами, 377-бет. Шуниси қизиқки, ҳар тўрт манбада ҳам бу иборанинг биринчи сўз-компоненти «хуш» деб ёзилган. Натижада иккита ибора — **хуш(и)га келмоқ** ва **хуш(и)га келмоқ** — шаклан тенг келиб қолган. Асли бу икки ибора адабий талаффузда ҳам, ёзувда ҳам фақат биринчи сўзидаги биринчи товушига кўра фарқланиб туради. Жонли сўзлашув талаффузи бу икки иборани омонимга айлантиради. Лекин шу асосда бу ибораларни бир хил ёзиш, адабий талаффузда бир хил айтиш тўғри бўлмайди.

II) Фразеологик омонимлар ва омоформалар

Фразеологик омонимияга нисбатан ҳам омонимлар ва омоформалар ҳақида гапириш мумкин.

Фразеологик омонимлар у қадар кўп эмас. Бундай омонимлар юқорида «Фразеологик омонимия ва ибораларнинг вариантланиши» сарлавҳаси остида саналган тўққиз ҳолатнинг биринчисигагина тўғри келади. Шундан кейинги саккиз пунктда асли фразеологик омоформалар тасвирланган. Демак, фразеологик омонимиянинг кўпи омоформалардир. Ҳа-

қиқатда ҳам, бир-бирига шаклан тенг икки ибора кўпинча бирор томони билан ўзаро фарқ қилиб қолади, натижада фразеологик омоформа ҳосил бўлади.

Фразеологик омоформани лексик омоформа билан тенглаштириб бўлмайди, албатта. Лексик омоформалар одатда икки ҳар хил туркум сўзлари орасида содир бўлади. Бу сўзлардан ҳар бири ўз туркумига хос грамматик шаклларга киради, шу сабабли қисмангина тенг келади.

Фразеологик омоформалар одатда бир «туркум» иборалари бўлади. Бундай иборалар ўз вариантларининг бирор грамматик шаклланиш системасига қай даражада эгаллиги билан, лексик-грамматик таркиби билан фарқ қилади. Шунга кўра фразеологик омоформалар икки турли бўлади:

А) Грамматик шаклланишида фарқ қилувчи омоформалар.

Б) Лексик-грамматик таркибида фарқ қилувчи омоформалар.

А) ГРАММАТИК ШАКЛЛАНИШИДА ФАРҚ ҚИЛУВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК ОМОФОРМАЛАР

Бундай омоформалар бирор грамматик шаклланиш системасига турли даражада эга бўлади. Шунга кўра баъзи вариантларида шаклан тенг келса, бошқа вариантларида фарқ қилади. Бу тип фразеологик омонимияни қисқа қилиб **грамматик омоформалар** деб юритиш мумкин.

Грамматик шаклланиш системалари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда грамматик омоформаларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Эгалик аффикси билан қелиши-келмаслиги жиҳатдан фарқ қилувчи омоформалар. Бундай омоформаларда қуйидагиларни кўрамиз:

1) Ҳар иккиси одатда эгалик аффикси билан ишлатиладиган иборалардан бирининг эгалик аффикси қатнашмайдиган варианты ҳам бўлади, ана шундай вариант туфайли омоним эмас, омоформа ҳолати юзага келади:

бош(и)га кўтармоқ I (эгалик аффикси қатнашмайдиган варианты бор) ва **бош(и)га кўтармоқ II** (эгалик аффикси қатнашмайдиган варианты йўқ) каби.

2) Ҳар иккиси одатда эгалик аффикси олмаган ҳолда ишлатиладиган иборалардан бирининг эгалик аффикси қатнашадиган варианты ҳам бўлади, ана шундай вариант туфайли омоним эмас, омоформа ҳолати юзага келади:

қўлдан чиқмоқ I — қўлдан чиқармоқ I (эгалик аффикси қатнашадиган варианты бор) ва **қўлдан чиқмоқ II** — қўлдан

чиқармоқ II (эгаллик аффикси қатнашадиган варианты йўқ) каби.

3) Эгаллик аффикси билан ишлатиладиган иборага одатда эгаллик аффикси билан ишлатилмайдиган иборанинг шундай аффикс қатнашадиган варианты шаклан тенг келади, шунинг натижасида омоформа ҳосил бўлади:

жавоб(и)ни бермоқ I (эгаллик аффикси билан ишлатилади) ва жавоб(и)ни бермоқ II (одатда эгаллик аффикси олмаган ҳолда ишлатилади, бунда тушум келишигининг аффикси ҳам туширилади: жавоб бермоқ);

жон(и) бор I (эгаллик аффикси билан ишлатилади) ва жони бор II (одатда эгаллик аффикси олмаган ҳолда ишлатилади: жон бор);

из(и)га тушмоқ I (эгаллик аффикси билан ишлатилади) ва изига тушмоқ II (одатда эгаллик аффикси олмаган ҳолда ишлатилади: изга тушмоқ) каби.

4) Эгаллик аффикси олмаган ҳолда ишлатиладиган иборага одатда эгаллик аффикси билан ишлатиладиган иборанинг эгаллик аффикси қатнашмайдиган варианты шаклан тенг келади, шунинг натижасида омоформа ҳосил бўлади:

кўз юммоқ I (эгаллик аффикси олмаган ҳолда ишлатилади) ва кўз юммоқ II (одатда эгаллик аффикси билан ишлатилади: кўз(и)ни юммоқ) каби.

2. Эгаллик аффиксининг ишлатилиши билан боғлиқ ҳолда фразеологик омоформаларнинг яна қуйидаги алоҳида тури ҳам фарқ қилиниши керак. Бундай омоформаларда ҳар икки ибора эгаллик аффикси билан ишлатилади, аммо бир иборанинг эгаллик аффикси билан ишлатилиши чекланган бўлади: у фақат III шахс эгаллик аффикси олган ҳолда келади (шунини кўрсатиш мақсадида эгаллик аффиксини қавсга олмадик). Иккинчи иборанинг эгаллик аффикси билан ишлатилиши чекланмаган бўлади: уч шахснинг ҳар бирида кела олади (шунини кўрсатиш мақсадида эгаллик аффиксини қавсга олдик):

дам(и)ни кесмоқ I — дам(и) кесилди I ва дам(и)ни кесмоқ II — дами кесилди II;

жони чиқди I ва жон(и) чиқди II — жон(и)ни чиқармоқ; бошини еб II ва бош(и)ни еб I (таянч варианты: бош(и)ни емоқ) каби.

3. Тусланиши жиҳатдан фарқ қилувчи омоформалар. Бундай ибораларнинг грамматик қурилиши бир хил бўлса ҳам, тусланишида фарқ бўлади: иборалардан бирининг тусланиши чекланган ёки чегараланган бўлади⁷. Масалан, хуш(и)га кел-

⁷ Ибораларнинг аталганлиги ва шунга боғлиқ ҳолда содир бўладиган чекланиш ва чегараланишлар ҳақида қаранг: «Научные труды ТашГУ им. В. И. Ленина», новая серия, вып. 260, филологические науки, книга 25, Языкознание, Ташкент, 1964, стр. 144—164.

моқ(ди) ва хуш(и)га келмоқ омоформаларидан биринчи иборанинг тусланиши III шахснинг ўзи билан чекланган, чунки бу ибора предметларга аталгандир (бундай чекланганликни кўрсатиш учун ...моқ шаклидан сўнг қавс ичида ...ди аффикси берилди).

Юқорида келтирилган кўз юммоқ I ва кўз юммоқ II омоформаларидан иккинчисининг тусланишида эса чегараланиш бор. Бу иборанинг шахс-сонда ишлатилиши чегараланган (I шахсда ишлатилмайди), бу ўз навбатида майлда чегараланишга ҳам олиб келади: кўз юмдим шаклида келмайди, аммо кўз юмсам деб ишлатиш мумкин.

4. Эгалик ва туловчи аффиксларнинг ишлатилиши жиҳатдан фарқ қилувчи омоформалар. Бундай ибораларнинг бирида эгалик аффикси ва туловчи аффикс бошқа-бошқа шахсни кўрсатади, иккинчисидан эса бу аффикслар аynи бир шахсни кўрсатади. Шу сабабли бундай иборалар III шахснинг эгалик аффикси ва шу шахснинг туловчиси билан ишлатилганидагина шаклан тенг келади, қолган ҳолларда фарқланиб туради:

икки оёғ(и)ни бир этикка тикмоқ I — икки оёғ(и) бир этикка тикилди ва икки оёғ(и)ни бир этикка тикмоқ II (таянч варианты: икки оёғ(и)ни бир этикка суқмоқ);

кўнгл(и)ни очмоқ I — кўнгл(и) очилди ва кўнгл(и)ни очмоқ II (таянч вариантлари: юраг(и)ни очмоқ — юраг(и) очилди);

юраг(и)ни ёрмоқ I — юраг(и) ёрилди ва юраг(и)ни ёрмоқ II (таянч вариантлари: юраг(и)ни очмоқ — юраг(и) очилди) каби.

5. Бўлишли-бўлишсиз аспектларда келиши жиҳатдан фарқ қилувчи омоформалар. Бундай иборалардан бири фақат бўлишсиз аспектда, иккинчиси эса ҳар икки аспектда ишлатилади; иккинчи иборанинг бўлишли аспектда ҳам кела олиши туфайли омоним эмас, омоформа ҳолати юзага келади:

оғз(и)га олмаслик I (варианти: оғизга олмаслик I) ва оғз(и)га олмоқ — оғз(и)га олмаслик II (вариантлари: оғизга олмоқ — оғизга олмаслик);

кўзга кўринмоқ — кўзга кўринмаслик I ва кўзга кўринмаслик II (таянч варианты: кўз(и)га кўринмаслик II) каби.

6. Қаратмада келиши жиҳатдан фарқ қилувчи омоформалар. Бунинг қуйидагича кўринишлари мавжуд:

1) Иборалардан бири фақат бош-ўтимсиз қаратмада келади, иккинчиси эса бош-ўтимсиз қаратмада ҳам, орттирма қаратмада ҳам келади; иккинчи иборанинг орттирма қаратмада ҳам бўла олиши туфайли омоним эмас, омоформа ҳолати юзага келади:

гап тегди I ва гап тегди II — гап тегизмоқ;
жони чиқди I ва жон(и) чиқди II — жон(и)ни чиқармоқ
каби.

2) Иборалардан бири бош-ўтимли қаратмада ҳам, мажхул қаратмада ҳам келади, иккинчиси эса фақат бир қаратмада: ё бош-ўтимли қаратмада (биринчи, иккинчи мисоллар), ёки мажхул қаратмада келади (учинчи мисол), шу туфайли омоним эмас, омоформа ҳолати юзага келади:

сўз бермоқ I — сўз берилди ва сўз бермоқ II;

чехра(си)ни очмоқ I — чехра(си) очилди ва чехра(си)ни очмоқ II;

ичаг(и)ни узмоқ — ичаг(и) узилди I ва ичаг(и) узилди II каби.

3) Иборалардан бири доим биргалик қаратмада келиб, кўпликдагина ишлатилади; иккинчиси эса бирликда ҳам, кўпликда ҳам ишлатилади, биргалик қаратма аффикси кўплик маъносини аниқлаш учун қўшилади:

бел боғлашмоқ I ва бел боғлашмоқ II (одагда бел боғламоқ шаклида ишлатилади) каби.

7. Синтактик вазифасига мос ҳолда шаклланиши туфайли фарқ қилувчи омоформалар. Ана шундай шаклланиши натижасида икки ибора омоним эмас, омоформа бўлиб қолади. Бундай омоформалар жуда оз:

турган гап I (варианти: турган гап эди) ва турган гап II (варианти: турган гапки..) каби.

8. Доим равишдош формасида бўладиган ибора феълликнинг барча функционал формаларида кела оладиган иборанинг равишдош формаси билан шаклан тенг келади, натижада омоформа ҳолати пайдо бўлади. Бундай омоформалар анчагина бўлиб, қуйидагича икки кўриниши мавжуд:

1) бўлишли негиздан ясалган равишдош формасида тенг келиб омоформа ҳосил этувчи иборалар:

енг шимариб II (варианти: енг(и)ни шимариб) ва енг шимармоқ (варианти: енг шимариб I);

жон куйдириб II (варианти: жон(и)ни куйдириб) ва жон(и) куйди — жон куйдирмоқ (варианти: жон куйдириб I);

зўр бериб II ва зўр бермоқ (варианти: зўр бериб I);

тер тўкиб II ва тер тўкмоқ — тер(и) тўкилди (вариантлари: пешана тери тўкмоқ — пешана тер(и) тўкилди; тер тўкиб I);

эс(и) кетиб II ва эс(и) кетди I (варианти: эс(и) кетиб I);

бошини еб II ва бош(и)ни емоқ (варианти: бош(и)ни еб I);

2) бўлишсиз негиздан ясалган равишдош формасида тенг келиб омоформа ҳосил этувчи иборалар:

«лом-мим» демай II ва «лом-мим» демаслик (вариантлари: «лом-мим» деб; «лом-мим» демай I; «лом» демаслик; «лом-мим»);

тери(си)га сизмай II ва тери(си)га сизмай кетмоқ (варианти: тери(си)га сизмай I) каби.

9. Қелишиқ аффиксининг ишлатилиши-ишлатилмаслиги жиҳатдан фарқ қилувчи омоформалар. Бундай омоформалар юқорида саналган омоформалардан кескин фарқ қилади. Ўзбек тилида баъзи келишиқларнинг аффиксли ёки аффиксиз кела олиши ана шундай омоформаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай турдаги омоформалар жуда оз:

сўз олмоқ I (оз ишлатилувчи вариантида: сўзни ... олмоқ каби биринчи компоненти ...ни аффикси билан келади) ва сўз олмоқ II (биринчи компоненти ...ни аффиксини олмаган ҳолда ишлатилади) каби.

Б) ЛЕКСИК-ГРАММАТИК ТАРКИБИДА ФАРҚ ҚИЛУВЧИ ФРАЗЕОЛОГИК ОМОФОРМАЛАР

Бундай омоформалар ўз вариантларининг лексик-грамматик таркибига кўра баъзан тенг келиб, кўпида эса фарқ қилади. Бу тип омонимияни қисқа қилиб лексик-грамматик омоформалар деб юритиш мумкин.

Лексик-грамматик омоформаларнинг пайдо бўлишига олиб келувчи сабаблар қуйидагилар:

I. Компонент алмаштириш натижасида туғилади. Бунинг кўринишлари:

1) Иборалардан биридаги компонентни алмаштириш билан шаклан тенг келувчи вариантлар пайдо бўлади ва омоформа ҳолати юзага келади. Бунда от компонент ёки феъл компонент алмашади:

а) От компонентнинг алмашинуви:
кўнгл(и) бўшади I ва юраг(и) бўшади — юраг(и)ни бўшатмоқ (омонимия пайдо бўлишига сабабчи варианти: кўнгл(и) бўшади II);

кўнгл(и)ни очмоқ I — кўнгл(и) очилди ва юраг(и)ни очмоқ — юраг(и) очилди (омонимия пайдо бўлишига сабабчи варианти: кўнгл(и)ни очмоқ II);

ўз(и)га олмоқ I ва зимма(си)га олмоқ (омонимия пайдо бўлишига сабабчи варианти: ўз(и)га олмоқ II). Кейинги жуфт мисолда от билан олмош алмашаётир. Бундай ҳол жуда оз учрайди. Кўпинча от билан от алмашади.

б) Феъл компонентнинг алмашинуви:
юраг(и)ни ёрмоқ I — юраг(и) ёрилди ва юраг(и)ни очмоқ — юраг(и) очилди (омонимия пайдо бўлишига сабабчи

варианти: юраг(и)ни ёрмоқ II; бу иборанинг яна кўнгл(и)ни очмоқ II варианты бошқа бир ибора — кўнгл(и)ни очмоқ I — кўнгл(и) очилди ибораси — билан омонимия ҳосил этади);

икки оёғ(и)ни бир этикка тиқмоқ I — икки оёғ(и) бир этикка тиқилди ва икки оёғ(и)ни бир этикка суқмоқ (омонимия пайдо бўлишига сабабчи варианты: икки оёғ(и)ни бир этикка тиқмоқ II).

Кейинги икки иборанинг яна қуйидаги хусусияти ҳам диққатга сазовор: Иккинчи иборадан англашиладиган ҳаракат бажарувчининг ўзига қаратилади, шу сабабли бу ибора асосан олмоқ ёрдамчи феъли билан келади. Биринчи иборادا эса ҳаракатнинг йўналиши эмас, кутилмаганда бўлиши диққат марказида туради, шу сабабли бу ибора одатда қўймоқ ёрдамчи феъли билан ишлатилади.

2) Бир иборанинг биринчи компонентини ва бошқа бир иборанинг иккинчи компонентини алмаштириш билан бу икки иборанинг нотаянч вариантларида шаклан тенглик йўқолади ва омоформа ҳолати юзага келади:

дам(и)ни кесмоқ I — дам(и) кесилди I (варианти: нафас(и) кесилди) ва дам(и)ни кесмоқ II — дам(и) кесилди II (варианти: дам(и)ни босмоқ) каби.

2. Компонент ташлаш натижасида туғилади. Бунинг кўринишлари:

1) Иборалардан биридаги компонентни ташлаш билан шаклан тенг келувчи вариантлар пайдо бўлади ва омоформа ҳолати юзага келади:

бош(лари)ни қовуштирмоқ I ва бош(лари) бир жойга қовушди — бош(лари)ни бир жойга қовуштирмоқ (омонимия пайдо бўлишига сабабчи варианты: бош(лари)ни қовуштирмоқ II);

кўкка совурмоқ I ва кулини кўкка совурмоқ — кули кўкка совурилди (омонимия пайдо бўлишига сабабчи варианты: кўкка совурмоқ II);

эс(и) кетди I ва эс(и) оғиб кетди (омонимия пайдо бўлишига сабабчи варианты: эс(и) кетди II);

2) Ҳар икки иборادا биттадан компонентни ташлаш билан шаклан тенг келувчи вариантлар пайдо бўлади ва омоформа ҳолати юзага келади:

дунёдан ўтмоқ (омонимия ҳосил этувчи варианты: ўтиб кетмоқ I) ва жон-жон(и)дан ўтиб кетмоқ (омонимия ҳосил этувчи варианты: ўтиб кетмоқ II). Омонимия ҳосил этувчи бу икки вариант бир сўзга тенг ҳолатда; аммо уларни сўз деб эмас, балки шу ибораларнинг эллиптик варианты деб қараш лозим.

3. Компонент алмаштириш ҳамда ташлаш натижасида туғилади. Бунинг кўринишлари:

1) Иборалардан биридаги бир компонентни алмаштириш ва яна бир компонентни ташлаш билан шаклан тенг келувчи вариантлар пайдо бўлади ва омоформа ҳолати юзага келади: **гап(и)да турмоқ I** ва **сўз(и)да қаттиқ турмоқ** (омонимия ҳосил этувчи варианты: **гап(и)да турмоқ II**).

Юқоридагича «сўз»ни «гап» билан алмаштиришдан ташқари, аксинча, «гап»ни «сўз» билан алмаштириш ва шу асосда яна бир омонимик вариантлар ҳосил этиш ҳам мавжуд:

гап(и)да турмоқ I (**сўз(и)да турмоқ I**) ва **сўз(и)да қаттиқ турмоқ** (**сўз(и)да турмоқ II**).

2) Мана бу икки иборада феъл компонентни алмаштириш ва иккинчи иборада «бир жойга» бирикмасини ташлаш билан омонимик вариантлар ҳосил бўлади:

бош(лари)ни қовуштирмақ I (компоненти алмашган варианты: **бош(лари)ни бириктирмақ I**) ва **бош(лари) бир жойга қовушди** — **бош(лари)ни бир жойга қовуштирмақ** (компоненти туширилган ва алмаштирилган варианты: **бош(лари)ни бириктирмақ II**).

4. Компонент қўшиш натижасида шаклан тенглик йўқолиб, омоним эмас, омоформа ҳолати юзага келади:

юз[(и)ни] ўғирмоқ I ва **юз[(и)ни] ўғирмоқ II** (компонент қўшилган варианты: **юз(и)ни тескари ўғирмоқ**).

5. Компонент қўшиш ва бир компонентни алмаштириш натижасида шаклан тенглик йўқолади, омоним эмас, омоформа ҳолати юзага келади:

юз[(и)ни] ўғирмоқ I ва **юз[(и)ни] ўғирмоқ II** (компонент қўшилган ва алмаштирилган варианты: **юз(и)ни терс бурмоқ**).

Г. Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлишида улар таркибидаги сўз-компонентларнинг роли

Фразеологик омонимлар икки иборанинг шаклда тасодифан дуч келиши билан пайдо бўлишини айтиш ҳали бундай омонимларнинг пайдо бўлиш процессини изоҳлаш бўлмайди, балки шундай процесс натижасида юзага келган ҳолатни таъкидлашгинадир. Фразеологик омонимларнинг пайдо бўлиш сабабларини очиш учун шундай ҳолатга олиб келган процесснинг ўзини ўрганиш зарур. Шундагина омоним иборалардан ҳар бирининг ўзича қандай таркиб топгани, улар асосида қандай образ ётгани, компонентларининг маъно мавқеи ва шунинг каби қатор сўроқларга жавоб топиш мумкин.

Фразеологик омонимларнинг пайдо бўлиш сабабларини тасвирлаш фразеологик омоформаларнинг ҳам пайдо бўлиш сабабларини тасвирлашдир. Лекин ўзбек тилида кўпчиликни фразеологик омоформалар ташкил этади, шунга кўра буларнинг пайдо бўлиш сабабларида фразеологик омонимларда учрамаган баъзи томонлар ҳам мавжуд. Шунини ҳисобга олиб бу ўринда фразеологик омоформаларнинг баъзи кўринишларини ҳам фразеологик омонимлар қатори тасвирлаб ўтдик.

Фразеологик омоформаларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўрганишда дастлаб икки ҳодисага аҳамият бериш керак:

I) Икки иборанинг таянч вариантлари тенг келади, аммо нотаянч вариантлари ёки бирининг таянч варианты билан иккинчисининг нотаянч варианты шаклан тенг келмайди. Шунинг натижасида омонимлар эмас, омоформалар ҳосил бўлади. Бундай омоформалар «Фразеологик омонимия ва ибораларнинг вариантланиши» сарлавҳаси остидаги 2- — 6- пунктларда тасвирланган.

II) Икки иборанинг таянч вариантлари шаклан тенг келмайди, аммо бирининг таянч варианты билан иккинчисининг нотаянч варианты ёки иккисининг нотаянч варианты шаклан тенг келади. Шунинг натижасида омоформалар ҳосил бўлади. Бундай омоформалар «Фразеологик омонимия ва ибораларнинг вариантланиши» сарлавҳаси остидаги 7- — 9- пунктларда тасвирланган.

Биринчи тур омоформаларнинг пайдо бўлиш сабабларини фразеологик омонимлар қатори тасвирлаш мумкин. Чунки буларда гўё омоним ҳолатидан омоформа ҳолатига борилади.

Иккинчи тур омоформаларда эса асли шаклан бошқа-бошқа икки иборанинг маълум бир варианты туфайли омоформа ҳолати юзага келади. Демак, бунда шаклан ҳар хилликдан шаклан тенглашув томон ўзгариш содир бўлади. Асли шаклан икки бошқа-бошқа ибора бўлгани сабабли бундай омоформаларнинг пайдо бўлиши ортиқча изоҳлашни талаб қилмайди.

Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлишида улар таркибидаги сўз-компонентларнинг ролини ўрганиш қуйидаги икки ҳолатни фарқлаш лозимлигини кўрсатди:

A) Ҳар икки ибора таркибидаги айти бир компонент ўзаро омоним сўз бўлади, бошқа компонентлар айти шу сўзларнинг ўзи бўлади.

B) Ҳар икки ибора таркибидаги барча компонентлар айти шу сўзларнинг ўзи бўлади.

Бундай икки зид ҳолатнинг мавжудлигидан фразеологик омонимиянинг пайдо бўлишида иборалар компонентларининг омоним сўз бўлиши ёки айти шу сўзларнинг ўзи бўлиши ҳал

этувчи омил эмаслиги англашилади. Аммо биринчи тур фразеологик омонимия омоним компонентлар туфайли пайдо бўлишига шубҳа йўқ.

**А) ҲАР ИККИ ИБОРА ТАРКИБИДАГИ АЙНИ БИР КОМПОНЕНТ
УЗARO ОМОНИМ СУЗ, БОШҚА КОМПОНЕНТЛАР ЭСА АЙНИ
ШУ СУЗЛАРНИНГ УЗИ БУЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМИЯ**

Бундай иборалар жуда оз. Омоним компонент сифатида от сўз келади. Масалан, ўнг келмоқ(ди) I иборасида «терс»нинг антоними бўлган сифат — ўнг сўзи қатнашса, ўнг келмоқ(ди) II иборасида «туш»нинг антоними бўлган от — ўнг сўзи қатнашади. Бу икки ибора узаро омоним.

Мана бу иборалар фразеологик омоформалардир дам(и)-ни кесмоқ I — дам(и) кесилди I (варианти: нафас(и) кесилди) ва дам(и)ни кесмоқ II — дами кесилди II. Биринчи иборада «нафас», «ҳаво» маъносидаги дам сўзи қатнашса, иккинчи иборада «ўтқирлик», «иссиқлик» маъносидаги дам сўзи қатнашаётир.

Бундай фразеологик омонимиянинг пайдо бўлишини изоҳлашда улар таркибида лексик омонимлар қатнашувини таъкидлаш билан чекланса бўлади.

Э с л а т м а. Омоним сўзлар узаро омонимия ҳосил этмайдиган ибораларнинг компоненти сифатида қатнашуви ҳам мавжуд. Аммо бундай омоним компонентларни махсус ўрганишдан фразеологик омонимия учун бирор фойда йўқ. Намуна сифатида мисол кўрсатиб ўтишнинг ўзи kifоя:

доғда қолмоқ ва доғ туши — доғ туширмоқ.
Биринчи иборада «қайғу» маъносидаги доғ сўзи, иккинчи иборада эса русча пятно сўзи англагани каби маънони билдирувчи доғ сўзи қатнашаётир.

**Б) ҲАР ИККИ ИБОРА ТАРКИБИДАГИ БАРЧА КОМПОНЕНТЛАР
АЙНИ ШУ СУЗЛАРНИНГ УЗИ БУЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК
ОМОНИМИЯ**

Бундай иборалар улар таркибидаги сўз-компонентларнинг қайси лексик маъноси билан қатнашуви жиҳатдан икки хил:

1. Омонимия ҳосил этувчи ибораларнинг ҳар бир сўз-компоненти ҳар икки иборада айна бир лексик маъноси билан қатнашади.

2. Омонимия ҳосил этувчи ибораларнинг айна бир сўз-компоненти ҳар икки иборада бошқа-бошқа лексик маъноси билан қатнашади.

Айни вақтда бу ҳар икки ҳолатнинг мавжудлиги фразеологик омонимиянинг пайдо бўлиш сабабини улардаги сўз-компонентларнинг лексик маъноларидан қидириш тўғри эмаслигини кўрсатади.

1. Ҳар бир сўз-компоненти ҳар икки иборада айни бир лексик маъноси билан қатнашган омонимия

Сарлавҳада айтиб ўтилган бир хилликка эга бу ибораларнинг ҳар бири айрим-айрим ёндашиб ўрганишни талаб қилади. Шу сабабли ҳар бир омонимик қаторга конкрет изоҳ бериб ўтиш зарур. Қуйида фразеологик омонимлар ва фразеологик омоформалар алоҳида-алоҳида санаб изоҳланди.

1) Фразеологик омонимлар:

жон бермоқ I ва жон бермоқ II

Бу икки ибора келиб чиқиши жиҳатдан диний эътиқодга боғланади. Ҳозирги кунда биринчи иборанинг диний экани аниқ ўқилади, аммо иккинчи иборада унинг динийлиги сийқаланиб қолган. Бундан қатъи назар, бу икки ибора ўзаро зид маънони англатади, чунки улар англатган ҳаракат ҳам зид ҳаракатлардир. Ҳар иккисида ҳам инсон ва худо назарда тутилади. Биринчисида жонни худо инсонга бериши ҳақида, яъни танга жон киритиб, уни барҳаёт қилиши ҳақида гапирилса, иккинчисида жонни инсон худога бериши ҳақида, яъни танидаги жон чиқиб, жонсизга айланиши ҳақида гапирилади. Демак, бу иборалар англатган ҳаракатни бажарувчи ҳам, ҳаракат қаратилган предмет ҳам ўзаро зид ҳолатда бўлади (худо инсонга ва инсон худога; кейинчалик инсонгина эмас, умуман жонлилар тушунила бошлаган). Хуллас, бу иборалар англатадиган маънолар асосида бошқа-бошқа воқелик, бошқа-бошқа образ ётади. Бу иборалар англатган маънони бир фразеологик маънонинг тараққиёти натижасида пайдо бўлган дейиш мумкин эмас.

қўл бермоқ I ва қўл бермоқ II

Бу икки ибора асосида ҳар хил маросим билан боғлиқ воқелик ётади. Бу ибораларнинг пайдо бўлиш вақти ва ҳозирги мавқеи ҳам ҳар хил. Биринчи ибора нисбатан янги бўлиб, қўл бериб саломлашиш урф бўлгандан кейин кенг ишлатила бошлади. Иккинчи ибора эса диний эътиқод билан боғлиқ бўлиб, эшон-муридлик муносабатини англатиш учун ишлатилган. Бу ибора биринчи иборадан анча илгари пайдо бўлган, ҳозирги кунда эса эски луғавий бирликка айланган.

Кўринадики, бу икки ибора турли даврда турлича социал сабаблар билан мустақил тарзда пайдо бўлган.

Ҳар икки иборада ҳам бир хил процесс — икки кишининг бир-бирига қўл узатиб панжа сиқиши — назарда тутилади. Аммо бундай ташқи ўхшаш ҳаракатларда тамоман бошқа-бошқа мақсад кўзланади: биринчи иборада икки киши бир-бирини тенг ҳолатда табриклайди, иккинчи иборада эса бир киши ўз измини иккинчисига бергани ҳақида аҳд-паймон қилганини билдиради.

қўл кўтармоқ I ва қўл кўтармоқ II

Бу икки ибора ҳам ҳар хил даврда ўзича ташкил топган бўлиб, биринчиси қадимдан шу ҳаракатнинг номи сифатида яшаб келган, иккинчиси эса шундай усул (қўл кўтариш) билан муносабат, истак ифодалашга эҳтиёж туғилгандан бери ишлатилади.

Бу икки ибора ҳам мақсаддаги турлича ҳаракатни англатади: бирида ўриш мақсадида қилинадиган ҳаракат, иккинчисидан эса тарафдорликни ёки танириш истагини билдириш мақсадида қилинадиган ҳаракат англашилади.

2) Фразеологик омоформалар:

бошига кўтармоқ I (варианти: **бошга кўтармоқ**) ва **бош(и)га кўтармоқ II**.

Бу икки иборанинг ташкил топиш манбаи бошқа-бошқа: биринчисидан ёшларнинг шовқин солиб, ҳамма нарсанинг тўстўполонини чиқариб ўйнаши асосга олинган; иккинчисидан эса кўтариб юришнинг энг беозори, шу билан бирга кўтарувчи учун энг машаққатли тури асосга олинган. Бундан қатъи назар, биринчи ибора нарсаларга қарата ишлатилади (бу ибора **нимани?** сўроғига жавоб бўлувчи сўзни бошқаради), иккинчи ибора эса кишига қарата ишлатилади (бу ибора **кимни?** сўроғига жавоб бўлувчи сўзни бошқаради). Яна бир фарқ шундаки, биринчи ибора салбий бўёқни, иккинчи ибора эса ижобий бўёқни ифодалаб туради. Бу икки иборанинг ҳозирги маъносини бир иборанинг маъно тараққиёти натижаси деб қараш мутлақо мумкин эмас.

ичаг(и)ни узмоқ — **ичаг(и) узилди I** ва **ичаг(и) узилди II**

Биринчи иборада силкиниш ҳаракати асосга олинган: қаттиқ ва узлуксиз кулганда ичаклар силкина-силкина узилиб кетгандек бўлади.

Иккинчи иборада узоқ вақт овқатланмаслик, очқаш асосга олинган: узоқ вақт овқат емаслик натижасида ичаклар торашиб, ингичкалашиб, гўё узилиш даражасига етади. Кўринадикки, бу икки ибора асосида ҳам ҳар хил воқелик, ҳар хил образ ётади.

кўз(и)га кўринмаслик I ва **кўз(и)га кўринмаслик II**

Бу ибораларга ҳам ҳар хил ҳаракат, бошқа-бошқа образ асос бўлган: биринчи иборада қараганда назари тушмаслик-

дан, иккинчи иборада эса кўз олдидагини назар-эътиборга олмасликдан келиб чиқилади.

кўз(и) очиқ I ва кўз(и) очиқ II

Кўзнинг очиқлиги биринчи иборада унинг абадий юмилишига зид қўйилса, иккинчисида кўрликка зид қўйилади, демак, ҳар хил воқеликдан келиб чиқилади.

оғз(и)га олмаслик I ва оғз(и)га олмоқ — оғз(и)га олмаслик II

Биринчи иборада бирор нарсани истеъмол қилмаслик (истеъмол қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар), иккинчисида эса ким ёки ниманинг номини айтмаслик (гапириш билан боғлиқ ҳаракатлар) асосга олинади.

2. Айни бир сўз-компоненти ҳар икки иборада бошқа-бошқа лексик маъноси билан қатнашган омонимия

Айни бир сўзнинг икки иборада бошқа-бошқа лексик маъноси билан қатнашуви алоҳида аҳамиятга молик. Аммо омонимиянинг пайдо бўлишига шундай ҳолат олиб келмаган, албатта. Юқорида таъкидланганидек, омонимиянинг пайдо бўлиш сабабини аниқлаш ҳар гал конкрет ёндашиб изоҳлашни талаб қилади.

Бошқа-бошқа лексик маъноси билан қатнашув омоним ёки омоформа ибораларнинг от компонентига ҳам, феъл компонентига ҳам хос.

1) От компонентлари бир сўзнинг икки лексик маъноси билан қатнашган омонимия:

а) Фразеологик омонимлар:

дам бермоқ I ва дам бермоқ II

Биринчи иборада дам сўзи «ҳаво», «ёл» маъноси билан, иккинчи иборада эса русча **отдых** сўзи англатгани каби маъноси билан қатнашади (бу икки маънони ҳозир ҳатто омоним деб қараш ҳам мумкин). Шунга кўра бу икки иборадан тамоман бошқа-бошқа ҳаракат англашилади.

устидан чиқмоқ I ва устидан чиқмоқ II

Бу ибораларда уст сўзи турли маънода қатнашаётгани аниқ сезилади-ю, аммо бу маъноларни таърифлаш анча қийин. Ҳар икки иборада ҳам бу сўз кўчма маъноси билан қатнашади. Фарқ шундаки, биринчи иборада бу кўчма маъно конкрет тарзда, иккинчи иборада эса абстракт тарзда гавдаланади. Буни бу ибораларга доимий боғланиб келувчи сўзлардан (уларнинг лексик контекстидан) билиб олиш мумкин: биринчи ибора одатда бирор ҳаракатни англаувчи сўз билан

боғланиб келади, иккинчи ибора эса «ваъда», «сўз» каби абстракт маъноли от билан боғланиб келади. Демак, иккинчи ибора тор контекстли (бу ўринда «сўз» билан «ваъда» ўзаро синоним, демак, ҳақиқатда бу ибора бир лексик маъноли контекстга эга).

б) Фразеологик омоформалар:

сўз бермоқ I — сўз берилди ва сўз бермоқ II (вариантлари: сўз(и)ни бермоқ; берган сўз(и));

сўз олмоқ I (варианти: сўзни ... олмоқ) ва сўз олмоқ II

Бу икки жуфт омоформаларда сўз компоненти биринчи ибораларда «гап», «нутқ» маъносида, иккинчи ибораларда эса «ваъда», «аҳд-паймон» маъносида қатнашади. Бу иборалар тилда пайдо бўлиш вақти жиҳатдан ҳам ҳар хил: сўз компоненти «ваъда», «аҳд-паймон» маъноси билан қатнашган иборалар бошқаларига нисбатан анча олдин пайдо бўлган. Бирор йиғинда музоқара ўтказиш билан боғлиқ ҳолда юзага келган иборалар, албатта, кейинчалик туғилган.

қўлдан чиқмоқ(ди) I — қўлдан чиқармоқ I (вариантлари: қўл(и)дан чиқмоқ(ди) — қўл(и)дан чиқармоқ) ва қўлдан чиқмоқ(ди) II — қўлдан чиқармоқ II

Биринчи иборада қўл сўзи «ушлаб туриш органи» маъноси билан, иккинчи иборада эса «ишлаб чиқариш қуроли» маъноси билан қатнашган. Иккинчи ибора асли қурувчилар доирасида ташкил топган, кейин умумнутқ ҳодисасига айланган.

2) Феъл компонентлари бир сўзнинг икки лексик маъноси билан қатнашган омонимия. Бундай иборалар омоформалардагина учради:

гап тегди I ва гап тегди II — гап тегизмоқ

Биринчи иборада тегмоқ феъли русча достаться сўзи англатгани каби маъноси билан, иккинчи иборада эса русча коснуться, задеть, удариться сўзлари англатгани каби маъноси билан қатнашади.

чехра(си)ни очмоқ I — чехра(си) очилди ва чехра(си)ни очмоқ II

Биринчи иборада очмоқ феъли русча открыть сўзи англатгани каби маъноси билан, иккинчи иборада эса русча раскрыть, выявить сўзлари англатгани каби маъноси билан қатнашади.

юз ўгирмоқ I ва юз ўгирмоқ II

Биринчи иборада ўгирмоқ феъли қараш мақсадидаги ҳаракатни, иккинчи иборада эса, аксинча, кўрмаслик мақсадидаги ҳаракатни билдиради (биринчисида «повернуть», иккинчисида «отвернуть» маъноси англашилади).

Д. Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлиш йўллари

Юқорида асосан фразеологик омонимиянинг турлари ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари ҳақида гапирилди. Булардан қатъи назар, фразеологик омонимиянинг қуйидагича пайдо бўлиш йўлларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

I) Ҳар бири ўзича ташкил топган ибораларнинг омонимия ҳосил этиши.

II) Бир иборадан иккинчи бир ибора ўсиб чиқиб омонимия ҳосил этиши.

Кўпчилик фразеологик омонимия биринчи йўл билан пайдо бўлган. Бундан олдинги «Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлишида улар таркибидagi сўз-компонентларнинг роли» сарлавҳаси остида худди шундай омонимия тасвирланди. Бу ўринда иккинчи йўл билан пайдо бўлган омонимияни келтирамиз.

Бир иборадан иккинчи ибора ўсиб чиқиб пайдо бўлган омонимия

Омонимиянинг бундай йўл билан пайдо бўлиши уч хил:

I. Иккинчи ибора биринчи иборанинг маъно тараққиёти натижасида пайдо бўлади. Шу жиҳатдан бундай иборалар кўп маъноли иборага ўхшаб кетади. Фарқ шундаки, ҳозирги ҳолатида бу икки омоним ибора аниқланган маъноларни бир иборанинг маънолари сифатида талқин этиб бўлмайди, бу иборалар аниқланган маънолар бир маъно занжирига бирлашмайди.

Иккинчи ибора биринчи иборанинг маъно тараққиёти натижасида пайдо бўлган омонимия жуда оз:

жон(и) бор I ва жон бор — жони бор II

Биринчи ибора жонлиларга нисбатан, биринчи навбатда кишига нисбатан ишлатилади. Ада шу иборани жонлилардан жонсиз предметга кўчириш асосида янгича бир маъно, кейинчалик мустақил ибора пайдо бўлган.

жони чиқди I ва жон(и) чиқди II — жон(и)ни чиқармоқ

Бунда ҳам иккинчи ибора метафора йўли билан ҳосил бўлган, аммо бу ибораларда кишига ҳос бир ҳаракатнинг атамаси кишининг ўзига ҳос иккинчи бир ҳаракатга кўчирилган: жон чиққанда (ўлганда) ҳам бадан оқаришиб кетади, қаттиқ газабдан ҳам кишининг рангида ўзгариш, шу жумладан оқариш юз беради.

Иккинчи ибора дастлаб жон(и) чиқди ҳолатида тугилган, шунинг ўзидаёқ биринчи иборадан фарқланиб қолган: ўсиб чиққан ибора эгаллик категорияси бўйича ўзгариш хусусиятини кашф этган. Кейинчалик иккинчи иборادا яна бир ва-

риант ҳам пайдо бўлган: жон(и)ни чиқармоқ. Бундай вариант биринчи иборада пайдо бўлиши мумкин эмас. Чунки биринчи ибора асосида ётган диний тушувида бундай вариантнинг ташкил топишига йўл қўймайди. Иккинчи иборада эса бундай диний тушунча бутунлай сўнади, унутилади.

2. Иккинчи ибора биринчи иборанинг бирор грамматик шакли асосида пайдо бўлади. Бунда иборанинг грамматик шаклларида бири маънода айримлик қозонади, шу асосда мустақил ибора даражасига ўсиб боради. Худди шундай шаклланиш аввалги иборада ҳам сақлангани туфайли омонимия пайдо бўлади.

Сўзларнинг айрим грамматик шаклларида қотиб равишланиши актив процесслардан бири бўлиб бундай ҳолат ҳозирги ўзбек тилида ҳам равиш туркумининг боғиш манбаларидан биридир. Бундай усул билан равишланиши сўзлардагина эмас, ибораларда ҳам анчагина учрайди. Физикология оморформа ҳолати ҳосил этувчи бундай иборалар қуйидагилар:

бош(и)ни емоқ (шунинг бир кўриниши: бош(и)ни еб I) ва бошини еб II

Бунда бош(и)ни еб I шакли бош(и)ни емоқ иборасининг жуда кўп функционал формаларидан биридир; бу шаклда ҳам бошқа шаклларидаги лугавий маънонинг айнан ўзи англашилади. Шундан ўсиб чиққан бошини еб II ибораси эса фақат шу шаклнинг ўзида қотиб қолгандир (қуйида саналган ибораларда ҳам худди шу каби ҳолини кўрамиз). Бундан ташқари, ўсиб чиққан ибора эгаллик аффикслари олиб турганидан маҳрум; у III шахс эгаллик аффикси билан келади ҳолос. Чунки бу ибора нарсаларга (асосан мева дарахтига) нисбатан ишлатилади, шунга кўра унинг эгалликда турланиши чекланган. Асли янги бир лугавий маънонинг юзага келиши худди шундай ҳосиланишининг маҳсулидир.

енг шимармоқ (шунинг бир кўриниши: енг-шимариб I) ва енг-шимариб II;

жон(и) куйди — жон куйдирмоқ (шунинг бир кўриниши: жон куйдириб I) ва жон куйдириб II;

зўр бермоқ (шунинг бир кўриниши: зўр бериб I) ва зўр бериб II;

«лом-мим» демаслик (шунинг бир кўриниши: «лом-мим» демай I) ва «лом-мим» демай II;

тери(си)га сигмай кетмоқ (шунинг бир кўриниши: тери(си)га сигмай I) ва тери(си)га сигмай II;

тер тўкмоқ — тер(и) тўкилди (шунинг бир кўриниши: тер тўкиб I) ва тер тўкиб II;

эс(и) кетди I (шунинг бир кўриниши: эс(и) кетиб I) ва эс(и) кетиб II.

Кўринадикки, равишдош формасида қотиб ажралиб чиққан иборалардан ҳаракат маъноси эмас, балки асосий ҳаракатнинг бажарилишини характерловчи бирор ҳолат маъноси англашилади. Бундай ибораларнинг маъносида унга асос бўлган ибораларнинг маъносидаги ҳаракат идеяси сақланмайди.

3. Ибора янгича синтактик вазифага хосланиб, шу вазифаси туфайли янги бир луғавий маъно англата бошлайди, натижада туркум жиҳатдан ҳам иккита ибора ҳақида гапириш мумкин бўлади:

турган гап I ва турган гап II

Бу иборалардан биринчиси кесим вазифасига хосланган. Шу ибора кириш бўлак вазифасида ишлатилиб, алоҳида бир маъно ва грамматик белгилар кашф этган, натижада алоҳида бир модал ибора ҳосил бўлган. Биринчи ибора грамматик замон ва модаллик категорияларининг кўрсаткичларини олади (**турган гап эди, турган гап эмиш каби**), қандай гап бўлаги вазифасида келишига қараб турли грамматик шаклга кира олади (**турган гаплигини, турган гап бўлса каби**).

Иккинчи ибора юқоридагича ўзгаришларга юз тутмайди. Модал ибора сифатида унинг **турган гапки каби** вариантыгина мавжуд (...ки боғловчиси бу бирикманинг асли гап вазифасида келганининг кўрсаткичидир).

Е. Фразеологик омонимия ва ибораларнинг „туркум“ ланиши

Ўзбек тилидаги ибораларнинг кўпи феъл туркумига тўғри келади. Фразеологик омонимиянинг ҳам асосий қисми, ўз-ўзидан, феъл туркумига тўғри келади. Бунда омонимия феъл туркумига тўғри келувчи иккита ибора орасида воқе бўлади. Омонимия ҳосил этувчи юздан ортиқ ибора ичида феълдан бошқа туркумга тўғри келувчи иборалар қуйидагилар:

1) Омонимия ҳосил этувчи ҳар икки ибора сифат туркумига тўғри келади:

а) **жон бор — жони бор II ва жон(и) бор I,**

б) **кўз(и) очиқ I ва кўз(и) очик II.**

2) Омонимия ҳосил этувчи иборалардан бири ҳолат туркумига тўғри келади, иккинчиси эса модал туркум ибораси бўлади:

турган гап I ва турган гап II.

3) Омонимия ҳосил этувчи иборалардан бири феъл туркумига, иккинчиси эса равиш туркумига тўғри келади. Ра-

вишдош формасида қотиб, ўзига асос бўлган иборадан ўсиб чиққан иборалар шундай омонимик қаторни ташкил этади:

бош(и)ни емоқ (шунинг бир кўриниши: **бош(и)ни еб I**) ва **бошини еб II** (қолган мисоллар юқорида келтирилди).

II. Фразеологик паронимлар ва параформалар

Фразеологик омонимлар ва омоформаларни шуларга ўхшаб кетувчи ҳодисалардан — фразеологик паронимлар ва параформалардан фарқ қилиш лозим.

Фразеологик омонимлар ва фразеологик паронимлар, шунингдек фразеологик омоформалар ва фразеологик параформалар бир-бирига шу қадар ўхшаш бўладики, улардан бири ўрнига иккинчисини хато ишлатиб юбориш мумкин. Масалан, қуйидаги парчада асли **етти ухлаб, туш(и)га кирмаслик** иборасини ишлатиш лозим эди. Чунки автор «музлақо ўйламаслик, кўтмаслик»ни англатмоқчи. Бунинг ўрнига ёзувчи **етти ухлаб, туш(и)да кўрмаслик** иборасини ишлатиб қўйган (бу ибора «ҳеч қачон кўрмаслик» маъносини англатади, демак, бу контекстда ундан фойдаланиб бўлмайди):

У кўёви билан шу хилда учрашишни етти ухлаб, туш(и)да ҳам кўрмаган эди (С. Зуннунова, «Гулхан» 61-бет).

Кўринадики, фразеологик паронимларни ва параформаларни ўрганишнинг фақат назарий эмас, балки амалий аҳамияти ҳам катта.

A. Фразеологик паронимлар

Баъзи иборалар ўзаро таркибидаги бирор сўз-компоненти билангина фарқ қилади, шундай фарқли компонентлар ҳам бир-бирига ўхшаш бўлади. Бундай ибораларни фразеологик паронимлар деб юритиш мумкин.

Фразеологик паронимларнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд:

1. Паронимлардан бири таркибидаги бир компонент иккинчиси таркибида бўлмайди:

кўнгл(и)ни кўтармоқ — кўнгл(и) кўтарилди ва **кўнгл(и)ни тоғдай кўтармоқ — кўнгл(и) тоғдай кўтарилди**;
ўз(и)ни қўлга олмоқ ва **қўлга олмоқ** каби.

Қўлга олмоқ ибораси полисемантик бўлиб, биринчи маъносида **ўз қўл(и)га олмоқ** вариантга эга. Шунда ҳам юқоридаги икки ибора орасида паронимлик сақланади.

2. Паронимлар ўзаро бир сўз-компоненти билан фарқ қилади:

1) таркибидаги ҳол компонент бошқа-бошқа, аммо ўхшаш

сўз бўлади: юраг(и) тарс ёрилиб кета ёзди ва юраг(и) қоқ ёрила ёзди;

2) таркибидаги тўлдирувчи компонент бошқа-бошқа, аммо ўхшаш сўз бўлади: ўз(и)ни қаерга қўйиш(и)ни билмаслик ва ўз(и)ни қаёққа уриш(и)ни билмаслик;

3) таркибидаги бошқарувчи феъл компоненти бошқа-бошқа, аммо ўхшаш сўз бўлади: етти ухлаб, туш(и)га кирмаслик ва етти ухлаб, туш(и)да ҳам кўрмаслик; икки оёғ(и)ни бир этикка суқмоқ ва икки оёғ(и)ни бир этикка тиқмоқ — икки оёғ(и) бир этикка тиқилди каби.

Б. Фразеологик параформалар

Баъзи иборалар ўзаро таркибидаги сўз-компонентлари билан фарқ қилмайди, аммо улардан бири иккинчисида йўқ грамматик шаклланиш системасига эга бўлади.

Фразеологик параформалар қуйидаги сабаблар билан юзага келади:

1. Параформа ҳосил этувчи иборалардан бири фақат эгалик аффикси олган ҳолда, иккинчиси эса фақат эгалик аффикси олмаган ҳолда келади (кейингисиди тушум келишиги аффикси ҳам ишлатилмайди):

жон(и) кирди — жон(и)ни киргизмоқ ва жон кирди — жон киргизмоқ;

кўзга кўринмоқ ва кўз(и)га кўринмоқ;

қўл(и)ни кўтармоқ ва қўл кўтармоқ I; қўл кўтармоқ II; ғам емоқ ва ғам(и)ни емоқ каби.

2. Параформа ҳосил этувчи иборалардан бири фақат бўлишли аспектда, иккинчиси эса фақат бўлишсиз аспектда келади:

бел(и) оғрийди ва бел(и) оғримайди;

қулоғ(и)га кирмаслик(ди) ва қулоғ(и)га кирмоқ(ди) каби.

Фақат бўлишсиз аспектда ишлатилувчи ибора маълум шарт-шароитда бўлишли аспектда ҳам келади. Бунда у кўпинча сўроқ формасида бўлади. Маълумки, сўроқ ҳали тасдиқ ҳам, инкор ҳам эмас. Лекин сўроқ мазмунан бўлишсизга яқин туриши аниқ. Шу сабабли фақат бўлишсиз аспектда келувчи иборани сўроқ шаклига киритиш билан бўлишли формада ишлатиш мумкин бўлади: бел(и) оғримайди иборасини бел(и) оғрийдимми?! шаклида, қулоғ(и)га кирмаслик(ди) иборасини қулоғ(и)га кирадимми?! шаклида ишлатиш мумкин. Аммо бундай ишлатишдан қатъи назар, бу ибораларда юқорида таъкидланган параформалик ҳолати сақланади.

3. Параформа ҳосил этувчи иборалар айни вақтда эгалик

аффикси билан ишлатилишида ҳам, бўлишли-бўлишсиз аспектда келишида ҳам фарқ қилиши мумкин: жон бермаслик ва жон(и)ни бермоқ каби.

4. Параформа ҳосил этувчи ибораларнинг феъл компонентлари бошқа-бошқа нисбатда бўлади, уларнинг нисбатини ўзаро ўхшаш ҳолда ўзгартириб бўлмайди:

оғз(и)га қарамоқ ва оғз(и)га қаратмоқ;

ўтиргани жой тополмаслик ва ўтқазгани жой тополмаслик каби.

5. Параформа ҳосил этувчи иборалар ҳар хил ёрдамчи феъл билан ишлатилади, биридаги ёрдамчини иккинчисида ишлатиб бўлмайди:

эс(и) оғди ёки эс(и) оғиб қолди ва эс(и) оғиб кетди;

эс-ҳуш(и)ни олиб қочмоқ ва эс-ҳуш(и)ни олиб қўймоқ каби.

6. Параформалар ўзаро айни бир феъл компонентнинг турлича бошқарувига асосланган бўлади, шу сабабли улардаги бир компонент бошқа-бошқа келишда келади: орқа(си)га тушмоқ ва орқа(си)дан тушмоқ; пай(и)га тушмоқ ва пай(и)дан тушмоқ каби.

Эрга чиқмоқ ва эрдан чиқмоқ иборалари юқоридаги мисоллардан кескин фарқ қилади: булар ўзаро антонимлар бўлиб, уларни бир-бири билан қорштириб юбориш хавфи йўқ.

III. Фразеологик омонимиклик

Эркин боғланма билан ибора орасидаги шаклан тенглик юқорида фразеологик омонимиклик деб аталган эди. Бундай омонимикликни ўрганишнинг маълум назарий ва амалий аҳамияти бор.

Фразеологик birlikларнинг қандай пайдо бўлиши ҳақидаги назарий сўроққа тўғри жавоб топиш қисман юқоридаги тур омонимикликни синчиклаб ўрганишга боғлиқ. Бунда: «Ибора ўзи каби қурилишли эркин боғланмадан ўсиб чиқади»,— деган умумий тезис янги бир нуқтан назар бўйича танқидий текширилади.

Амалий жиҳатдан эса бундай омонимикликнинг тилдаги миқёсини белгилаб олиш мумкин бўлади, тил шинавандаларига шундай луғат бойлигидан фойдаланган ҳолда сўз ўйини ишлатишга қай даражада кенг ҳаракат майдони мавжудлиги кўрсатиб берилади.

Эркин боғланмалар билан омонимик ҳолатда бўлиш барча иборалар учун умумий хусусият эмас. Ибораларнинг кўпчилиги бундан холи. «Бундай омонимиклик нимага барча ибо-

раларга эмас, балки уларнинг бир қисмигагина хос», — деган сўроқ туғилади. Бунга жавоб бериш учун ҳар икки қатлам билан — омонимиклик ҳосил этувчи иборалар билан ҳам, омонимиклик ҳосил этмайдиган иборалар билан ҳам — яқиндан танишиб чиқиш керак.

А. Эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этувчи иборалар

Бундай иборалар барча фразеологик birlikларнинг тахминан тўртдан бирига тўғри келади. «Ибора ўзи каби қурилишли эркин боғланмадан ўсиб чиқади», — деган тезисни ана шу тип ибораларга қарата айтиш мумкин. Лекин бу тезисни эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этувчи ҳар бир иборага nisбатан татбиқ этиб бўлмайди. Шу жиҳатдан юқоридаги тип иборалар икки хил:

1. Эркин боғланма ва ундан ўсиб чиққан ибора орасидаги омонимиклик.
2. Эркин боғланма ва ундан ўсиб чиқмаган ибора орасидаги омонимиклик.

1. Эркин боғланма ва ундан ўсиб чиққан ибора орасидаги омонимиклик

Кўпчиликти шу хил иборалар ташкил этади. Иккинчи хил иборалар жуда оз (тахминан 20 та биринчи хил иборага битта иккинчи хил ибора тўғри келади).

Бу ўринда биринчи хил ибораларга намуна келтириб изоҳлаш билан чеқланамиз:

авжига чиқмоқ(ди) — авжга чиқармоқ

Бу бирикма эркин боғланмага тенг бўлганида куй ёки ашуланинг авжига етиш англашилади. Куй ва ашуланинг энг баланд товуш билан чалинадиган ёки айтиладиган ўрнига авж дейилади. Шундан кўчирма олиб, куй ва ашуладан бошқа нарсаларнинг ўз тараққиётидаги энг юқори даражасига етиши ҳам авжга чиқмоқ дейилган ва шу асосда ибора юзага келган. Энди гўё авжига чиқмоқ эркин боғланмаси ундан ўсиб чиққан авжига чиқмоқ ибораси билан омонимия ҳосил этади.

Юзаки қараганда бундай муносабатни омонимиклик деб эмас, балки полисемия деб қараш тўғридек кўринади. Масалан, А. М. Бабкин шу нуқтаи назарга тарафдор. Унингча, сўзнинг тўғри маъноси билан кўчма маъноси қандай муноса-

батда бўлса, эркин боғланма билан ундан ўсиб чиққан фразеологик бирлик ҳам худди шундай муносабатда бўлади⁸.

Биринчиси билан ўсиб чиқиши жиҳатдан тўғри лексик маъно билан кўчма лексик маънонинг муносабати эркин боғланма билан ундан ўсиб чиққан иборанинг ўзаро муносабатига ўхшаш, албатта. Аммо шу асосда бу ҳодисаларни тенглаштириб бўлмайди. Тўғри лексик маъно билан кўчма лексик маънода бир тил бирлиги (луғавий бирлик) асосда иккинчи тил бирлиги (луғавий бирлик) ўсиб чиқади. Бунга тенг келувчи ҳолат фразеологик бирликларда ҳам мавжуд: кўп маъноли иборанинг бир фразеологик маъноси билан иккинчи фразеологик маъноси орасидаги муносабатни ҳақиқатда бир сўзнинг икки лексик маъноси орасидаги муносабатга тенглаштириш мумкин.

Эркин боғланма билан фразеологик бирлик эса ҳар хил қийматга эга ҳодисалар бўлиб, биринчиси (эркин боғланма) нутқ бирлиги, иккинчиси (ибора) эса тил бирлигидир. Булар иккита луғавий бирлик эмас, демак, иккита луғавий маъно эмас. Ибора тилда луғат бойлигининг таркибий қисми сифатида бир бутун ҳолда яшаса, эркин боғланма эҳтиёжга қараб ҳар гал нутқнинг ўзида тузилади.

Умуман, бундай йўл билан ўсиб чиққан ибора ўзига асос бўлган эркин боғланма билан боғланишини сақлаб туриши шарт эмас. Бора-бора бундай боғланиш сўниши, унутилиши мумкин. Масалан, амманнинг бузоғи ибораси худди шундай эркин боғланмадан ўсиб чиққанига шак-шубҳа йўқ. Аммо буларнинг ўзаро боғланиши ҳозир тамоман унутилган. Эркин боғланмада, албатта, конкрет бир амма ва конкрет бир бузоқ ҳақида сўз юритилган. Иборада эса на амман ва на бузоқни умуман тасаввур этиб ҳам бўлмайди. Иборанинг маъноси («ландавур», «лапашанг») ҳар ҳолда бузоқ сўзининг маъносига суянгани сабабли бу компонентнинг лексик маъноси билинар-билинмас сезилиб туради. Лекин шунда ҳам бузоқ сўзи ўз лексик маъноси билан қатнашаётир деб бўлмайди. Бу ибора таркибидаги амма сўзининг эса луғавий маъноси умуман сўнган. Бу ўринда гўё сўзнинг шаклигина қолган-у, мазмунан эса пучайган. Бундай компонент ибора таркибининг зарурий қисми сифатида қатнашади, шусиз ибора, демак, иборага хос луғавий маъно йўқолади.

Биз юқорида иккита иборани таҳлил қилдик. Худди шундай ибораларга (айниқса биринчи тур иборага) юзлаб мисол

⁸ Бабкин А. М. Фразеология и лексикография (Задачи русского фразеологического словаря), «Проблемы фразеологии», Изд-во «Наука», М.—Л., 1964, стр. 17, 18.

келтириш мумкин. Бундай мисолларни санашдан кўра ўқувчининг диққатини бошқа бир масалага жалб этиш ўринли.

Эркин боғланма (нутқ бирлиги) билан ибора (тил бирлиги) орасидаги бундай муносабатни одатдаги **омоним** (биздаги **омонимия**) термини билан аташдан сақландик. Чунки ҳар қандай ҳодисада бўлгани каби, омонимия ҳам қиймати ўзаро тенг ҳодисалар орасида бўлади. Акад. В. В. Виноградовга эргашиб эркин боғланма билан иборани ўзаро омоним деб кетавериш мумкин эди. Аммо бунда изчиллик қўлдан бой берилар эди. Бошқа дурустроқ термин топа олмаганимиз сабабли юқоридаги муносабатни **омонимиклик (омонимичность)** термини билан атадик.

Умуман, юқоридаги муносабатни ҳам омонимлар (бизча омонимия) деб атавериш хато бўлмайди, лекин унда омонимияни тенг ҳодисалар омонимияси (тенг омонимия) ва нотенг ҳодисалар омонимияси (нотенг омонимия) деб ҳам тасниф қилишга тўғри келади.

Демак, акад. В. В. Виноградовнинг бу фикрига қўшилиш мумкин. Аммо шу муносабат билан айтилган иккинчи бир фикрни эътирозга лойиқ деб ўйлаймиз. Акад. В. В. Виноградов эркин боғланма ва ибора таркибида қатнашган айни бир сўз ўзаро омоним бўлишини айтади. Бизнингча, иккита бутунга (эркин боғланма билан иборага) нисбатан шартли равишдагина тан олиш мумкин бўлган фикрни буларнинг қисмларига ҳам татбиқ этиш ўринли чиқмаган.

Юқорида таҳлил қилинган мисоллардан биринчи эркин боғланма ва ибора таркибида айни шу сўзларнинг ўзи қатнашаётгани аниқ кўриниб турибди. Акад. В. В. Виноградов классификациясидаги фразеологик бутунликларга тўғри келувчи бу иборادا унинг таркибидаги сўзлар ўз маъно мустақиллигини йўқотиб, иборадан англашилувчи яхлит маънога бўйсунган ҳолос.

Иккинчи эркин боғланма ва иборادا бошқачароқ ҳолни кўрамиз. Бундай иборанинг маъноси таркибидаги сўзларнинг маъноси билан изоҳланмайди (бундай ибора акад. В. В. Виноградов классификациясидаги фразеологик чатишмаларга тўғри келади). Шу сабабли бундай ибора компонентларини тўла қонли сўз деб бўлмайди. Юқорида айтилганидек, бундай компонент мазмунан пучайган бўлади. Эркин боғланмадаги шаклан ҳамда мазмунан тўла қонли сўз билан ибора таркибидаги мазмунан пучайган айни шу сўзни ўзаро омоним деб аташга етарли асос йўқ. Бири тўқ, иккинчиси пуч бўлса ҳамки, бари бир, буларни омоним сўзлар деб эмас, балки бир сўзнинг икки мавқедаги ҳолати деб қараш тўғрироқ бўлади.

2. Эркин боғланма ва ундан ўсиб чиқмаган ибора орасидаги омонимиклик

Бу тип омонимикликда иборанинг маъноси эркин боғланманинг маъносига бевосита бориб боғланмайди, бундай эркин боғланма билан ибора тилда параллел ҳолда мавжуд бўлади. Масалан, **ерга кириб кетмоқ — ерга киргизиб юбормоқ** бирикмаси эркин боғланмага тенг бўлса, ер остида яшайдиган кемирувчининг, қурт-қумурсқанинг ерга кириши тушунилади ёки қозик ва шунга ўхшаш нарсани уриб ерга кириши ҳақида гапирилади. Бундай тушунчалардан иборани келтириб чиқариш мумкин эмас. Асли бу иборанинг маъноси бошқа бир, аммо шу иборанинг туғилишига асос бўлган ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмаслик ибораси билан қиёслаб изоҳлаш мумкин. Демак, **ерга кириб кетмоқ** ибораси **ерга кириб кетмоқ** эркин боғланмасидан эмас, балки юқорида айтилган иборадан ўсиб чиққан.

Бу хил омонимиклик жуда оз. Бироқ ҳар бир мисол ўзича тараққиёт йўлини ўтгани сабабли алоҳида-алоҳида изоҳлашни талаб қилади. Қуйида шундай изоҳлар беришга ҳаракат қилдик.

Ич(и) пишди; ич(и) қизиди — ич(и)ни қизитмоқ; ич(и) қора

Булар эркин боғланма деб олинса, бирор нарсанинг ички томони ҳақида гап боради. Бунда шу нарсаларнинг ички томони ҳақиқатда пишгани, қизигани ёки қора эканлиги кўзда тутилади. Юқоридаги уч боғланма иборага тенг деб олинса, кимнингдир руҳияти, дили ҳақида гап боради. Бунда **пишмоқ, қизимоқ, қора** сўзлари ҳам ўз конкрет лексик маъноси билан қатнашмайди.

Демак, бу иборалар кўчма маъноли сўзлардан таркиб топган. Шу билан бир қаторда, тилда айти шу сўзларнинг туғри маънолари асосида тузиладиган эркин боғланмалар ҳам бор. Параллел мавжуд бўла оладиган ана шу ҳодисалар ўзаро омонимиклик ҳосил этади. Бундай эркин боғланма ўзи каби қурилишли ибора учун асос бўлиб хизмат қилмайди, албатта.

Қора(си)ни кўрсатмаслик

Бу бирикма ҳам юқоридаги уч иборага ўхшаб кетади. Эркин боғланмада **қора** сўзи туғри маъносида қатнашади, иборада эса кўчма маъноларидан бирида («силуэт»га яқин бир маъносида) қатнашади. Демак, бу ўринда эркин боғланма ва ибора бир сўзнинг бошқа-бошқа лексик маъноси замирида ташкил топади.

Нари бориб, бери келмоқ

Бу бирикма эркин боғланма сифатида бир неча қадам юриб, яна орқасига қайтишни билдиради; ибора сифатилá эса жуда қаттиқ азобланишни, ўлим ёқасига бориб қайтишни англатади. Кўринадики, иборага диний тушунча асос бўлган: бу дунёдан у дунёга ўтиш назарда тutilади. Ҳозирги ишлатишда бу иборанинг диний асослари мутлақо сўнган, шу сабабли гўё у ўзи каби эркин боғланмага боғлаб изоҳланиши лозимдек бўлиб қолган.

В. Эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этмайдиган иборалар

Барча фразеологик birlikларнинг тахминан тўртдан уч қозирги ўзбек тилида эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этмайди. «Бундай ҳолат азалийми ёки тарихий тараққиётнинг маҳсулими?»— деган сўроқ тўғилади. Шу сабабли масалага тил тараққиётининг ҳозирги босқичи нуқтаи назардан ёндашиш билан чегараланиб қолмай, тилнинг ўтмиш тарихий босқичларига ҳам озми-кўпми назар ташлаш лозим бўлади.

Эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этмайдиган иборалар моҳият эътибори билан икки гpуппани ташкил қилади:

А) Бундай ибораларнинг оз бир қисми ўзи каби қурилишли эркин боғланма билан тарихан омонимиклик ҳосил этган, аммо ҳозирги тилда (нутқда) шундай эркин боғланма тузилмай қўйган, натижада омонимиклик йўқолган.

Б) Бундай ибораларнинг кўпига ўзи каби қурилишли эркин боғланма ҳозирги тилда (нутқда) йўқ, тарихан ҳам бўлмаган.

А) ҲОЗИРГИ ТИЛДА (НУТҚДА) ЭРКИН БОҒЛАНМА БИЛАН ОМОНИМИКЛИК ҲОСИЛ ЭТМАЙ ҚУЙГАН ИБОРАЛАР

Бундай ибора таркибидаги сўз-компонентлар бир вақтлар мустақил ишлатилган, аммо ҳозир мустақил ишлатилмайдиган бўлиб қолган.

Сўз-компонентнинг мустақил ишлатилиши-ишлатилмаслиги анча кенг тушунча бўлиб, омонимиклик масаласига бир томони билангина боғланади. Ҳозир мустақил ишлатилмайдиган сўз-компонент тарихан ҳам мустақил ишлатилмаган бўлиши мумкин. Бундай сўз-компонентли ибора, ўз-ўзидан, тарихан ҳам омонимиклик ҳосил этмаган. Масалан, ёри, зое сўз-компонентлари қатнашадиган бўйн(и) ёр[и] бермади, зое кетмоқ иборалари шулар жумласидандир.

Ҳозир мустақил ишлатилмайдиган, аммо тарихан муста-

қил ишлатилган сўз-компонентли барча иборалар омонимиклик ҳосил этаверган деб ҳам бўлмайди. Масалан, бундай сўз-компонентли ибора тарихан эркин боғланмага тенг бўлиб қолиши, иборалиқдан чиқиши мумкин. Демак, бундай боғланмаларнинг иборага айланиши улар таркибидаги компонентнинг мустақил ишлатилмайдиган сўз ҳолатига ўтиши билан боғлиқ. Шундай иборалар деб **в о з кечмоқ**, **э п билмаслик**, **э п кўрмаслик** кабиларни кўрсатиш мумкин.

Мустақил ишлатилмайдиган сўз-компонент иборанинг бошқа сўз-компонентлари билан боғланишда асли борлиқдаги воқеий алоқа-муносабатни акс эттирган бўлсагина, бундай ибора эркин боғланма билан ёнма-ён мавжуд бўлган, омонимиклик ҳосил этган дейиш мумкин.

Демак, мустақил ишлатилмайдиган сўз-компонентли ибораларнинг ана шундай хусусияти бор-бир қисмитида бу ўринда изоҳланиши лозим.

Ҳозир мустақил ишлатилмайдиган, аммо тарихан мустақил ишлатилган сўз-компонентли, шу билан бирга борлиқдаги воқеий алоқа-муносабатни акс эттирувчи эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этган иборалар қуйидагилар:

1) **Бир пул бўлди**. Илгари вақтларда **бир пул**, **уч пул**, **тўққиз пул** каби эркин боғланмалар ишлатилган, бунда пул сўзи ва унга боғланиб келган сон сўз ўз конкрет қийматини англатиб келган («ярим тийин», «бир тийин», «уч тийин»). Шунга кўра **бир пул бўлди** эркин боғланмаси худди шундай қурилишли иборанинг пайдо бўлишида асос ролини бажарган.

2) **Ўтака(си)ни ёрмоқ**. Ўтака ва уни ёриб қўйиш қассобчиликда содир бўладиган реал ҳолатдир. **Ўтака** сўзи мустақил ишлатилган вақтларда **ўтака(си)ни ёрмоқ** эркин боғланмаси тузилган ва шу боғланма иборага асос бўлган.

3) **Дуч келмоқ**. Қачонлардир шу икки сўз билан эркин боғланма тузилган; кейинчалик шу боғланма асосида юзага келган ибора билан омонимиклик ҳосил этган. Ҳозир эса бундай эркин боғланма тузилмайди, фақат юқоридаги иборанига мавжуд.

4) **Йўлдан озмоқ**. Фактларнинг кўрсатишича⁹, **озмоқ** феъли қачонлардир кенг ишлатилган. Бу феълнинг мавжуд боғланишларидан **йўл** сўзи билан боғланиши бир вақтлар эркин боғланма бўлган, шу эркин боғланма иборага асос бўлган. Ҳозир эса фақат ибора сақланиб қолган¹⁰.

⁹ «Ўзбекча-русча лугат»даги **озмоқ II** ва **озмоқ III** сўзларига қаранг.

¹⁰ Бу феълнинг бошқа сўзлар билан боғланиши (ақлдан **озмоқ**, **кўнгл(и) озди** каби) тарихан ҳам эркин боғланма ҳосил этмаган; бу сўзларни ўзаро боғлашнинг ўзи иборанинг пайдо бўлишига тенг келади. Бу ҳақда кейинроқ алоҳида сўз юритилади.

Б) УЗИ КАБИ ҚУРИЛИШЛИ ЭРКИН БОҒЛАНМА ҲОЗИРГИ ТИЛДА (НУТҚДА) ИУҚ, ТАРИХАН ҲАМ БУЛМАГАН ИБОРАЛАР

Ҳозирги тилда (нутқда) эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этмайдиган ибораларнинг асосий қисми ана шундай хусусиятга эга. Бундай ҳолат «эркин боғланмадан иборага» тараққиёт йўли ибораларнинг кўп қисмига хос эмаслигини кўрсатади. Эркин боғланма билан умуман омонимиклик ҳосил этмайдиган иборалар азалдан тилда (нутқда) ибора тарзида тузилган.

Фразеологик бирлик билан ёнма-ён у каби қурилишли эркин боғланманинг бўлмаслигини икки хил изоҳлаш мумкин:

1. Бундай ҳолат тил системасининг ўзи асосида воқе бўлади.
2. Бундай ҳолат тилга ташқи факторларнинг таъсири асосида воқе бўлади.

1. Тил системасининг ўзи асосида воқе бўлиши

Бунда аввало икки факторни — семантик факторни ва грамматик факторни — ҳисобга олиш керак.

1) Семантик фактор деб қуйидагилар кўзда тутилади:

а. Ибора асосида оддий тасвир ётади, иборанинг маъноси компонентларига хос тўғри маъноларнинг бевосита умумлашмасидан иборат бўлади. Бунда гўё эркин боғланма иборага айланади, тилда иборагина яшайди: **ади-бади айтишмоқ; айтган(и) айтган, деган(и) деган; бир кун эмас-бир кун; дийдор кўришмоқ; «ҳаш-паш» дегунча** каби.

б. Иборанинг компоненти кўчма лексик маъноси билан қатнашади ва бу сўз ўзининг бошқа бирор лексик маъносида худди шундай боғланма ҳосил этиб келмайди. Бу хил иборалар у қадар кўп эмас. Кўриниб турибдики, буларда ҳал этувчи ҳолат ибора компонентининг кўчма маъно билан қатнашуви эмас (компонентнинг кўчма маъно билан қатнашуви каби ҳолат бошқа хил ибораларда ҳам, жумладан, олдинги қисмда тасвирланган ибораларда ҳам мавжуд). Ҳал этувчи ҳолат ана шундай компонентли ибората параллел равишда эркин боғланманинг тузилмаслигидир.

Масалан, кўзини билмоқ иборасида кўз сўзи «нозик томон», «сир» каби маъноси билан, кўз(и)нинг пахтаси чиқди — кўз(и)нинг пахтасини чиқармоқ иборасида пахта сўзи «оқ» маъноси билан, бир бошдан иборасида бош сўзи русча **начало** сўзи англатгани каби маъноси билан қатнашади. Нутқда худди шундай қурилишли эркин боғланмалар таркиб топмайди.

2) Грамматик фактор деб қуйидагилар кўзда тутилади:

а. Ибора калькаланиш асосида яратилган бўлади, шу сабабли бундай ибора билан шаклан тенг келувчи эркин боғланма тузилмайди. Бундай ҳол тўлиқ калькаларда ҳам, ярим калькаларда ҳам учрайди:

а) Тўлиқ калькалар: **бир овоздан** (русча **единогласно сўзининг** калькаси); **бир оғиздан** (юқоридагига параллел равишда тузилган калька, ammo кейингисини ижодий калька деб номлаш лозим: «овоз» эмас, «оғиз» асосга олинган);¹¹ **кўзга ташланмоқ** (русча **бросаться в глаза** иборасининг калькаси); **ўрнига келтирмоқ** (тожикча **бажо овардан** иборасининг калькаси) каби.

б) Ярим калькалар. Бунга тожикчадан ярим калькаланиш йўли билан яратилган қуйидаги ибораларни кўрсатиш мумкин: **бажо келтирмоқ** (**бажо овардан**); **дил(и) сиёҳ бўлди** — **дил(и)ни сиёҳ қилмоқ** (**дилаш сиёҳ шуд** — **дили касеро сиёҳ кардан**); **ер билан яксон бўлмоқ** — **ер билан яксон қилмоқ** (**бо замин яксон шудан** — **бо замин яксон кардан**) каби.

б. Эркин боғланма ибора олгани каби аффикс билан ясалмайди: **сариқ чиқалик** каби.

Худди шундай аффикс қатнашадиган **бир пуллик** ибораси билан **ёнма-ён эркин боғланма** тузиш тарихан мавжуд бўлган: у вақтда қиймати ярим тийинга тенг чақа пул амалда ишлатилган. Ҳозир эса бундай чақа пул йўқ, шу сабабли **бир пуллик** деб эркин боғланма тузиш ҳам йўқолган. Демак, бу ибора олдинги қисм учун мисол бўла олади.

в. Одатда воситали келишиклардан бирининг аффикси қатнашуви билан боғланадиган икки сўз шундай аффиксиз боғланиб қолган бўлади, бундай ибора билан **ёнма-ён** худди шундай эркин боғланма тузиб ишлатиш учрамайди, албатта. Бундай қурилишга эга иборалар жуда оз. Масалан, **босмоқ** феъли воситали келишкни бошқариб келганида унга боғланиб келадиган сўз ...га аффиксини олиб келади, ammo **ён босмоқ** иборасида биринчи компонент ...га аффикси билан келмайди. Аке ҳолда ибора йўққа чиқади.

г. Қуйидаги ибора билан **ёнма-ён** унга шаклан тенг эркин боғланманинг тузилмаслигига сабаб қилиб ҳам грамматик факторни кўрсатиш тўғри: **ер ёрилмади-ю, ерга кириб кетмас-**

¹¹ Яна қаранг: «В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университети Илмий асарлари», Ўзбек тили масалалари, янги серия, CIV чиқиши, филология фанлари. 11-китоб, САГУ нашриёти, Тошкент, 1957, 29-—31-бетлар. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент, 1965, 156-бет.

лик. Иборанинг вергул билан ажратилган ҳар икки қисми бўлишсиз формада. Худди шу сўзлар билан тузиладиган эркин боғланмада эса биринчи қисм бўлишли формада келиши шарт (иккинчи қисм икки форманинг бирида кела олади).

2. Тилга ташқи факторнинг таъсири асосида воқе бўлиши

Бунда қуйидагилар назарда тутилади:

1) Ибора асосида реал воқелик ётмайди, шу сабабли худди шундай эркин боғланма ҳам тузилмайди. Бундай ибораларда асосга олинган тасвирни икки тарзда идрок этиш мумкин:

а) Асосга олинган тасвирни мажозангина идрок этиш мумкин: бир ёқадан бош чиқармоқ(лар); бир жон-бир тан бўлмоқ; бош(и) иккита бўлди — бош(и)ни иккита қилмоқ; бурн(и)ни кўтармоқ — бурн(и) кўтарилди; жон(и)ни ҳовучлаб; жон(и) ҳалқум(и)га келди; илоннинг ёғини ялаган; кўз(и)нинг ёғини емоқ; кўнгл(и)га қўл солмоқ; отдан тушса(...) ҳам, эгардан тушмаслик; сабр коса(си) тўлди — сабр коса(си)ни тўлдирмоқ; ўз(и)ни ўз(и) еб қўймоқ каби.

б) Асосга олинган тасвирни муболаға тарзидагина идрок этиш мумкин: бош(и)да ёнғоқ чақмоқ; бош(и) кўкка етди — бош(и)ни кўкка етказмоқ; бош(и) осмонда: дунёни сув босса, тўпиг(и)га чиқмаслик(ди); кўз(и) тўрт; кўз(и) тўрт бўлади — кўз(и)ни тўрт қилмоқ; кўкраг(и) тоғдай кўтарилди; она сут(и) оғз(и)дан келди; юлдузни бенарвон урадиган; етти букилиб каби.

2) Иборанинг компонентлари англатган предмет, белги, ҳаракатнинг ўзаро боғланиши табиий, воқеий бўлмайди.

Бу тип иборалар қуйида кенг тасвирланган.

Иборанинг компонентлари англатган предмет, белги, ҳаракатнинг ўзаро боғланиши табиий, воқеий бўлмайди

Бундай ибораларда унинг компонентлари англатган предмет билан ҳаракат, предмет билан белги, белги билан ҳаракат бири иккинчиси учун хос, мансуб бўлмайди. Бундай ибораларнинг кўринишлари:

1] Феъл компоненти англатган ҳаракат от компоненти англатган предмет учун табиий, воқеий ҳаракат бўлмаган иборалар.

2] Сифат компоненти англатган белги от компоненти англатган предмет учун табиий, воқеий белги бўлмаган иборалар.

3] Сифат компоненти англатган белги феъл компоненти англатган ҳаракат учун табиий, воқеий белги бўлмаган иборалар.

1] Феъл компоненти англатган ҳаракат от компоненти англатган предмет учун табиий, воқеий ҳаракат бўлмаган иборалар

Бундай ибора мавҳум ҳаракат маъносини англатади. Бунда феъл компонент конкрет ҳаракатни англатувчи сўз бўлади. Демак, иборанинг мавҳум ҳаракат маъносини англатишида асосий таянч — от компонент. Бундай ибора таркибидаги от компонент конкрет предметни (жисмий предметни) англатувчи сўз сифатида, шунингдек мавҳум предмет ёки тушунчани англатувчи сўз сифатида қатнашуви мумкин. Бундай от компонент кўпинча мавҳум предмет ёки тушунчани англатиб келади. Бу табиий, албатта. Чунки иборадан ҳам шунга мос ҳолда мавҳум ҳаракат маъноси англашилади.

Бир қанча ибораларда эса от компонент конкрет предметни англатувчи сўз сифатида қатнашади. Аммо ҳар икки компонент конкрет предметни ва конкрет ҳаракатни англатишидан қатъи назар, иборадан мавҳум ҳаракат англашилади. Демак, бу тип ибораларда улар англатган маъно компонентларининг маъносига бевосита боғланмайди, қандайдир иккиламчи умумлаштириш, мавҳумлаштириш натижасида шаклланади.

Агар ибора компонентларининг маъно муносабатига диққат қилсак, от компонент англатган предмет ўзи учун хос бўлмаган ҳаракатга молик қилиб қўйилади. Бундай ибора билан бир қаторда эркин боғланма ҳам тузилмаслиги асли худди шу вазият билан изоҳланади. Тасвирланаётган тип иборалар оз бўлиб, уларда ҳар икки компонент сифатида ўзбекча сўз қатнашади: *мия(си) айнади; мия(си) ачиди — мия(си)ни ачитмоқ; оёғ(и) тортмади; оғиз солмоқ каби.*

От компоненти мавҳум предмет ёки тушунча англатувчи ибораларда ҳам бундай компонент англатган мавҳум предмет ёки тушунча гўё конкрет бир ҳаракатга молик қилиб тасвирланади. Ҳақиқий ҳолат асли бундай эмас.

Бундай ибораларда феъл компонент ўз тўғри маъноси билан қатнашади, шундай боғланишда у янги (кўчма) лексик маъно кашф этмайди. Худди шундай ҳолларни тасвирлашда луғатларимиз хатога йўл қўяди. Мавҳум предмет ёки тушунча англатувчи отнинг конкрет ҳаракат англатувчи феъл билан боғланишини бундай феъл учун янги бир лексик маъно деб келтириш асли шу сўз-компонентнинг ўзини идрок этиш-

нинг эмас, балки бундай сўз-компонент қатнашган иборани кўзда тутиб ҳукм чиқаришнинг маҳсулидир.

Бундай ибораларнинг барчасида феъл компонент ўзбекча сўз бўлади. От компонент сифатида ўзбекча сўз ҳам, ўзлашма сўз ҳам қатнашади. Бундай компонент сифатида қатнашадиган ўзбекча ва ўзлашма сўзлар миқдор жиҳатдан деярли тенг келади. Буни алоҳида таъкидлашга маълум зарурият бор. Ўзбекшуносликда кенг ёйилган фикрга кўра ўзбекча сўзларнинг абстракт (мавҳум) тушунча англатиш имконияти анча чекланган деб қаралади; бунда от туркумига мансуб сўзлар кўзда тутилади, албатта. Ибораларда эса мавҳум тушунча англатувчи от компонентларнинг деярли ярми ўзбекча сўзларга тўғри келишини кўрамиз.

Юқоридаги нуқтаи назардан ёндашиб мавҳум тушунча англатувчи от компонентли ибораларни шундай тасниф қилиш мумкин:

- [1] от компоненти ўзбекча сўз иборалар,
- [2] от компоненти ўзлашма сўз иборалар.

[1] Мавҳум тушунча англатувчи от компоненти ўзбекча сўз иборалар

Бундай иборалар ҳозир тасвирланаётган типдаги фразеологик бирликларнинг деярли ярмини ташкил этади. Бунда қуйидагиларни фарқлаш лозим:

- а. Мавҳум тушунчани содда негизли сўз англатади.
- б. Мавҳум тушунчани жуфт негизли сўз англатади.

а. Мавҳум тушунчани содда негизли сўз англатган иборалар

Бунда икки ҳодисани фарқлаш керак:

- а) Мавҳум тушунчани шу сўзнинг бирламчи лексик маъноси англатади.
- б) Мавҳум тушунчани шу сўзнинг иккиламчи лексик маъноси англатади¹².

а) Ибораларнинг кўпида мавҳум тушунчани шу сўзнинг бирламчи лексик маъноси англатади. Ана шундай сўз-компонентлар қуйидагилар:

дўқ сўзи: дўқ урмоқ;

¹² Баъзан от компонентнинг бирламчи лексик маъноси ҳам, иккиламчи лексик маъноси ҳам мавҳум предмет ёки тушунчани англатади. Бунда от компонент қайси лексик маъноси билан қатнашаётганини ҳисобга олиш керак. Масалан, *ич(и)* тошди ибораси таркибида *ич* сўзи ўзининг бирламчи лексик маъноси билан эмас, балки иккиламчи лексик маъноси билан қатнашаётир.

иш сўзи: ишга солмоқ; ишга тушмоқ — ишга туширмоқ;
иш(и) тушди;

кўнгил сўзи: кўнгил бермоқ; кўнгил боғламоқ; кўнгил оч-
моқ; кўнгл(и) бормади каби (бу сўз қатнашадиган иборалар жуда кўп);

ора сўзи: ора(лари)ни бузмоқ — ора(лари) бузилди;

севинч сўзи: севинч(и) ич(и)га сиғмайди;

турмуш сўзи: турмушга чиқмоқ; турмуш қурмоқ;

чирой сўзи: чирой(и) очилди;

эс сўзи: эсга олмоқ; эс(и)га келмоқ — эсга келтирмоқ;
эс(и)га солмоқ каби (бу сўз қатнашадиган иборалар анчагина);

ўз сўзи: ўз(и)га келмоқ; ўз(и)дан кетмоқ;¹³

ўй сўзи: ўй сурмоқ;

ҳордиқ сўзи: ҳордиқ олмоқ; ҳордиқ чиқармоқ каби¹⁴.

б) Мавҳум тушунчани шу сўзнинг иккиламчи лексик маъноси англатадиган иборалар ҳам анчагина. Ана шундай сўз-компонентлар қуйидагилар:

Аччиқ сўзи. «Ўзбекча-русча луғат»да бу сўз сифат тарзида берилади ва унинг олтинчи маъноси келтирилади. Бизни қизиқтирадиган маъно олтинчи лексик маъно таркибига киритилган. Шуниси характерлики, бу сўзнинг биринчи, иккинчи, учинчи, олтинчи маънолари кўп қиррали ҳолатда берилган:¹⁵ ҳам белги англатиши, ҳам шу белгини предмет тарзида ифодалашни кўрсатилган: горький||горечь, кислый||кислота, крепкий||крепость каби. Асли белги маъносини предмет маъносидан ажратиш маъқул. Лекин бу маънолар орасидаги яқинлик икки лексик маъно ҳақида гапиришга йўл бермаса керак. Булардан қатъи назар, олтинчи маънони ҳақиқатда предмет маъноси сифатида муस्ताқил бериш дуруст эди (бу пунктда саналган белги маъносини эса бешинчи маънога қўшиб юборса бўлади).

Аччиқ сўзи мавҳум предметни англатувчи от сифатида

¹³ Ҳозирги ўзбек тилида ўз сўзи ўзлик олмоши деб қаралади. Тарихан ёндашсак, олмошдик маъноси бу сўзнинг иккиламчи маъноси бўлиб чиқарди (асли шу маънода ҳам бу сўз олмош эмас, балки таъкидловчи сўз базифасини бажаради: мен ўзим, ўз фикрим каби). Юқоридаги каби иборалар таркибида бу сўз (ўз) от сифатида қатнашиб сақланиб келаётганини кўрамиз.

¹⁴ Бир неча иборада феъл компонент сифатида мавҳум ҳаракатни англатувчи сўз қатнашади: кўз(и) пишди — кўз(и)ни пишитмоқ (асли пишмоқ эмас, пишимоқ феъли қатнашади); кўз(и) қиймади каби. Кейинги ибора таркибидаги феъл компонент иккиламчи лексик маъноси билан қатнашади.

¹⁵ Айни бир маънонинг русчага сифат ва равиш билан таржима қилиниши икки лексик маъно эмас, албатта. Биз буни назардан соқит қилдик.

қуйидаги иборалар таркибида қатнашади: аччиғ(и)дан тушмоқ; аччиғ(и) келди — аччиғ(и)ни келтирмоқ; аччиғ(и) қистаб кетди каби.

Кўз сўзи. Бу сўз иштирокида тузилган иборалар жуда кўп. Шуларнинг анчагина қисмида бу сўз иккиламчи лексик маъноси билан қатнашади¹⁶.

Кўз сўзи мавҳум предметни англатувчи от сифатида «назар» маъноси билан қуйидаги иборалар таркибида келади: кўз(и)ни олмоқ; кўз(и) тушди; кўз ташламоқ; кўз уриштирмоқ; кўз югуртирмоқ каби.

Кўз(и) кўз(и)га тушди иборасида эса биринчи компонент иккиламчи лексик маъносида («назар» маъносида), иккинчи компонент эса бирламчи лексик маъносида («қараш органи» маъносида) қатнашади.

Кўз сўзи «чама», «мўлжал» маъноси билан келган ибора ҳам мавжуд: кўз(и) етди каби.

Мия сўзи. Бу сўзнинг бирламчи лексик маъноси — анатомик органини англатиши («мозг»). Қуйидаги иборада бу сўз шу лексик маънодан метонимик кўчириш асосида туғилган мавҳум маънода («ўй», «идрок», «фаҳм») қатнашади: мия(си)га келмоқ.

Оғиз сўзи. Бу сўзнинг бирламчи лексик маъноси — анатомик органини англатиши («рот»). Узи қатнашган ибораларнинг кўпида бу сўз ана шу бирламчи лексик маъноси билан келади. Бунда оғизнинг физиологик фаолияти диққат марказида туради. Қуйидаги ибораларда эса оғиз сўзи иккиламчи лексик маъноси билан қатнашади, бунда оғизнинг нутқ органилик вазифаси диққат марказида туради: оғз(и) бормади; оғзига тушмоқ каби.

Тил сўзи. Бу сўзнинг бирламчи лексик маъноси — анатомик органини англатиши («язык»). Бир қанча ибораларда бу сўз ана шу бирламчи маъноси билан келади. Бундан ташқари, қатор ибораларда бу сўз иккиламчи лексик маъноси билан қатнашади. Қуйидаги ибораларда бу сўз «нутқ», «нутқ органи» маъноси билан қатнашади: тил бириктирмоқ; тилга келмоқ; тилга кирмоқ; тилга олмоқ; тил(и) бормади; тилига тушмоқ каби.

Юз сўзи. Бу сўз ўзи қатнашган ибораларнинг кўпида бирламчи лексик маъноси билан (анатомик органини англатиб) келади. Бир неча иборада бу сўз мавҳум маъноси билан қатнашади. Масалан, юз(и)га солмоқ; юз(и)дан ўта олмаслик ибораларида «юз-хотир» маъноси билан, юз(и) чидама-

¹⁶ Бирламчи лексик маъносида бу сўз конкрет предметни англатувчи от бўлади.

ди иборасида эса «номус, уят, андиша» маъноси билан келади.

Сўз сўзи. Бу сўзнинг бирламчи лексик маъноси ҳам мавҳум маъно («слово»). Бундан қатъи назар, бу сўз ўзининг иккиламчи мавҳум лексик маънолари билан қуйидаги иборалар таркибида қатнашади: сўз(и)дан қайтмоқ («аҳд» маъноси билан қатнашади); сўз(и)да қаттиқ турмоқ; сўз(и)ни қайтармоқ; сўз(и) ўтди — сўз(и)ни ўтказмоқ каби (кейинги ибораларда бу сўз «фикр» маъноси билан қатнашади).

б. Мавҳум тушунчани жуфт негизли сўз англатган иборалар

Бундай жуфт негизлар у қадар кўп бўлмай, материал жиҳатдан:

- а) сифат сўзлар бўлади: оқ-қорани танимоқ каби;
- б) олмош сўзлар бўлади: «сан-ман»га бормоқ каби;
- в) тасвирий сўзлар бўлади: ади-бадига бормоқ каби;
- г) ҳозирги ўзбек тилида мустақил ҳолда маъно англатмайдиган қисмлардан тузилган бўлади: энкатенқа(си) чиқди каби.

Кўринадики, бу сўзлар жуфтлашмаган ҳолда бошқа маънони англатади (ёки умуман маъно англатмайди), жуфтлашиб келганида эса тамоман бошқа бир маънони англатади.

[2] Мавҳум тушунча англатувчи от компоненти ўзлашма сўз иборалар

Бундай компонент асли ё тожикча, ё арабча сўз бўлиб чиқади.

а) Мавҳум тушунча англатиб қатнашган тожикча сўзлар:

- бардош сўзи: бардош бермоқ;
- баҳо сўзи: баҳо бермоқ;
- гап сўзи: гап(и)га кирмоқ; гап(лари) бир жойдан чиқди; гапни бир жойга қўймоқ(лар); гап отмоқ; гап-ташламоқ; гап қайтармоқ; гап қистирмоқ; гап қотмоқ каби;
- зарда сўзи: зарда(си) қайнади;
- зеб сўзи: зеб бермоқ;
- зўр сўзи: зўр бермоқ;
- маза сўзи: маза(си) кетди; маза(си) қочди — маза(си)ни қочирмоқ;
- меҳр сўзи: меҳр(и) тушди; меҳр қўймоқ;
- ном сўзи: ном чиқармоқ;
- обрўй[й] сўзи: обрўй(и)ни кўтармоқ — обрўй(и) кўтарилди;
- обрўй(и)ни тўкмоқ — обрўй(и) тўкилди; обрўй(и) ошди —

обрўй(и)ни оширмақ; обрўй(и) тушди — обрўй(и)ни туширмақ;

оро сўзи: оро бермоқ;

парвой сўзи: парвой(и)га келтирмаслик;

рўёб сўзи: рўёбга чиқмоқ(ди) — рўёбга чиқармоқ;

сазо сўзи: сазо(си) ўлмади — сазо(си)ни ўлдирмаслик;

умид сўзи: умид(и)ни узмоқ — умид(и) узилди;

ғаш сўзи: ғаш(и)га тегмоқ; ғаш(и) келди — ғаш(и)ни келтирмақ (луғатларда бу сўз асли арабча деб ҳам кўрсатилади);

хуш сўзи: ақл-у хуш(и)ни йўқотмоқ; эс-хуш(и)ни йиғмоқ; хуш(и)дан кетмоқ; хуш(и) кетди; хуш(и)ни йўқотмоқ каби.

б) Мавхум тушунча англатиб қатнашган арабча сўзлар (булар тожикча сўзлардан қарийб икки баробар кўп):

авж сўзи: авжга миномақ(ди) — авжга миномирмоқ; авжга етмоқ; авж олмоқ;

авзо сўзи: авзо(и) бузилди; авзо(и) бузуқ;

адаб сўзи: адаб(и)ни бермоқ; адаб(и)ни емоқ;

амал сўзи: амалга ошмоқ(ди) — амалга оширмақ;

ақл сўзи: ақл(и) етади; ақл(и) кирди; ақл(и)ни емоқ;

ақл(и)ни танимоқ; ақл-у хуш(и)ни йўқотмоқ;

аҳамият сўзи: аҳамият бермоқ;

балоғат сўзи: балоғатга етмоқ;

ваҳима сўзи: ваҳима босди; ваҳимага солиб қўймоқ; ваҳимага тушмоқ;

дарак сўзи: дарак бермоқ;

жавоб сўзи: жавоб бермоқ; жавоб қайтармоқ;

жазо сўзи: жазо(си)ни бермоқ;

жаҳл сўзи: жаҳл(и) чиқди — жаҳл(и)ни чиқармоқ;

зарар сўзи: зарар етказмоқ, зарар(и) тегди; зарар келтирмақ; зарар кўрмақ;

зеҳн сўзи: зеҳн солмоқ;

иззат сўзи: иззати нафс(и)га тегмоқ;

ихлос сўзи: ихлос(и) қайтди — ихлос(и)ни қайтармоқ; ихлос қўймоқ;

ишқ сўзи: ишқ(и) тушди;

кайф сўзи: кайф(и)ни бузмақ — кайф(и) бузилди; кайф(и)

учди — кайф(и)ни учирмоқ;

луқма сўзи: луқма ташламоқ;

малол сўзи: малол келмоқ(ди);

маълумот сўзи: маълумот бермоқ;

маъқул сўзи: маъқул кўрмақ; маъқул топмоқ; маъқул тушмоқ;

меъда сўзи: меъда(си)га тегмоқ(ди);

муҳаббат сўзи: муҳаббат қўймоқ;

назар сўзи: назар(и)га илмаслик — назар(и) илмади; назар(и)дан қолмоқ;
 нафс сўзи: иззати нафс(и)га тегмоқ; нафс(и) олинди;
 оила сўзи: оила қурмоқ;
 раҳм сўзи: раҳм(и) келди — раҳм(и)ни келтирмоқ;
 руҳ сўзи: руҳ(и)ни кўтармоқ — руҳ(и) кўтарилди; руҳ(и) тушди — руҳ(и)ни туширмоқ;
 савод сўзи: савод(и) чиқди — савод(и)ни чиқармоқ;
 танбеҳ сўзи: танбеҳ(и)ни бермоқ;
 ташвиш сўзи: ташвишга солмоқ; ташвишга тушмоқ; ташвиш тортмоқ;
 таъзир сўзи: таъзир(и)ни бермоқ; таъзир(и)ни емоқ;
 удда сўзи: уддасидан чиқмоқ;
 умр сўзи: умр кўрмоқ; умр ўтказмоқ;
 фикр сўзи: фикр(и)дан ўтказмоқ;
 футур сўзи: футур етказмоқ;
 хабар сўзи: хабар бермоқ; хабар олмоқ; хабар топмоқ;
 хаёл сўзи: хаёл(и)га келмоқ(ди) — хаёл(и)га келтирмоқ;
 хаёл(и)дан ўтмоқ(ди) — хаёл(и)дан ўтказмоқ; хаёл сурмоқ;
 халал сўзи: халал етди — халал етказмоқ;
 эътибор сўзи: эътибор бермоқ;
 ғазаб сўзи: ғазабга келмоқ — ғазабга келтирмоқ; ғазаб(и) қайнади — ғазаб(и)ни қайнатмоқ;
 ҳавас сўзи: ҳавас(и) келди — ҳавас(и)ни келтирмоқ;
 ҳайрат сўзи: ҳайратда қолмоқ — ҳайратда қолдирмоқ;
 ҳайрон сўзи: ҳайрон қолмоқ;
 ҳол сўзи: ҳолдан кетмоқ — ҳолдан кетказмоқ; ҳолдан тоймоқ — ҳолдан тойдирмоқ каби.

2) Сифат компоненти англатган белги от компоненти англатган предмет учун табиий, воқеий белги бўлмаган иборалар

Бундай иборалар таркибидаги от компонент асосан мавҳум предметни англатади (конкрет предметни англатувчи отлар ҳам учрайди). Мавҳум маъно англатувчи от компонент бундай ибораларда ҳам одатда асли ўзлашма (тожикча ёки арабча) сўз бўлади, конкрет маъно англатувчи от компонент эса ўзбекча сўз бўлади.

Компонентларининг ўринлашуви жиҳатдан бундай иборалар уч хил: 1) от + сифат, 2) сифат + от, 3) от + сифат — сифат + от.

Сифат компонент аниқловчи вазифасида келса ҳам, кесим вазифасида келса ҳам, бари бир, бу сифат англатган белги от компонент англатган предмет учун табиий, воқеий белги

бўлмайди. Гўё предметга унга хос бўлмаган белги тиркалади, аниқроғи, бошқа бир предметга хос белги ана шу предметга кўчирилади. Бунинг кўринишларига мисоллар:

1) от + сифат кўринишига: вақт(и) чоғ; димоғ(и) чоғ; кайф(и) бузуқ; кайф(и) чоғ; кўнгл(и) бўш, кўнгл(и) кенг, кўнгл(и) тоза, кўнгл(и) тўқ, кўнгл(и) хира, кўнгл(и) қора, обрўй(и) баланд, ора(лари) очиқ, таъб(и) тирриқ, таъб(и) хира, феъл(и) кенг, феъл(и) тор, эс(и) паст, юз(и) ёруғ, юз(и) шувут, қўл(и) баланд каби;

2) сифат + от кўринишига: енгил табиат, катта гап, майда гап, содда дил, соф дил; шу тип иборалардан ясалган мавҳум маъноли от иборалар: очиқ кўнгиллик, оқ кўнгиллик, содда диллик, соф диллик каби;

3) от + сифат — сифат + от ёки сифат + от — от + сифат кўринишига: а) кўнгл(и) юмшоқ — юмшоқ кўнгил, кўнгл(и) қаттиқ — қаттиқ кўнгил, чехра(си) очиқ — очиқ чехра[ли], қўл(и) очиқ — очиқ қўл; б) очиқ кўнгил — кўнгл(и) очиқ, оқ кўнгил — кўнгл(и) оқ, қора юрак — юрак(и) қора каби.

3) Сифат компоненти англаган белги феъл компоненти англаган ҳаракат учун табиий, воқеий белги бўлмаган иборалар

Бу тип ибораларда асли предметга хос белги ҳаракатга мансуб белги тарзида гавдаланади. Ҳаракатнинг белгисини бундай ибораларда равиш эмас, балки сифат англадиб келади. Бундай иборалар у қадар кўп эмас: баланд келмоқ; енгил тортмоқ, катта гапирмоқ, катта кетмоқ, кўз(и)га иссиқ кўринмоқ, кўз(и)га совуқ кўринмоқ, лаққа тушмоқ, мос келмоқ, устун келмоқ, яқин олмоқ, қаттиқ турмоқ каби.

Қисқа хулосалар

1. Омонимия ибораларда ҳам мавжуд. Фразеологик омонимия лексик омонимия билан биргаликда луғавий омонимияни ташкил этади.

2. Фразеологик омонимия деб иборалар орасидаги шаклан тенглик ҳодисаси тушунилади.

3. Фразеологик омонимиядан тубдан фарқ қилувчи иккинчи бир ҳодиса ҳам мавжуд. Бу — эркин боғланма билан ибора орасидаги шаклан тенглик ҳодисаси. Бундай муносабатни фразеологик омонимиядан ажратиб аташ ва ўрганиш зарур. Ишда бундай муносабат фразеологик омонимиклик деб юритилди.

4. Фразеологик омонимияни ибораларнинг барча вариантлари бўйича ўрганиш ва белгилаш керак.

5. Фразеологик омонимияда ҳам тўлиқ омонимия ва тўлиқсиз омонимия мавжуд. Тўлиқсиз омонимиянинг фақат омофон туригина бор.

6. Фразеологик омонимияда ҳам омонимлар ва омоформалар мавжуд. Кўпчиликни омоформалар ташкил этади.

7. Омоформаларнинг иборалардаги кўринишлари сўзлардаги ҳолатдан кескин фарқ қилади. Бунга ибораларнинг мураккаб грамматик структурага эгаллиги олиб келади.

8. Фразеологик омонимларнинг пайдо бўлишини белгилашда бу иборалар таркибидаги сўз-компонентларнинг мавқеини ва муносабатини алоҳида аҳамият бериб ўрганиш зарур. Шундай ёндашув омонимияга олиб келувчи сабабларни аниқлашда ёрдам беради.

9. Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлиш йўллари лексик омонимиядаги ҳолатнинг ўзи.

10. Фразеологик омонимлардан ва фразеологик омоформалардан фразеологик паронимлар ва фразеологик параформаларни фарқлаш лозим. Кейинги икки термин билан ўзаро шаклан жуда ўхшаш бўлган иборалар аталди.

11. Фразеологик омонимиклик ва фразеологик омонимия параллел ҳодисалардир. Ўзаро омонимия ҳосил этувчи иборалардан ҳар бири ўз навбатида омонимиклик ҳосил этиб туриши мумкин.

12. Фразеологик омонимиклик фразеологик birlikларнинг ярмидан оз қисмига хос. Кўпчилик ибораларнинг эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этмаслиги «эркин боғланмадан иборага» тараққиёт йўли анча чекланган эканлигидан дарақ беради.

13. Ибораларнинг оз бир қисми ўзи каби қурилишли эркин боғланма билан тарихан омонимиклик ҳосил этган, ammo ҳозирги тилда (нутқда) шундай эркин боғланма тузилмай қўйган, натижада омонимиклик йўқолган.

14. Омонимиклик ҳосил этмайдиган ибораларнинг кўпига ўзи каби қурилишли эркин боғланма ҳозирги тилда (нутқда) йўқ, тарихан ҳам бўлмаган. Булар азалдан тилда (нутқда) ибора тарзида тузилган.

15. Фразеологик birlik билан ёнма-ён у каби қурилишли эркин боғланманинг бўлмаслигини тил системасининг ўзи асосида ёки тилга ташқи факторларнинг таъсири асосида изоҳлаш мумкин.

АДАБИЁТ

Фразеологияга бағишланган ишларнинг библиографияси «Проблемы фразеологии. Исследования и материалы» (Изд-во «Наука», М.—Л., 1964) тўпламида эълон қилинган. Бу рўйхат эса қўлингиздаги ишда тилга олинган маъналарнинг фразеологияга оид қисминини қамраб олади (бу рўйхатга автор ўз ишларини киритмади).

- Авалгани Ю. Ю., Ройзензон М. И. О разграничении синонимии и вариантности в области фразеологических единиц, «Тезисы докладов IX координационного совещания по вопросам фразеологии», Баку, 1964, стр. 33—37.
- Апресян Ю. Д. Фразеологические синонимы типа «глагол + существительное» в современном английском языке. Автореф. канд. дисс., М., 1956.
- Апресян Ю. Д. Фразеологические синонимы в современном английском языке (тип «глагол+существительное»), «Ученые записки Первого Московского гос. пед. института иностранных языков», том 15, Грамматика, лексикология и стилистика, 1957, стр. 241—284.
- Бабкин А. М. Фразеология и лексикография (Задачи русского фразеологического словаря), «Проблемы фразеологии...», М.—Л., 1964, стр. 7—36.
- Бабкин А. М. Лексикографическая разработка русской фразеологии, Изд-во «Наука», М.—Л., 1964.
- Бертагаев Т. А. и Зимин В. И. О синонимии фразеологических словосочетаний в современном русском языке, «Русский язык в школе», 1960, № 3, стр. 4—9.
- Бивович Л. Э. О многозначности идиом, «Иностранные языки в школе», 1952, № 5, стр. 29—36.
- Васильев Л. М. Несколько замечаний о лексико-фразеологической синонимике русского языка, «Ученые записки Башкирского гос. университета», вып. 8, 1961, серия филологических наук, номер 2(6), Материалы и наблюдения по русскому языку, стр. 29—43.
- Виноградов В. В. Об основных типах фразеологических единиц в русском языке, «Труды комиссии по истории АН СССР», вып. 3, «А. А. Шахматов. Сборник статей и материалов», Изд-во АН СССР, М.—Л., 1947, стр. 339—364.

- Вольф Е. М. О синонимии глаголов и устойчивых словосочетаний, «Иностранные языки в школе», 1957, № 3, стр. 23—31.
- Галкина-Федорук Е. М. Современный русский язык. Лексика, Изд-во МГУ, М., 1954.
- Зибуцайте Э. И. Типы различий между глагольными фразеологическими синонимами современного французского языка, «Ученые записки Московского гос. пед. института», том 183а, Вопросы французской филологии, 1962, стр. 168—226.
- Зульфигарова Ф. И. Идиоматические выражения в персидском языке. Автореферат канд. дисс., Баку, 1964.
- Каменецкайте Н. Синонимия простых (не метафорических) глагольных фразеологических единиц в современном английском языке, «Ученые записки Вильнюсского гос. университета», том 26, Языкознание, 1958, стр. 185—202.
- Каменецкайте Н. Синонимия метафорических фразеологических единиц в современном английском языке, «Ученые записки Вильнюсского университета», том 4, серия историко-филологических наук, 1958, стр. 285—307.
- Кирсанова Н. А. О некоторых семантических признаках фразеологических единиц (к вопросу о многозначности и синонимике в сфере фразеологии), «Проблемы фразеологии...», стр. 84—91.
- Жраморенко Г. И. Фразеологические варианты в идиоматике современного немецкого языка, Смоленск, 1961.
- Краснов Ф. А. О синонимических соответствиях разговорно-просторечных фразеологических единиц в прозе Н. С. Лескова, «Ученые записки Киргизского университета», Филологический факультет, вып. 4, 1957, стр. 187—199.
- Куниин А. Некоторые вопросы английской фразеологии, «Англо-русский фразеологический словарь», Изд-во нац. и ин. словарей, М., 1955, стр. 1444—1450.
- Ляндо Р. Л. К вопросу об отличии вариантов фразеологических единиц от синонимических фразеологизмов в современном французском языке, «Ученые записки Московского гос. пед. института», том 183, Вопросы французской филологии, 1962, стр. 257—283.
- «Проблемы фразеологии. Исследования и материалы», Изд-во «Наука», М.—Л., 1964.
- Савицкая С. Н. Об устойчивости фразеологических единиц (на материале английского языка), «Вопросы теории английского и немецкого языков», Киевский институт народного хозяйства, Киев, 1962, стр. 40—45.
- Савицкая С. Н. Фразеологические единицы с модальным значением и омонимичные им сочетания слов в современном английском языке, «Вопросы теории английского и немецкого языков», Киев, 1962, стр. 46—60.
- Сидоренко М. Фразеологические синонимы в современном русском языке, «Сборник студенческих научных работ Ростовского-на-Дону гос. пед. института», 1959, вып. 2(35), стр. 47—56.
- Такишвили А. А. Фразеологическая синонимия (на материале грузинского языка), «Тезисы докладов IX координационного совещания по фразеологии», Баку, 1964.
- Хазанович А. П. Типы синонимов в идиоматике современного немецкого языка, «Ученые записки ЛГУ», номер 2, вып. 45, серия филологических наук, Вопросы лексикологии, стилистики и сопоставительного изучения языков, 1959, стр. 113—127.

- Чернышева И. И. Явления синонимии в фразеологии немецкого языка, «Иностранные языки в школе», 1960, № 6, стр. 100—107.
- Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка, Изд-во «Просвещение», М., 1964.
- Шкляр В. Т. Фразеологические синонимы в трилогии Ф. В. Гладкова, «Труды Иркутского гос. университета», том 26, вып. 1, серия языкознания, 1958, стр. 143—165.
- Шкляр В. Т. О фразеологических синонимах в русском языке, «Труды кафедр русского языка вузов Восточной Сибири и Дальнего Востока», вып. 2, 1962, стр. 112—132.
- Шумилов Н. Ф. О фразеологических синонимах современного русского языка, «Ученые записки Великолукского гос. пед. института», вып. 19, 1962, стр. 80—83.



МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ	3
ФРАЗЕОЛОГИК ПОЛИСЕМИЯ	5
I. Фразеологик полисемиянинг миқёси	7
II. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг миқдори	9
III. Бир иборага бирлашувчи фразеологик маъноларнинг ўзаро муносабати	12
Қисқа хулосалар	45
ФРАЗЕОЛОГИК СИНОНИМИЯ	47
I. Фразеологик синонимиянинг миқёси	61
II. Бир уяга бирлашувчи ибораларнинг (фразеологик маъноларнинг) миқдори	61
III. Фразеологик синонимия ва ибораларнинг «туркум»ланиши	62
IV. Фразеологик синонимия ва полисемия	63
V. Фразеологик синонимларнинг ўхшаш ва фарқли томонлари	69
VI. Лексик-фразеологик синонимия ҳақида	128
Қисқа хулосалар	128
ФРАЗЕОЛОГИК ВАРИАЦИЯ	132
I. Вариантланишнинг миқёси ва миқдори	146
II. Вариантланишнинг турлари ва хиллари	146
Қисқа хулосалар	197
ФРАЗЕОЛОГИК АНТОНИМИЯ	201
I. Иборалардаги полисемия ва фразеологик антонимия	202
II. Иборалардаги синонимия ва фразеологик антонимия	203
III. Фразеологик антонимия ва ибораларнинг лексик таркиби	204
IV. Фразеологик антонимия ва ибораларнинг «туркум»ланиши	207
V. Фразеологик антонимиянинг миқёси	207
VI. Лексик-фразеологик антонимия ҳақида	208
Қисқа хулосалар	209
ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМИЯ ВА ФРАЗЕОЛОГИК ОМОНИМИКЛИК	210
I. Фразеологик омонимия	214
A. Фразеологик омонимиянинг миқёси. Омонимик қаторда ибораларнинг миқдори	215
B. Фразеологик омонимия ва ибораларнинг вариантланиши	216
B. Фразеологик омонимиянинг турлари	219

Г. Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлишида улар таркибидаги компонентларнинг роли	227
Д. Фразеологик омонимиянинг пайдо бўлиш йўллари	234
Е. Фразеологик омонимия ва ибораларнинг «туркум»-ланиши	236
II. Фразеологик паронимлар ва параформалар	237
А. Фразеологик паронимлар	237
Б. Фразеологик параформалар	238
III. Фразеологик омонимиклик	239
А. Эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этувчи иборалар	240
Б. Эркин боғланма билан омонимиклик ҳосил этмайдиган иборалар	244
Қисқа хулосалар	256
Адабиёт	258



АХМЕТ БАЙТҮРСЫНҲУЛЫ
ЭТИНДАРЫ

На узбекском языке

Ш. РАХМАТУЛЛАЕВ

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ
УЗБЕКСКОЙ ФРАЗЕОЛОГИИ

Издательство «Фан» УзССР

Ташкент — 1966

ТІЛ БІЛІМІ
ИНСТИТУТЫ

Муҳаррир *Р. Қучқортоева*
Техмуҳаррир *Х. Қорабоева*
Корректорлар *М. Алиева, Н. Раҳимова*

P00129. Теришга берилди 14/I-66 й. Боснишга рухсат этилди 14/II-66 й. Формати 60×90^{1/16}—
8,25 қогоз л. 2—16,5 босма л. Ҳисоб-нашриёт л. 15,2. Нашриёт № 290. Тиражи 650.
Баҳоси 1 с. 29 т.

Ўзбекистон ССР «Фан» нашриётининг босмахонаси, Л. Б. Шастри кўчаси, 21. Заказ 26.
Нашриёт адреси: Гоголь кўчаси, 70.

ЯҚИНДА „ФАН“ НАШРИЁТИ

Олим Усмон, Ренат Дониёровнинг

«РУСЧА-ИНТЕРНАЦИОНАЛ СЎЗЛАР ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ»

номли асарини босмадан чиқарди.

Бу луғатда рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар, шунингдек, ўзбекча газета ва журналларда, илмий-оқмабон ва ижтимоий-сиёсий асарларда, илмий-техникавий адабиётларда учрайдиган русча-интернационал ва илмий-публицистик терминлар изоҳ қилинади, уларнинг келиб чиқиши ҳақида қисқача маълумот берилади. Бу жиҳатдан у энциклопедик характердаги янгича бир луғат ҳисобланади.

Луғат кенг ўқувчилар оmmasига, газетхон ва китобхонларга, хусусан, ўрта мактаб талабалари ва муаллимларига ҳамда студентлар ва зиёдиларга мўлжалланган.

ТИЛ БИЛИМИ
ИНСТИТУТИ

АХМЕТ БАЙТҰРСЫНҰЛЫ
СТЫНДАҒЫ



ТІЛ БІЛІМІ
ИНСТИТУТЫ

